

ИСЛОДЧ  
С 48

07

# ИЛОВАҚ ҲИҚОЯЛДРИ



**Москва Давлат бадний адабиёти нашриётининг  
1956 йил нашридан**  
**МАНСУР ЮСУФИЙ**  
**таржиаси**

## **С У З Б О Ш И**

Словак адабиети — ўз мустақил миллий тараққиёт ҳуқуқиниң сақлаб қолиш учун кўп асрлар мобайнида курашиб келган халқнинг адабиётидир.

Биринчи йирик ғарбий славян бирлашмаси — Буюк Морава давлати 904 йилда венгерлар зарбаси остида узил-кесил қулаганидан кейин, ҳозирги словак миллатининг негизини ташкил этган славян қабилалари босқинчилар томонидан оёқ ости қилинди. Словак халқининг шундан кейинги ўн асрлик тарихи венгр ассилияторларига, Венгрияниң (шу жумладан Словакияниң ҳам) Австрия империясига (1526) кирганидан кейин эса, австрийс ассилияторларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши саҳифалари билан тўлиб тошгандир. Венгр ва австрийс ассилияторлари «словаклар қаддини букиб», уларда миллий мустақиллик ҳиссени сўндиришга, славян халқлари билан қон-қардошлик туйғуларини йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилдилар.

Бу курашнинг асосий оғирлиги словак дәхқонларининг зими масига тушди. Дворянлар мадъярлаштирилди, немислаштирилди, оғир дақиқаларда буржуазия ўз халқига хиёнат қилди, фақат, қишлоқгина словаклигича қолди.

Социал ва миллй зулм остида иккى ёқлама эзијлган словак меҳнаткашларининг ҳаёти ниҳоятда оғир эди. Тогли Словакияда маҳсулдор ерлар кам, борлари ҳам помешчикларники эди. Очлик—дәхқон хонадонининг доимий йўлдоши эди. Айниқса, ҳосил унмаган йиллари бутун-бутун қишлоқлар қирилиб кетар эди. Шундай бўлишига қарамай, ҳеч қандай машаққатлар меҳнаткаш словак халқида яхши замонларни, баҳтиёр кунларни кўришга бўлган орзуни сўндира олмади. Шонли ўтмиш ҳақидаги халқ хотиралари ёнг азиз нарсадек сақланди, нақллар, эртаклар, ўзининг гўзаллиги билан тенги бўлмаган ажойиб словак халқ ашулалари авлоддан-авлодга ўтиб келди.

**XIX** асрнинг 40 йилларида, Европада революцион қайғиятлар мислииз кучайган йилларда, Австрия империясидаги мазлум халқлар ўртасида миллий озодлик ҳаракати зўр куч билан авж олиб кетди. Бу пайтда прогрессив арбоблардан иборат «штурачилар» группаси (группа ўз йўлбошчиси Людевит Штуранинг номи билан аталган эди) Словакияда миллий кураш ҳаракатига бошчилик қўлди. Штурачиларининг буюк хизмати, халқ тили асосида словак адабий тилини яратиш бўлди. Шунгача, маданий тараққиётига асимиляторлар бутун кучи билан қаршилик кўрсатиб келаётган словакларнинг ёзув тили йўқ эди. Словакияда венгр тили давлат тили ҳисобланар, мактабларда шу тилда таълим берилар, китоблар ҳам шу тилда нашр этилар эди.

40 йилларда ўтказилган тил реформасидан кейин миллий адабиёт гуркураб яшнади. Дастрлаб, у асосан романтик тус олди. Ёзувчилар ва романтик шоирлар халқни золимларга қарши курашга чақирап эканлар, одатда ўз асарларининг мазмунини қадимги ўтмишга боғлар эдилар, чунки, ўтмиш қаҳрамонларининг баҳодирликлари халқни олижаноб буюк ишларга илҳомлантириши керак эди. Олдиндан белгилаб қўйилган схемага бўйсунишлиқ, абстрактлик, шубҳасиз романтикларнинг энг яхши асарларини ҳам сунъий бўлиб чиқишига олиб келди.

Аммо, словак ватанпарвар ёзувчиларининг кейинги авлоди бу нуқсондан қутулди. Улар ўз ватанларининг тақдирни ҳақида ўйлар эканлар, бевосита халқ турмушига мурожаат қўлдилар, халқнинг мусибатли, ҳуқуқсиз кун кечириши ва доимо оч-яланғоч яшаши ватанпарвар ёзувчиларда ғазаб ва нафрат ҳисларини уйготди, «халқлар турмаси» бўлган австрия-венгрия монархиясининг бузуқ ва чирик тартнбларига нисбатан тақдидий қарашни кучайтирди. Шу билан бирга улар асарларида миллий характерини куччироқ томонларини акс этдиришга, адабиётда кўп асрлар мобайнида давом этиб келган озодлик курашининг ҳақиқий қаҳрамони — камтар меҳнаткаш образини қайтадан яратишга интилдилар. Инсонпарварлик ҳислари бу реалист ёзувчиларининг ҳаммаси учун умумий ҳисобланган асосий масалаларни, ижодий йўналишни белгилаб берди, бироқ, конкрет тарихий шаронт санъаткорнинг дунё қарашига ва уларнинг талантларига қараб, бу ёзувчиларининг ҳар бири шу масалаларга ўзига хос усуlda ёндошли ва чуқур оригинал равишда уларни ўзича ҳал қилди.

Бу тўплам XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмида ижод қилган реалист ёзувчилар асарларидан тузилган.

Мартин Кукучин (1860—1928) словак адабиётинга 80 йиллар бошида кириб келди. Унинг дастрлабки ҳикоялариёқ, китобхонларга шу давргача деярли маълум бўлмаган оддий словак қишлоғи-

ининг яиги дунёсини очиб берди. Қалъаларнинг қалини деворлари, жангларнинг тутунлари, дворян қўраларининг чўққисидаги пайзалар ўрнига деҳқонларга қаравши қоп-қора кулбалар ҳикоя қилинади; унинг китоблари саҳифаларида баландпарвоз монологлар ўрнига, оддий қишлоқ кишиларнинг ёқимли словак сўзлари янгарида.

Кукучиннинг хизмати словак адабиётига деҳқон образини олиб киришдагина эмас, балки словак миллатининг негизи — меҳнаткаш деҳқонлар оммасида эканини, ўз ватанининг яшнаш гарови — деҳқонларнинг маънавий мустаҳкамлигига эканини пайқашидадир. Кукучин халқнинг тинч ва фаровон ҳаётга эришувини чин кўнгилдан орзу қилди-ю, бироқ шундай кунларга етишиш учун тўғри йўл топа олмади.

Фарбий Европа буржуа давлатларининг сохта демократијами сезгир санъаткор назаридан четда қолмади. Мартин Кукучин шахснинг эркинлиги тўғрисидаги баландпарвоз иборалар замарида капиталистик дунёning очкўз ахлоқи ётганлигини кўрди. Қаерда бўлмасин ҳамма нарсани пул ҳал қиласди; пул кишиларни майиб қиласди, маънавий жиҳатдан камбағаллаштиради, пулнинг зўри билан Кукучин назарида адолатли кишилик жамияти негизининг негизи бўлган патриархал деҳқон оиласининг маънавий негизлари барбод бўлади.

Шунинг учун ёзувчи ана шу бойишнинг пайига тушган дунёни қоралади. Лекин, Кукучин ўша дунёни қоралагани ҳолда, капитализм билан бирга туғилган ишчилар синфининг ролини — кишининг киши томонидан эзилишига қарши бўлган ана шу изчил курашчининг, деҳқонлар оммасининг ишончли иттифоқчиси ва йўлбошчининг ролини пайқай олмади.

Тўпламга кирган «Қишлоқ романни» ҳикоясида пул ва бойликнинг бузғунчилик кучи ҳақидаги фикр ўзининг ёрқин ифодасини топган. Инсон бир сафар ўзини тутиб қолмаса — бўлди, кейин у ўзини-ўзи бошқара олмайди, олтин унинг қалбини, бутун фикру хаёлинни эгаллаб олади. Масалан, Пресада камбағал Зофьянни севишига қарамай, бой хотинга уйланади. Аммо, бойлик унга баҳт келтирмайди. Натижада у ўзининг яхши фазилатларини йўқотиб, очкўз, ҳасадчи ва маккор оқсоқолга айланиб қолади.

Биз, Словакиянинг талантли ёзувчиси Тимраванинг (1867—1951) асарларида словак қишлоғи ҳаётининг Кукучин ҳикоялари дагига қараганда бошқачароқ манзарасини кўрамиз. Тимрава адабиётга XIX асрнинг 90 йилларида, словак қишлоғига капитализм зўр берниб киритилаётган бир даврда қадам қўйди. Шунинг учун ҳам бу ҳол Тимрава ижодининг ҳарактерида маълум даражада из қолдирди, 90 йиллардан кейин деярли словақиядда яшамаган

Кукучин ҳали словак деҳқонининг ҳалоскор патриархаллигига ишониши мумкин эди. Бироқ, ўзининг бутун умрини Словакия қишлоғида ўтказган Тимрава, бу хусусда ҳеч қандай ҳом ҳаёлларга берилмади. Унинг кўса ўтига эски жамият негизлари нураб, деҳқонлар табақалашди. Яқинларга нисбатан садоқатли муҳаббат ҳақидаги вазъ-насиҳатлар, қуруқ манфаатпастлик ва ҳудбинлик дунёсида кулгили бир нарса бўлиб туюларди. «Патриархаллик» янги шароитда эскиллик сарқитларнга умидсизларча ёпишиб олиш қишлоқ ҳаётининг «идиотизми» тусиға кирди.

Бу ҳаёт, «Тяпаклар» ҳикоясида ҳудди шу хилда гавдаланади. Словак адабиётнда ўз хурофтлари билан қотиб, қарахт бўлиб қолган қишлоғининг бузук ҳавосини зўр куч билан тасвирлаб, киши қалбига шу қадар таъсир этдирувчи бошқа шундай асар бўлмаса керак.

Аммо, нажот қайда? Тимравага тап-тайёр, нақдигина дунё ҳам ҳудди қолоқ қишлоқ дунёси каби ёт. У нажот йўлини топа олмайди.

Ижтимоний тартибларнинг бутун адолатсизлигини ҳис этган Йозеф Грэгор — Тайовский (1874—1940) ҳам, Тимрава сингари, зэйлгац, эксплуатация қилинувчи омма томонига ўтди. XX аср бошларида словак адабиётида биринчи марта унинг асарларида деҳқон образи билан бир қаторда пролетариатнинг, фабрика ишчисининг образи пайдо бўлади, у, бу образларни зўр хайриҳоҳлик билан тасвирлади. Езувчи меҳнаткаш оммадаги тобора кучайиб бораётган норозиликни, революция бўронига яқинлашиб қолаётган кайфиятни ҳам бера олди. Тайовский XIX асрнинг 90 йилларида Максим Горький асарлари билан танишгач, ҳаётнинг социал масалаларига қизиқиши ортди.

Тайовскийнинг тўпламга кирган ҳикояларидан буржуа жамиятининг соҳта инсонпарварлигини («Машаққатли ризқ») ёзувчичи нинг нақадар сеэгирилик билан баҳо берганлиги яққол кўриниб турибди. Оддий меҳнаткашларнинг характерларини, ҳалқ орасидан чиққан кишилар, ижобий қаҳрамонлар образларнинг аллақанчасини яратиш билан Йозеф Грэгор — Тайовский маънавий жиҳатдан бебаҳо кишиларнинг тақдирини паст, манфур «садамлар» ҳалқиладиган тартибларнинг тамомила бемазалигини уқдириб кўрсатди. («Пуосткова буви»)

Шуларга қарамай, Тайовский буржуа жамиятининг негизлари ни ошкора тарзда қоралашга ўтмади.

Зўр талант ёгаси бўлган сатирик ёзувчи Янко Есенскийнинг (1874—1945) ижодида ўзига бино қўйинши, мешчанликни — капиталистик системанинг ана шу жирканж меваларини узиб-узиб оладиган аччиқ таққид етакчи ўринни олади, Идеалсиз, орзу-ҳавассиз,

ўзининг бутун қашшоқ мазмуни ёлғон-яшиқлардан иборат бўлган, фийбатга тўлиб-тошган, ўз яқинининг кўнглини усталик билан ранжитиш бирдан-бир истак бўлиб қолган ҳаётни — «Рафиковавонним» ҳикояси орқали «онгли» буржуа дунёсини китобхон олдида очиб берган.

Есенскийнинг буржуа Чехословакиясидаги тош юрак, бюрократик тузумни сатира ўти билан куйдирраб ташлайдиган энг ажойиб асарлари 20-30 йилларда ёзилди. Аммо, умрининг охири гача буржуа демократик позициясида туриб қолган Есенскийнинг дунёқараши чекланганлигидан порлоқ келажакни олиб келувчи янгиллик кучларини кўра олмади.

Бу вазифани, ўз ҳаётини Коммунистик партия билан чанбарчас боғлаган ва ўз ижодини ишчилар синфининг манфаатлари йўлидаги революцион курашга бағишилаган словак ёзувчиларининг авлоди бажарди. Бу ёзувчилардан бири, «янги социалистик санъатнинг ва умуман ватанимиз социалистик келажагининг кўйчиларидан бири»<sup>1</sup> Петер Илемницкий (1901—1949) дир.

Адабиёт Илемницкий учун умум пролетар ишининг бир қисми эди. Узининг ана шу синфи, партияний позициясини аниқ ҳис қилиш, бадиий ижодни онгли равишда кишининг киши томонидан қандай йўл билан бўлмасин эксплуатация қилишдан озод этиш ишига бўйсундириш, принципиал янгича руҳда воқеиликни тасвирлаш словак адабиётида янгиллик эди. Илемницкий ижодидаги реализмнинг асосий ғоявий ва бадиий манбаларни ана шундадир. Илемницкий, Кукучин ва Тимрава, Тайовский ва Есенский бошлигар асосий йўлни давом этдириб, словак халқини, ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларни ўз тарихий тараққиётининг янги босқичида кўрсатишга, яъни кескин ўзгариш ясаш ҳақидаги фикр кенг меҳнаткашлар оммаси қатламларини тобора кўпроқ ўзига тортаётган ва омманинг ақл-идроқи социалистик келажак учун онгли, уюшган ҳолда курашиш учун ўсиб етган эканини кўрсатишга интилади.


Илемницкийнинг энг биринчи ёзган иккى ҳикояси «Қайтиш» (1930), ва «Илиқ шамол» (1930) ёзувчи ижодининг новаторлик характеристикинн ёрқин ифодалайди. Иш қидириб мажбуран ўзга юртларга кетиб қолиш ҳам, контрабанда ҳам — капиталнинг қаттиқ чангалидан меҳнаткашни қутқара олмайди. Фақат курашмоқ, ғалаба қозонгунга қадар курашмоқ лозим. «Бирорлар ўз аламларини спиртдан олмоқдалар... биз бўлсан курашник. Бу яхши. Шундай бўлиши керак!» — дейди «Илиқ шамол» ҳикоясининг қаҳрамони Юстин.

<sup>1</sup> К. Готвальд. П. Илемницкийнинг вафоти муносабати билан ёзилган мактуб, «1949—1950» тўплами.

Уртоқ Клеменит Готвальд айтганидек, ўтмишдаги ёзувчиларнинг бадиний мероси «гўзал ва баҳтли ҳаёт қуришда словак халқига мадад бериши ва рагбатлантириши керак».

Кукучин, Тимрава, Тайовский, Есенский ва Илемницкийларнинг асағларида халқнинг баҳтли ҳаёти тўғрисидаги, янги, озод халқ демократик Чехословакия меҳнаткашларининг бугунги кунда қураётган ҳаёти ҳақидаги орзулари гавдаланган.

Ю. Богданов.



## *Мартин Кукушин*

ҚИШЛОҚ РОМАНИ

I

M

иклүш титилиб кетгап вэ обдан дабдаласи чиққан черковнинг, тўғрироғи ўзининг муқовалик диний ақнадалар китобини нарироқ сурниб, меҳробнинг ўнг томонидаги калта скамейкадан туриб, гул солиб тикилган курткасини тузатиб қўйганида, черковдаги қовмлар қайрилиб унга қарадилар. Ҳатто костёлга<sup>1</sup> мизғиб олишгами ёки ваъзнасиҳат эшитишгами, нима учун келгани номаълум бўлган Катерина ҳам ҳушёр тортиб, нима бўляптикин деб, у томон қаради.

Миклуш бутун костёлдагиларнинг кўзи ўзига тикилиб турганини, ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини одам-

<sup>1</sup> Костёл — католик черкови.

лар кўз узмай, динқат билан кузатиб турганини билганидан сипоҳлик билан қадам ташлайди. У, кимсан ко-стёл пономари<sup>1</sup> бўлганидан унинг бу ҳаракати мартабасига жуда мос тушади.

Кимки Веторнице қаердалигини билмоқчи бўлса, қўлига хотира дафтарини олсин. Веторнице оз қовмли, бир черковли қишлоқ бўлиб, унда бор-йўги беш юзта одам яшайди. Лекин, шунга қарамай, у назардан четда қолмади. Ҳаммага маълумки, бундан олти йил муқаддам черковнинг барпо этилганига юз йил тўлиши муносабати билан юбилей бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ўқилган хутба узоқ-яқин черковларнинг кутубхонасида бордир, эҳтимол, унинг бирон бурчагида ётгандир. Бизнинг Миклуш Веторницеда пономарлик қиласиди.

Шундай ёш бўла туриб, пономарлик қилганини қаранг-а? Афтидан, Миклуш ўз тенгдошлари орасида ни-ма жиҳатдандир ажралиб турганидан фарар<sup>2</sup> жанобла-ри уни ёшлигидаёқ яхши кўриб қолган эдилар. Миклуш якшанба кунлари фарар жаноблари берган китобларни ўқир эди. У китобларни ўзигина ўқиб қолмай, кечки ибодатдан кейин олдига кирган хотин-қизларга ҳам ўқиб берар эди. Кекса пономарь оламдан ўтгач, унинг ўрнини Миклуш олган эди.

«У ҳали ёш,— деб ўйларди жаноб фарар, уни одам қилса бўлади. Ичкиликка ҳам хуши йўқроқ, бунинг устига ўзи бақувват: қаландарлик қилиш пайтида руҳонийлар «тўймас» деб таҳқирловчи қопчиқни орқалаб юришдан ҳам чарчамайди. Миклуш уйланган йигитлар орасида хор бўлиб ашула айтиладиган жойдан туриб, меҳробнинг ўиг томонидаги скамейкага ўтиrdi.

Ишлаш аввалига қийин бўлса-да, кейинчалик кўнигиб кетди. У аста-секин вазифасининг миридан-сиригача билиб олди, энди у худди шу ишни қилиш учун тугилгандек бўлиб қолди. Унинг совлат билан меҳробга боришини бир кўрсангиз! Гарчи уни ҳеч ким кўрмаса ҳам у ерда улуғворлик билан ҳаракат қиласиди. Мана, у ўзи нақш солган узун таёқчада осилиб турган қўнгироқли халтани олди-да, жўрттага қилгандек, жингил-

<sup>1</sup> Пономарь — черковда хизмат қилувчи энг қуийи дараражадаги руҳоний.

<sup>2</sup> Фарар — қовмлар руҳонийиси.

латиб қўйди, албатта, бунда бир мақсад бор эди. Чап томондаги скамейкада ўтирган мутавалли, пресвите<sup>1</sup> ва оқсоқоллар қимирлаб қолишиди. Миклуш улар олдинга бориб, қўнғироқли халтани навбат билан уларга тутди. Иккинчи марта жингиллатишини кутмай, уларнинг ҳар қайсиси атаганини халтага ташлади.

Эҳ-ҳе, шуҳратини қара-я!—«Зап кўйнаги бор-да!» деб оқсоқол Пресада унга ҳасад кўзи билан қаради ва унинг чиройли гул солиб тикилган енгини кўздан кечирди.

«Ахир ёшимиз бир бўлса, мен ҳам яқинда уйланганман-ку, лекин менинг бунақа кўйлагим йўқ. Ҳа, Зофъя асл хотин-да! Менинг Марам икки дунёда бунақа қилиб тиколмайди! Ҳе, зап хотини бор-да!» деб у ўйлар экан, Миклуш худди оқсоқолга қасдан қилаётгандек, елкасига ташлаган курткаси остидан қўлини чиқарди-да, енгини кўз-кўз қила бошлагандек бўлди. «Мен албатта пономарь бўлишим керак, ҳа, албатта!», деб ўйларди оқсоқол.

Бошқа қовмлар ҳам Миклушга бошдан-оёқ тикилишиб қарашади, аммо уларнинг оқсоқолдан фарқлари шундаки, улар ғайрллик билан қарашмайди, уларнинг биронтаси ҳам пономарликни орзу қилмайди. Миклушга етиш уларга йўл бўлсин! Бутун округда бунақа пономарь йўқ, бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ.

Миклуш ашулачиларни айланиб чиқди-да, ўзининг қўнғироқчаси билан пастдаги хотинлар олдига келди. Якшанбаликнинг энг мароқли пайти бошланди. Қампирлар, жувонлар, қизлар ҳам унинг енгига завқ билан қарайдилар. Улар ҳам жон деб шунақа қилиб тикардилар-у, лекин биронталари ҳам бунга журъат этолмайдилар. Зофъяга етиш йўл бўлсин! Унинг у-будан хабари борга ўхшайди, ишниям жуда чиройли тикади-да, афтидан бунинг ҳам бирор куф-суфи бўлса керак. Миклуш уларнинг нимага бу қадар завқланниб қараётгандарини билганидан, кимдан миннатдор бўлишини англаб, тоҳ-тоҳ колонна томонда турган, бошига обдан оҳорланган оқ чепец кийган, қадди-қомати келишган ёш жувонга қараб қўярди. Жувон ҳам унинг ҳар бир ҳаракатини кўз қири билан кузатар ва у билан фахрланарди. Бу Зофъя эди. Миклуш унга қўн-

<sup>1</sup> Пресвите — черков кенгашининг аъзоси.

гироқли халтани тутганида, ўрнатилган қатъиі тартиб талаб қылғанидек, у гёё Миклушга бегоналардек муносабат қылди. Миклуш таёқчадаги халта пулларни, чақалар чиқиб қолишиндан худо асрасин, минбар олди-даги тунука тарелкага түкди-да, яна қайтиб ўрнига ўтириди.

«Унинг этиги худди локлангандек чиройли-да», деб давом этди оқсоқол Пресада ҳамон ҳасадланиб қааркан.— Этиклари нега шундай ялтиаркин-а? Менинг этикларим ҳам якшанбалик-ку<sup>1</sup>, ҳатто уникидан ҳам қимматроқ, аммо, унақа ярқирамайди. Ҳа, қүёшдек ярқираганда ҳам нима фойдаси бўларди? Барибир уларни ҳеч ким кўрмайди. Оёқ ялангмисан, чориқдами ёки этигинг саҳтиёнданми — бари бир гўр: оёқларинг скамейка остида туради-ку. Албатта пономарь бўлишим керак, пономарь!»

Миклуш учинчи ашуланинг сўнгги йўли айтилаётганда асбоб-анжом сақланадиган хонага кириб кетди ва у ердан китоблар олиб чиқиб, кафедра устига қўйди. Ҳамма, ҳатто жаноб ўқитувчининг ўзи ҳам орган ичидан бошини чиқазиб, ўша ёққа қаради. Зофья ҳам эрига кўз қири билан эмас, балки рўй-рост қараб турарди. Унга кафедра устидаги ёғочдан ишланиб деворга михлаб қўйилган каптарча қанотларини ёзиб талпинаётгандек бўлиб туюлди.

«Унинг сочини ким шундай чиройли қилиб оларкин-а?— деб оқсоқолнинг жигибийрони чиқарди.— Менинг сочини ҳеч қачон шунақа чиройли олишган эмас. Бунда нима сир бўлди? Сўзиз пономарь бўлишим керак! Ҳа албатта!»

Фарар кафедрага кўтарилигач, Миклуш эшикларни ёпди. Устига курткаси пала-партиш ташланган, бўйнига ўралган қизил попукли кўк рўмолчадаги катта мис илгак ярқираб кўринади. Унинг уни кўйлаги ва байрам жилемкасининг қатор тугмалари орасидан алоҳида гўзаллик билан ажralиб турибди. Хотин-қизлар ҳам, эркаклар ҳам бу гулларнинг рангба-ранглигига кўп марта қойил қолганлар, бугун ҳам қараб кўзлари тўймайди.

Оқсоқол: «Бу ҳаммаси хотинининг ғамхўрлигидан,

<sup>1</sup> Якшанбалик — якшанба кунлари ўтказиладиган маросимда кийиладиган кийим.

«Бу ерда у нима қилиб юрибди? Хотинимда нима иши борикин? Нега бу ерда айланишиб қолди? деб ўйлаган Миклушнинг қалбида қандайдир изтироб турди.

Унинг калласини ёмон фикрлар чулғаб олди. Агар бошқа одам бўлганида-ку, парво қилмай қўя қесларди. Аммо, Пресада Зофъяниг эски жазмони-ку! Бу қанақаси бўлди? Бу учрашувлар яхшиликка олиб бормас! Унинг кулимсираши, кишининг ғашига тегадиган депси-нишини қара! Гарчи, уларнинг сўзларини эшитиб бўлмаса ҳам, лекин нима тўғрисида гаплашаётганинни пайқаш қийин эмас. Ҳе, бу ерда гаплашиб ўтиришга нима бор, тепасида қарагайлар жимгина сирли шилди-раётган хилват чуқурлик бўлса бўлди-да... Шундоғам ҳаммаси аён.

«Бу уларниг биринчи учрашишимикин ёки...»

Агар шу саволга бирор кимса жавоб бера олса, унга ҳўкизларини бериб юборишга ҳам тайёр эди. Бу саволдан кейин бошқа саволлар ҳам қўйилиб кела берди: «Нима қилиш керак? Уларга қараб қўл қовуштириб чи-даб тураверайми? Ёки хотинимдан шубҳаланиб олдига борсам, мазақ бўлармиканман?— Миклуш нима қилишини билмай қолди.— Зофъя тўғри бўлса, у билан бирор гаплаша оларниди?! Ҳў, бирда қилган иши учун Пресадани ҳайдаб юборса бўлади-ку? У жон-жон деб гапларига қулоқ солиб турибди-я. Нима қилсами-кин-а?..»

У ўз-ўзидан уялар эди. Бойиб олиб, эндиликда маншатбозлик қилмоқчи бўлган очкўз оқсоқол билан Зофъяниг хуфия учрашиб туриши, бунинг устига Миклушнинг худди ўзи хотинининг ёнгинасида туриб, унинг олдига боролмай, худди ўғрини пойлагандек кузатиб туриши нақадар жирканчли. Мабодо биронта одам уни кўриб қолса борми, қишлоқда тоза гап-сўз тарқалади-да! Лекин, далада ҳеч ким йўқ, фақат, қарагай шохларигина илиқ шабадада тебраниб, шитирлайди, холос.

У кутилмаганда титраб кетди. Худди қушни нишонга олган овчикдек ҳар бир томири таранглашди. Ана, Пресада Зофъяга яқинлашса ҳам, Зофъя гўё ўзини сезмаганга соляпти. Пресада унинг елкасидан ушлаб, бағрига тортди, лекин, Зофъя бўш келмай, қаршилик қилди. Лекин, шу ҳам ҳимоя бўлдими? Итариб юборишнинг ўрнига қўлларига қўрғошин қўйниб қўйилгандек истар-

истамас қаршилик кўрсатяпти, бўйнидан қучоқласа ҳам индамай, кўзига рўй-рост қараб турибди...

Миклуш хотинининг оҳиста қичқириғини эшитди-ю, ўйлаб нетиб ўтирмаӣ, тепаликдан яшиндек отилди. Ўнг қўлидаги чархланган чалғи-ўроқ ярқирар ва қўёш пурода ойнадек жилвалашарди. Зофья Пресадага:

— Нима демоқчисан, уялмайсанми? — деди.

Зофья фақат шу сўзни айтди, холос. Пресада унинг гапига парво қилмай тура берди. Унинг қулоғига гап ҳам кирмас, тушунмасди, фақат маст одамдек еб қўйгудек бўлиб унга қаарди. Бирданига Зофья орқасига қайрилди-ю, даҳшат ва қўрқув тўла қичқириқ билан бақириб юборди, қўлида чалғи-ўроқ кўтариб, худди азроилга ўхшаб даҳшат билан қараганича эри туради! У таниб бўлмас даражада ғазабдан қизариб кетган, чалғи кўтарган қўли даҳшатли зарба беришга шай бўлиб, Пресадани ўлдириб қўйгудек бўлиб туради. Гарчи Пресада бақувват солдат бўлса ҳам, ранги бўздек оқариб кетди. У ҳозир бирон даҳшатли воқна рўй беришига, бу воқна узоқ йиллар давомида тилларда достон бўлишига ишонди. Унинг юраги ўйнаб, турган жойида қотиб қолди. Хаскаш кўтарган қўл бенхтиёр кўтарилиб, ўзи орқага тисарилди.

Аммо, чалғи учнб бориб бошоқларга урилди, Миклуш унинг олдига келиб тўхтади. Унинг олдида йўлини тўсиб Зофью туради.

Миклуш қоқилиб кетиб, гавдасининг бутун оғирлиги билан дон ғарамига йиқилди. Пресада жонини ҳовучлаганича худди телбага ўхшаб югурап, соchlари тикка бўлиб кетган эди.

— Ўлдирман, ўлдирман! — деб Миклуш бақирди-да, ўрнидан тура солиб шошганидан чалғини ғарамда унтиб қолдирганича, Пресаданинг кетидан қувди. Зофья енгил тортиб, бу ёғи нима бўларкин, деб уларга қараб қолди.

Миклуш оқсоқолни қувиб етди-да, жилетка ва кўйлагидан ушлаб олди. Пресада чалқанча тушганича ётарди, Миклуш эса қўзлари ёниб, лаблари пирпираганича тиззаси билан унинг кўкрагини өзарди. Пресаданинг ҳансираб олаётган нафаси унинг юзига тегиб туради. Пресада ҳатто қаршилик кўрсатишга ҳам уринмасди. У ўлим қўрқуvida, бу ёғи нима бўларкин, деб ётар, Мик-

луш бўлса қуроли йўғидан нима қилишини билмай турарди.

— Сени нима қилай? Айт-чи нима қилай?

Аммо, Пресада индамас, ҳатто қимирламас эди. Агар оқсоқол қутулишига уринганида, Миклушнинг ғазаби яна бешбадтар ошган бўларди, аммо мағлуб бўлган қурол-яроғсиз кимса олдида у кучсиз эди.

— Хўш, айт-чи, нима қилай? — деб яна бақирди у.

— Нима қилмоқчисан? Урмоқчимисан? — деб сўради Пресада бўғиқ овоз билан.

Миклуш хижолат бўлиб кетди. У тамом қутурган эди, бунинг устига у тагида ётиб, «урасанми?» деб сўрайди. Бу қилмишига яраша жазосини олган ёки олиши лозим бўлган, рақибидан енгилган ҳар қандай кишининг биринчи сўзи эди. Дарҳақиқат, уни нима ҳам қилиш мумкин? Уришишни истамайдиган ва тўғриси, уриша олмайдиган кишини нима қилиб бўларди?

Миклуш Пресаданинг қўйинб юборди. Пресаданинг зўрға ердан турганини кўрганида, уялганидан, худди ўзи енгилган кишидек, ўзини қаёққа қўйишини билмай қолди. Орқасидан Зофьянинг сокин, хушчақчақ кулгиси әшитилди.


— Уни қара, нимчаси билан кўйлаги йиртилиб кетибди.

Ҳақиқатан ҳам Пресаданинг кўйлагининг йиртиғидан кураги кўриниб турарди. Пресада Зофьяга жаҳл ва нафрат билан қаради. Унинг кулиб айтган сўзлари оқсоқолни Миклушнинг ҳужумида ҳам қаттиқроқ таҳқир этган эди. Пресада бундай шармандаликдан — бу жувоннинг шу қадар таҳқирлаши каби шармисорликдан кўра ўлганим яхшироқ, деб ўйлар эди.

У орқасига қайрилиб ҳам қарамай тепаликдан тушиб кетди.

### III

Зофья эри билан дон ғарами олдига қайтди. У кулиб юборишдан зўрға ўзини тутиб эрининг ёнида бораарди. У ҳам кулмаяптимикин, деб эрига қаради. Аммо, унинг юзидағи жиддийлик ва совуқликни кўриб, нафаси ичига тушиб кетди.



— Нега энди менга аччик қиласан? — деб сўради Зофья бир оздан кейин. Унинг овозида қўрқинч ва бўшашганлик акс этди.

У жавоб бермади.

— Нега энди менга жаҳл қиласан? Ахир менда айб йўқ-ку?

У биринчи марта ўз сўзига эридан жавоб олмай, дили гаш бўлди.

— Наҳотки ўзинг чақиргансан деб ўйласанг?

— Ҳеч нарса деб ўйлаётганим йўқ. Ўз кўзим билан кўрдим! — деди эри, сўзини бўлиб.

Зофья эрининг бу хил қўрс гапиришини билмас эди.

— Энди мен билан ишинг бўлмасин. Ортиқча гап эшакка юк.

Зофья кўзлари жиққа ёшга тўлиб, лабини тишлади. Эрининг шу қадар қўрслик ва жаҳл билан қайтарган жавобидан кўнгли жуда вайрон бўлиб кетди.

«Худди боласига бақиргандек бақиради-я».

У хаскашни олиб, худди ишдан таскин топадигандек бутун вужуди билан ишга берилиб кетди. Кейин ер остидан эрига қараб қўйди, унинг ҳали ҳам совуқ, жиддий, қовоқлари солиқ эканини кўриб уҳ тортди.

Зофья эри ғарам қилаётганида, жўрттага унга ўрилган дон боғларини келтириб турди. Эрининг гапиришини кутиб, бир неча бор унинг ёнидан ўтди ҳам. Лекин, Миклуш индамади, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Илгарилари у Зофьянинг ҳар бир боқишига илтифот қилар, ҳар бир сўзига қулоқ солар эди!

Улар чўрқ этишмай уйга қайтишди. Зофья гарчи эри билан ёнма-ён келаётган бўлса ҳам, бирон сўз айтишдан қўрқарди. У гўё Зофьянни пайқамагандек, унга парво қилмай борарди.

«Бўларича бўлди, энди илгаригидақа тутув яшамайдиганга ўхшаймиз. Пешонам қурсин, нима қиламан энди?»

Улар қишлоқقا етганларида, Миклуш тўсатдан:

— Агар яна у билан бирга кўрсам, ёмон қиламан,— деди.

Кутилмаганда жаҳл билан айтилган бу сўз Зофьянни тамом эсанкиратиб қўйди.

— Мен уни чақириб келганим йўқ-ку,— деди у, бир оздан кейин.

— Шуниси кам эди! — деди-да Миклуш тишларини  
ғижирлатди. — Бунақа ҳазил кетмайди; бу муқаддас иш!  
Болаларгина «эр-хотин» ўйнаши мумкин.

— Ахир, бирор айб қилиб қўйганим йўқ-ку,— деб  
Зофья ўзини оқлар эди.

— Ҳали устингга келиб қолганимга афсусланяпсан-  
ми? — деди у кескин. Бу сўзлар Зофьянинг кўкрагига  
ниш бўлиб қадалди. Эрининг кўзлари масхараомуз унга  
тиклиб турарди.

— Нималар деяпсан ўзинг? — деб бақирди Зофья. —  
Уялмайсанми Миклуш, уял! — деди-ю ғазабиданми, уял-  
ганиданми қип-қизарib кетди.

— Ҳа эшигтганингни айтяпман. Бироннинг эри билан  
кўрдим-у. Агар яна бир марта кўрсам... — деди-ю, жим  
бўлди.

— Ҳа, нима демоқчисан? Гапир! — Зофья эрининг  
кўзига тикилди. — Дўқ қилмай қўя қол. Худога шукур,  
сендан қўрқадиган жойим йўқ!

— Шошмай тур!

Зофья бирор эшишиб қолмадимикин, деб атрофга қа-  
раб қўйди. Дўқ қилишини қара уни! Ҳалоллик — хотин  
кишининг ҳусни. Ана шу қимматли хислатдан хотин маҳ-  
рум бўлса, унда нима қолиши мумкин... Зофья дилига  
етган бу озор учун қашдай жавоб беришини билмай, ом-  
борхонага кирди-да, эшикни бекитиб олиб, йиғлашга  
тушди.

«Оҳ, онажоним, меҳрибоним! Энди нима қиласман?  
Кимга дардимни ёраман, ҳеч кими йўқ, ғарибман! Ҳам-  
мадан жудо бўлдим. Уз эрим шундай қилганидан кейин,  
кимгаям додимни айтардим...»

Марҳума онасини ёдлаш, сийнасини ўртаётган ғам-  
аламини бир оз енгиллатди. У аламидан андак бўшаб,  
ўзинга келганида, қоронги тамом тушган эди. У уйига  
кириб ҳеч ким йўқлигини кўрди-да, ташқарига чиқди.  
ҳовлида ҳам ҳеч ким йўқ эди. Ана шунда, у ўзининг та-  
момила ёлғиз қолганини ҳис этди ва бутун вужудини,  
яна ғам-ғусса чулғаб олди.

«Пешонам қурсин, ҳаммадан жудо бўлдим!»

У Миклушнинг қаердалигини билмас эди. Балки,  
бирон жойга кетгандир, кечки овқатга келиб қолар,  
балки унгача зора ғазабидан тушиб, китобдаги: «Қуёш  
ўлади-ку чиқмайдими...» деган сўзлар рўёбга чиқса.  
мар у уйга қайтиб, Зофьянни яна илгаригидек севса.

барча кўнгилсизликларни унугиб юборган бўларди. У кечки овқатни ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ қилиб тайёрлади-да, овқатга қўл урмай эрини кута бошлади. Лекин, овқат совиб қолган, печкадаги кўмирлар устини баррадек кул қатлами қоплаган ва уйни қоронгилик босган эса-да, ҳамон Миклушдан дарак йўқ эди.

Зофья ётди, кўрпага кирди, лекин кўзига уйқу келмади. Уйқунинг ўринини юракни ўртовчи ваҳимали ва ҳаяжонли хаёллар кўлагаси эгаллаб олди. «Ойижон, нима қиласай? Бу ерда қолмайман, ҳа қолмайман! Нега мени ташлаб кетдинг? Энди ким ҳам менга бошпана берарди?» Бу юракни ич-ичидан эзадиган алам-ситам эди. Онасини хотирлаш билан бир оз юпанди ва қалбида умид учқуни ялт этиб кетди. «Ойижон, агар у ўйлаганда қа бўлсан, сени эслармидим? Ўзинг кўриб турибсан, айбим йўқ. Агар сен буни унга айтолганингда эди, агар, у менга бекорга шунчалик озор берганини билганда эди! Келиб, кечирим сўрарди...»

Кутилмаганда унинг кўз олдидаги ажойиб манзара гавдаланди. У уйга қайтиб келиб, кўзлари илгаригидек муҳаббат ва мулойимлик туйғулари билан ёниб, Зофьядан кечирим сўрайдигандек. Зофья ҳам уни кечириб, уларнинг кулбасида яна тинчлик қарор топадигандек бўлди.

Зофья эрталаб ана шундай фикрлар билан кўнгли сенгил тортиб уйғонди. Жанжалнинг узоққа чўзилиши, кучайиши мумкин эмас, у тўхташи керак эди. Ахир Миклуш ноҳақ эканлигини тушуниши ва ярашиш йўлида биринчи бўлиб қадам ташлаши зарур. Зофья кун бўйи эрининг гапиришини кутиб, унинг ёнида ивирсиб юрди. «Агар бир оғизгина сўз айтса, ҳамма нарсани ўз изига тушиб кетиши нақадар осон бўларди!» Бироқ, Миклушнинг садоси чиқмади, у ҳатто хотинига қайрилиб ҳам қарамади.

У бефарқ, жиддий ва бесаранжом эди. Кеча, тун бўйи кўнглига ёқмайдиган компания билан яҳудий қовоқхонасида ўтирди, ҳатто, бузуқ йўлга ҳам кирди. Ана шу ҳол уни ўртаб, хотини олдидаги ўзини ноқулай ҳис қиласар, унинг кўзига боқишга уяларди.

Зофьянинг умиди сўна бошлади. Қун кечга яқинлашиб қолган бўлса ҳам Миклуш ҳамон ўзини ундан четга тортарди. Зофья унинг биринчи бўлиб гапиришини турли йўллар билан осонлаштиришга уриниб, унинг кўзига

кўриниб турса ҳам, у парво қилмас эди. Ахири Зофья ўз-ўзидан уялди ва бепарво бўлиб олди. Аввалига қийин бўлса ҳам, кейинча ўрганиб кетди.

Миклушнинг уйнда шу равища яна тинчлик ўрина-тилди, бироқ, бу аввалги, ором бахш этувчи, кишилар қалбини бир-бирига пайванд қилувчи тинчлик эмас, балки, қалб гулларини қуритиб нобуд қиладиган гўрис-тондагидек тинчлик эди.

Оқсоқол Пресада ҳам ташқи кўринишидан тинчлан-гандек бўлса-да, қалбида қасос ўти ёнарди. Бошоқлар устида яқингинада рўй берган шармандалик ҳали ёди-да. Зофьянинг масхараомуз чеҳрасини ҳам у эсидан чи-қармаган эди. Ҳаммасидан ҳам ана шуниси кўпроқ ўр-таб, тинчлик бермас эди. «Мен эслаб юрадиган қилиб кўзингизни очиб қўяман!» деб ўйларди. Лекин, қандай қилиб Миклушдан аламини олсайкин? У эҳтиёткор, ман-сабдорлар билан иши бўлмаганидан, бирор айб топиш қийин эди.

Шундай бўлса ҳам оқсоқол пайт пойлаб юриб, Мик-лушга энг нозик нарсада зарба берди.

Бир деҳқон, ҳаром ўлиб қолган отини кўмиш учун қишлоқдан ташқарига олиб чиқди. Бироқ, отнинг тери-сини шилиб олмай кўмишга кўзи қиймади. У ёнига ёр-дамчилар чақириб, кечқурун фонус ёруғида отнинг тे-рисини шилиб олди. Ёрдамчилар орасида Миклуш ҳам бор эди; янги оғайнилари уни алдаб олиб келган эди-лар. Агар қуйидаги ашула пайдо бўлмаганида, бундан ҳеч ким ҳам хабардор бўлмаган ва эътибор бермаган бўларди.

Бизда тентак нусха пономарь ҳам бор  
Ҳа, у, пичоқсиз ҳам титрамай зинҳор,  
Отнинг терисини тиш билан шилар,  
Лўли ҳам ишига таажжуб қилар.  
Бизнинг пономарь, зап азamat-да, ҳа,  
От-потингиз ўлиб қолгудай бўлса,  
Излаб, ялиниб ҳам юрманг лўлига,  
Нақд турган Миклушнинг беринг қўлнга.  
Уни киши кўрмас бир четда шилниб,  
Эплаштириб берар, қўлбола қилиб.  
Саллоҳлик ҳақи ҳам арzon, қимматмас,  
Унга жиндек ёғ-у, туёқ бўлса бас.  
Нўхат шўрва ичра солар туёқни,

Ва қовурдоқ қилар жиққа-жиқ ёғни.  
Бошига ҳам суртиб ялтиратар соч,  
Ичагидан ҳасиб ясар бир қулоч,  
Ҳаром ёқиб ғоят қорин қўйган у.  
Ҳаром ўлган отнинг терисин шилув —  
Номус бўлмасайди, у ҳолда агар.  
Лўли маъқул эди сендан пономары  
Бўлаверар эди, ҳа, лўлинин ҳам  
Тайинлаб қўйилса ўринингга. ҳардам —  
Баланд қироат-у, авж билан ғоят  
Уқий берар эди костёлда оят.  
Веторине костёлини ўша чоқданоқ  
У шарманда қилиб юборди мутлоқ<sup>1</sup>.

Гарчи Миклуш бу ашуланинг қаерда ижод этилганинг билса-да, лекин ким тўқиганини билмас эди. Йигитлар шеърни костёлдаги, ёшлар ўтирадиган скамейкадан топиб олиб, якшанба куни қишлоқда ашула қилиб айтиб юрдилар.

Миклуш жим юрса-да, лекин, «бу гап фарар жанобларининг қулоқларига етгудек бўлса нима бўлади!»— деб хавотир олиб юрди. Ниҳоят бу иш аста-секин бостибости бўлиб кетганидан сўнг, унинг кўнгли тинчиди.

Пресада ҳам жим юрар, бироқ кўнгли сира таскин топмасди. Кунлардан бирида жамоа кенгаши зиёфатга тўпланганда, оқсоқол тилга кириб қолди:

— Йигитларимиз жуда ўзбошимча бўлиб кетдилар, биз бўлса, бошимизга чиқиб олай деса ҳам парвойимизга келтирмаймиз.

Бу ғалати муқаддима ҳаммани ажаблантирганидан:

— Нима гап ўзи?— деб ундан сўрадилар.

— Миклушкинг қилмишини ҳаммангиз биласиз, лекин, унга нима чора қўрилди? Ҳеч нарса!

— Ахир, у чора кўрадиган иш қилгани йўқ-ку!— деб жамоа кенгаши аъзоларидан бирни Миклушкинг ёнини олмоқчи бўлди.— Унга нима ҳам чора қўриларди?

— От терисини шилиш ҳеч нарса қилмаганими?— деди оқсоқол жаҳли чиқиб.— Шунча гапдан кейин муқаддас идишни ушлашга ҳадди сирадими? Ёки фарарни кийинтира оладими? Мен, у пономаръ бўлишга арзимайди, деб ўйлайман.

<sup>1</sup> Китобдаги шеърларни Шунқор таржима қилган.

— Ҳақиқатни олганда, ҳар қандай бўлганда ҳам, бундай қилмаслиги керак эди,— деб гапга аралашди кенгаш аъзоларидан бири.— Ҳа, қўчқор ёки қўй бўлганда ҳам гўрга эди-я, аммо... отни...— У гапини тамомламай норози оҳангда бошини чайқади.

— Менга қараңглар, Миклуш нима гуноҳ қилиб қўйди ўзи? Ҳеч нарса қилгани йўқ-ку, ахир! Бу — гала-мус одамларнинг уйдирмаси холос,— деб Миклушкинг ёнини олмоқчи бўлди, улардан бири.

— Ашулани шунчаки, бекорга тўқибдилар-да-а?— деб оқсоқолнинг жигибийрони чиқди.— Бу шармандалик бизга тегади; бошқа қишлоқларда ҳам шу ашулани айтиб юришибди. Жума куни округ бошлигининг ҳузурида бўлувдим, у ерда ҳам ашулани менга айтиб беришди. Ростини айтсам, шунчалик уялиб кетдимки, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам!

— Ҳа, шармандаликка биз қоладиганга ўхшаб қолдик. Бу ерда нима бўлса ҳам, аммо...

Кенгаш аъзоси яна бошини чайқади.

— Унга нима жазо бермоқчисиз?

— Уни ҳайдаш керак!— деди оқсоқол қатъий қилиб.

Ҳамма жим бўлди. Ишнинг бундай чаппасига айла-пид кетиши, ўтирганларни ўйлантириб қўйди.

— Пономарни қаердан оламиз?— деб сўради бир оздан сўнг кимдир.

— Ҳар ҳолда қўшни қишлоқдан қарзга олмаймиз! Биронта одам топилиб қолар!

Мажлисдан кейин Фаар жанобларига, Миклушки қўли ҳаромга теккан, у пономарь бўлолмайди, деган мазмунда мактуб ёзиб юборилди.

Афсуски, бу хужжат Веторнице костёлининг архивидан йўқолган ва бу ерга уни илова қилиш имкониятидан маҳруммиз.

Қишлоқда Миклушки нима кутаётгани ҳақида шовшув гап тарқалди. Уни пономарликда қолдириб бўлмаслигини ҳар ким ҳам тушунарди. Уни Фаар жанобларининг ўзлари бўшатишга қарор берди. Тиришқоқлиги ва черков ёпигичларини, кийим-бошларини яхши сақлаганидан Миклушки бўшатиш унга жуда ачинарли эди. У ҳеч қаерда чанг қолдирмас, ҳамма жойдаги чанг-тўзонни узун таёқчага боғланган супурги билан артиб тозаларди. Баъзи тамомила ўринли янгиликларни ҳам жорий қилган эди. Шамларни ёққанда ёки ўчирганда шам-

ларни шамдоиллардан чиқариб олмасдан, тунука қалпоқча билан босиб ўчиради. Қалпоқчанинг ўзига ҳам шам ўрнатилган бўлиб, Миклуш уни эпчиллик билан ёқарди. Ундан олдинги пономарь, минбарда нимаики қолса, «худо йўлига», деб, ўзини эса «худо йўли»нинг «хизматкори» ҳисоблагани ҳолда, Миклуш винони тамомила сидқидиллик билан сарфларди. Миклуш хамиртурушиз кулчалар пиширишга ҳам жуда уста эди. Үмуман айтганида, у холис хизматкор эди. У жаноб Фарарга пичанзордан хашак ҳам, экинзордан дон ҳам келтириб туради. Ҳар ҳолда бояқиш учун яхши бўлмади-да. Лекин, аслини олганида, отнинг терисини шилиш бутун қишлоқни жиркантирувчи хунук иш эди. Ахир, янги йилдан кейин — қаландарлик пайти. Хонадонларда жаноб Фарарни меҳмон қиладилар, у билан бирга пономарь ҳам юради. Агар Миклуш ҳам жаноб Фарар билан бир идишдан овқат еса, бунииг устига у яна бармоқларини яласа, қандай қилиб жаноб Фарар бир луқма таомни оғзига солсин? Жаноб Фарар: «Йўқ, Миклушкин қутқазиб қолиш мумкин эмас, у бу вазифадан тушиши керак» деган қарорга келди.

Якшанба куни кечки ибодатдан кейин бу масалани ҳал қилиш учун пресвитерлар кенгаши чақирилди.

Бундай шармандаликтан қутулиш учун Миклуш ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгудек бўлиб юрар, одамларга кўринишдан уяларди. Миклуш, якшанба куни қандай бош кўтариб бораман? Йўқ, яххиси костёлга бормайман деган қарорга келди.

Костёлда иккинчи марта қўнгироқ чалинганда, у уйдан чиқиб, қишлоқдан паналаб ўтди-да, тепаликдаги бўта ичига яширинди. У, бу ердан қишлоқда, костёлда ва костёл теварагида рўй бергаётган барча воқиаларни кўриб туради. Шу хизмати туфайли қанчадан-қанча ҳузур-ҳаловат ва шон-шуҳрат орттирганидан у билан жуда ҳам фахрланарди. Бугун бўлса буларнинг ҳаммасидан у маҳрум. «Қўнгироқчани» бошқа одам кўтаради, кафедрага ҳам ўша чиқади, дарвозани ҳам у бекитади. У бўлса хилват бурчакда ўзини бирор кўрмайтганидан қувониб ўтирибди. Қалбига сингиб кетгандек ҳис этадиган вазифаларини қандай қилиб унута олсин?

Костёлга кетаётган одамлар костёл рўпарасидаги кичкина майсазорда тўхташди-да, эрраклар бир гуруҳга, йигитлар бир гуруҳга, хотинлар бир гуруҳга, яна

нарироқда ёш жувонлар ва қизлар бир гуруҳга бўлинишиди. Улар гап сотишиб кулишаётганга ўхшайди. Балки унинг шармандаси чиқиб шармисор бўлганидан ҳам гапиришаётгандир. Мана, учинчи қўнғироқ ҳам чалинди. Одамлар костёлга ёпирилди, қўнғироқлар ҳамон худди дафн маросимидағидек ғамгин эштиларди.

Қани энди у ҳам костёлга югурса-ю, тўдага қўшилиб кета қолса. Бироқ, бундай қилолмайди, мумкин эмас. У худди подадан ҳайдалган қўтирилган ўхшайди. Мана, Фарар жанобларининг ёлғиз ўзлари кетмоқда. Эҳтимол, у, Миклуш қаердайкин?— деб ўйлаб қўяр. Илгари у Фарар жанобларининг ёнида борарди; энди бундай бўлмайди. Жаноб Фарар костёлга кириб кетди. У ризнициага кириб кетгунича ҳамма тик турди. Илгари Миклуш ҳам унинг кетидан борарди. Ўшанда қовмлар ўринларидан туриб, Фарар жанобларига кўрсатадиган зўр ҳурматларининг кичкинагина ҳиссасини бўлса-да унга бағишлардилар. Бундан буён бу ҳурмат ўзга кишига кўрсатилиди. У бошини қутириб, ўз ғамига берилди. Агар у бирорта одамга бўлса-да юрагини очиб сўзлай олса, хотини олдига бора олса бир оз таскин топарди. Лекин, у ўз ғамига ўзи қоврилиб, ич-ичидан изтироб чекарди.

Зофья қўшниларникига кирди-чиқди қилмаганидан ва эрининг ҳеч нарса демаганидан, қишлоқда нималар бўлаётганидан бехабар эди. У жума куни, мудҳиш якшанба олдидан ҳамма воқиани қўшнисидан билиб қолди.

Шунда у, Миклушнинг кейинги кунларда нега бунчалик хафа, ўйчан бўлиб юрганини пайқади ва эрига жуда ачиниб кетди. Модомики шундай экан, шармандалик олдиди турган эрига ачинмасдан иложи бормиди? Ахир бу гап унга ҳам тааллуқли эди-ку. Хавфнинг қаердан келаётганини билиб туриб парво қилмаслиги мумкинми эди?

У, оқсоқолникига бормоқчи бўлди. Қани энди у эрини қутқара олса, қани энди эри унинг фидокорлигиги ни билса! Бу фикр унга куч ва қатъият бағишлади. Ҳозир у оқсоқол олдигагина эмас, балки императорнинг ўзига ҳам бора олар эди!

— Үни қара, менинига меҳмон бўлиб кепсан-а!— деди оқсоқол, кўзлари ёниб.— Ахири кўргани келибсан-да. Ҳўш, қанақа илтимос билан келдинг?

— Ахир, қанақа илтимос билан келганим ўзингизга маълум, оқсоқол, сиз туфайли бошимга қандай қунлар тушганини биларсиз. Ўшандан буён у билан орамиз бузуқ...

— Нималар деяпсан ўзинг?— деди ажабланиб оқсоқол.— Мен туфайли эмиш! Иккаланг ошиқ-маъшуқсан-у, тағин орамиз бузуқ эмиш. Ахир, мен сенга қўл тегиздимми: сиздака маликаи хўбонга қўл текказиш биэзга йўл бўлсин. Тағин — «орамиз бузуқ» миши!

— Утган ишга салавот,— Зоғъянинг лаблари титраб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. У ўзини тутиб олиш учун бир оз жим қолди.— Мен сизнинг олдингизга,— деди дадил овоз билан сўзини давом этдириб,— анави от учун эримни бошини балога қўйманг, деб келдим. Одамлар бундан ҳам бешбадтар ишлар қилишади, лекин уларга ҳеч ким ҳеч нарса демайди-ку.

— Улар эрингга ўхшаган машҳур пономаръ эмас. Агар Веторниценинг шуҳратли пономари бўлмай, бошка одам бўлганда ҳам майли эди. Энди у одамгарчиликдан чиқди!

— Агар хоҳласангиз ёрдам беришингиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси кимнинг иши эканини яхши биламан. Қишлоқни тинчтинг!

У бу сўзларни шундай шижоат билан айтдики, бу сўзлар оқсоқолга таъсир қилди, у зўр-базўр ўзини тутиб, Зоғъяга қарамасликка тиришди. Даладагига ўхшаш ҳодиса такрорланмаса эди, тағин ундан баттарроғи рўй бермаса эди, деб қўрқди... Оқсоқол у билан борди-келди қилиб ўтиришни эмас, балки ўч олишни истарди.

— Мен туфайли эмиш?— деди-да, Пресада кулимсираб жим бўлди. Унинг кўзлари олазарак эди.— Ҳана, мен туфайли ҳам дейлик. Аммо, нима учун шундай қилганимни ўзинг биласан. Қандай кулганинг эсингдами?— деди-да, Зоғъяга жиддий ва совуқ қарди.

— Ўшанда жуда жаҳлим чиққан эди, ўзимни бир нарса қилиб қўйишга ҳам тайёр эдим. «Йўқ, шошилма Пресада, куни келиб уларнинг йиғлаб, сенинг кулладиган пайтинг ҳам келиб қолар деб ўзимга тасалли бердим. Мана, айтганим келди, энди орамиз очиқ.

— Бундан нима фойда кўрдингиз?

— Фойда шуки, энди сенинг эринг эмас, балки бошқа одам пономаръ бўлади.

Пресада бу «бошқа одам» деган сўзни шундай оҳангда айтдики, кимни кўзда тутганлигини Зофья шу ондаёқ англади.

— Демак, ҳатто мен илтимос қилсам ҳам йўқ дейсизми! Эсингиздами, ҳў ўшандা нималар деганингиз?

Зофья шу гапни айтди-ю, қизариб кетди. Афтидан, оғзидан шу сўзларнинг чиқиб кетганига хижолат бўлди.

Зофьянинг сўзлари унга тегизиб айтилганидан оқсоқол тутақиб кетди.

— У гапни ўша вақтда айтган эдим; ўшанда сенга берган ваъдам ва сўзим устидан чиққан ҳам бўлардим, бироқ, мени алдадинг, кейин эса мазақ қилиб, устимдан кулдинг. Энди алдолмайсан, ҳа, алдолмайсан!

Бу гапларни Зофьяга айтишдан завқлангани сезилиб турарди.

— Эринг, пономарлик қилишим энди тугабди, деса ҳам бўлаверади.

Зофья эрини ҳайдашларига қатъий ишонган ҳолда уйга қайтди. Оқсоқол унинг ўрнини эгаллаш учун бу ишларни қилган ва у — бу ўринни эгаллайди ҳам.

Оқсоқол эса ўйлаганидан олдинроқ мақсадига эришди.

Костёлда пономаръ бўлмаганидан Фарар оқсоқолни пономарлик қилиб туришга чақирирди.

— Оқсоқол бўладиган бўлди,— дейишарди ўзаро хотинлар.— Жаноб Фарар ўшани хоҳлаганидан кейин бошқа кимам бўларди.

Улар, оқсоқолнинг пономаръ бўлишига қаршилик ҳам кўрсатмоқчи эдилар, лекин кўрқдилар. Оқсоқол бўлса худди амалга мингандай гердайиб юради. У кафедрага китоблар кўтариб чиқаётганида, зинапоянинг энг юқори поғонасига шунақаям қоқилиб кетдики, сал бўлмаса, китоб-питоблари билан кафедрадан пастга ўмбалоқ ошиб тушарди.

«Гердайиш худога ҳам хуш келмайди!» — деб ўйлашарди хотинлар ичларида.

Кечки ибодатдан кейин пресвiterлар тўпланишиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, тарқалишди. Оқсоқол ҳаддан ташқари кеккайганидан хотинларга ёқмади. Уларнинг Миклушга раҳмлари келарди, Пресвiterларнинг хо-

тинлари эрларига Миклушни ҳимоя қилишини илтимос қилдилар. Бундай йўл-йўриқлар қатъий бажарилганидан, гувоҳлар чақирилди: улар Миклушнинг отга қўл тегизмай, фақат, фонус кўтариб турганини айтдилар. Ана шу гап уни оқлади.

Пресвiterлар фарарадан<sup>1</sup> чиқиб кетаётганларида Фарар Миклушни тўхтатди.

— Сендан ихлосим совияпти, кейинги вақтларда ўзгариб қолдинг; бўйдоқлигингда қовоқхоналарга юрмасдинг, келиб-келиб уйланганингда майхоналарга тез-тез бориб тураги эмишсан. Нима гап ўзи?

Миклуш жаюб Фарарнинг ўткир кўзидан қўрққанидан ерга қаради. Фарар кўрсатгич бармоини қимирлатиб таҳдид қўлди:

— Эҳтиёт бўл! Шайтоннинг васвасасига берилма. Кўзингни оч, ўзингни тут!

Миклуш хаёлотга чўмганича йўлга равона бўлди.

#### IV

Ўзининг барча шодлик ва ғам-ғуссалари билан худди шошилгандек қиш ҳам кириб келди. Ноябрнинг иккинчи ярмида ҳамма ёқни қор қоплади ва қаҳратон совуқлар бошланди. Деҳқонлар саройлардаги лашлушлар тагидан чаналарни чиқардилар. Хўжайниларнинг извошлилари отларни қўнғироқчалар осилган қишилик згар-жабдуқлар билан безадилар. Эрталаблари қишлоқда обдан семиртирилган чўчқаларнинг ҳаммага таниш чинқириқлари эшитилар, улар ўз чинқириқлари билан оғилхонадан очиқ охурга кўчаётганликларини маълум қилаётгандек бўлардилар. Болалар дарсдан сўнг чаналарини олиб, қишлоқ четнiga чопар ва ундаги тепаликдан пастга қараб учардилар.

Ростини айтганда, қишининг ўзига хос ажойиб шукухи бор, бўлганда ҳам қандоқ!

Аммо, кичкина Антуш ўзига ёқмайдиган бу қиш тўғрисида тамомила бошқа фикрда бўлганлигидан, яна бир ташвиш ортди!

---

<sup>1</sup> Фара — Фарарнинг уйи.

Башарти у рождество байрамини ёзга кўчира олганда эди, қишини албатта календардан тамом ўчириб ташлаган бўларди. Бунга ажабланилмаса ҳам бўлади; чунки Антушвой шоир эмас, балки Веторнице костёлининг оддий хизматчиси бўлганидан, қиши унинг ашаддий душмани эди. Хусусан, бел бўйи қор ёғиб бериб фарадан костёлгача йўл очиши қийин бўлганида-ку, асти қўя берниг. Қалин қор уюмларини тозалаб, костёл эшигигача йўл очгунча, совқотган бармоқларини неча марталаб пуфлаб иситиб олади. Баъзан совуқ суюк-суюгидан ўтиб кетган чоқларда эса, ҳатто, йиғлаб ҳам юборади. Нима ҳам қилиш мумкин, ахир унинг қони деҳқонларни кидака қайноқ эмас,— териси ҳам юпқа. Мана шуннинг учун совуқ қишлоқдаги шумтакаларга кўра унга тезроқ кор қилади. Унинг этиқдўз отаси интизомга ўргансин деб, ёшлигидаёқ костёлга хизматга берган.

○

Рождество байрами ҳам кириб келди. Шу якшанба куни эрталабданоқ деҳқонлар ибодатга келишлари зарур эди. Бечора Антуш тонг отишданоқ кечаси ёқкан қорни кураб эси кетди.

У совуққа жуда чидади, лекин бармоқларига сўзак кириб совуқ жонидан ўтиб кетгач, курагини улоқтириб юборди-да, ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди.

— Хой, бола, нега йиғлаяпсан?— деб костёлга бораётган хотинлар уни ўраб олиши.

— Вой-вой-вой! Бармоқларимни совуқ уриб кетди! — деб йиғларди Антуш.

Хотинларнинг унга раҳмлари келиб кетди, кун совуқ, шимол изғирини эсиб туради.

— Бечора, мушдек боши билан еган азобини қара-я!

— Отаси кураса бўлмайдими. Ноинсоф, ўлиб қолмас эди... Бечора! Бир бурда топган нони бурнидан чиқади, бечорани. Ўглим, нега сенга ҳеч ким ёрдам бермайди! — деб сўради черков мутаваллисининг хотини.

— Улар ўз ишлари билан овора,— деб Антуш ноглиди.

— Буни ўрнига бошқани қўйниш керак,— дейишди хотинлар.

— Яхшиси, Миклушки қўйниш керак,— хотињлар орқасидан туриб сўз қотди оқсоқол. Уларнинг гапига аралашиб, гапни ўз мақсадига томон буриб юборди.—



Унга нима? Унинг чармали калта пўстини, пиймаси, қўлқоплари ҳам шай. Анови фарага югуриб бориб, чой ичиб, исиниб олса ҳам бўлади.

— Ҳа, тўғриц-да, кийим-боши бут бўлгандан кейин нима қиласа ҳам бўлаверади,— деб оқсоқолнинг гапини кувватлашиб хотинлар.

— Агар қор кураб, йўл очса, бирон ери камайиб қолмас,— деди оқсоқол, шунчаки айтгандай сўзини давом этдириб,— вақтни: фарадами, печь ёнидами, бу ерда йўл очибми ўтказиш барибир эмасми.

— Ҳамма гап, хоҳлашида, қиламан деса, албатта қўлидан келади...

— Нима деяпсизлар ўзи! У ўзи билиб иш қиладиган, бошқаларга фойда келтирадиганлардан эмас. Унга буюриш керак,— деб сўзида давом этди оқсоқол.

— Нега бўлмаса буюрмайсиз?— деди мутаваллиниг хотини.

— Унга-я? Ахир у зот ҳам бир-у, мутаваллидан тортиб ҳаммамиз ҳам бир!

Ҳамма костёлга кирди. Ибодатдан олдин хотинлар Миклушнинг уст-бошини муҳокама қила бошладилар. Шундай кийим-бошга эга бўлган одамнинг қор кураб, йўл очмаслиги уларга гуноҳдек бўлиб туюларди. Улар уйга қайтгач, пономарнинг нима қилиши лозимлиги ҳақида гапириша бошладилар. Мутаваллиниг хотини ҳаётга янги реформа киритишга қарор берди. У бир йигинда пресвiterларнинг хотинларини бу ишга кўндириди, улар ҳам бу гапни эрларининг қулоғига қўйдилар, шундай қилиб, биринчи мажлисдаёқ мутавалли Юрак, хотинининг режасини ўртага ташлади. Бу таклиф ҳеч қандай харажат талаб қилмаганидан — ҳаммага ёқиб тушди, фақат пономарга буюриш керак эди, холос. Шу заҳотиёқ Миклушни чақириб, зиммасига юклangan янги вазифани эълон қилдилар.

Миклуш ҳайратда қолди; ўзига қарши яна ниманидир ўйлаб чиқаришлари етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. У оқсоқолнинг кулимсираб турганини кўриб қолди-да, бу — кимдан чиқсан ақл эканлигини пайқади. Агар Миклуш уни кўрмаганида, унинг розилигисиз зиммасига шундай адолатсиз оғир юк юклаганлари учун бош эгиб, ташаккур айтган бўларди. Аммо, Миклушнинг бу таклифи рад этишини оқсоқол кутиб турганини ва пономарлик вазифасини эгаллашга суюшиб

ҳозирланаётганини кўриб, аччиғи чиқди-ю, лекин розилик билдириди.

«Ҳа, ноинсоф, иложи бўлса-ю, бир тепиб жарга ағдариб юбора қолсанг, шошма ҳали, кўрамиз, ким-кимни ағдарар экан. Бу ишга муносиб бошқа биронта одам бўлганда ҳам майли эди, лекин сен, сен-а... шошмай тур ҳали» деди Миклуш ичидা.

Унинг зиммасига ҳаддан ташқари кўп иш юкланди. У ишдан қўрқмас, лекин бу ишларнинг ҳаммаси ўзининг оиласвий баҳтига раҳна солган ўша ярамаснинг иши эканлигини ҳис қилиш юракни ўртарди. Унинг ҳаёти жуда ўзгариб кетди, ҳаёти маъносиз ва зерикарли бўлиб қолди! Уйда ҳам шодлик йўқ... Хотиниғамгин бўлиб бир бурчакда, у бўлса қовоғини солганича иккинчи бурчакда ўтиради. Хизмати ҳам энди уни қувонтирмас эди. Агар иложи бўлганида, жон деб бу хизматини ташлаган бўларди...

Кучли шамоллар эсиб, бир кечада баланд-баланд қор уюмларини учирив кетарди, у шу қорларни веторницеда эрталабки ибодат сесланба ва пайшанба кунлари ўқилганидан ҳафтада уч марта якшанба, сесланба ва пайшанба кунлари кураши керак эди. Соат олтигача йўлларни қордан тозалаш учун тонг отмасданоқ туришга тўғри келар эди. У ўз билгича ишини енгиллаштириб, катта белкурак қилиб олди, ана шундан кейин иш жўнашиб кетди.

Аммо, бу иш уни шодлантирмас, ҳамма вақт тепасида оқсоқол туриб буйруқ қилаётгандек бўлиб туюларди. Бу фикр эса унга тинчлик бермас эди.

Бугун Миклушкинг ичига чироқ ёқса ёримасди. Эртага туғилган куни. У бу кунни тонг ёрнишмасдан туриб, қор орасидан сўқмоқ йўл очиш билан нишонлади. Эрталабдан буён қор гупиллаб уриб турибди, эҳтимол, тун бўйи ёғар. Бунинг устига кўнгил ғашликни айтмайсизми. Дардлашадиган одаминг бўлмаганидан кейин бора-бора гаплашишни ҳам унутиб қўясаси киши.

У кўз қири билан Зофьяга қараб қўйди. «Соқовга ўхшаб ўтиравериш жонига тегмасмикин, деб ажабланди у, бошқа хотинни сабри чидамас эди, бу бўлса... Ўша куни мен жин ургур нега энди унинг устидан чиқиб қолдим. Ахир у билан учратаман деб ўйлаганмидим...» У хотинига яна бир қараб қўйди. «Жаҳли чиқяпганмикин ёки хаёл суряпганмикин?» У, бу масала

устида анчагача бош қотириб ўтирди. Зофья эрининг ўзига кўз тикиб турганини сезиб қолди-да, ўзини тутиб туролмай унга қаради. Уларнинг кўзлари учрашди. Бу бир дақиқалик кўз уриштириш, бу кўзларда, ғазаб ўтининг ўчганлигини кўрсатди. Зофьянинг юзлари лоладек қизарниб кетди, у қизлигига ҳам шунчали уялмаган эди.

«Кўнглида нималар ўтаётганикин, менга бунчали тикилиб қолди! — Шу бугун бир хайрнитлик бўлади, албатта!» — деб Зофья ўйланиб қолди-ю, лекин йигираётган ипидан кўзини узмай, жимгина ўтираверди.

Ҳақиқатан ҳам Зофья гўзал-да,— деб ўйлади Миклуш ичида,— сенинг гулинг. Анави фалокат кимни севишини билади! Қани энди Зофьянинг жаҳли чиқяптими ё жаҳлидан тушганми... Билсам...»

Кечга яқин, «тегирмонга арпа олиб бориш керак бўлганидан Зофья омборга кириб кетди. Уйда Миклушнинг ёлғиз ўзи қолди. «Бекордан-бекорга аразлаб зарур қоптими менга! Уни қандай қилиб кўнглини олдим энди?...» деб узоқ ўйлаб қолди у. Печка ёнида турган корзинкада у олти йиг зифирпоя или турганини кўриб қолди. «Мен бу ипларни ўраб қўйсам, қандай бўларкин?» — деб ўйлади-да чарх олдида турган йигдаги ипни калава чўпга ўрай бошлади. У бу ишни қилиб бўлганидан бир оз ўтгач, Зофья ҳам келиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам гўзал-да,— деди ичида Миклуш,— хотиннинг рўмоли ва оқ пўстинига тушган қорга қараб. Унинг киприкларини қор момиқдек енгил учқунлари бе заб турар, лекин дарҳол эриб кетарди.

Миклуш жиiddийлик, лекин қалбида севинчи билан:— йиглар бўшаб қолганини кўриб, Зофья нима қиларкин,— деб ҳеч нарса кўрмагандек ўтираверди.

Кечқурун янги одатдагича: ҳар бири алоҳида-алоҳида, бирин-кетин овқатландилар. Бундай овқатланиш аввал эриш кўринса-да, кейин кўникиб кетдилар. Зофья зифирпоя толасини рўмолига ўради-да, елкасига пўстинини ташлаб йигларни олиш учун корзинкага қўл узатди.

Йигларнинг бўшаб қолиши уни ҳайратда қолдирганидан тўхтаб, ўроғлиқ йигларни бирор олган бўлса керак, деб ўйлаб қолди. «Ииё, кўни бўшаб қолибди-ку. Бу қанақаси бўлди? Кимдир ўраб қўйибди!» деб чархни олди-да, қанча калава борлигини санаган эди, тўрт-

та кўпайиб қолганини кўрди. «У, ўраган!»— деб кўнглидаи ўтказди ва қалби жўш уриб кетди. «Ростдан у ўраганмикин?» деб ўйлаб унга қаради ва уни ҳам ўзига тикилиб турганини кўриб лабида кулги пайдо бўлди.

«Ана куляпти, деб Миклуш қувониб кетди. Лекин, оғизга қурт солиб олгандаи, индамайди-я». Зофья гўё, «нинмадандир қўрқаётгандек шошилар. Зофья у билан ёлғиз қолишни ноқулаӣ сезарди. Агар бирорта одам бўлганида, у эри олдидаи бир қадам ҳам нари силжи-мас эди, аммо, ўзи ёлғиз бўлганидан чиқиб кетди.

Миклуш кетидан чақириб, олиб қолмоқчи бўлди-ю, аммо барибир ўзи қайтиб келади, деб ўйлаб индамай қўя қолди.

Худди кечанинг охири йўқقا ўхшаб кўринарди... Унинг фикру хаёли Зофъядада эди. «Унинг келишига жуда узоқ вақт ўтадиган бўлиб туюлса-да, кутишга қарор берди ва: шошмай турсин ҳали, мени билан ёлғиз қолганида қаёққа қочиб қутуларкин, деб ўйлаб вақт ўтказиш учун сават тўқишга киришди. Бир оз сават тўқиганидан сўнг, бод касали билан оғриб қолган қўшинисининг чиқиб кетди. Одатда беморлар деярли ухлаёлмайдилар, ани шуннинг учун ҳам Миклуш у билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, соат ўн биргача қолиб кетди.

Одамлар машшатбозликдан уй-уйларига қайтадиган пайтда, у ҳам уйига кириб ечинди-да, ўрнига кириб тиқ этса эшикка қараб, мижжа қоқмай ётаверди.

Зофья дарвозадан уйнга қаради, деразалар қоронфи эди. «Ухлаб қолганга ўхшайди, худога шукур, келганимни сезмади» деди-да, дарвозани ғижирлатмай секингина очиб, ҳовлига кирди-да, йигириладиган толаларни девор тагига қўйди. Гарчи ой булултар ичига яшириниб улгурган бўлса-да, атроф қордан ёруғ эди. Қор тўхтади; эрталабгача ҳаво очишлиб кетадигандек кўринар ва қаттиқ совуқ бўлиши кутиларди. У омборга кириб Миклушкинг супурги ва белкурагини топдида, ҳовлига қандай оҳисталик билан кирган бўлса, шундай секинлик билан кўчага чиқди, елиб-югуриб фара томон қараб кетди ва ўйл тозалашга киришди.

«Иўл тозаланиб қолганини кўриб, нима деркин!» деб ўйларкан унинг қалби енгил тортиб кетди. У эрталабоқ Миклушга ёрдам беришга аҳд қилган эди. У эрига ачинганидан, унга ёқадиган бирор иш қилгиси келган эди. Зора шу билан кўнгли юмшаб кетса деб

ўйлади. Аслани олганда эри шу куннинг ўзидаёқ, худди хотинининг ииятини пайқагандек, «отни эртароқ қамчилаган» эди. Зофья, бугун ё эрта жаҳл уйларидаи йўқолишига астойдил ишонарди. Улар жаҳлии ташқаридаги қаҳратон совуқнинг қаърига улоқтириб ташла-моқчи эдилар.

Ана шундай ўйлар билан қувониб ишлар ва ишлаш ҳам енгил туюларди. Кўчада қаҳратон қиши, лекин у исиб кетган; ҳамма ёқ қоп-қоронғи, лекин унинг қалби равшан, бу ер, костёлининг орқаси одамлар мотам тутиб, ўртаниб-ўртаниб йинглайдиган жой — қабристон бўлса-да, унинг қалбидан севинч жўш уради. Кечаси соат бирда тунги соқчи карнайини чалганда Зофья уйига қараб йўл олди.

«Ишқилиб уйғониб қолмаса эди,— деб ўйларди у йўлда бораркан.— Бўлмаса, ишини қилганимни билиб қолади».

У эҳтиётлик билан дарвозани очди ва омборга кирмоқчи бўлган эди, кимдир унинг қўлидан ушлаб олди.

— Ойи деб қичқириб юборди у.— Ким бу?

— Қаерда эдинг?— эрининг овози эшишилди.

Овозининг жиддий ва совуқлигидан Зофьянинг бутун аъзосига титроқ кирди.

— Бу ерда ўзинг нима қилиб юрибсан?— деб сўра-ди, Зофья.

— Кечаси қаерларда санқиб юрибсан? Қаерда эдинг?— деб дўқ қилди Миклуш.— Нима, маишатбозлик яrim кечадан кейин ҳам тугамайдими?— Унинг бу сўзидан ҳў тепалик тагида бўлиб ўтган воқиадагидек масхаралаш сезилиб турарди.— Ҳа, гапиришни ҳам унутиб қўйдингми?

— Сенга учраб қолишимни қаёқдан билай?— деб гапира бошлади Зофья,— ахир...

— Эрим ухлаб ётибди-ку, деб ўйлагандирсан-да,— деб таҳқирлашда давом этди у.— Баъзан ухламаслик ҳам фойда беради! Ҳеч бўлмаганда бирон нарсани кўриб қоласан, киши.

— Ахир, мен...

— Ҳеч бўлмаса хотининг соат ўн бирда иш йигиришини қўйиб, ваъдалашганига чопишини кўриб қоласан-ку...

— Мен-а? Ҳечам-да! — деб хитоб қилди Зофья.

— Ҳеч эмас, балки ҳа! Қаерда эдинг бўлмаса? Қў-

риб турибманки, узун сочингни осилтириб юриш чаккангга тегибди. Айниқса, қишида сочсиз юриш яхши эмас-ку.— У хотинининг бошидан чепецини юлиб олди.

— Миклуш, ҳеч қаерда бўлганим йўқ, бекорчи гапларни қўй?

У бир қўли билан хотинининг сочидан ушлаб олди, қўлида қайчига ўхшаш нимадир борлигини Зофья кўриб қолди.— Ахир, костёл ёнида эдим. Менга ишон, ёлғиз ўзим эдим!

У хотинининг соchlарини қўйиб юбормади, аммо иккинчи қўли ҳам қимир этмасди. Бирдан у нафасини ростлаб олиб:

— У ерда бир ўзинг нима қидирдинг? Кечки ибодатга борадиган одатинг борлигини билмаган эканман!..— деди.

Зофья ердан белкурак билан супургини олди. Миклуш оппоқ қорда шиманингдир қорасини кўрди-ю, бироқ буларнинг нималигини дарҳол била олмади.

Зофья ҳаяжонлангандан овози титраб:

— Йўл тозаладим,— деди-ю, йиғлаб юборди.— Мен ахир, ақалли туғилган кунингда роҳатланниб ухлагин, деб ўйлаган эдим. Сен бўлсанг бекордан-бекорга дағдага қиласан...

Миклуш Зофьянинг йиғлаётганини сезди-да, қўлидан белкуракни олди ва қўлини бир оз ушлаб турди.

— Демак, йўл очгани борган экансанда-а,— деди у бир оздан кейин, майнин овоз билан.— Мен аҳмоқ жонимни қўйгани жой тополмай юрибман!

Зофья деворга суяңанича ҳўнграб йиғлай бошлади. Миклуш нима қилишини билмас эди. Ҳозир у ҳаммадан кўра ўзидан нафратланар эди. «Бу, аҳмоқ оқсоқол қанча номаъқулчиликлар қилди. Ёки менинг тирноқча ҳам ақлим қолмадими?»— деб ўзини койирди.

— Зофьяжон, мендан жуда ҳам қаттиқ хафа бўлдингми?— деб сўради у Зофья томон эгилиб ва унинг бошини силади.— Менинг қанақалигимни кўриб турибсан-ку...

Зофья чурқ этмай, бошини унинг елкасига қўйиб пиқ-пиқ йиғлай бошлади. Севинчдан оқаётган бу кўз ёшлар унинг сўзларига жавоб эди.

— Ахир қўрққан эдим-да, мабодо у фалокат... деди-ю тилини тишлаб қолди.— Айт-чи, шу гаплардан кейин аҳмоқ эмасманми?..

Кўз ёшлари оқиб турган Зофья кулиб юборди.

— Менга барибир; фақат сен хафа бўлмасанг бўлгани.

Улар қалблари тўла шодлик билан уйга кирдилар. Уй шунчали ёқимли ва шунчали мароқли эдикӣ, асти кўя берасиз.

Эрталаб, улар уйқудан турганда, ташқарида даҳшат солиб гувиллаётган шамол овози эшитилиб турарди.

— Йўл очилгани қандай яхши бўлди-я,— деб қувонди Миклуш ва шу заҳоти қўли билан пешонаснга урди.— Ана холос! Шундай шамолда қандақа қилиб йўл очиларди! Яна кураш керак бўлади,— деди хўрсиниб.

— Демак, сенга ёрдам бермабман-да,— деб кулди Зофья,— ҳа у ер-бу еринни кураб қўясан, холос.

Миклуш:

— Бу, сени хафа қилганим учун менга жазо,— деди-да, кўнгли енгил тортиб, қўлига супурги билан белкурак олди.

1891





## *Тимрава*

### ТЯПАКЛАР

І<sup>І</sup>клам келди. Қуёш нурларидан илиган тупроқдан буғлар ва хушбўй ҳидлар тарқалмоқда. Ёқимли, соф ҳаво худди кишини эркалагандек туюлади. Ўтлоқларда дастлабки майсалар ниш уриб, сойлар лабидаги самбиттол ва оқтоллар куртак чиқармоқда. Ҳамма ерда ҳаёт уйғониб ҳаракат бошланган. Одамлар далага ошиқадилар. Улар қиши бўйи дам олиб энди кўкракларига шамол тегиши учун соф ҳавога интиладилар. Юзлар қуёшдан қип-қизариб қораяди, кўзлар қувонч билан чарақлайди.

Тяпакларниидаги эркакларгина қиши ялқовлигидан сира қутуломмай далага бугун чиқишларини ҳам, чиқмасликларини ҳам билмай, ҳовлида ивирсиб юрибдилар. Далага аллақачоноқ плуг тушиши керак, бироқ, бугун чоршанба, Тяпакларнинг ота-боболаридан тортиб,

жумадан бошқа куни ер ҳайдашга киришмаганлар. Ернинг обдан етилмаганлиги ва қишида яхши боқилмаган ҳўқизларни уринтириб қўйишдан қўрқиб, ўтган жума ер ҳайдалмади, келаси жумагача кутилса ер қотиб қоларди. Далага бугун чиқиши керак-ку, лекин буюрилмаган кунда иш бошлаш қандай бўларкин? Худо оқ йўл берармискин, деган шубҳа уларни тўхтатиб турарди.

Тяпаклар оиласи катта эди: хотини, бола-чақаси билан тўрт оға-ини, энг кенжаси Мишо ҳали бўйдоқ, буининг устига ўттиз ёшли Анча деган қарни қиз сингиллари ҳам бор эди. Майибни ким ҳам олади, дейсиз? Болалик чогидаёқ оёғини бод акашак қилиб қўйганидан, у эмаклаб юрарди. Чиройли, қош-кўзлари келишган бу қиз оёқларини узата олмасди...

Тяпаклар кўпчилик... Агар ҳаммалари жам бўлишса ўтиргани жой ҳам етишмай қолади. Стол теварагига ўтиришиб олиб, ҳар бирни бир, иккичумидан олса бўлди, овқат сузилган идиш бир зумда бўшаб турибди... Одам кўп бўлгани билан уйда бошлиқ йўқ эди. Тяпакларниг онаси, кекса бека тириклигига бир оз тартиб бор эди, аммо, у ўтган қиши ўлганидан кейин улар подачисиз қолган қўйлардек бўлиб қолдилар. Оталари аллақачон ўлиб кетганидан, бу катта оиласи бошқарадиган киши йўқ эди. Оға-инилар бир-бирларни билан иноқ әдилар, шунинг учун одатдагидек катта акамиз Пало уйга бешлиқ бўлсин, деган қарорга келдилар, лекин уларниг хотинлари сира чиқишолмасдилар. Яблонцковларниг қизи Иля — Палонинг хотини катта келин бўлганидан, уйга қонунаш ўзим бош бўлишни керак, деб ўйлайди, аммо, бошқалар, айниқса, майиб Анча бунга мутлақо рози эмас. Анча бошқаларни ҳам бир-бири билан гиж-гижлатиб қўяди. Анча ўзи уйга бош бўлишни хоҳлаб, доимо Иля хуш кўрмаган ишларни қилади. Иля ўзини бошқалардан юқори тутганидан уни ушча ёқтиришмайди. Бунинг устига Иля қишлоқда доялик ҳам қиларди. У Собота<sup>1</sup>даги курсда иккича ўқиб келди, шундан бери дворянлар орасидан чиқсан кишига ўхшаб, кеккайиб кетди. Энди уйдаги қилинаётган ишлар унга ёқмай қолди. У, бошқаларга ўргатмоқчи бўлар, ўзини худди уй бекасидек тутиб, Тяпакларниг уйнда

---

1 Римавска Собота — Словакиядаги шаҳарча,

асрлардан буён давом этиб келаётган эски урф-одатларни бекор қилмоқчи бўларди.

Мана бугун ҳам, кўзини очиб, нонуштага сув келтириб улгурмай ғиди-ғиди қила бошлади:

— Қайси бир одам, устига ёғоч ишланмаган қудуққа бепарво қарайди? Қудуққа тушиб кетишимга сал қолдн Сизга ношуشتа тайёрлаіман деб, ёш жонимдан ажраб қолаёздим! Қудуқни тузатишни истамасаларинг ўзларинг сув опкелинг! Олдинданоқ айтиб қўя қолай, аввало, менинг умрим хазон бўлади!

Уйдаги эркаклар бир-бирларига қаравиб олишиди, хотинлар бўлса, унинг гапларига эътибор ҳам бермадилар. Баланд бўйли, сал буқчайга проқ, катта кўзлари билан кишига осойишта қаровчи, ҳазилни яхши кўрганидан ҳазилкаш деб лақаб ортдирган Иляниңг эри Пало кулимсираб:

— Эҳтиёт бўл, тағин сувга тушган мушукдек бўлиб қолма, малика! — деди.

Уйдагилар кулиб юборишли. Иля лоладек қизарниб кетди: эрим мени қўллаб-қувватлар деган эди, лекин уни калака қиласпти.

Печка олдиаги скамейкачада эпчиллик билан картошка арчиб ўтирган майиб Анча дарров гапга аралашди:

— Сенга бу ер ёқмаса, ёқадиган жойга жўнаб қўя қол! Эсимни таниганимдан бери, қудуқ ҳамиша шунақа, лекин уч йил олдин тушиб кетган Гажурковларнинг бузоқчасидан бошқа ҳеч ким қудуққа тушиб кетганича йўқ.

— Ҳа, уйғонган экансан-да, дарров овозинг чиқиб қолди! Бу гап шундайича қолмайди! Тузатмасаларинг — устларингдан жандармчиларга арз қиласман, сизларни бир штраф қиласин! — деб дўқ урди Иля эркакларга.

Ҳар қандай гапга жавоб қайтаравериш Тяпакларга одат бўлмаганидан чурқ этишмади, фақат Анча яна гапга аралашди.

— Ҳали шикоят қиладиган ҳам бўлиб қолдингми! Буйруғингни Яблонцковларингникига бориб қил! Бу ерда бека эмассан!

— Бека бўлмасам кимман? Албатта, бекаман! — деди-да, Иля кулиб юборди.— Ҳамманг айтганимни қиласаллар! — деб қўшиб қўйди у зарда билан.— Сен жим

ўтиравер, сенга гапираётганим йўқ, мана бу эшакларга айтяпман!

«Эшаклар» бугун эрталаб чурқ этмасликка онт ич-гандек, бу сафар ҳам «лом-мим» демай ўтиравердилар.

Тушлик овқат вақтида Иля, уйнимиз торлигидан тўрт-та одам сиғмайди, янги уй қуриш керак, деб нолиб қолди ҳам.

— Бошқа оиласлар оз жонли бўлсалар ҳам, бир бало қилиб ўзларига алоҳида уй қуриб оладилар, сизлар бир-биrlарингниг устларингдан юрадиган бўлсаларинг ҳам парволарингга келмайди. Бурниларингни остидаги-дан нарини кўрмайсизлар! Ҳа, жонни эговлари!

Уйда ўтирган учта эркак, гёё Иля уларга эмас, де-ворга жовраётгандек, жавоб қайтармадилар. Хотинлар ҳам ади-бади айтишгани эриниб, ўзларидан ҳам майнб қизни яхшироқ жавоб қайтаришини билганларида ин-дамай ўтиришарди. Ҳақиқатан ҳам, худди шундай бўлди: Илянинг жаги тинар-тинмас Анча жоврай кетди:

— Нега акаларимни ҳақорат қиласан? Сенга ёқма-са, нега Палога тегдинг? Узингга қирол топиб олсанг бўлмасмиди. Манови маликам қаранглар-а! Бу ердаги-лар сенга ёқмаса жўнаб қолишинг мумкин! Палонинг кири сенсиз ҳам ювилиб қолар, уйда хотинлар етарли. Сенсиз ҳам кунимиз ўтиб қолар!

Майнб қиз овқат еяётган тунука тарелкасини жаҳли билан нари сурнб қўйди. Ҳамма вақт унинг жаҳли чиқ-қани-чиққан эди.

— Ҳалийам Палога текканимга пушаймонман. Усиз ҳам жазманларим кўп эди,— куйиб-ёниб жавоб берди Иля.— Ҳа, мен маликаман, сен ўзинг кимсан? Илонсан, майиб! Сенсиз ҳам кунимиз ўтади... Яхшиси гапимни қувватласанг ўласами, сенга нима, топ-тоза, саранжом-саришта уйда яшасант ёмонми? Шу ҳам уй бўлтими! Уй эмас — ўра! Нафасинг тиқилиб ўлай дейсан киши! Яхшими шу? Мен сизларга яхшилик истайман, сизлар бўлсаларинг ўринли маслаҳатга қулоқ согиларинг ҳам келмайди. Ҳаммаларинг худди ертўлада ўсганга ўхшай-сизлар — оп-озгии, рангларинг заъфарон. Томирларинг-да қон эмас, зардоб, ўргимчакнинг ўзгинасисизлар. Со-ботадаги докторлар менга доим: Тоза ҳаво ва озодалик— кишининг ярим умридир, дердилар, ҳа, шунаقا мақол ҳам бор. Биз кўпчилиқмиз, агар ҳаммамиз бир таң, бир жон бўлиб ишласак — бир ойда уй қуриб оламиз.

— Қиролинг шундай дедими сенга? Илгари қандай бўлса, шундайлигича қола беради. Илгари йигирма икки киши сиққан, энди ўи олти киши сиғмай қолибди да. Сенга ҳамма һарса торлик қиласди.

Иля кечқурун қайниларини ер ҳайдашга киришмаганлари учун боплаб койиди, лекин бу сафар ҳам улардан сало чиқмади. Уларнинг юзидан таъналарга тамомила бефарқ қарашиб ҳисларини уқиш мумкин эди.

— Плугларни қачон қўлга оларкинисизлар деб кун бўйи жоним ҳалак, сизларнинг парвойиларингга ҳам келмайди я!

— Қачон ер ҳайдашлари билан нима ишинг бор! — деб тутоқиб кетди Анча. — Дояликка кетаётганингда сен улардан сўраб ўтирумайсан-ку. Бошқалар ишлаганда, аллақаерларда юрганинг, топган пулингни яширганинг учун сенга танбиҳ беришмайди-ку? Ёш бўла туриб доялик қилгани уялмайсанми? Яна чўқинтириш зиёфатларида маст эркаклар билан ашула ҷайтишасан! Бутун қишлоққа кулги бўлдинг, — деди у ғазабидан бўғилиб.

Бўйи-басти келишган Иля қадди-қоматини ростлади:

— Нимадан уяламан? Аксинча, фахрланаман! — деб жавоб берди у магрурланиб. — Ҳа, илмим бор, бу билан фахрланаман. Ашулани шунинг учун айтаманки ёш жувон сизларга ўхшаб тумтайиб юрмасдан, шўх, қувноқ бўлиши керак. Вақтимни бекор ўтказяпманми? Бўлмаган гап! Ялқов Зуза Гунковка, ёки касал боласи билан Анча Гагарцовка, ё бўлмаса Мара уч ойлик боласи билан кўп пул топяптими? Агар мен ишга киришсам, уларнинг ҳаммаси бир кунда қилганини ярим кунда қилиб қўяман... Үзинг топган пулингдан қанчасини рўзгорга беряпсан, бутун қишлоқ учун буюм тикисан, машҳур тикувчисан, бошқа қишлоқларда ҳам сени билишади! Мен бўлсам топган пулимдан куни кеча сиз ҳасадчинарнинг дастурхонингизга элакдек каттақон кўмач қўйдим...

Хотинлар унга эътироуз билдиришга шошилгандек, Иля томон қайрилдилар-у, бироқ, биронтасидан ҳам сало чиқмади. Майиб қизнинг ҳам бирданинга шахти қайтди, бошини әгуб, буюмини тикишга киришди.

Уйга уларнинг амакиваччаси Яно Фузак кирди. У баланд бўйли бўлганидаи, ис босган шипга боши тегиб кетишига сал қолди. У чиройли қора кўзларини тикиб

ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, кулиб қўйди. Тяпакларнида нималар рўй берадиганини пайқаб олиш учун бир назар ташлашнинг ўзи кифоя эди.

— Ҳа, ойимлар нима бўлди? Нега шовқин кўтараётисизлар?— деб секнигина сўради у.

— Ҳа, ўша ҳар кунги гап,— деди Иля кибр билан бошини гоз кўтариб. У нима сабабдан доим жанжаллашишларни чайтиб бера бошлиди: Мен ҳаммага яхши бўлса дейман, бироқ, гапимга ҳеч ким қулоқ солмайди. Анча-ку ҳаммасидан ҳам ўтиб тушади.

Яно Фузак бу гапга қулоқ соларкан, чақнаб турган қора кўзлари бот-бот бошини эгиб, индамай буюм тикаётгани майиб қиз томон қаради.

— Ҳали ер ҳайдашни бошламадиларингми?— деб сўради Яно Палодан, Иляга жавоб қилмай.

— Йўқ, Убочъенинг нариғи ёғидаги ерлар ҳали етилмаган бўлса керак.

— Эртага далага чиқасизларми?

Пало, Иля олдида гапиришни истамай, ҳадеганда жавоб бера қолмади.

— Билмадим... Жўума куни чиқармиз.

— Нега эртага чиқмайсизлар?— деб гапга аралашди, Иля.

Унинг гапига ҳеч ким жавоб бермади.

— Биз Зъярчицада бўлдик,— деб сўзида давом этди Яно,— у ер ҳам ҳали лой. Бундай ерни ҳайдаса, ҳўкизлар ётиб қолса керак. Яхшиси эртага тўнка қазиш учун Загумницанинг нариги томонига борамиз.

— Мен ҳам ҳўкизларни уринтириб қўймасам дейман. Ҳали вақт бор,— деди Пало, Янонинг ҳам ҳаливери ер ҳайдамаслигидан мамнун бўлиб.

— Тўғри. Аммо, баҳори донни қанча эрта эксанг, шунча яхши бўлади,— деди Яно, буни мен даламизда синаб кўрдим.

— Шундай қилиб, эртага далага чиқмайсизларми?— деб яна гапга аралашди Иля ва жавобни кутмаёқ қатъий қилиб;

— Хўш, эртага уй учун тош ташийсизларми?— деди.

Ҳеч ким унга қайрилиб қарамади ҳам. Ҳар қандай сўзга жавоб қайтариш Тяпакларга одат эмас эди..

Яно очиқ кўнгиллик билан:

— Нима, Илочки, сифишмай қолдиларингми? Уй қурасизларми?— деди.

— Албатта қурамиз. Мен шуни истайман! Үзинг бир қара, Янко, шунча одам битта уйда яшаймиз-а. Бу ерда нафасинг тиқилиб ўлишинг мумкин!

Яно кўз қири билан уйни қараб чиқди ва унинг чиройли кўзлари ўз одатига қарши индамай ўтириб, бошини қуий солганича буюм тикаётган Анчада тўхтади.

— Ҳа, худога шукур етиб ортарликсизлар,— деди у Иляга, кейин Анчанинг олдига келиб, унинг скамейкасига ёнма-ён ўтириди-да:

— Сен Анечка, ҳалиям уриниб ётибсанми?— деб сўради ва ишлайвериб дағаллашиб кетган қўли билан унинг бошини силади.

— Зуза Земяковага лиф тикяпман,— деди у, бошини кўтармай.

Яно унинг хушбичим, нозик бармоқлари пақадар эпчиллик билан чиройли буюм чокига қавуқ тикаётганига қараб турди.

— Менинг хотиним ҳам тикдирниш учун бир нарса олиб келмоқчи эди.

Анча қизариб кетди, қўлинни титроқ босиб, бармоғига нина кириб кетди. Лекин, Анча бунга эътибор қилмай ва чурқ этмай, тикишда давом этди.

— Анечка, эҳтиёт бўл,— деди Яно.— Эртага Мишони бизга ёрдамга юбормайсизларми!— деди у чиройли кўзларини оға-иниларга тикиб.

— Мишони?— деб қайта сўради уйдагиларнинг энг каттаси бўлган Пало. У эшик олдида кесакига суюниб, турган кичик ииниси Мишога қаради.

— Майли... Борасанми, Мишо?

Мишо елкасини қисди. Ўқимишли Иля гапга аралашиди:

— Ахир ундан, Тяпакларга ўхшаб, бир оғиз сўз эшитиш қийин, немиснинг ўзгинасику!

— Үнга бирон нарса бўлдими?— деб қизиқсаниб сўради Фузак, Мишодан кўзини узмай.

— Ката деб, юрак бағри эзилиб ётибди,— деб жавоб берди Иля.

— Ката учун? Хўп одамини топибди-да! Мишо, қизлар кўп. Истаганингни танла, ҳаммаси ҳам бир, ҳаммаси ҳам гўзал,— деди кулиб Яно ва уҳ тортиб қўйди.

Акалари Мишони юборишга ваъда берганларидан сўнг Яно уйига қараб кетди. Тяпаклар Яони оstonадан

нарроққача кузатиб қўйиншгач, ўз бурчакларига тарқалдилар.

Иля оғилхонага қараб юрди. Пало одатда шу ерда ётарди. Иля ҳозиргина майиб қиз билан айтишиб келган эди, Яно жўнаши биланоқ, майис қиз у билан олишиб кетди. Лекин Иляга бу камдек туюлди, у яна эрининг ҳам жигига тегишига қарор берди.

Оғилхона деразасида чироқ ёниб турарди. Пало қашлагич билан юнглери чигал бўлиб кеған ҳўқизни тозаларди.

Мол боқиши вазифаси Мишога топширилган бўлса-да, кейинги вақтларда у ҳамма ишни ташлаб қўйган эди.

Иля газаб тангриси каби эшик олдида тўхтади.

— Ортиқ сен билан яшай олмайман, эшитяпсанми?— деди у икки қўлнни белига тираб. Бу лиқ тиқилиб кетган казармада яшай олмайман. Ивирсиқлар, ифлосликлар, сўқиннишлар жонимга тегди. Е шу ёздаёқ уй қурсани, ё бўлмаса мен кетаман!

Пало, гўё хотинини кўрмагандек, унинг дўқларини эшитмагандек индамай турарди. У зўр бериб, ҳўқиз қашларди.

— Қаёққа кетмоқчисан?— деб сўради у, бир оздан кейин осойишталик билан.

— Қаёққа бўларди! Яблонцковларникига, ота меросимга. Сен жиддийроқ ўйлаб кўргин: «Е уй қурамиз, ё бўлмаса мен сенга хотин бўлмайман!»

Ҳазилкаш Пало ҳўқиз қашлашдан бошини кўтармай:

— Яблонцковларникига? У ерда нима ҳам қилардиси? Сен у ерда ҳам чиқиша олмайсан,— деди.

— Мана кўрарсан! Менга фақат тинчлик керак, бошқа ҳеч нарса керак эмас. Бу ерда ёш жонимга жабр қилиб юришнинг нима кераги бор. Болаларим бўлмаса, бирорлар учун ишлашдан нима фойда? Агар сенга зарур бўлса, bemalol, бу— сенинг ишинг, мен қилиб бўлдим.

Пало бошқа ҳўқизни тозалашга киришди. Унинг юзидан шундай жиддий гаплар эшитгани билинмасди. Сиполик билан гердайиб олган Иляга, у, ҳатто, қарамас эди. Унинг қўйникидек кичкина кўзлари ювошлиқ билан боқарди.

— Чиндан ҳам кетмоқчимисан?— деб сўради бир оздан кейин у.

— Кетаман!— деди Иля кескин. Эри ўзини қанча вазминликка солса, у шунча кескинлашарди.— Шу ҳам ҳаёт бўлдими, ахир? Ҳаммаси менга ириллайди, ҳеч ким гапимга кирмайди. Иложи бўлса-ю, бир қошиқ сувга чўктириб ўлдириб қўя қолса. Ҳамма бало улардан ақллилигимда, бутун ишларни улардан яхшироқ қилишимда, ўқиганлигимда... Иккисидан бирини танла: Ё уй қуриб, ажралнуб чиқамиз, ё бўлмаса мен кетаман!

— Барибир қайтиб келасан!— деди эринчоқлик билан Пало.— Бир марта кетиб, яна қайтиб келдинг-ку, сенга оға-иниларигники ҳам ёқмайди.

— Хўп, мана кўрасан, қайтаманми-йўқми! Бу ерда нимам қоларди. Борди-ю ўлиб-нетиб қолсанг, тўрвахалтамни кўтариб кетавераман-да.

— Ҳеч ким сени ҳайдётгани йўқ. Қаерда ишласанг, ўша ерда яшашга ҳаққинг бор.

— Шу ерда қолиб-а! Ҳозирнинг ўзида мени еб қўйяй дейиňшяпти-ю, у вақтда нима бўларди?— деди қизишиб Иля. Кейин бир оз мулойимлашиб, сўзида оҳиста давом этди:— Улардан бошқа бўлиб чиқиб кетайлик. Ота меросимда уй қурсак, ўзимизга яхши бўлади-ку, тинч яшаймиз... Охирги марта айтяпман,— деди у яна овозини баланд қилиб,— кетаман. Кейин, менга айтмай кетиб қолди деб ўкиниб юрма! Иккисидан бирини танла!

Пало ҳамон ҳўқиз қашлаш билан овора эди

— Иккисидан бирини танла: Ё мен билан бўл, ё Тяпаклар билан!— Иля дўқ билан такрорлади.— Худони ўртага қўйиб гапиряпман! Охирги сўзим!

Пало индамай, ҳўқизларни тозалар, ундан кейин усти булғаниб, қотиб кетган сигир-бузоқларга қарамоқчи бўлиб турарди.

— Сен нима-ю, манови мол нима!— деди-да, Иля тутоқиб ташқарига чиқиб кетди.

Пало худди оғзига толқон солиб олгандек жим эди. Иля ётадиган жойинга юз хил ўй-хаёллар билан жўнади: Бунга гапирдинг нима-ю, деворга гапирдинг нима. Эй худойим, Дюро Увод зап йигит эди-да, аттанг ўшанга тегмадим-да. Агар у бўлганда кетишдан оғиз очсам косов билан тушириб қоларди. Иля кичкина омборхонага кириб, әшикни ичидан қулфлаб олди-да ўрнига ётди, лекин ҳаяжондан ухлолмади. Бунақангги эрга нима

ҳам дердинг? Барнибир, ўз сўзимда қатъий турнб олишим керак! Бошқа қаергаям борардим? Ўйгани? Оға-ини, келиллар билимсиз, қўпол одам, уйларининг ҳам оғилхонадан фарқи йўқ. Тяпакларнинг гердайган келини бўлиб турнб, бирортасига оқсоч бўлсан нима қиласки? Ахир муаллима хоним ярим йилдан буён оқсоч қидириб, тополмай юрибди. Ахир уннига борсан; у яхшигина оқсочга эга бўлади-ку...— деб ўйлар ва шу ўйларини амалга ошириб, Илядан ажраб қолиш нималигини Палога кўрсатиб қўймоқчи бўларди.

Анча скамейкада оёғини осилтирганича иш тикиб ўтирад, олдидағи тўнкариб қўйилган тувакда лампа ёниб туради. У стол тепасига осиғлиқ катта лампага онланинг мойни қўйилганидан, уни ўчириб қўйган эди. Келинлар, хусусан Иля, «бизнинг чироқда ишлаб пул топяпсан демасинлар учун, ўзи лампа сотиб олган ва мойни ҳам ўз пулига сотиб олиб қуярди. Бу кеча Анча анча изтироб чекди. Ҳар сафар Яно Фузак келганида у шундай азоб чекар, ўзининг болалик йилларини эслаб кетарди: оёқлари оғриб, бод касали бошланганида у ўн ёшда эди, ана шундан буён у тузалмади. У онланинг ягона қизи бўлганидан ҳеч нарсани аямай, кўрсатмаган одамлари қолмади, лекин, докторларга қатнаш беҳуда кетди, оёғи тузалмади. Ҳатто машҳур мутахассис ҳам уни даволай олмади. Унинг ранги кетиб, озибтўзди, оёқлари қийшиқ бўлиб қолди. Ўша вақтда Янонинг отаси Анчанинг гамдан куйиб адо бўлган онасига қизини тахтакачлаб қўйинши маслаҳат берди ва «шу билан оёқлари тўғри бўлиб қолар», деди. Ана шу шафқатсиз маслаҳати учун оғриқдан эсини йўқотаётган Анча, кўкрагига унга нисбатан қаттиқ нафрат ҳиссини туғиб қўйди. У ўринда ётиб тўлғонар ва ер муштлаб, илоҳо Фузакнинг ўғли ҳам мендан бадтар кунга тушмаса ёки ўлмаса у дунёи бу дунёда рози эмасман, деб қарғарди. Ўшандан буён йигирма йил ўтиб кетди. Одамлар у вақтларни унутиб юбордилар ва майнб қизга эътибор ҳам бермай қўйдилар, лекин Анча буларнинг ҳаммасини эснда сақлади...

Анча тикаётган буюмини улоқтириб ташлади, унинг фикри-зикри Янода эди. Қўлларини чаккасига тираб, зўр қайғу билан оғир сўлиш олди-да, «ўша вақтда ўлиб кетганимда-ю, шунча алам чекмаган бўлардим!»— деб ўйлади.

Оқшом. Тяпаклар эндигина овқат устидан туриб ҳар бири түғри келгап ерда ўтириб ёки турганича, ёмон кўрганлари Иля ёлгап жавдар нонни кавшашмоқда. Стол устида овқатдан бўшаган идиш-товоқлар, қошиқлар бетартиб ётар, стол усти жиққа ҳўл эди. Хотинлар бека Иля бўладигай бўлса столни ҳам ўзи йиғиштирсан деб, қўл урмай ўтирадилар, ҳатто, Илянинг уйда йўқлиги ҳам уларни ажаблантирмас эди.

Майнб қизнинг каравотида Гагарцовканинг рангги заҳил, чилтонга ўхшаш нимжон, бсмор боласи ўтирас, озғин қўллари билан чироқ нурига тоқат қиломай қўзини бекитиб, чинқириб йиғларди. Гагарцовка боин оғриб, боласининг ёнида унинг йиғисига парво ҳам қилмай ётарди. У боласини кўрсатмаган доктори, табиби қолмади, ҳатто, у билан икки ҳафта касалхонада ҳам ётиб чиқди, лекин ҳеч қандай наф бўлмади. Малника Иля ўзини уларнинг ҳаммасидан устун қўяр, уннинг захлиги, тор уйда сиқилишиб яшашганидан ҳавоси бузилиб кетган, шу сабабли бола оғрийди, дер (у Анчанинг оёғи ҳам шу сабабли акашак бўлиб қолган деб юради), лекин, ҳеч ким унинг гапига ишонмас, уни мазақ қилиб кулишарди, холос. Ҳўш, агар шундай бўлса, нега кичик келиннинг боласи касал эмас, аксинча соғлом, дум-думалоқ, юзлари, ҳам лўппигина... Чакай<sup>1</sup> лақабли Палонинг ўртанча укасининг хотини, пак-пакана Зуза скамейкачада оёгини осилтириб ўтиради. Унинг иккала боласи ҳам анча катта бўлиб қолган, уларга қўз-қулоқ бўлиб туришнинг ҳожати қолмаган эди. У тикиш билан шуғулланмоқчи, лекин худо билади-ю, тўқ-қизинчи нон бўлагини кавшаяпти. Оға-инилар ифлос стол теварағида ўтиришар, ёлғиз Мишогина деворга суюниб, полга тикилганича эшик олдида турарди. Акалари Трансильвания ҳақида гапиришмоқда эди. Қўй олиб келиш учун ўша ёққа жўнашга ҳозирланаётган деҳқонлар билан бирга Тяпаклардан катта акаси бормоқчи эди. Лекин бу гаплар Мишони қивиқтирумас эди. Кечки овқат вақтида у деярли ҳеч нарса емади: у қузда уч йиллик солдатликка кетиши кераклигини ўйлаб ташвишга тушар, қовоқхоначининг хизматкори Ката тўғрисида ўйлаганида-ку, юраги ўртаниб кетарди. У полдаги лойни, ахлатни кўрмас, фақат, қўз олдида Катанинг кичкина

<sup>1</sup> Чакай (словакча) — тўхтаб тур.

боши-ю, чиройли юзларигина гавдаланар, юраги нотинч урар, жўшқин муҳаббат билан тўлиб тошар ва ўртапарди. Майиб қиз,— одатдаги ўрни бўлган, печка ёнидаги скамейкада ўтирап ва синовчан кўзлари билан Мишога қаарарди. Ўйнинг ҳавоси бузилиб кетган, ҳаммалари терга пишиб ўтиришарди. Хотинлар бўғиқ ҳавода нафаслари сиқилиб кетиб, бошларидағи рўмолларини ечиб ташладилар.

— Эй, худо!— деб уҳ тортди Зузанинг эри пакана Чакай.— Швибальский ҳам қўй олишга бормоқчи, пулни қаердан оларкин?

Хотинлар гапиргилари келмай жим ўтиришарди. Пало хотинини ахтариб, теварагига қаради ва стол йиғиширилиб олинмаганини кўрди.

— Ҳа, пулни қаёққа сиғдиришини билмай юрибди. Мишо, сен унинг қизига уйланишинг керак!

— Пало Головцев ҳам борармиш!— деди уҳ тортиб, донмо бирорларнинг ишига суқилиб юрадиган Чакай, наҳотки у ҳам Трансильванияга борса?

— Головцов қарз олди, Швибальский-чи...— деди Пало сўзини тамомламай ва Мишога кўз қисиб қўйди.— Мишо, эшитаётисанми? Мана сенга қайнота бўладиган одам!

Мишо эшитмас, эшитса ҳам, эътибор бермай, ергатикиилганича, миқ этмай турарди; захар Анча сездирмай, уни таъқиб қиласарди. Мишонинг Катага уйланишига ҳаммадан кўпроқ у қарши эди. Аммо, Мишони ҳозир шундай ғамгин ҳолда кўриб, унинг юраги ачиди: «Бечора Мишо. Ахир шу енгилтак қизни келин қилиб бўладими? Йўқ... Балки ҳарбий хизматда Қатани унугиб юборар,— деб ўзини юпатди.— У ерда уч йил туради. Кейин, ўшани олиб бермаганлари учун раҳмат дер, ҳозир қийналса ҳечқиси йўқ».

Уйда чурқ этган товуш йўқ эди. Гарчи уйда ўн тўрт киши бўлса ҳам, гапга-гап қовушмасди. Уларнинг ўйлашга ҳам, гаплашишга ҳам ҳафсалалари келмасди. Шу равищча ҳамма нарсани унугиб, беларво яшаш уларга мароқли туюлар, ҳатто, боланинг йиғиси ҳам уларга таъсир қилмас, йиғласа йиғлайверсин деб ўйлардилар.

— Илямизни шамол яна қаёққа учирив кетдийкин,— деди, жимликини бузиб Зуза, йиғишириб олинмаган

столга бехос назари тушиб, ва ялқовлик завқига чўмганича, оғзини катта-катта очиб эсиади.

— Уни бирон ёққа чақиришганмиди?— деб сўради Пало норози оҳангда.— Бека бўлгандан кейин, уйда ўтирсии-да.— Ана шу уйда ўтиргагани эрига ёқмайди-да.

— Ўтириб бўпти! Бизга тоқати йўқлигини биласанку. У хонимга бу ер ифлос, зах, соғлиқ учун зарарли. Уни мактаб ҳовлисига кириб кетаётганини ўз кўзим билан кўрдим,— деб кулди Зуза.

У энди ноини еб бўлган бўлса ҳам, иш тикмай иккала қўлни белига тирўб ўтираверди. Унинг гапига ҳеч ким жавоб қилмади. Билимдон Илянинг ҳафтада бир марта мактабга бориб, жаюблар билан суҳбатлашишини ҳамма биларди. Ҳозир ҳам уни мактабга кетганини ҳаммаси билса ҳам Зузанинг сўзларига жавоб беришмади.

Столда қолган овқатлар, ювилмаган идиш-товоқ, қошиқлар ётарди. Лекин, улар индашмай зериккансимон ялқовлашиб ўтиришар эди. Бу диққинафас уй уларни обдан лоҳас қилган; фикрлари қотиб, томирларида қон ўрнига зардоб оқарди...

Ёлғиз майиб қизгина мудроқдан ҳоли, руҳи тетик бўлиб ўтиради. У икки кундан буён ҳаммани арига ўхшаб таларди. У жонига теккан ажойиб буюм ва безакларни жаҳл билан тикиб ўтиради; бунақа нарсаларни кийиш унга йўл бўлсин. Бу буюмларни Яно Фузакнинг хотини Мара келтирди. Анча уни кўрганида гўё жаҳаннамда куяётгандек, қалбига минглаб ниналар санчилаётгандек бўларди. У тўйга бормоқчи эмиш. Қўшнилари Мишонинг тенгқури Ондрик учун совчиликка боргни дейишибди. Шунинг учун тузукроқ кийинмоқчи эмиш. Бу вақтда Мишо ҳам уйланмоқчи бўлган эди, бироқ уйдагилари унашмади: Катага уйланиши учун ҳеч қайсисининг розилиги йўқ эди. Мана, Яно ҳам ўша бадбашара сил-симён Мара Пекачевага уйланиб олди, фақат Анчагина умрини ёлғизликда ўтказмоқда. У эрга тегиши ва севикли бўлиш нималигини билмаиди. Майиб қизнинг кимга ҳам кераги бор? Борди-ю, битта-яримта жазман топилиб қолганда ҳам, у ўз юрагини ҳеч қачон очиб сўзломаган, ўз севгисидан ўзи уялган бўларди. У ўзининг ҳеч кимга ёқмаслигини биларди. Унинг учун ҳаёт азоб-уқубат эди, холос. Яна уни кийим-кечагини тик

эмис! Қани энди Марғанинг тугуини бирон ахлатхонага, ёки каравот остига улоқтираса-ю, юраги таскин топса. Яна унинг учун тик эмиш!

— Пало!— деб гап бошлади шошиб-пишиб Анча, қалби бедаво ғам-изтироб билан тўлиб-тошганидан, кимдан бўлса-да аламини олиш интида.— Хотинингнинг боши мизда юришига энди йўл қўймайман. Сен хўжайнсан, бошқа жувон уй бекаси бўлсии. Ҳамма жойда шундай таомил: бири хўжайин бўлса, бошқа бири бека. Бизда ҳам шундай бўлиши керак!

Пало стол орқасидан синглисинга бир қараб қўйди-ю, лекин индамади. У бўлган-бўлмаганга гапиравермас эди. Тяпаклар бирор йигирма марта гапирганда ҳам зўрга жавоб қайтарардилар, лекин, бунақа бўлган-бўлмаган гапларга жавоб қайтарилавермас эди. Аммо, Анча жавоб кутиб ўтирадиганлардан эмас— унга жавобининг ҳам кераги йўқ эди. У бутун оламдан хафа. Кўзлари ғазаб билан ёнарди. Ахир, аслини олганда у Японинг хотини бўлиши керак эди-да, бироқ, саломатлигидан, ёшлигидан — ҳамма нарсадан маҳрум этдилар. Бундан ташқари, Мишонинг ғами ҳам уни қийнарди. Агар ҳозир унинг қўлига Ката тушиб қолгудек бўлсами, уни юмма таларди. Умидсиз севгининг нималигига у ҳаммадан ҳам яхшироқ тушунарди!

— Илянинг қозон-товоқлар билан ўралашишга унча тоқати йўқ!— деди Гагариковка уйқудан кўзини очиб, жовдираб. У Илядан кейинги катта келин бўлганидан ошхона юмушларни знммасига тушиб қолишидан қўрқарди. Шунча одам яшайдиган уйда бека бўлишнинг нима қизиги бор! деб ўйларди, у. Катта товоқларни ташиш, сув келтириш, чўчқа, бузоқ ва бошқа молларга қараб туриш каби юмушлар кимга ҳам ёқарди дейсиз? Далада ёки бошқа бирон ерда тинчгина ишлашга нима етсии.— У уй қуриб, рўзгорини бошқа қилмоқчи, топган-тутганларига қайниларим эга бўлиб қолади деб қўрқяпти — ҳа, гап бу ёқда!

— Уй қурмоқчи? Нечта?— деб қичқирди Анча, худди бу гапни биринчи марта эшиштагандек, ғазабидан энтикиб. Анча ўша танноз Илянинг бошига таънатошларини ёғдиришга, оғзига келганини қайтармай қарғашга шайланиб турган эди, лекин кичкина келиннинг пўнгиллагансимон овози эшитилиб қолди:

— Ҳа, нима бўлти — жуда яхши-да, уйимиз кенгая-

ди! Ахир ростдан ҳам уйнимиз жуда тор-ку. Йўқ, менинг чиндан айтяпман!

— У қўлида ширмой нондек лўппигина, юзлари қизил олмадек гўдагини кўтариб турарди. Боласининг Гагарцовканинг боласи каби аҳволга тушиб қолиши мумкин, деган хаёл уни даҳшатга соларди. Худо ўзи кўрсатмасин!

— Анча беихтиёр жим бўлди. Шу чоққача Илянинг ҳақ экасплигини ҳали ҳеч ким эътироф этмаган эди. У нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмай қолди.

— Вақти-соати келса қурармиш! — деди кичик келининг эри Дюро. У уч арава тош келтириб, шу билан хотиржам бўлди: ахир у Тяпак эди-да.

— Хўш, қуромасак-чи, унда нима бўлади? — деб сўради майиб қиз, ақлинни йиғишириб олиб. — Нега энди Иля бу ерда яшай олмайди? Бу уйда қанчадан-қанча одам ўсиб катта бўлди, қанчадан-қанча одам ўлди, лекин, бир ёқадан бош чиқариб, тинч яшади. Бу ерда йигирма тўрт киши турган вақт ҳам бўлган, шунча одамга овқат ҳозирланар, нон ёпиларди. Бу эшикни очишга йигирма тўрт одамнинг қўли теккан пайтлар бўлган. Тяпаклар шуҳрати ҳамма ёқни тутган эди. Энди бўлса, у кишига тўғри келмасмиш, торлик қилаётган эмиш! Бола-чақаси бўлганда ҳам бир гўр эди, лекин, ҳозир! — Анча ғазабидан қизариб кетган, бошқалар индамай ўтиришарди. Пало ҳам бу гапларни эшита бериб кўникиб қолган эди. Анчага жавобнинг ҳам кераги йўқ эди. У эрталаб, Илянинг ҳовлида тошлар уюмини кўриб, худди гусардек кеккайиб, қайниларига қандай ўшқирганилиги ни эслатди:

— Шундан уй қурмоқчимисизлар? Хой одамлар, ма-на бу лавашангларга қаранг! Улар соатлаб уй олдида ивиришиб юришаверади, деворга суюниб олиб туришаверади-ю, лекин ишга келганда тоқатлари бўлмайди. Сизлар яхшиси, қоққан қозиқдек ҳайкал бўла қолсаларинг ҳам тузук бўларди! Агар уйларингиз қултай бошласа, елкаларинг билан суяб қоласизларми! — у, шу гапларни айтиб шундай хохолаб кулдики, қўшнилар эшитишган бўлса ҳам ҷажаб эмас. Унинг кулгисидан ҳалингача Анчанинг қулоги шанғиллади!

— Уй жимжит бўлиб қолди, ҳатто, бола ҳам йиғламас, Анча ҳам жим бўлиб қолганди. У ишини қўлига

олди. Бу Мишонинг ўртоғи Ондрикнинг ёш қайлиғи учун тикилаётган чепец эди. Чепец эмас, наҳ кўриб томоша қилишга арзийдиган бош кийим, ёруғда ранг-баранг бўлиб шундай товланадики, кўрсанг кўзинг қамашади. Унга чиройли гул қилиб, қарийб олти юзта ранг-баранг мунчоқ тикилган. Оғирлиги, чорак кило келиб қолар... Бир кило бўлганда ҳам нима! Бу шуҳратпаст сатанглар шундай оғир буюмларни бошларида кўтариб юра берсинглар, Анчанинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. У бўлса доимо қора кийимда юради. У ҳеч қачон чиройлироқ нарса киймаган эди. Унинг чевар қўллари бошқалар учун сарполар тикарди холос. У ёшлинига чиройли қиз бўлмади, унга йигитлар ҳам қайрилиб қарамади. У ҳозир ўттизга кирди. Лекин, ҳар сафар одамлар костёлга кетаётганида ойнадан қараб, ёшларни кўради, қалби алам ва нафрат билан тўлиб-тошар ва бу ҳис-туйгулар битмас-туганмас қарғишлар тарзида ташқари отилиб чиқарди. У уйдан чиқа олмас эди. Худованди карим қайси қилгани учун шу кўйга солиб кўйди?.. Нима учун ҳар қандай қувонч, баҳтдан маҳрум этди!..

Эшик орқасида нимадир шитирлади: даҳлизда кимдир тимирскиланиб эшик дастасини ушламоқда эди. Буни Анчадан бошқа ҳеч ким эшиитмас, хотинлар бошларини эгиб мудраб ўтирадилар, Пало бўлса қўлига қалам қоғоз олиб, Трансильванияда қанча харажат қилиш кераклигини ҳисобламоқда. Анчанинг шу чоққача қизариб турган юzlари бирданига оқариб кетди. Ким бу? Балки бу Яно Фузакдир? Анча бир вақтлар у ҳам мендан бадтар бўлсин, деб қарғаган эди, энди бўлса, унга нисбатан ўзида пайдо бўлган муҳаббатидан куйиб ёнмоқда. Одатда у кечга яқин амакиваччалари билан суҳбатлашиб ўтириш учун келиб турарди. Эшик ғижирлаб очилди-да, уйга озғин, новчадан келган ёш жувон кириб келди. Анча бу жувон Янонинг хотини эканини кўрдиди, ранги девордек оқариб, тишлари ғижирлаб кетди, кўзлари тикаётган буюмига тикилди.

— Салом! Хайрли кеч! Нима қиляпсизлар? Сизларда бирам жимжитликки! Худо ёр бўлсин! — деди у ва бир қадам ташлаб, уйнинг ўртасига келиб тўхтади.

Ҳамма унга ташаккур билдириди.

— Нима юмуш билан келдинг, Марка? — деб сўради Пало.

Мишонинг ҳам авзойи ўзгарди, эшик олдига яқинлашди ва Маранинг кўзига кўрни маслик учун бир минутдан кейин билинтирмай, уйдан чиқиб кетди: у оғилхонага борди, бу уйдан кўра шу ер ҳам яхши эди: бу одамлардан кўра, моллар қайғунгга кўпроқ ҳамдам бўларди, ахир, моллар Катага қарши ҳеч қанақа қаршилик қилмас эдилар. Оғилхонада ҳар бурчакдан хафагез кўзлари билан моллар унга қайрилиб қарадилар. Мишо молларнинг қарашидан:

«Ийе, нега бизни унугиб қўйдинг, сенга нима бўлди, ахир?» дегандай таъналар ўқиди. Керак бўлмаса ҳам, у окурга беда ташлади, кейин молга суянганича миқ этмай туриб қолди.

— Чепец учун келдим, Анчажон!— деди Мара майиб қиз олдига бориб. Мара ёш бўлса ҳам, хунук жувон эди: юзи ялпоқ, митти кўз, лаблари кўм-кўк, ўзи чўпдай ориқ, афтидан, ўтга ташласанг, аланга олиб кетадигандек.— Ҳадемай тўй, чепец зарур. Нима тикияпсан?

— Зузка Ребкованикини тикияпман,— деб минғиллаб жавоб қилди Анча, Марани кўрганда ҳамиша ўзида пайдо бўладиган энса қотиш ҳиссини билдири масликка тиришиб.

— Ҳали бу менинг чепецим эмасми?— деб хитоб қилди Мара ва қип-қизил, доимо муздек қўллари билан Анча тикаётган буюмни ушлади.

— Сеникини ҳам тикаман.

— Ийе, бу қанақаси бўлди, Анчажон! Ахир тезроқ тикиб бергин деб олдиндан пул бердим-ку, сен бўлсанг, бирорвинг ишини тикиб ўтирибсан!

— Ребкова ҳам мендан тезроқ тикиб беришни илтинос қилган эди!— деди Анча қизишиб.— Пулни олдиндан бермасанг ҳам бўларди, мен сўрамаган эдим. Қайтариб ола қол, анови яшикда, кеча ўзинг қўйган жоинингда турибди.

— Дарров жаҳлинг чиқа қолади!— деди кулиб озғин Фузакова.— Бунга нима бўлди, бек ойимлар?— деб сўзида давом этди у, теварагига қараб.— Нима учун доимо Анчанинг жаҳли бурнининг учиди туради? Мен билан гаплашишга ҳеч тоқати йўқ.

Хотинлар фақат елкаларини қисиб қўйдилар, холос. Анчанинг зарда, жаҳл қилмаган куни борми, кимга у ширин муомала қилган?

— У хафа. Бутун олам билан уришган,— деди Пало.

— Қачонгача хафа бўлиб юриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси бугун бўлмаган-ку. Ахир мен унга нима ёмонлик қилдим.

— Ким билади? — деди хотинлар яна елкаларини қисиб.

— Чепецингни озгина иши қолган.— Анча жеркиб, тугуанини олиб очди-да, унга кўрсатди.— Бугун кечқурун тамомлайман.— «Фақат турқингни кўрмасам бўлди», деб ичидаги ўйлади.

Мара чепецини қўлига олиб, ўзининг кичкина, ўткир кўзлари билан унга тикилган мунчоқларини санаётгандек тикилиб қаради, улар ранг-баранг бўлиб товланар, чепец битай деб қолган эди.

— Дуруст, чиройли, фақат бу ерига шунча зангор мунчоқни бекор тикибсан, булар орасига кўпроқ оқ мунчоқ тикиш керак эди. Бу ерига, олдига эса...

— Шунча яхши биларкансан, ўзинг тика қолсанг бўлмасмиди,— деди ғазабидан овози титраб Анча, ранги қизарип.— Сеникисиз ҳам ишим тўлиб ётибди.

Мара тезгина унга кўз қирини ташлади-да, чепецини йиғиштириб, бошқаларга мурожаат қилди:

— Ҳой, яхши одамлар, нега у менга шунча заҳарини сочади? Унга нима бўлди ўзи?

Анчанинг жони чиқиб кетди. Унга нима бўлди ўзи дейди-я? Балки, ҳаммаларининг кулиб юришлари учун, ўз севгиси тўғрисида гапирсинми?

Мара Анчани ўз ҳолига қўйиб, хотинлар олдига борди-да, улар билан у ёқ-бу ёқдан гаплаша бошлади. У скамейкага ўтириб, соат ўн бўлгунча, эри олиб кетиш учун келгунча ўтира берди. Майиб қизнинг миясини, чепецини бурда-бурда қилиб йиртиб ташлаш истаги обдан чулғаб олди. Яно келганда эса, кўз олди қоронғилашиб кетди, нима бўлса ҳам майли, фақат уларни биргаликда кўрмаса бас эди. Унинг қўллари титрар, у биронта чокни ҳам яхши тика олмас, бармоқларига нина санчиб оларди... Янонинг кайфи хуш эди. У шунча узоқ ўтириб қолгани учун хотипини койимади, ўзи ҳам хотинлар билан ҳазиллашиб ўтирди, Анча билан ҳам гаплашди. Ярим соатдан сўнг, ниҳоят, улар кетишди. Пакана Зуза уларни ҳовлигача кузатиб чиққанда, уйга жимжитлик чўкди. Анча сесканиб уйғонгандек, ёнаётган кўзлари билан эшикка тикилар, юраги тилка-пора бўлмоқда эди. У ўзини ўтга ташлашга, бошини деворга

уриб ёришга тайёр эди, аммо, ёлғиз бўлмаганидан ҳаяжонини босишга мажбур бўларди. Анча яна иш тикишга киришди, бироқ, бошини эгиб, ишга қараганида кўзлари жиққа ёшга тўлди ва кўз ёшлари юзларини ювди... Бу кўз ёшлари юракни ўрттар, уни юпатмас эди. У ҳамма нарсани йиртгиси, барбод қилгиси, вайрон этгиси келарди...

— Жой-жойларингга гумдон бўла қолсаларингга бўларди,— деди у зарда билан уйдагиларга.— Ахир бу кун тамом бўладими йўқми?

Ҳаммалари унга қарашди, бир бирларига қарашиб олгач, бирин-кетин ўрипларидан тура бошладилар. Шу пайтда бирданига уйга кула-кула Зуза кириб келди ва эшик олдинданоқ:

— Янгиликни эшитдиларингми, ҳи-ҳи-ҳи! Эди биз Илядан қутуладиган бўлибмиз!— деди.

— Тиш! — деб унинг сўзини бўлди Гагарцовка.— Қизимни уйғотиб қўясан, эндигина ухлади.

Анча ўзининг ярқираб турган қора кўзлари билан Зузкага тикилди: у яна нималарни эшитаркин, яна нима жигига тегаркин? Стол теварагида ўтирган Пало, гёё сўз унинг хотини тўғрисида бормаётгацек, ҳатто қошини ҳам чимирмади.

— Нима учун ундан қутуларканмиз?— деб сўрашди. бошқалар.

Чопишдан нафаси тиқилаёзган Зуза тушунтира кетди:

— Кўприкча устида Фузаклар билан бир оз турдимда, уйга мактаб ёнидан ўтиб келаётган эдим — ҳовлида муаллима хонимнинг Иля билан гаплашаётганини эшишиб қолдим...

— Йўғ-э?

— Ҳа, мана шундай: «Иляжон! — дейди.— Кўзингга қара, бизни доғда қолдирма! Мабодо кетадиган бўлиб қолсанг, бизни ташлаб кетмаслигинг керак».

— У-чи, у нима деди! — деб қизиқиб сўрашди хотинлар ва Зузага тикилиб қолишиди.— Хўп дедими?

— У бўлса,— дея сўзида давом этди Зуза, — бундай дейди: «Муаллима хоним шунга ишонсинларки, мен сизга айтмасдан кетмайман. Менинг сўзим қасам сўзи, пимани хоҳласам, шуни қиласман. Мабодо хоним истасалар, шартнома тузишим мумкин».

Ҳамма кулиб юборди, шодликдан кўзлар яшнаб кет-

ди. Иля кетса уйда ортиқ ҳеч ким панд-насиҳат ўқимайди, тинчлик ва осойишталик бошланади. Фақат, Пало билан майиб қизгина кулмади. Пало халтадаги пулларини қайта санаётганидан бу гапни эшийтмай қолди. Майиб қизнинг ғазабидан жигибириони чиқиб, акасига қараб бақирди:

— Пало, хотининг сени нақадар шарманда қилаёт-гашилигини эшиятсанми? Пало!

Пало бошини күттарди-да, ёқинқирамай унга қаради:

— Нима дейсан? Тинч қўйларинг мени, мен бандман. Сизларнинг ғийбатларнингиз билан нима ишим бор?

— Бундай гапларни ўйлаб топиб бўладими? — деб бақирди Анча.— Бутун қишлоқ кулади. Эрини ташлаб, оқсочиликка кетармиш!

— У билан пачавалашнб ўтиrsa ыналлима хоним ҳам зап одам экан-да!

Хотинлар, гўдирлаб бу воқиани муҳокама қилиб кулишдилар. Улар, ҳатто, Илянинг кириб келганини ҳам пайқамай қолдилар, фақат, унинг овозинигина эшитдилар. У, арчадек келишган қадди-қоматини ростлаб, фурур билан кеккайиб кирди, унинг кўзлари тантана қилгандек ёнар, лабларида жилмайиш аломатлари кўзга ташланарди. У эшикни очди-ю, димоғига уйнинг бузуқ ҳавоси келиб урилди, у беихтиёр орқага тисланиб, бoshини чайқади.

— Хой яхши одамлар, қандай қилиб бу дикқинафас уйда ўтирибсизлар! — деди хитоб қилиб.— Бундан чиқдики, сизларни яхши одатларга ҳеч қачон ўргатиб бўлмас экан-да. Мендай одам бу ерда ўлиб қолган бўлар эди. Вой-бўй! Агар бу ерга, анови, мени ўқитган Соботадагига ўхшаш докторлар келиб қолсами... Сизларнинг худди терлаган одамга ўхшаб юришларингга ажабланилмаса ҳам бўлар экан...

Майиб қиз ўрнидан туриб бақирди:

— Уришгани келдингми? Докторларинг, озодалигининг, Соботанг билан бизнинг нима ишимиз бор? Худоё ўшалар билан бирга қуриб кет, доим бизни ерга урасан! Эшикни ёп!

Иля хохолаб кулиб юборди. Агар унга бошқа бирон кимса жавоб қайтарганида, у ўша билан ўлгудек олишган бўларди, аммо, майиб қизни бўғиб ташлагуси, ерга ётқизиб тепкиси ва мушукдек бўғиб ўлдиргиси келса ҳам, Анчанинг гапи унинг кулгисини қистатди.

— Қўрқмай қўя қол! — деди Иля, кулгисини тўхтатиб; унинг кўзлари ҳамон тантанали вазиятда ёнарди. — Энди сенга халақит беришимга оз қолди! — У кеккайиб уйнинг ўртасигача келди-да, ифлос столни кўриб, тозалаш учун кўзлари билан латта қидирди.

— Нега столни йиғиштириб олмадиларинг, — деди у буйруқнамо. Ейишга келганда-ку, сиз бекорчиларининг ҳар бирингиз муккангиздан тушасиз, йиғиштиришга келганда менга қолдирасизлар... Майли, сизларга халақит беришинга оз қолди!..

Унинг дўқига ҳеч ким жавоб бермади. Унинг эри, Пало, лоақал пулдан юмалоқ кўзларини кўтарса-чи — уни яна ким ҳисобдан янгиштираётганига қараса-чи, йўқ, у ҳамон чурқ этмасди. Фақат майиб қиз:

— Жуда соз бўларди-да! — деди.

Иля унинг гапига қулоқ ҳам солмади.

«Бефаросат эшаклар,— деди ичиди уларни қарғаб Иля, уларни дучор қилаётган баҳтсизлик даҳшатига ҳеч ким парво қилмаганини кўргач. Ахир, у уйдан кетяпти-ю, парво ҳам қилишмайди-я. Палонинг фарқсиз қараши уни ҳаммадан кўра кўпроқ аччиғлантирди, хотини нима билан таҳдид қилаётганлигига у, афтидан, ҳали тўла тушуниб етмаган бўлса керак.

«Тўхтаб тур ҳали,— деб ўйларди Иля,— бир ой кир кўйлакда юриб кўргин, кийим-бошнингни ювиб берадиган одам топилмасин, ўшанда кўраман, сенга хотин керакми ё йўқлигини!»

Иля — қиролича — ариқда муаллима хонимнинг кирини ювмоқда эди. Эри қўй учун Трансильванияга жўнагач, Юрьев кун<sup>1</sup> ўтиши биланоқ, дарҳол, у Тяпаклар уйидан кетди-да, муаллима хонимникига оқсоч бўлиб олди. У Палога қилган дағдағасини амалга оширди, энди, у худди кеча чепец кийиган одамдек, хотиржам ва шод. Иля ҳандон уриб кулганида, унинг қўнғироқдек овози узоқларгача эшитиларди, бу овозни ҳамма қўшилар музика садосидек тинглардилар, фақат ҳамма-

<sup>1</sup> Юрьев куни — крепостной деҳқонларнинг бир помешчикдан иккинчисига ўтиш ҳуқуқи. Улар бу ҳуқуқдан кузда, авлиё Георгий-Юрий хотираси эсланадиган кундан бошлаб фойдаланар эдилар. (Тарж.)

дан кўра мактабга яқин бўлган Тяпаклар қулогига ёқ-  
мас эди.

Езда майиб қиз девор тагида офтобда ўтириб буюм  
тикар ва қишлоқда нималар бўлаётганига кўз-қулоқ  
бўлиб турарди. У мактаб ҳовлисини ҳам кўрар, Иля-  
нинг кулгисини, унинг қўнгироқдек овозини эшитар, қў-  
лидан ҳеч нарса келмаслигини билиб, газаби ортар ва  
нафаси ҳалқумига тиқиларди. У қўлларини мушт қилиб  
кун бўйи ҳасрат билан Пало қўй ҳайдаб келмаётганми-  
кан деб пастга, йўлга қаради, чунки фақат, угина Иля-  
нинг танобини тортиб қўя олар эди.

Иля ҳам ҳар куни Пало йўлига кўз тикар, у кетган-  
идап буён неча ҳафта ўтганлигини санарди. У Па-  
ло келишини кутар ва у келгач, хотинининг кетганли-  
гини билиб, қандай ажабланишини тасаввур қилиб,  
шодланарди. Унинг кетганлигига афсусланиб, шу он-  
даёқ югуриб келар. Аммо, Иля унинг олдига бор-  
майди. Модомики, Тяпаклар билан бўлишни истар  
экан, ўшалар билан яшайверсин. Менга мактабда  
ҳам яхши...

У болаларининг кийим-бошларини ювиб бўлгач, кир-  
ларни ёйниш учун ҳовлига чиқди. Аммо, кўзи доимо йўл-  
да бўлди: Пало кетганига уч ҳафта бўлди. Баъзи би-  
ровлар уйларига қўйлар олиб қайтдилар; тез орада у  
ҳам келиб қолар, деб ўйлар ва Илянинг қалби шодлик  
билан уради. Гарчи бу ерда иш кўп бўлиб, бир минут  
бўш вақти бўлмаса ҳам, унга шу ер яхши эди, чунки  
ҳеч ким зарда қилмас, ҳеч ким у билан гиди-бидига  
бормайди, ҳеч ким унга аччинқ ҳам қилмайди. Иля Тя-  
паклардан кетганидан буён, худди қайтадан түғилган-  
дек бўлди. Иля жаноб муаллимга бир бутилка пиво  
олиб қовоқҳонадан чиқиб келаётганида, унга холоси  
Крайкова дуч келиб, қиз вақтингдагидан ҳам чиройли  
бўлиб кетибсан, деди. Қани энди Пало шу ерда бўлса-ю,  
унинг ғижинишини кўриб, Иля хузур қилса!

У кирларини осиб бўлиб, уйга қайтишга отланиб  
турган ҳам эдики, қўйларнинг маъраши ва қўнгироқ-  
чаларнинг овози эшитилиб қолди. Иля дарров ўгирилиб  
қаради, бу товушларга қулоқ солди ва кўчага чиқди.  
Йўл-йўлакай у чепецини тўғрилаб, икки қўлинин белига  
қўйиб, келишган қадди-қоматини ростлаб, гердайганича  
хушчақчақ, чиройли, жасур хотинини шу ерда, мактаб-  
да бир кўриб қўйсин! — деб дарвоза олдида тўхтади.

Қараса, булар бошқа қишлоқлик дәққонлар әкаи. Ўзининг устига яна муаллима хоним бақириб қолди:

— Иля, қайдасан? Доим, дарвоза олдида ўзини кўзкўз қилгани қилгаш! Кирингни ювиб бўлдингми? Қарачи, полизга товуқлар кириб кетмадими, тағин, қовоқни чўқилаб ташламасни. Кейин уйга кир!

Иля ҳовлига қайтиб кирди. Аслини олганда — хизматкор ўзиға эмас, хўжайинларига қарам бўлади. У худди қафасдаги қушга ўхшайди: истаган нарсасини қила олмайди, бошқаларнинг раъйига қарашга тўғри келади. Трансильваниядан келаётган одамлардан, бизниң қишлоқ дәққонларини кўрмадиларингми, деб сўрамоқчи эди, сўрай олмади...

Ҳа, ҳечқиси йўқ, у ҳам келиб қолади. «Бизникилар қайтишгач, Пало ҳам мени қидириб келади», — деб ўзини юпатди Иля, эртасига дарвоза олдида ярим соат эрини кутгач. Аммо, муаллима хоним ҳеч ким билан гаплашишига йўл қўймай, уни доғда қолдирди. Рости ни айтганди ҳам, хизматкор бўлганингдан кейин, албатта, ўз уйингдагидек эркин бўла олмас экансан-да, эркинлик билан хайрлашишга тўғри келаркан. Үнга — собиқ уй бекасига буйруқлар эшишиб ўтириш жуда алам қиласарди. Тяпакларницида ўн бешта одамга буйруқ берарди! — Нимани хоҳласа, шуни қиласарди, бу ерда кўзингни очиришмайди, дарров чақиришади.

Уч кундан кейин яна иккита пода ўтди ва ниҳоят, Пало билан бирга кетган одам пайдо бўлди. Иля меҳмонхонани супураётган эди, очиқ деразадан қўнғироқчалар овозини эшишиб қолди. У худди бирор нима биландир ургандай хонадан югуриб чиқди-да, мактаб орқасида оқаётгаш ариқда супургини ҳўллашга киришди.

— Иёе! Уни қаранглар, Пало Тяпак келяпти? Ҳа-ҳа-ҳа! — деб Иля кулиб юборди. Асалари кувалари қўйилган жой яқинида, соя жойда муаллима хоним қандайдир доноликлар ёзилган китоб бетларини варақлаб ором олиб ўтиради. У Илянинг ҳовлига югуриб чиққанини кўриб:

— Агар эрим ёки мен бирор нарса буюргудек бўлсак, у ҳозиргидака югромайди, деди. — Мана у ҳам келди! Ниҳоят кута-кута муродингга етдинг! — деди.

— Нима мен уни кутганимидим? — деб жавоб берди Иля кулиб ва муаллимага кеккайганича бош чайқаб. Бироқ унинг юзлари қип-қизариб кетгаш эди. — Ме-

нинг тўғримда нима тўқишиша тўқинй беришсин! — деди-да, кеккайганича дарвозадан чиқиб кетди.

Йўлда қўйларнинг катта подаси келмоқда эди. Улар орасида устига юклар ортилган эшак ҳам келарди. Қўйларнинг икки чеккасида, олдинда ва орқада деҳқонлар келишарди. Уларнинг кўйлаклари кирдан қорайиб кетган, бир ойдан бери ювнимаганларидаи, кир, соч-соқоллари ўсиб, афти ангорларига одам қараб бўлмайдиган бўлиб кетган эди. Энг олдинда Пало келарди. У осойишта юмалоқ кўзлари билан ўзи тўрт ҳафта бўлмаган қишилогига қаради. У ариқда супурги ҳўллаётган Иляни кўриб қолди-да, қандайдир кўнгилсиз ҳодиса юз берганини пайқади, аммо, дилидан ўтганини ҳеч ким сезмади, юзи хотиржамлигича қола берди. Узун қамчиси билан эшакнинг обёғига қараб бир солди-да, индамай кета берди.

— Бу чиндан ҳам Пало Тяпак-ку! — деб севинчдаи бақириб юборди Иля, юзи ўтдай ёниб.

Пало унга эътибор бермади.

— Ҳа, худди ўзи! Нима танимаяпсанми? — деди кулиб Пало билан Трансильваниядан келаётган Ондро Панчик.— Нима қилиб турибсан, эрингни кутиб олмайсанми? Ахир мусофиричиликда озмунча азоб чекдикми.

— У менинг эрим эмас!— деб унинг сўзини бўлди Иля.— Мен ҳам энди унинг хотини эмасман!

Ҳамма ажабланиб кулди.

— Пало, хотининг нималар деяётганини эшитаётисанми?

Қўлига китобини олиб дарвозадан чиқиб келаётгани жаноб муаллим Иляга, супурги ушлаб бекор турish ярамайди, уйда иш кўп, бор, ичкари кир, деди.

Пало кўриб, роса куйсин деб, Иля бурилиб, ичкари кириб кетди. Жаноб муаллим деҳқонлар олдига келдида. Иляга тақиқланган нарсанинг ўзига алоқаси бўлмаганидан улардан савдо ишлари тўғрисида сўрай бошлади.

Пало қўйларни, кейин бўлиб олиш учун қўшниси Вельков ҳовлисига ҳайдади. Иля айтган гапларнинг ҳаммасини у оқизмай-томизмай эшитган бўлса ҳам юзида ўзгариш бўлмади: шамолда қорайиб, соқол-мўйлови ўслан юзи илгаригича осойишта эди.

— Бу қўйларнинг жуда машмашаси кўп-да,— деди ў.

— Шундайку-я, аммо фойдаси юз ҳисса бўлиб қай-

тади, Пало! — дейишди ўртоқлари билан жаноб муаллим.

Пало қўйларни Вельковларникига киритиб қўйиб, кийимларини алмаштириш учун уйнга жўнади. Ҳаво очиқ бўлганидан майиб қиз одатича ҳовлида буюм тикиб ўтиради. У Палони кўриб, кўзлари қувончга тўлди.

— Ийи, келдингми? — деди Анча тикаётган ишини йиғништириб. Пало уни тўрт ҳафтадан бери кўрмаган бўлишига қарамай, у билан йўл-йўлакай саломлашди-да, уйга кириб кетди. Кетидан Анча судралиб кирди.

Пало ҳориб-чарчаб, чангга булғаниб худди подачидек бўлиб келган эди. У тўрт ҳафтадан бери устидан ечмаган курткасини ташлади-да, у ёқ-бу ёққа қараб:

— Тоза кўйлак-лозим бер-чи! — деди.

— Ким беради сенга? — деди Анча бидиллаб. У тахтда ўтиргандек, ўзининг одатдаги жойида, печка ёнида ўтирас, кўзлари акасининг баҳтсизлигиндан севиниб ёнар эди.— Ким сенга кийим-бош тайёрлаб қўярди? Хотининг йўқ-ку, сени ташлаб мактабга оқсочликка кирган, эшитяпсанми?! Хўжайнларнинг хизматини қилгани, чинни тарелкаларини ялагани кетди!

Майиб ҳаяжондан сўзида тутилиб қоларди. Юзи қип-қизариб, Палонинг нима дейишини кутарди. Хонада бошқалар ҳам ўтирган бўлса-да, лекин ўзлари учун ҳам тилини қайраб олуви борлигидан ҳамма вақтдагидек, чурқ этмай ўтиришарди. Ҳамма, у нима деркин? — деб, Палога қараб турарди. Пало Анчага бир қараб қўйди-да, ҳеч нарса сўрамади. Унинг юзида ҳорғинлик аломатигина кўриниб турарди, холос. Уни узиб-узиб олиш учун Анча ҳали кўп нарсаларни гапирмоқчи эди.

— Хотинингни кетиб қолиши — жуда уят, шармандалик! Тяпакларни одамларга масхара қилиб қўйди. Бу ишни бизга сўзини ўтказа олмаганидан қилди, қиролича бўлиб кетганини қара-ю! Нега энди сарой қуриб бера қолмадинг? Наҳотки, шунаقا графиня биз билан яшаса? Хўжайнларнинг тарелкасини ялагани кетди, — эшитяпсанми, Пало?

Аммо, бу гаплар деворга айтилаётгандек Палога таъсир қилмади: ахир у Тяпак эди-да. Юзида ҳорғинлик, томирларнда эса зардоб оқмоқда. Бирортаси, тоза кўй-

лак-лозим берай демайди, ҳеч бўлмаса ювиниб олса эди.

Пало лунжлари дўрдайиб, кетадиган қилиб оғзига сув олди ва эски одати бўйича кафтига қўйиб ювина бошлади. Вужудинни чаңг босган, терлаб кетган эди; Вельковларниги қўйларни бўлиб олишга боришдан олдин сал-пал бўлса ҳам ювиниб олиш керак эди.

— Энди ёлғиз қандай яшайсан? Кир-чирингни ким ювади, кийим-бошингни ким тикади? — деди Анча акасининг жигига тегиб.— Келинларнинг бусиз ҳам ишлари бошларидан ошиб ётпиди. Сенга қарашолмайди. Йиғ бўйи ечинмай юраверасан-да.

— Нега кетиб қолди? Ким ҳайдади? — деб сўради Пало, юмалоқ қўй кўзларини жигибийрони чиқаётган синглисинга тикиб. Лекин, шу ондаёқ уни яна умидсизлик ҳислари чулғаб олди.

У курткасининг ёнгини қоқиб, уйдан чиқди. Оғилхонадаги молларни кўздан кечирди, кейин қўшниларини-кига бормоқчи бўлиб кўчага чиқди. Унинг вазмин қадам ташлашидан, жуда чарчаганлиги кўриниб турарди: у одати бўйича бошини эгиг борарди.

Пало мактаб олдида Иляпинг жарангли овозини эшитиб қолди. Иля ким биландир кула-кула гаплашарди. Бидиллаши музикага ўҳшар, кулгиси эса қўнғи-роқдек жарангларди. Лекин, Пало пастга, қишлоққа қараб кетди. Гўё кар ва соқов бўлиб қолгандек қайрилиб ҳам боқмади.

Қўйларни бўлиш қоронғи тушганда тугади. Битишувни «ювиш» ҳам бир соатдан кўпроқقا чўзилди.

Пало уйнга кечаси қайти. Мактаб ёнидан ўтаркан, яна Илянинг овозини эшитди, унинг овози ёқимли музика садосини эслатарди, лекин, у парво қилмай хотиржам ўтиб кетди.

— Мактабда хотининг қанақа шовқин колаётганини эшитдингми? — деди печка ёнида ўтирган Анча Пало кириши биланоқ ва суддаги адвокат сингари қўлларини пахса қилиб, Иляни қарғаб кетди.

— У, бизни аччиғидан ёрилиб ўлсин деб, атайн шундай қиляпти! Қандай шармандалик! Бугун сенинг қайтганингни билиб, эсидан ажрагалишига сал қолди!

Пало тяпак бўлганидан ҳам чурқ этмади. Скамейкага курткасини ёзиб ётди ва шу заҳотиёқ ўликдек қаттиқ ухлаб қолди. Майиб қиз унга қаради, унинг чирой-

ли юзи лоладек қизарди. Ахир акасини койий оладими, у ўз акаларини қандай севади! Аммо, шундай бўлса-да, жаҳли чиқиб, ичидা пўнгиллади:

— Сен, қўйлар билан бирга келган эшакдан ҳам ёмонсан! Сендан бошқа одам бўлганда, уриб оёғини синдирарди, сен бўлсанг уйқудан бошқани билмайсан! Ўласи қилиб урмайсанми уни!

У бармоқларини шиқирлатиб, (уїда у ва Палодан бошқа ҳеч ким йўқ эди), ўз бахтсизлигидан нолиди. Кўзи ойнага тушиб, тикилганича қолди. Ойнадан кўчанинг нариги бетидаги Яно Фузакка қарашли оқ уйнинг бир бурчи кўринниб туради. Оғир уҳ тортишлардан Анчанинг юраги ёрилай деди.

Яно ҳам Трансильваниядан қайтиб келди. У Тяпакларникига кирди-да, одатдагича, Анчанинг бошини сираб, улар йўғида қандай яшаганини сўради... Бу Анчанинг қалбини ўртаб юборди... У бошқа жувоннинг эри эди. Анча бўлса майиб! Тангри қайси гуноҳи учун шунича азоб бераркин? Майibiliги етмаганидек, ҳамма худди илонга қарагандек қарайди, бунинг устига бу муҳабатга грифтор бўлганини айтмайсизми! Нечун керак бу азоблар?

«Бугун Пало мени олиб кётгани келади»,— деб ўйларди Иля эртаси куни, асалари уялари турадиган ҳужрадаги каравотига ётар экан. Кеча Пало йўлдан ҳориб-толиб келганидан, унчалик кутмаган ҳам эди. Аммо, бу кеча албатта келиши керак, бу аниқ. Аслини олганда, уннингча, шундай хотинининг уйдан кетиб қолганини эшитиши ҳамоно, келиши керак эди (у эриницг ўрнида бўлганида шундай қилган бўларди). Хотини уйда йўқлингини кирганидаёқ билган: ҳатто унга тоза кўйлак ҳам беришмабди, қишлоқда худди гўрдан чиққандек бўлиб юрибди...

Иля алламаҳалгача ётмади. Каравотда ўтириб, шоҳ-шаббалар шитирламаяптими, қоронгида Пало келиб қолмасмикин, деб тиқ этса эшикка қараб, кутиб ўтирди.

Гарчи мактабда унга ёмон бўлмаса ҳам, ҳамма ишларни уддасидан чиқса ҳам, ҳамма ишни қилиб улгурса ҳам, уни Соботадаги докторлар чаққонлиги учун кўкка кўтариб мақтаса ҳам, ҳар ҳолда хизматкор бўлиб яшаш, уйда яшашдан кўра ёмон эди. Уйда истаса, ишини бирпасда қилиб қўйиб, ўтириб дам олади. Бу ерда,

агар бир ишни дарров қилиб қўйсанг, орқасидан бошқасини буюришади, агар кун юз соатга чўзилса, ҳам, янгидан-янги юмушлар ўйлаб топишдан чарчашмайди! Пало келади деб эшикни ҳам очик қолдириди, девор ошиб юриш деҳқон одам учун одат бўлса-да, ҳар ҳолда қийналиб юрмасин деб ўйлаган эди. Ҳамма ёқ жимжит. Тиқ этган товуш ёки ҳаракат сезилмайди. Гўристондек жимжит ва қоп-қоронғи.

Иля ўринига ётди, лекин, қулоғи эшикда эди. Мана, вакт ярим кечадан ошди, қоровул ҳам шақилдоғини чалди, Палодан ҳамон дарак йўқ. Тонг ҳам отди, Пало келмади. Илянинг юрагига наштар санчилгандай бўлди. Менсиз Палонинг кун кўриши ақлимга сифмайди,— деб ўйлади у. шундай бўлса ҳам у қайғурганини сездирмади.

Эрта тоңгданоқ у яна ҳандон уриб кула бошлади, ҳатто, хўжаиниларни ҳам уйғотиб юборди. У худди тўйда ўтиргандек қаҳқча уриб кулар эди. Ҳатто зиёфатлардагидек ашула айтгиси келар эди. Бунинг учун ҳамма уни койиди. Койишиша берсин. Ўзи эса, ҳеч қарамайман деса ҳам барибир йўлнинг нариги томонида турган Тяпакларининг эски уйига қараб-қараб қўярди.

У ерда ака-укалар, одатдагидек уй олдида ивиришиб юришарди. Ниҳоят, соат саккизда ҳовлидан ҳўқизларга плуг тиркаб, Пало чиқди: у қарам экиласидиган дала ни ҳайдаш учун водийга қараб йўл олди. У ҳўқизлар ёнида хотиржам қадам ташлар, қўлида қамчи, устида қордек опиоқ қўйлак. Иля бу ҳолни кўрди-ю, йиғлаб юборишига сал қолди: Пало усиз ҳам яшай олар экан!

— Ҳа, бу ҳозирча! — деб ўйлади у.— Сенга умрбод гамхўрлик қилишмайди-ку, ахир. Шошма ҳали кимни йўқотганингни билиб оласан!

«Ўжарлик қилганингча қил, барибир тоқат қиломайсан»,— деб ўйларди у, тушда қамчини ўйнатиб хотиржам қайтастган Палони кўриб. Унинг кўйлаги оппоқлигидан офтобда ярқираб, Илянинг кўзини қамаштирасиди, у бўлса ўз йўлида хотиржам борар, гарчи, хотинининг шўх-шўх жарангли овозини ва кулгисини эшитиб турса ҳам, мактаб томонига қайрилиб қарамас эди. Илянинг юраги ёрилаёзгудек бўлиб, кўзларига жиққа ёш тўлишига сал қолди. У бугун ҳам хотинини қидириб келмади.

«Вой, аҳмоқ-эй,вой қаллаварам-эй!» деб эрини ичиде койир, ва ўзинни енгил ҳис этарди. Эй марҳаматли худойим, уйда буйруқ бериб ўрганган жувонга хизматкорлик қилиш осонми? Қани энди оёқларинг ўрнига қанотларинг бўлса! Бир минут ҳам ўтиришга қўйишмайди, бирданига юз хил иш буюришади! Билимли одамларнинг шунаقا бўлишини ҳеч хаёлимга келтирмаган эдим. У илгарилари уйга кираверишдаги зина-пояга келиб ўтирганида бўладиганидек ақлли гаплар ҳақида сұхбатлашарман, деб ўйлаган эди. У менга стул ёки креслога ўтиришга таклиф қилиб, ақалли, кунда бир марта бўлса-да мен билан олима аёл билан гаплашганларидек гаплашарлар, деб ўйлаган эди,— у шундай қилишларини жуда-жуда истарди! Аммо, Юрьев кунидан бүён бунақа воқна бўлмади. У билан билимдон аёл каби әмас, балки, бошқа оқсоchlар каби мумала қилишади...

Пало бўлса, бу вақтда стол теварагида ўтириб, семиз Зуза пиширган картошка бўтқани емоқда эди. У ҳамма нарсадан мамнундек кўринарди: далада роса чарчаганидан овқатни шошилмай истаганича туширас, ҳар луқмани обдан чайнарди. У Иляни бутунлай унугандек кўринар эди.

Аммо, Анча ўзинни қўйгани жой топа олмас эди. У ўзининг одатдаги ўрнида, печка ёнидаги скамейкачада оғинни йиғиштириб ўтирас, ҳаяжонидан кўзлари ёнар эди. Анча уй олдига чиқиб ўтирганида, доимо Илянинг овозини эшитар, юраги эзилиб ёрилишига сал қоларди.

— Нақадар шармандалик! Ҳаммамизни масҳара қилиб кетди? — деб бақира бошлади у, акаси столга ўтириб улгурмасдан.— Нотарга<sup>1</sup> бориб шикоят қилсанг бўлмайдими! Уни оқсоchlик қилишига йўл қўймасин! Қаерда жамоанинг ўқимишли дояси оқсоchlик қилган! — Гарчи йиғлагиси келиб турган бўлса ҳам Анча: Ҳа-ҳа-ҳа! деб ғазабидан кулиб юборди.

— Биласанми, Букова хола, эрингни кимга ташлаб кетдинг, деб сўраса, хотининг нима депти? — Анча тобора қизишар, Пало эса ҳамон хотиржам овқатланарди.— Билмасанг эшитиб қўй: Иля, энди унинг хотини

<sup>1</sup> Нотар — жойлардаги маъмурий ҳокимият вакили.

эмасман менга унинг тўғрисида эслатмай қўя қол, деган эмиш.

Пало ҳамон овқатланарди — энди у Зузанинг идишидаги овқатни туширмоқда эди. У овқатини чайнадида, синглиснинг қизариб кетган юзига қараб қўйди, холос.

— Ҳали мен унга, унинг эри ким эканлигини кўрсатиб қўяман,— деди ва суюқ бўтқадан картошка олиш учун қошиғини мискага тиқди.

Үйда улардан ташқари Зуза ва Гагарцовка бор эди. Гагарцовка касал боласини ухлатмоқда. Зуза бўлса (уй бекаси бўлиб қолган эди) кечки овқатдан кейин, ҳатто, ўзи ичига тушиб кетадиган даражада катта со-пол товоқни ювмоқда эди. Қолганлар ҳовлига, қўшиларникига чиқиб кетишли. Мишо ҳалигача тузатилмаган қудуқдан сув келтирди, бузоқни суғорди; илгари бу Илянинг вазифаси эди.

Майиб қиз тиззасига ўзи ёмон кўрган янги кийимни ёйди... Бунақа кийимни ўзи ҳеч қаҷон киймайди. Ишини полга улоқтириб юборгиси келса ҳам қўллари чеварлар қўлидек тез ҳаракат қиласарди.

— Нега шикоят қилмайсан? — деди Анча акасига, норози оҳангда.— Қанча жоврамагин, барибир парво-йинга келмайди-я. Нега энди жаноб муаллимга, хотинингни алдаб олиб кетганларини айтмайсан? Чинакам деҳқон бунга асло тоқат қила олмас эди. Сенинг ўрнингда мен бўлсан Илянинг оқсочиликка боришига қасдма-қасдликка йўл қўймаган бўлардим. Нақадар шармандали!

Анча пешонасини тириштириб, газаб билан боқдида, акасини синағандек қаради: чиндан ҳам акасининг томирларида қон эмас, балки сув, зардоб оқар, эҳтимол, Иляга атайин эътибор бермас? Анча нима деб ўйлашини ҳам билмас эди...

— Хўп, мен мактабга бораман,— деди Пало, уни хотиржам қилиш учун.— Фақат сизлар бунчалик бидиллайверманглар.

— Ҳа, ҳали шунақами, бидилласак нима қипти? Уни олиб келмай қўя қол, тўрт томони қибла, истаган томонига бораверсин!

Пало тўйғунча овқатланди, қошиғини бир чеккага қўйиб, енги билан лабини ва пешонасини артди-да, боболарининг одатича: «Худо ўзингга юз қатла шукур»

деб пичирлаб, овқатдан сўнг ором олиш учун деворга суюнди. Зуза унинг идишини олди, тагида қолганларини қошиқ билан тозалаб, ювди.

Анчанинг қора кўзлари ўтдек ёнарди. У, акам қаҷон столдан туриб, хотинининг олдига бораркин, деб тоқатсизлик билан кутарди. Унинг танглайи қуриб қолди; қалби бутун олам билан ва ўзи билан келиша олмас эди. Кошкниди, шу чепецини анави бурчакка улоқтириб юборса! Эй худо, ахир у куя-куя томом бўлди-ку! У Яно Фузакни жуда ҳам севарди! Қалби ўтга тушган чувалчангдек титраб-қақшаб, қисиларди... Унинг ҳиссасига қанчадан-қанча ғам-ғусса тушди! Қалби шу қадар ғам-ғуссага тўлганидан, бутун дунёни остин-устин қилиб юборишга тайёр эди.

— Хўш, нима қилиб ўтирибсан? — деб бақирди у, акасининг қимирамай ўтирганини кўриб.— Наҳотки кун бўйи хандон уришини эшитиб ўтираверсам? Истаган томонига, менга деса жаҳаннамга жўнасин, фақат рўпарамда ўралашавермасин!

Майиб қиз аччиғи билан ипни узиб ташлади; икки юзи чўғдек ловилларди.

— Мишо, менга сув бер-чи! — деди, худди шу пайтда ёғоч пақирда сув келтириб турган, яхши кўрган энг кенжা укасига, томоғи қақраб.

Мишонинг қовоғи солиқ. Кружкани сувга ботирад экан, акаларидек, идишини бўшатолмаганига ачинди. Кружкани опасига узатиб, пўнгиллади:

— Илоҳо шу сув тиқилиб ўлгин...

Анча чўчиб укасига қаради. У қизарди, бўзарди, қўлини кўтариб туриб, кружкани полга қараб отди ва печка ёнига сургалиб келди-да, жони борича деворни муштлай бошлади. Кўзларидан ўшлар тинимсиз оқди. Акаларига ўҳшамаган, чиройли, сахий, хизматини аямайдиган укаси, онаси каби, фақат, яхши бўлиб ўсиши ни тилаб келган опасига: Шу сув тиқилиб ўл! — деди.

— Сенга нима бўлди? — деб ажабланишди уйдагилар.— Тишишг оғриб қолдими?

Майиб қиз уввос солиб йинглади, Мишо эса чурқ этмай ташқарига чиқиб кетди. Илгари у опасини яхши кўрар, лекин кейинги вақтларда ундан нарироқда юрадиган бўлиб қолган эди: Анча унга заҳарли илондек бўлиб кўринади. Анча ўз ҳаётидага шодлик бўлмаганидан, бошқаларнинг ҳаётидага ҳам шодлик бўлмаслигини

тилайди. Агар, Катага уйланишга йўл қўйишмаса, шунча кенг дунёнинг унга нима кераги бор? Опасининг ўзи ҳеч кимни севмаганидан, бошқаларнинг ҳам севгисига ишонмайди; уйда ҳаммага буйруқ қиласкерниб, ҳаммани қийнаб юборди. Нимани деса, шу бўлсин эмиш... маймашоқ... қашшоқ...

Ахир пировардида Анча жим бўлиб қолди-да, тиззасидаги ишини улоқтириб, скамейкадан тушди. У Мишони қидириб эмаклай бошлади. Укаси одатда ҳўкизлар олдида ётарди, аммо, ҳозир оғилхона ичидан қулф эди. Анча тарақлатиб эшик қоқди.

— Ким бу? — Мишонинг аччиғланган овози эшитилди.

— Мен, Мишожон, эшикни оч! — ачингансимон деди майнб қиз, унинг овозида ҳали кўз ёши оҳанглари сезилиб турарди. Лекин, оғилхонада ҳеч ким тиқ этмади, қадам ҳам ташламади — ҳамма ёқ жимжит. Мишо унинг фикрини англагиси ҳам келмади.

— Мишожон, азизим, қадрдоним, худо ҳақи, эшикни оч!

— Очмайман!

— Хўш нега аччиқ қиласаи, ахир яхши бўлишингнигина истайман-ку, — деб кўндиromoқчи бўларди Анча. — Сенинг Катага уйланишинг ярамайди, ахир, у дурустроқ одамнинг хотини бўлолмайди. Мишогинам бошқасини топасан; менга қулоқ сол, эсингни ема.

— Йўқол, бу ердан... илон! — деб бақирди ғазаб билан Мишо.

Майнб қиз жим бўлди; нафас олиши бир дақиқа тўхтаб қолди-да, юзи ўлиқникидай оқариб кетди. У ерга ўтириб олиб, индамай, жон-жаҳди билан сочини юла бошлади. Бу ҳам илон деб сўкяпти-я! Дунёдаги ҳамма одам — унинг душмани, ҳар бир одам учун у — илон, мажруҳ!..

Аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўккач, Анча яна тилга кирди, унга ялиниди, мулоимлик билан ёлборди, аммо бирон марта ҳам: «Катага уйлан» демади, Мишо ҳам унга жавоб бермади. Анча индамай, уйга қараб эмаклади.

Тим қоронги. Ҳали ой чиқмаган, осмон юлдузларга тўла. Анча эшик остонасига келиб етганида, уйдан кимдир чиқиб, унга қоқилиб кетди.

— Нима бу?

Анча кекса Фузакнинг овозини таниди:

— Итми, нима?

Анча чурқ этмай, четроққа чиқди ва индамай туралерди. У ит экан деб ўйлаб қўя қолсин. Ҳеч ким билан гапиришгиси келмайди, хусусан, кекса Фузак билан. Бир вақтлар Анчани тахтакачлаб қўй, деб унинг онасиға маслаҳат берган шу чол эди-да. Ӯшандай Анча: Ҳудоё месинг касалимни Фузакнинг ўғлига ҳам бергин деб худога илтижо қилиб йиглаган эди. Энди бўлса, худди ўшанинг жазосига учрагандай, Янони жон-дилидан севади. Чол бирданига энгашди-да, яна Анчага тегиб кетди.

— Ийе, бу сен Анчажонмисан! Кечир... Ҳудди илонга ўхшаб ўрмалайсан-а...

Анча унинг қўлинни ушлаб олди, модомики у илон экан, шу қўлларни тишлари билан ғажиб ташлагиси келар эди. Лекин, шу онда бошқа овоз эшитилди, унинг овозини эшигандай, Анча қувончидан сесканиб кетди-да, чолнинг қўлинни қўйиб юборди.

— Анча шу ерда эканми?— деб ажабланди Яно Фузак.

Чол даҳлизга қайтди, Яно эса майиб қиз ёнига яқинлашди.

— Қаердасан ўзинг?— у Анчага эгилди. Овозидан унинг кайфи яхши эканлиги сезилиб турарди. Үндан ароқ ҳиди келиб турар, бироқ, у маст эмас, фақат шира-кайф эди.

— Юр, мен сени уйга олиб бориб қўяман,— деди у кулиб ва қўлинни унга узатди.— Нега энди олиб бориб қўймас экашман?

Анчанинг қони жўш уриб, юзига урилди, юраги дукиллаб ура бошлади

— Йўқ, Яно!— деб ўзини ҳимоя қиласарди у, ўжарлик билан уни итариб, лекин шу ондаёқ Янони қучоқлаб олиш, кўкрагига юзларини суркаш, шу зайлда ўлиш истаги чулғаб олди...

— Мен ёш бола эмасман-у, қўлга кўтариб олишсан!— хитоб қилди у, ўзини тутиб олгач.

— Кимсан бўлмаса? Сен боладан ҳам бадтарсан,— деди Яно.

Унинг юзи қандайдир одатдан ташқари бир чеҳрага кирди, кўзлари завқ билан жўш уриб ёнди, у уни қучоқлаб олиб кўтара кетди. Аммо, Анча ҳаяжон билан уни итарар эди:

— Яно, мени сени уришимни истайсанми? Кўряпсанми қўлимни? Мени ҳамма масхара қўлсин учун кўтаряпсанми-а, бўлиб қўй...

... У Янонинг яқинлигидан нафаси тиқилиб қолишига сал қолди. Яно ўзини ростлади. Унинг кўзларидағи одатдан ташқари қизғин ярқираш йўқолди. У ҳушига келгандек бўлди-да, кула-кула деди:

— Қанақа ғурурлисан ўзинг! Мен бўлсам, сенинг бунаقا...

— Илонлигимни билмаган эдингми?— деб юборди Анча беихтиёр.

Яно унинг ёнидан ўтиб уйга кириб кетди, у бўлса, кетидан эшик ёпилиши ҳамоно ўзини ерга қараб отди. Нима учун менинг жонимни эмас, балки саломатлигимни олганлар! У, Яно учун ҳам — илон!..

Бу орада уй ичидаги эркаклар бир оз кайф қилишмоқчи бўлишди. Ўн чақадан пул йиғиши, Зуза қовоқхонадан улар учун ароқ келтирди. Стаканлар уриштирилгач, улар хушвақт бўлиб қолишиди, миялари хушёр, тилларин бурро бўлди. Ҳазилкаш Палога ҳам жон кирди. Томирларига зириллаб қон югурди, юмaloқ хушбичим кўзлари ёнди. Беихтиёр майиб қизнинг бўш ётган ўрнига қараб ўтирган Яно Фузак, буни пайқаб тилга кирди:

— Хўш, Пало, хотинингни олдига бор! Аразлаш етар. У сени кутяпти,— азоб чекмасин.

— Сен қаёқдан биласан, менинг учун азоб чекяпти-ми-йўқми?— деди қизиб кетган Пало.— Бормайман, у мени ташлади, ташласа ташлайверсин, ўша ерда яшайверсин, мен ҳаммасига ҳам тупурдим.

— Уни бошқа одамга бериб қўймоқчимисан? Кечадюро Уводнинг мактаб боғи яқинида айланиб юрганини кўрдим...

— Нима-а?— Палонинг кўзлари яна ҳам каттароқ очилди-да, сакраб столдан турди. У хотинига Дюро Увод қанақалигини кўрсатиб қўяди! Уни дабдала қилиб ташлайди! Янонинг чиройли лаблари бир дамда енгил жилмайиб қўйди. Яно ҳам Пало кетидан жўнади. У яна бир марта беихтиёр Анчанинг ўрнига қараб қўйди, юзида қайғу аломати кўринди. Қани, энди унга қўл кўтарган ўшани бир кўрса-ю, илонни янчгандек босиб — янчиб ташласа. У ой нур сочиб турган ҳовлига чиқди-да, Апчани кўриб қолди— Анча оғилхона эшиги ёнида ўтипар эди. Янонинг кўзлари ёниб кетди, у Анча томон

бурилди, унинг қалбида газаб ва алам ҳислари жўш урмоқда эди. Аммо, қулоғига Анчанинг пиқ-пиқ йигла-ётгани эшитилди. Яно қоққан қозиқдек қотиб қолди, кейин, у Анчанинг олдига келди-да, илонни босиб-япчиб ташлаш ўрнига, сўради:

— Нима бўлди, Анча, нега йиглаяпсан?

— Ахир йигламасдан нима қиласай? Умр бўйи ўз ўтимга ўзим қоврилиб юраверайми?

Яно унга эгилиб, ҳар сафаргидек, шафқат ва муҳаббат билан бошларини силади.

— Тинчлан, Анчажон, нима ҳам қилиб бўларди, пешона-да...

Иля бугун кечқурӯи ҳам мактаб ҳовлисидағи эшикни қулфлашни «унутди». У Палонинг келишига унча умид қилмас, Тяпаклар қанақа одам эканликларини биларди,— уларни ҳеч нарса билан жойларидан қўзғатиб бўлмайди. Улар худди қўйинб қўйган қўрғошиннинг ўзи. У биринчи марта эридан аразлаб кетиб қолганидан бери беш йил ўтди,— Пало ўша зоҳотиёқ уни орқасидан югуриб борган эди: раҳматли онаси унга хотинини олиб келишни буюрган эди. Энди, бор, хотинингни олиб кел дейдиган одам йўқ. Ким ҳам юборади уни... Иля бу срда аэроил жонини олганича хизмат қиласеради. Овсинлари унинг йўқлигидан хурсанд бўлади, холос. Эҳ, оқсоч бўлиш жуда ёмон-да! Бир минут ҳам бўш юролмайсан, истаганингни қилолмайсан — фақат хўжайинлар бўйругини бажарасан, холос. Бутун кун оёқ устида юрасан — худди танца тушиб чарчагандек, товоиляринг зиррлайди. Башарти қанотинг бўлганда — учишга ҳам мажбур этардилар. Унинг билимли эканини ҳам, дипломини ҳам назар писанд қилишмайди. Оқсоч — оқсоч-у, хўжайин — хўжайин эмиш. Модомики, унинг кетидан қидириб келмаган экан, гарчи, Пало Тяпак деҳқон бўлса-да, унинг ҳам хўжайнлардек қалби тош.

Иля тишлигини фикирлатди, кўзларига ёш тўлди. Эрининг ўзига эмас, балки ўзининг унга ачинишини ўйламаган, фараз қилиб кўрмаган эди. Мана, ўз ғурурининг оқибати!..

Иля ип каби чўзилиб кетган фикрларини узди ва кўз ёшларини артди...

Агар, Пало келганида ҳам, у билан кетмас эди, чун-

ки, Тяпакларнига қайтмасликка сўз берган, унинг сўзи эса қасам сўзи эди. Аммо унга отасидан ер, пишиқ гиштдан қилинган сарой мерос қилиб қолдирилган; улар ёзда сарой ёшига кулба солиб олиб, бир жуфт каптардек, тинчгина яшашлари мумкин эди. Аммо, Палодан дарак йўқ...

Иля бошини қўйи солди, юзларини яна кўз ёшлари юва бошлади. Мана Тяпакларнинг мағур, ўқимишли келини бу ерда йинглаб ўтирибди. Бироқ, тўсатдан ҳовлидаги кичик эшик фижирлади. Илянинг нафаси тиқилаёзди, юраги бир дақиқа уришдан тўхтади. У асалари уялари сақланадиган ҳужранинг тирқишидан синичилаб ҳовлига қаради. Дарвоза томондан шахдам қадам ташлаб, ҳужра томонга баланд бўйли эркак келарди. Илянинг вужудига ёқимли иссиқ югурди. У бошини ёстиққа қўйиб, ўзини ухлаганга солди. Бир минутдан кейин ҳужра эшиги фижирлади, ҳужрага Пало кирди-да, каравот ёнида тўхтади ва пар ёстиқни тортди:

— Иля, ухляйсанми, йўқми? Тур, уйга кетамиз!

Иля уст-бошини ечмай ётарди; у истаган минутда эри билан кетишга шай, аммо, ҳозир жавоб бермайди. Гўё ўзини ухлаётган қилиб кўрсатади: бунга ишонса ҳам бўларди, чунки у, кун бўйи ишда елиб-югурган, ҳориб-толган эди. Пало яна бир марта ёстиқни қаттиқроқ тортди.

— Эшитяпсанми, а? Уйга деяпман!— Пало ҳали ҳам жаҳлида эди.— Нима, уйинг йўқми? Бир каминг оқсочиник қилишмиди, а?

— Ким бу, ўзи нима гап?— қўрқансизмон Иля ўрнидан иргиб турди. У ўрнига ўтириди-да, гўё эрини энди кўраётгандек, бақирди:

— Ийе, сенимисан! Қани, қаердан келган бўлсанг ўша ёққа жўнаб қол-чи, пияниста! Нима демоқчисан?

Аммо, Пало ўзининг уялинқирашини енгиб, дарров кескин бир тусга кирди-да, бўкирди:

— Яхшилика отлан деяпман! Эс-ҳушли уй бекасига хўжайинлар тарелкасинни ювиш ярашадими?

— Нима демоқчисан, ўзинг қаердан келиб қолдинг? Мен энди сенинг хотининг эмасман!— деди Иля гердайиб.

— Кимнинг хотинисан бўлмаса? Дюро Уводними?

— Балки! Ҳар ҳолда сени хотининг эмасман!— деб бўш келмади Иля.— Мен Тяпакларнига ҳеч қачон

бормайман! Ахир сенга аллақачон айтганман: Ё мен, ё Тяпаклар. Ўзинг таиладинг!

— Биз улардан ажралишамиз!

— Бунга энди ваъда беряпсан, сенингга боришим билан, яна ҳамма нарса эскича қола беради. Мен сиз Тяпакларни биламан!

— Оқсочлик қилмайсан, бу сенга ярашмайди! Биз уй қурамиз.

— Йўқ, оқсочлик қилавераман, нимадан ҳам уялай! Ҳа, уй ҳам қуарасиз! Уч арава тош келтирасиз-да, шу билан ишингиз битади. Биламан, мен сиз ялқовларни!

Пало хотинига гап кор қилмаганидан урмоқчи бўлиб, унинг олдинга келди. Иля чинқириб, ўрнидан сакраб турди-да, унинг юзига чанг солди, бурнининг терисини тимдалаб олди. Пало орқага тисарилиб, асалари яшигини ағдариб юборди. Арилар ғувиллашди, Пало кўйлагининг енги билан юзидағи қонни артиб, қочиб чиқди.

— Ҳе, падарига лаънат, фалокатдан нарироқ турай, тағин ўлдириб қўйиб балога қолмай,— деб пўнгиллай-пўнгиллай ҳовлидан чиқди.— Домлага бораман, уни ҳовуридан тушириб қўйсин.

— Миясини еган аҳмоқ!— деб унинг кетидан Иля бақириб қолди. У ағдарилган асалари яшигини ғўнгиллаётган арилари билан нари суриб қўйди. Шу ҳам эркак эмиш? Бошқа эркак бўлса уни ўлдириб қўйган бўларди! Бу бўлса хотинини ташлаб, уйига қочиб қолди! Ахир у зўрлик билан бўлса ҳам судраб олиб кетмайдими, кичик омборга қамаб, бир ҳафта сувсиз ва овқатсиз сақламайдими.

Иля таҳқиқланди: у хотинини севмайди: унга хотин бўлса-бўлмаса барибири. Озроқ ичган ёки бирордан дакки еганидан келган. У эрини баланд овоз билан шундай сўка бошладики, ҳатто хўжайнилар уйғониб кетди. Ҳамма вақт ўзига ҳурмат кўрсатишларини талаб қилиб келган жаноб муаллим ойнани очиб, қоп-қора сочли чиройли бошини чиқарди-да, нима ҳодиса рўй берди?— деб сўради.

— Мен шундай бўлишни билардим,— деди у қатъий қилиб, Илянинг жавобини эшитгач,— сен туфайли бизда нуқул кўнгилсиз ҳодисалар рўй беради. Мен сенга бошдаёқ айтган эдим, эринг сени бу ерда қолдирмайди, деб.

— У менга хўжайнин бўла олмайди! Мен сизга бир

йил хизмат қиласман, деб ваъда берганманми — бўлди, менинг сўзим — қасам сўзи!— деди Иля қатъий қилиб, ичида эса алам билан: «У энди келмайди, қўрқмай қўя қолинг»,— деб қўшиб қўйди.

Тўғри, Иля Палонинг иккинчи келмаслигини яхши биларди. Бироқ, чақириқ қофози келиб қолди: унга, қўшини қишлоқдаги нотарга бориш таклиф этилган эди.

Иля ҳайрон қолди, ҳатто қўрқиб кетди, жаноблардан яхшилик кутмай қўя қол! У жаноб нотарнинг нега чақирганини ўйлаб топа олмади. Ахир қишлоқда ҳеч қанақа воқна рўй бергани йўқ, Иля ҳам хизматини яхши бажаряпти. У Якубларникида янги туғилган гўдак билан тўрт соат овора бўлгани учун, кеча муаллима хоним койиб берган эди. Крумпларникида яна ўлиқ бола туғилганида эса, у ўз вазифаларининг бутун моҳиятини тушунадиган, ўқимишли хонимга хос ғайрат билан буни дарҳол маълум қилди. Иля эртаси куни пешинда байрамдагидек кийиниб, чақириқ қофозда кўрсатилгандек, нотар ҳузурида ҳозир бўлди.

Ҳали ёш бўлса ҳам, жуда жиддий бўлган жаноб нотар канцеляриядаги узун стол орқасида керилиб ўтиради. Иля кирганида, у кўзойнаги тепасидан ўқрайиб қараб қўйди-да, ёзишда давом этди. Иля яқинроқ келди, жанобларникидагидек эгилиб таъзим қилди ва жуда хушмуомалалик билан; жаноб нотар лутф этиб, мени тезроқ жўнатиб юбормайдиларми, деб сўради: мен мактабда хизмат қиласман, мабодо уйга кеч қайтсан, муаллима хоним урншадилар, деди. Жаноб нотар яна унга қараб қўйди, канцелярия билан шу яқиндаги тўртта қишлоқнинг тўла ҳуқуқли хўжайини сифатида, унинг таъзимларига эътибор бермай, муаллима хонимга ҳам ўз ҳукмронлигининг кучини пайқатгандек қилиб қўйди (унинг оқсочини кечгача ушлаб ўтирди).

— Бери келинг!— деди у, ниҳоят. Унинг овози шундай оҳангда янградики, гўё, Илянинг ҳаёти ҳам жаноб нотарга боғлиқдек туюлди.

— Шундай қилиб, сиз оқсочик қиласизми?— деди у салмоқлаб, ҳар бир сўзини аниқ-аниқ айтиб ва унга қаттиқ назар ташлаб.— Мен сизни бу ерга шундан хабардор қилиб қўйиш учун таклиф этдимки, сиз айни вақтда мактаб ҳузурида оқсочик қилиб, қишлоқда доялик вазифасини ўтай олмайсиз. Бу машғулотлардан бирини ташлашингизга тўғри келади.

Иля жаноб нотарнинг жицдий юзига қаради ва қувончидан юзи гул-гул очилиб кетди. Хушхабар, ҳатто, уни сўзлаш қобилиятидан ҳам маҳрум этди. У жаноб нотарнинг оёқларига ўзини ташлашга ва унинг этигини ўнишга ҳам тайёр эди! Демак, у оқсоч бўла олмайди! Унинг учун буидан ортиқ севинчли янгилик бўлиши мумкин эмас эди!

— Ўйлаб кўриш учун сизга икки кун фурсат бераман?— деб сўзида давом этди нотар,— ҳар бир сўзни чертиб, худди унга қиммат баҳо тошларни битталаб тўкаётгандек ва бирортасини ҳам йўқотиш эсиздек.— Кейин қайси бирини: мактабда қолишними ёки қишлоқда доялик этишними, танлаганингизни менга маълум қилинг.

— Албатта, мен доялик қилишда қоламан!— деди Иля кескин ва, гарчи, унинг олдида тўртта қишлоқнинг қироли турган бўлса ҳам, кўзларини чақнатиб, хандон уриб кулди. Энди унга ҳеч ким буйруқ қилмайди ва оёқлари оғримайди — зир югуришларга хотима берилади.

Бир минутдан сўнг Иля қафасдан бўшатиб юборилган қушдек уйнга учди. У янгилик тўғрисида муаллима хонимга мумкин қадар тезроқ хабар қилишни истар эди.

— Мен бу ишнинг оқибатини билардим,— деди хоним унга гинахонлик қилиб.— Хизматкорсиз энди нима қиласман? Сени олгим келмаган эди-я!

— Тўғри, ўзим келувдим, деб айбини бўйнига олди Иля.— Аммо, мен қолишни ва вижданан хизмат қилишни истардим, ахир ўзим учун муддат охиригача жон деб ишлардим, бироқ, бунга йўл қўйиншаса нима қиласай? Мен қонунга қарши бора олмайман-ку?

— Сен эрингни қўрқитнб олмоқчи эдинг, шунинг учунгина бизга келган эдинг,— деди жаноб муаллим. Уни алдаб бўлмайди, у одамини бир қарашдаёқ билиб олади.— Сен ўз сўзингда туриб олмоқчи бўлгансан, хўш шундай экан, муаллима хонимга оқсочни ўзинг қидириб топиб бер!

— Мен Палонинг олдига бормайман,— деди Иля да-дилт ёа бошини кўтарди.— Отамдан қолган кичкина ҳужкрада яшайвераман. Мўри қуриб оламан. Мен Тяпакларнига бормасликка қасам ичганиман ва ўз сўзимнинг устидан чиқаман.

Ўзи эса: «Э худоим, жаноб нотар уларда ишлашини ман этиб, қандай яхши иш қилди-я,— деб ўйларди миннатдорлик билан.— Барибир оқсочликка ҳеч кўнига олмас эдим!»

Уч кундан кейин муаллима хоним бошқа оқсоч топиб олди, Иля эса лаш-лушларини акаларини олиб бориб қўйди. Бир ҳафта ўтгач, у кичик омборга мўри, ўзоқ қурдирди ва кўп ўтмай, озодагина кичкина хонага жойлаши-да, (ҳатто Соботадаги касалхонада ҳам бундан озода, жимжит хона йўқ эди, ҳеч ким унинг жигита тегмас эди) Пало тўғрисида ўйлай бошлади. Агар у кўчиб келса, сарой ёнинг уй қуриб олишарди. Аммо, у келармикан? Ахир хотинини мактабдан кетиб қолганини билади-ку: майнб қиз уй олдида иш тикиб ўтириб, қишлоқда пималар қилинаётганини кўриб туради-ку.

Пало бир ҳафтадан кейин келди. У укаларидан рўзгорини ажратиб чиқиб, хотини билан бирга яшашни истаб, Илянинг олдинга кўчиб келди. Пировардида, хотинининг таъсирни остида анча серҳаракат бўлиб қолди. Ёз бўйи, бўш пайтида тош ташиди ва кузгача Иля саройни олдида ҳеч кимда бўлмаган чиройли, сарик ранга бўялган янги уй қад кўтарди.

Энди Иля тамомила баҳтиёр, Тяпаклар ҳам мамнун эди. Улар, илгаригидек ўи тўртталари ҳам бир уйда тиқлиниб ётишарди, ота-боболари қандай яшашган бўлса, шундай яшашарди. Улар бир-бировларига халақит беришмас, ҳеч ким ҳам уларниң даққиёнусдан қолган одатларини унугашга мажбур этмасди. Чиройли уй қуриб олган акасига ҳеч қайсиенинг ҳаваси келмас эди, Иля билан ҳам ярашиб олишди. Иля ҳозир ҳам ақлли одамлар билан суҳбат қилгани мактабга қатнайди. Факат Чакайгина эски уй бурчагига одатича елкаси билан суюниб туриб баъзан ҳазил қилиб:

— Уни қара, қироличамиз ўзнга қандай сарой қуриб олди-я! Сап-саринқ, — мен бундай уйда яшашга уялардим,— деб қўяди.

— Ҳа, ҳа, мана ҳарбий хизматдан Мишо бўшаб келгач, биз ҳам шундай уй қурамиз!— деб қўшиб қўяди секинингина уй бекаси Зуза.


Ҳаммалари тутув, мамнун бўлиб яшадилар. Зуза ҳамма учун овқат пиширади ва ҳамиша эркин овқатлана олиши учун қувонади. Бошқалар ҳам мамнун. Га-

гарцовканинг боласи ёзда, офтобдан соғайиб кетди. Мишо Қатани энди ўйламай қўйғанди, хушхабарлар ёзилаған хатлар юборади — ҳарбий хизматда уни унугаётганилиги кўриниб турибди.

Фақат, баҳтсиз майиб қизгина, қоронғи тушиб, ҳамма ўз бурчагига тарқалаётганида дераза томонга қарайди, у томонда Яно Фузакнинг оқ уйи кўриниб туради. У эҳтирос ва умидсизликка тўла кўзлари билан қарайди ва кичкина қўлларини қисиб, оҳ тортиб, пиқ-пиқ йиғлайди:

— Шу ёруғ дунёга келиб нима кўрдим? Эй, парвардигор, мени яратмасанг нима қиласди..

1907 йил.





## Йозеф Грегор-Тайовский

### ПУОСТКОВА БУВИ

**Б**

анкнинг оғир эшиклари, худди ёш бола итартандек, аста-секин очилди. Бинога, бўйнига шол рўмол ўраган аёл кирди. Унинг қўлида рўмолчага ўралган нимадир бор эди.

— Салом,— деди ва секингина, қўрқаписа, бесаранжом назари билан хонага бир кўз югуртириб чиқди-да иккиланиб, менинг столим томон юрди.

— Салом, Пуосткова буви!— Соғмисиз! Хўш, нима келтирдингиз?— дедим ва унга пешвоз чиқиб, кутиб олдим.

У рўмолласини очиб, қандайдир қофоз чиқарди.

— Бу ёққа беринг,— деди вакил, бу қофоз вексель эканлигини кўриб, бироқ, кампир уялинқираб: қофоз ҳали «тайёр эмас», унга суммасини ёзиш керак, деди.

Мен, ўтиришни' таклиф этдим ва қанча тўлай оласиз, деб сўрадим.

— Иложи бўлса, камроқ тўласам,— деди у тараддудланиб, худди айтган сўзларидан уялинқирагандек.— Уч кронамикин. Ҳали дон сотганимча йўқ, қарзга беряпман,— деди ва рўмолчаси билан оғиз олдиларини артди.

— Яхши, ўтиринг, буви,— дедим, худли ўз бувимдек кўриб. Вексель ва ручкани қўлга олиб, стол устига энгашдим ва ғижимланган ҳужжатни текисладим.

«Уч крона ёс саммикин?— деб ўйлардим.— Хизмат бурчимга кўра, худди шундай қилмоғим керак. Нимасини ўйлаб ўтирасан! Вексель бўлгандан кейин вексель, уч юз кроналикми, ўттиз кроналикми, уч кроналикми — барибир. Аммо «уч крона — ҳам пул!» Мен ҳеч нарса ёзмадим, балки пиравардида масалани қандай ҳал қиласам экан, деб яна кампирга тикилдим.

Рўпарамдаги стулда ўтра бўйли, жуда озғин, қандайдир қуриб қолган дараҳтдек, олтмиш беш ёшлар чамасидаги аёл ўтираси. Каттакон эски этик кийиб олган оёқлари полга етмаси. Унинг юзлари қорачадан келган, буришган, ориқ, тишлари тушиб кетган, қўллари болаларникдек кичкина. Кўринишидан ўн икки-ўн уч яшар қизга ўхшарди.

Пуостковага тикиларканман, унга ҳеч ёрдам бера олмаслигим равшан бўлди. Лекин, нима қилмоқ керак? Векселни қайтариб берсанми кан? Унинг учун қарзини тўласам-у, кампирга, сизнинг ҳеч қанақа қарзингиз қолмади, десамми кан? Борди-ю, у буни хайр-эҳсон деб билса-ю, қабул қилишга унамаса-чи? Ахир бу вексель беш-олти йилдан бери ҳар уч ойда қўлимга тушиб турибди. Пуосткова буви қарзини тўлашга жиддий киришган, у шу давр ичиди бир крона, ярим кронадан қилиб, ўн икки кронанинг уч кронасинигина тўплай олди, бироқ, у ўзининг камбағаллигидан нолиб, шу қарздан озод этишларини илтимос қилишни хаёлига ҳам келтирмади.

— Мен ҳаммасини тўлашга ҳаракат қиламан, фақат сиздан ўтиниб сўрайман, бир оз фурсат берсангиз,— дер эди у доим.

У ўқиши ҳам, ёзишни ҳам билмас эди. Вексель, унинг учун ҳалол бир дехқон имзоларди: буни умга троқдек

пирга раҳми келганидан қиласа ва қарзни ёнидан тўлаб юбормоқчи ҳам бўларди-ю, аммо ундан шуни илтимос қилишни хаёлимизга ҳам келтиролмас эдик. Кампирнинг ўз қарзини тўлашга қандай қарашлиги, мажбуриятларини вижданан ўташда у биз учун намуна эди. Биз кампир ҳаёт экан, унинг қарзини ҳеч ким тўла маслигига ва банк бундан зарап кўрмаслигига амин эдик. Фақат кўнглини ёритиш учун худо унга умр берса бас, бу оғир юқдан ҳалос қиласа, унга ўлим ҳам енгил бўларди.

— Қарзни узмасдан ўлмайман,— дерди у, гўё худонинг ажалини ҳам писанд қилмай.— Кўрқманг, борди-ю, ўлиб-нетиб қолгудек бўлсам, таниш-билишларим бор, тўлашар. Уша Ондре Крначе ва Бета Врабле ва бошқалардан сўранг, худди шу бугун мендан қарзга дои олиши... «Пул йўқ, буви, бир оз кутинг, дейишади».— «Кутаман, болаларим, фақат унубиб юбормасангиз бўлгани». Кекса Бетулячка ҳам кеча учинчи марта қарзга олди... «Бермайман,— олдин қарзингни тўла, ахир мен ҳам тўлашим керак, ун олишда қарздор бўлганман...» дедим. Лекин у ёлвориб туриб олди: етим набираларим фозбоқувчи бўлиб ёлланишмоқчи, ўшанда қарзларини тўлашармиш дейди. Уларнинг пули йўқлигини билсан ҳам, сўраб турганларидан кейин, қандай қилиб йўқ деб бўлади,— деди кампир озғин қўлларини ёзиб.

— Процентлари билан қанча тўлашим керак?— деб қўшиб қўйди ва сабрсизлик билан стулдан турди, чунки, шу чоққача қанча тўлашлигини айтмаган эдим.— Доним кўчада ётибди...

— Утиринг буви. Мен сизга маслаҳат бермоқчиман. Векселни кўтариб бизнинг олдимизга ва кафилнинг олдига ҳадеб келиб юрмаслигингиз учун, йигирма чақа чиқаринг. Бу билан сиз олдиндан процентларни тўлаган бўласи<sup>1</sup> Ўндан кейин бизнинг олдимизга икки йил мө<sup>2</sup> келмаслигингиз мумкин. Олдин процентлар кейин, уч крона жамғаришингиз ҳамоно исиз; қачон пул топсангиз, шунда келар-

ин унинг қарзини бемуддат, майда қарзширитиб қўйдим.

— дея ташвишланди кампир ажабла босган латта ҳамёнини чиқарар учун бирданига кўп бўлади... Мен

бунча тополмайман. Агар бир крона, ярим кропадан бўлганда эди... Нима ҳам қилардим, шунчадан тўлашни буюрганингиздан кейин...— деди ва миннатдорчилик билдиришни зарур топмай, столга йигирма чақа қўйди.

— Мен унга ёрдам қиломадим,— деб ўйладим.— Нима қилмоқчи бўлганимни пайқамади. Унга яна ҳам оғир тушган бўлса керак».

— Сиз тушуняпсизми, бу ерга йилда тўрт марта келавермайсиз ва майдада взносларни дафтарга ёзиб ўтиришимизга ҳам ҳожат қолмайди. Дафтарлар қиммат...— дедим уни ишонтириш учун.

— Қандай қилса яхши бўлишини сиз биласиз. Демак, энди келишимнинг кераги йўқми?— деб сўради у.

— Йўқ, кераги йўқ, икки йилгача кераги йўқ,— деб таракорладим ва икки йилгача ўлиб қолар, деб ўйладим...

Бечора, мабодо ўлиб қолса эди! Унинг учун яхши бўларди. Кафил турган киши унинг қарзини тўлар, мен эса ҳикояни ёзмаган бўлардим.

Лекин, Пуосткова буви ўлмади. Икки йил ўтди, у яна банкка келди. Кампир йифлай-йифлай, бир кронаси, ҳатто, икки кронаси ҳам бўлганини, бу пулларни бекитиб юрганини, бироқ, ўғли сўраб олганини айтни берди, бошқа сафар келини алдаб олибди, у пулларини бизга келтириш учун бекитиб қўйған экан, ўғли билан келини тортиб олибди.

— Энди кутиб турасиз-да...— деб илтимос қилди кампир. У банкка фақат процентларни — бир печа чақани келтирган эди.

— Энди бир йилгача келмаслигингиз мумкин.— дедим ва икки йил бурун Пуосткованинг қарзини майдада қарзлар жумласига киритганимни ва вексели кассанинг қаерибадир ётганини эсладим.

— Наҳотки шу пул етса?.. Чамамда етмаса керак. Ахир сизга фақат йигирма чақагина бердим-ку. Ҳисобда хато қилмаганмикиниз?

— Йўқ, буви, хато қилганим йўқ.

— Ақалли авлиёлар кунигача етганда ҳам майли эди-я. Ахир баҳорда қўлимни синдириб қўйдим-да. Мана бу ерини, бармоғимнинг олдини: кир ёяётib чердакдан йиқилиб тушдим. Ҳар ҳолда қариб қолдим, бошим айланиб турадиган бўлиб қолган... ҳушимга келиб қарасам, даҳлизда ётибман, қўлим қўнғироқдек

осилиб ётиди. Бу қўл билан ҳеч иш қилиб бўлмайди, ахир бир қўл билан хамир қилиб бўлармиди. Мана энди лавлаги экишга ёлланиб, пул ишлайман, кейин сизга қарзимни келтириб бераман. Хотиржам бўлинг. Тирик бўлсам — ҳаммасини тўлайман. Менга, «ҳатто векселси ташланг, деб маслаҳат беришади. Сиздан нимани ҳам олиб бўларди?» — Йўқ, болаларим, қариган чоғда виждонни йўқотиш ярамайди дейман! Мен бундай қилолмайман. Бу қанақаси, пул керак бўлганда-ку «марҳамат қилинг» деб, сизга илтимос қилган эдим, энди: «ўзингиз тўланг, менга қарз бермаслигингиз ҳам мумкин эди, ҳеч нимам йўқлигини билардингиз» деб қарзимни тўлашдан бош тортайми? Бошқалар, балки шундай ҳам қилишар, лекин, мен бундай қила олмайман. Тирик эканман, қарзимни тўлайман, ўлиб қолсамчи, кийим-бошим, пар тўшак, сандик, ўрин-бошим қолади — уларни сотиш мумкин...

Мен бу ажойиб аёлнинг ҳаётига қизиқиб қолдим, аммо, ҳеч ким тушунарли бирон нарса айтиб беролмади.

— Кечирасиз, унинг ҳаётини суриштиришга кимнинг вақти бор дейсиз? — дейнишди менга. — Бошқалар қатрида яшаялти.

Ҳа, улар ҳақли эдилар...

Бизнинг Словакияда кўпроқ жаноблар, графлар, шаҳзодалар ҳақида ҳикоя қилишни яхши кўрадилар, императорларнинг насл-насаби тўғрисида батафсил мунозаралар олиб боришади, аммо, ўз теваракларидаги кишиларга гарчи ёнингизда юксак даражадаги ахлоқли киши турган бўлса ҳам эътибор қилмайдилар, худди ҳаммамиз бир хилда ёмонмиз, ё бўлмаса бир хилда яхшимиш, шунинг учун бир-биримизга ҳеч нарсани ўргата олмаганимиздек, ҳеч ким ўз теварагидан мисоллар изламайди. Шунинг учун ҳам бирон кимса Пуосткова бувининг қандай ҳаёт кечирганини, қандай қилиб яшаганини билмайди...

Унинг эри ғалати, ишёқмас одам эди. Белкурак, чалғи ёки паншаҳа билан бир оз у-бу ишни қиласарди-да, шу билан ишни тамом қиласарди! Борди-ю, бир ҳафталик озиқ-овқат солинган сумкасини олиб, бирор ёққа ишга кетса, иккинчи ё учинчи куни қайтиб келар ва иш оғир, ҳеч кимга керак бўлмаган, кам ҳақ тўланадиган

иш, ўттиз чақа оламан деб бутун кун ўлиб-қутулгандан кўра, печка устига чиқиб, оч ётган яхши деб нолирди. Модомики, ётгиси келган экан, ёта берсин, аммо, кечқурун овқатлангиси келиб қоларди, эрталаб яна бирон нарса бер дер, пешинда эса тағин сўрарди.

— Оч бўлсан,— дерди у.— ишга кучим етмайди, тўйиб овқатлансан, уйқум келади.

Кейин, қорнини тўйғазиб олиб, тоза уйқуни уради.

Борди-ю, хотини ишга ҳайдагудек бўлса, ўзини касалликка соларди. Бунинг устига чекар ва ичарди. Ароқقا етарли икки-уч крейцер юлиб-юлқидими — дарров қовоқхонага чопар эди. Бечора хотини аввал унинг касаллигига ишонди, кейин, шундай ўрганиб кетдики, мабодо ҳафсаласи келиб, эри уйда бирон иш қиладиган бўлса, уни боқиш учун пул ишлагани чопарди. Эри уйда ўтириб, яккаю-ягона боласига ҳам қарамас эди. Бола доимо уйга ҳамма ёғи қирилган ва йиртилган ҳолда қайтар эди.

Ўғли ўсиб улғайгач, хизматга кирди ва тез орада отани боқиша, онасига ёрдам бера бошлади.

Кейинча ўғил кийим-бош олиш учун пул йиға бошлиди ва уйланмоқчи бўлиб, отам ҳам ишласин-да,— деб онасига пул бермай қўйди. Хуллас, мустақил бўлиб олди ва пулинни ўз истагича сарфлади.

Ота, илгаригидек кун бўйи ётар, ичар ва тамаки чекар эди. Кунлардан бирида кимдир «бемор»ни кўргани ҳам келди, шу пайтда у ароқقا ва закускага пул бер, деб хотинини қистаётган эди.

Ўғил уйланди ва хотини билан бирга онаси ва «бемор» отаси ёнида яшади. Пуосткова, ўғлим ақалли энди уйнинг ижарасини тўлашга ёрдам берар деб ўйларди, бироқ ёрдам қилиш қаёқда дейсиз! У пулинни фақат хотинига берар, бергандা ҳам жуда кам берар, шунинг учун келин ҳам, йил сайин тобора кўпайиб бораётган болалар ҳам кампир зиммасига оғир юк бўлиб тушган эдилар.

Буви билан келини ишлашар, ўғли эса (у катта ер эгасида батраклик қиласарди) уйига икки-уч ҳафтада бир марта келар, отаси билан ичишиб, кейин ҳаммани кўчага ҳайдар эди. Отаси ўғлининг ёнини оларди, чунки, ундан қўрқар, бунинг устига ўғли унга гоҳ тамаки, гоҳ чоракта олиб келиб тураг эди...

Бир неча йилдан сўнг болалар жуда кўпайиб кетди,

шу сабабли болаларга қараб туриш учун улардан биттаси уйда қолиши зарур эди.

Келин кетар, қайнана эса нон ёпиб, гузарда сотар эди.

Иш олдин яхши борди, нонни талашиб сотиб олардилар. Пуосткова тун бўйи нон ёпар эди; келини ишдан қайтгач, унга ёрдам берарди. Бироқ, бир неча йилдан кейин неваралар катта бўлиб қолишиб, топиб келинган пулни келиши ҳамоно «еб» битира бошладилар.

Бир куни Пуосткова бувининг ун олишга пули етмай қолди. У қарзга ун олди. Ўғли ҳам ўшандада онасининг охириги крейцерини: «фақат биринчи числогача», «қарзга» олди. У оз пул топар, баъзан топган пулининг бир қисмини онасига берар, баъзан бермас, бунинг устига онасидан пул сўраб турарди. Агар онаси пул бермаса ёки пули бўлмаса, уни ҳовлига ҳайдаб чиқарар, уйнинг ижара ҳақини тўламайман деб дўқ урар, отаси билан ўтириб ичишар, кейин хотини билан болаларини кўчага ҳайдар эди.

— Уларга тегма, ахир қўлидан келганча ишлашяпти-ку, ҳеч бўлмаса иссиф уйда ўтириб, дам олишсин,— деб ёлворар эди отаси ўғлига.

Лекин, ўғли, хотиним мендан зир титрасин, мен йўқ бўлганимда бошқалар билан ўйнашиб, мени шарманда қилмасин!— деб шундай қиласи.

— Шундай дейишга қандай тилинг боради, уял, сен уни хафа қилма! Сендан бўлган болаларни ўзи унга етиб ортади, наҳотки у яна бегона болаларга зор бўлса? Бундай деб ўйлаш гуноҳ, ўғлим, худо сени кечириши учун унга ибодат қил,— дея ўғлига насиҳат қиларди у, аммо, бирга ичишганидан, отанинг айтган сўzlари унга ҳеч таъсири қилмас эди. Яна хотинини кўчага ҳайдар, сочиндан тортиб судрар эди.

Бу пиянисталарга одат бўлиб қолгап.

Ниҳоят, худойи таоло Пуосткова кампирга марҳамат қилди: унинг эри вафот этди.

Маърака куни ўғли шунчали ичдики, ҳамма қарин дош-урӯғларини олдига солиб ҳайдади, «ажина кампир — онасига» эса, сен мени урмаган бўлсанг, мен сени ураман деб айюҳаннос солди. Нима учун бундай деганини бир худодан бошқа ҳеч ким билмас эди. Ачинганиданми, ичкилик таъсириданми, ё бўлмаса тағин бошқа нарса туфайлими. Хотини ва болалари

қоши қорайғанда уйга қайтдилар, аммо, «ажина кампир» шундан бошлаб уйга қадам қўймади. Келини унинг олдига бориб, йиғлаб-сихтади, ялинди-ёлворди, лекин қайнинанинг қайтишга раъий бўлмади.

— Қизгинам, менинг майиб бўлишимни истайсанми? Мабодо шундай бўлса, азобимни сен тортасан-ку. Нима, ўн икки йил мен билан қийналганинг етмайдими?

— Ойижон, у сизни хафа қилгани учун йиглади, хижолат чекканидан олдингизга келишга уяляпти.

— Қўй, у яхши бўлиб, инсофга келгунча уялаверсин, хижолатдан қутулмасин...

Кампир уч олтинга ҳужра сотиб олди, келини билан бирга эски сандиғини, ўрин-кўрпасини ташиб олди-да, олтмишдан ошган чоғида ёлғиз ўзи яшай бошлади. Ҳамма ерда банклар бўлганидан, у хўжайиндан ўзи учун кафил бўлишни илтимос қилди ва банкдан қарз олди. Кампир оз-оздан процент тўлаб турди: нон ёниб сотиб, яшаб, ўз ғамига ўзи қоврилиб юраверди. Илгарилари ўғли тортиб оладиган пулларини, энди у невара-ларига берар эди. У ёвуз ўғлининг дастидан қутулганига шод, уни қанчалик кам кўрса, ўғли унга шунчалик яхши бўлиб кўринар эди.

У ҳаётидан мамнун «ҳаммаси жойида, фақат саломатлигим боқи бўлса, бўлди» дер эди.

Баъзан келини болалари билан келип уйига таклиф этар эди. Пуосткова буви, уларни қурби етганча меҳмон қилас, овқатлантирас, уйларига ҳам бериб юборар эди.

Болалар оналари кетидан:

— Отамиз топганинга ичади-я,— деб қўярдилар.

Бундан бир неча йил бурун кунбай усулида ёлланиб ишловчиларнинг аҳволи ўзгарди. Эсимда бор, илгари, яъни йигирма йил бурун, ғалла ўрувчи эркаклар эллик-олтмиш крейцер, ҳашак ғарамловчи хотин-қизлар эса — ўн олти-йигирма крейцер олардилар; хуллас, ишга кам ҳақ тўланарди. Энди бир оз кўпроқ тўлайдиган бўлдилар.

Буни илгариги йили бизнинг Пуосткова бувимиз ҳам пайқади. У нон сотишдан оз пул топар эди, кўкламда кўпгина одамлар Дольнякининг имениесига, лавлаги-зорда ишлашга ёлланганида, у ҳам четда қолмади. Одамлар: бу иш осон, бир кунда йигирма крејцер пул

ва овқат ишлаш мумкин дейишарди. Кампир кузгача неча крейцер ишлашини ҳисоблаб чиқа олмади.

У, ёлланиб, ишга тушди.

У пулини харажат қилиб қўймаслик учун, бошқа содла дил аёллар сингари, сақлаб беради деб, ўзини ёллаган хўжайинига топширди. Хўжайн бўлса бу пулларни сарф қилиб юборди, бир қисмини ичди, бир қисмини суд амалдорларига улашиб берди. Унинг мол-мулки адолатсиз ҳукм билан рўйхат қилингудек бўлса, бу амалдорлар унга ёрдам беришармиш. Ундан пулни ундириб олиб бўлмас эди, аёллар йиглай-йиглай уйларига қараб кетдилар.

Пўосткова ўз крейцерларини эслаб, йиглаб-сихтади, лекин кўз ёшидан фойда бўлармиди? У, хўжайнинг, қачон пул топсан, пуллингни бераман, деган ваъдасини эслаб, ўзини юпатарди. Кампир умидсизланмади, у яна нон ёпишга киришди, банкка эса процентлар ҳисобидан йигирма чақа олиб бориб турди.

Қишида кір ёйгани чердакка чиқиб кетаётib, нарвондан йиқилиб тушди-да, қўли синди. Уни таниш аёллар даволадилар. Ҳужра совуқ, ейишга ҳеч нарса йўқ эди, ўлим шафқат қилмайдигандек туюларди. Лекин, бир олижаноб одам воқиани қишлоққа маълум қилди.

Оқсоқол доктор билан келиб, уни «госпитал»га, тўғрироғи, вабо касали билан оғриганлар учун қабристон яқинига қурилган будкага олиб боришни буюрди. У ерда кампирга гўрковнинг хотини қараб турди.

Ўғли унинг бетоблигини эшитиб, аламидан ўлгудек ичди ва онасига ачиниб кетди: хўжайниндан от-ара ва сўраб, онасини уйга олиб келиш учун жўнади. У онасининг қўлига тегиб кетиб, хийла азоб берди, лекин уни зўрлаб аравага ўтқазди. Ўғли йиғлаб:

— Онам эканлигингни унугтаним йўқ... Боримни сенга берардим, хотинимдан бўлса ҳам сўраб, олиб берардим-у, афсуски, уйда ҳеч бало йўқ, шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда бу ердан кўра бизники яхшироқ, ҳеч бўлмаса иссик жойда ётасан-ку,—деб ялиниб-ёлворар эди.

Кампир миннатдор бўлиб, ўғлининг бошини силади. Ўғли жуда эриб кетиб, уни ташлаб кетиб қолгани учун онасига дакки бера бошлади.

Онаси у туфайли шу балога дучор бўлди, ахир у фарзанди-ку, кўчадан топиб олган итваччаси эмас-ку, онаси тўғрисида албатта ғамхўрлик қилиши керак-да.

Бироқ, якшанба ёки байрам кунлари ўғли бир кун, ярим кунга уйига келганида, тинчлиги бузилиб турар эди.

Уйдагиларнинг қийналмаслиги ва ўзини текинхўр бўлиб ўтирмаслиги учун Пуосткова ўз кийим-бошидан баъзиларни ва кўрпа-ёстиғининг бир қисмини сотдин (яна нималаридир сотганини келини билмас эди). Сахий одамлар ҳам у-бу келтириб бериб турар эдилар. Худойим бирларига ўи берсин!

Сотишга ҳеч нарсаси қолмагандан кейин, кампир келинига юк бўлиб ўтиришни истамади-да, яна ҳужрасига кўчиб кетди.

Бу йил баҳорда Пуосткова яна лавлагизорга кетди. Аммо, авлиёлар кунида у банкка пул келтиролмади, аксинча, ҳужрам совуқ, пар тўшагимни қолдиринглар деб илтимос қилди.

Кўзларим жиққа ёшга тўлди, уни юпатишга уриндим ва уйига жўнатдим. У кетди ва Юрьев куни арафасидагина келди.

— Келинг, буви?


— Процентларни тўлагани келувдим,— деди у, пул чиқариб.

— Ҳали лавлагизорда ишлаб пул олганингиз йўқ-ку?

— У ерда ишлайдиган пулимни ўлимлигим учун ажратиб қўймоқчиман. Процентларни тўлаш учун пар тўшагимни сотдим. Яна қанча тўлашим керак? Марҳамат қилиб, яхшироқ ҳисобланг. Мен шусиз ҳам кечикдим...— деди-да, буришган қўллари билан халтачасидан пул чиқарди.

1904 йил.





## Йозеф Грегор-Тайовский

### МАШАҚАТЛИ РИЗҚ

#### I

**M**асленица<sup>1</sup> нинг охири бўлишига қарамай, қишининг тугашидан дарак йўқ. Қуёш кун бўйи юзини кўрсатмайди, дараҳтлардаги қирловлар эса тушга борибгина эрийди. Гўё қиши қайта бошдан бошланмоқчидек, бироқ, қишининг кимга ҳам кераги бор дейсиз?

Агар қиши бўлганда, ақалли ўтган икки ҳафта яна қайтадан бошланганда эди, Туръяновлар оиласидаги аҳвол бутунлай бошқача бўлар, учта норасида гўдакнинг отаси тирик бўлар эди. Гарчи у ичклиликка муккасидан кетган бўлса ҳам, у билан бирга яшаганда аҳвол енгил бўлар эди. У қандай одам бўлмасин — ҳар ҳолда

<sup>1</sup> Славянларда қишини кузатиш байрами.

ота эди, энди у ўлган, шунинг учун Туръянова болалари билан азият чекмоқда.

Марҳум, Жъяр тепалигидан ғўлалар ташир эди, тепаликдан ғўла ортиб тушаётган арава уни босиб кетди, шундан сўнг у касалхонада вафот этди. Абжағи чиқиб кетган танасини докторлар тилка-тилка қилиб кесдилар. Хотини: «Ахир кўриб турибсизлар-ку, у ўлиб ётибди, қўйинглар, озор берманглар унга!...» деб докторлардан қанча илтимос қилмасин, ҳаммаси беҳуда кетди. Шундан буён Туръянова ухлади дегунича, кўз ўнгида эри гавдаланади. Бундан ташқари, ўзи ва болалари очликдан ва қаҳратон қишининг совуғидан машаққат чекмоқда.

Илгари эри батрак эди, ўзи бўлса уйма-уй юриб, бирорвларнинг кирини ювар, полини тозалар эди. Хўжайин уларга бир хона ажратиб берган, қишлиқ ўтин ҳам етарли эди... Энди ҳеч нарса йўқ. Наридан-бери одам яшайдиган ҳолга келтирилган, чекка ердаги оғилхонага ўҳшаш кичкина ҳужрача учун йилига тўрт марта уч сўлкавойдан олтин пул тўлаш керак. Ёғоч тиладиган ишхонада бир неча чақага, кўтарганингча пайрача ва қиринди беради. Бу эса уч-тўрт кунга етади холос, лекий, уни кўтариб келтиргунингча ярим кунинг ўтади.

Аёл ҳеч нарсага етмайдиган бир неча чақа ишлаб келганида:

— Худойим, мунча қийнамасанг, порасида гўдакларга ҳам шафқат қилмадинг?— деб зорланар эди.

Кечқурун болаларини ўринга ётқизганида, уларга ашула айтиб берарди. Ҳамма вақт уларнинг қорнини нонга тўйғазолмаганидан шошиб-пишиб, тонг қоронғисида чой чақа топгани жўпар эди.

## II

Масленица. Уйин-кулги, бал, танцалар пайти. Одатда у бориб ишлайдиган жойдаги хўжайинлар, уни кечаси ишлашга чақарар эдилар, чунки хизматчи қиз ва шогирд ухлаб қолиб, хўжайин болалари қаровсиз қолса, уларга бирон шикаст етиши мумкин эди.

Туръянова кечаси ишлашга рози бўлди, бироқ, у бошқаларнинг болаларига қараб турганида, ўзининг болалари ким билан қолади? У ҳам гўдакларини севади-ку, балки болаларини уйда қолдириб, ўзлари балга

отланаетган бу хўжайинлардап кўра кўпроқ севар. Агар ишга чақирмай қўйишларидан қўрқмаганида, у ўз болаларини сира ҳам ёлғиз қолдириб кетмас эди. Үнда болаларини қандай боқади? Ҳозиргидек совуқ кунларда унинг ўрнига ҳатто, учта хизматчи топишлари мумкин.

У болаларини овқатлантириб, ҳаммасини ўрнига ётқизди; болалар оталари тўғрисида ўйлашни ҳам унудиб, қийқириб тўполон қиладилар: энди, отамиз қаёқда деб сўрашмайди ҳам. Агар онаси, отангиз энди ҳеч қачон келмайди деса, улар сира хафа бўлишмайди. Фақат бир-бирларидан шикоят қилишади, холос. «Ойи, Ондрик тепяпти», «Марканинг ўзи тепиб, сан қилдинг деб менга тўнкайяпти». Кейин улар кула-кула каравотга чиқишади, оталари ўлгандан бери ҳаммалари шу ерда бирга ухлашади, онаси эса кичкина темир печка ёнидаги скамейкада ётади. Иссиққина пар тўшакда болалар дарров ухлаб қолишади.

Ойиси столда сув, нон қолдиради, болалар уйғониб қолиб қўрқишишмасин, деб жинчироқни ҳам ўчирмайди: энг катта қизи — етти ёшли Зузкага, укаларингга қараб тур, деб қайта-қайта тайинлади. У, хўжайинлар фақат соат ўн иккигача театрда бўлишади, танца тушишга қолишмайди, дейди.

Туръянова болаларини илгари ҳеч ҳам тунда ёлғиз қолдириб кетмаган эди. Бугун у биринчи марта шундай қилиб кетди.

— Вой, соат етти бўлиб қолибди-ку, жўнашим керак,— деб у, бошига рўмолини илиб, хўжайнинкига югурмоқчи бўлди-ю, бироқ, ҳамма нарса жойидами, ҳеч нарсани унутмадимми деб бир қайрилиб қаради. Үринни кўздан кечирди ва икки ёшли гўдак эшишиб қолиб йиғламасин учун, Зузкага яна бир марта шивирлаб, болаларга тузукроқ қараб тур, мен тез орада келаман деди. Шундай қилса ҳам, у остона ҳатлаб чиқолмасди.

Нихоят, оёқ учида юриб чиқди ва эшикни қулфлаб, фикр-туйғуларга берилиб кетиб, ҳатто оёқ остига ҳам қарамай, шоша-пиша хўжайнинларникига югурди. «Печкага яхшигина ўтин қаладим, болаларни овқатлантирдим, аммо, уй дарров совиб қолади; уйқусида болалардан биронтасининг усти очилиб қолиб, шамоллаб қолса, кейин роса азобини чекаман-да. Лекин, хўжайнинлар мени ҳамма вақт ишга чақиришиб турса, бормасдан иложим борми, ахир мён ишлаб пул топаман, ухлашга

ҳам улгурاماи,— бир куннинг ўзида икки ишни қилиб улгурман-а!» дерди ўзича.

### III

Хийла бой бўлган тикувчи хўжайинникида — Туръяновани сабрсизлик билан кутаётган эдилар. Спектакль етти яримда бошланар эди.

— Қаерда қолиб кетдингиз? — Кеч қоляпмиз,— деб койинди, ундан норози бўлиб бека.

— Болаларни ухлатиш билан овора бўлиб қолдим, кечасига керакли нарсаларни тайёрладим... Мабодо уйғониб қолишса...

— Уйғонишмайди! Ахир, улар бой болалари эмас-ку.

Столда ўтирган олти ва етти ёшли хўжайиннинг ўғли ва қизи Мара холага ер остидан қараб қўйди-да, яна китобдаги суратларни томоша қила бошлади.

Бека ясаниб бўлган, хизматчи қиз уни ҳар томонидан ўтиб кўздан кечирав, унга гоҳ нина, гоҳ тўғнағиҷ узатар эди: стол ёнида ғайри-табиий жиддий бир вазиятда, бесўнақай қайрилиб, шогирд бола ўтирап эди. У, шундай катта болаларга қараб туриш каби ҳали унча кўнікмаган вазифасидан ийманиб, хўжайиннинг шу ерда турганидан қўрқиб турар эди.

Хўжайнин тажанг бўлиб сигара чекар, хотинининг ясаниб бўлишини сабрсизлик билан кутар эди.

Ниҳоят, бека ҳар эҳтимолга қарши белбоғига яна икки-учта тўғноғиҷ қадади-да, болаларга яхшилаб қараб туринглар, ухламоқчи бўлишса, ётқизинглар, деб буйруқ бериб эри кетидан йўлга тушди.

Мара ўзи учун бирон юмуш буюришни сўради.

— Парларни титинг,— деди хоним шошиб.— Биз вақтли келамиз, энг кечи билан — ярим кечада қайтамиз. Сут ва бошқа нарсалар анов ерда,— деб тушунтирди ўзини эшиккача кузатиб қўяётган Марага ҳамда хизматкор ва шогирдга.

Хизматчи қиз парларни келтирди. Болалар бир оз тўполон қилиб ўйнашишгач, уйқулари келиб қолди. Мара хола уларни ўринларига ётқизди. Оқсоқ қиз ҳам стол ёнида, ўтирган ерининг ўзидаёқ ухлаб қолди. Шогирд бола китобдаги суратларни томоша қилиб, сўзларни бўғинларга бўлиб-бўлиб, баланд овоз билан бир оз ўқиди-да, хўжайнинларнинг ҳали-бери келмаслигига

ишионч ҳосил қилгач, дераза орқасидан туриб, томоша кўргани чиқиб кетди.

Мара парларни титар эди; шогирд бола кетиб, оқсоч қиз ухлаб қолган. Жимжитликда ухлаётган болаларнинг нафас олиши эшитилиб турибди. У болаларим нима қилишаётган экан?— деган фикрдан қутула олмади. Ўйғонншамадимикан? Ўиғлашмаётганмикан, биронтаси ўйқусираб каравотдан йиқилиб тушмадимикан, совқотиб қолншамадимикан?

Соат жимлика чиқ-чиқ этиб юрар, ўзининг машақ-қатли қисмати тўғрисидаги фикрларга бериллиб кетган Мара Туръянова эса, бошини силаб, соchlарини тўғрилар, ҳурпайған соchlарини рўмоли остига қистириб, фикрларини ҳайдар, бироқ, ўзини тутолмай юм-юм йиғелар эди. У бармоқлари билан кўз ёшларини артар экан, қўлига парлар ёпишар эди. Столга тирсангини қўйиб ухлаб ётган оқсоч қиз бирданпга чўчиб кетиб, уйғонди ва дарҳол Мара билан бирга пар титишга тутниди; хўжайин, бека тўғриларида бир неча оғиз сўз айтиб, ҳорғинликдан яна ухлаб қолди,— бечора, энди ўн тўртга кирган эди.

Ниҳоят, Маранинг тоқати тоқ бўлди: хизматчи қизни ўйготди-да, қайтгунимча ухламай тур деб, кийинмай-нетмай, ҳеч бўлмаса деразадан бўлса ҳам болаларга бир қараб келай, деган ният билан қоронғида сирғанчиқ йўлдан югурга кетди.

Кулбага чопиб кириб қараса, болалар ухлаб ётишибди. У болаларнинг юзидан, яланғоч қўлчаларидан ўлди, пар тўшакнинг ён-берини тўғрилади ва шивирлаб: биринчи маҳта ёлғиз қандай ухляпсизлар? Отасиз, онасиш ухлаш ёмон-а?— деб сўраб қўйган бўлди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас, Мара яна келган томонига қараб югурди, шундай қилмаса хўжайнинларнинг аччиги келади: ахир уни ёллашган-ку, у бўлса кетиб қолди (ахир Мара хизматчи қизга бир минутгагина бориб келаман деган эди-да...)

Соат энди ўн бир бўлган эди. Шогирд бола кўчада юриб совқотгач, уйга қайтган ва ухлаб қолган эди.

#### IV

Хўжайнинлар кечани кўнгилли ўтказдилар. Спектаклдан кейин, танцага ҳам қолдилар,

Вақт ярим кечадан ошди. Соат икки ҳам бўлди. Мара ўзини қўйгани жой тополмас эди, унинг хаёлида болалари энг даҳшатли ҳодисаларга учраётгандай эди. У болаларнинг усти очилиб қолмадими кан деб, уларни ўраб-чирмаб келиш учун яна ўйига чопди. Ўй жуда совиб қолган эди. Болаларига қараб, печкага олов ёқди-да, яна бир марта деразадан кузатиб, келган томонига югурди.

Тун қоронғи ва туманли, изғирин совуқ эди.

Мана соат тўрт ҳам бўлди, аммо, хўжайинлардан ҳамон дарак йўқ. Улар уйдан хотиржам эдилар: ахир уйда «Мараҳон» бор-ку. Хўжайин карта ўйнар, бека эса танца тушар эди.

Мара тун бўйи мижжа қоқмади. Уй совиб қолган бўлса-да, у ўзини исиб кетаётган сезарди. У тобора кўпроқ ҳаяжонланар, қулоқлари шангиллар эди.

— Вой, берадиган йигирма-ўттиз крейцери ҳам бошида қолсин,— уйдан чиқмасам бўлар экан. Шўринг қурғур гўдаклар! Оталари-ку ўлиб кетди, энди кундузи майли-я, ҳатто тунни ҳам онасиз ёлғиз ўтказмоқдалар!

У сабрсизлик билан соатга қарап, ўтирас, яна турар, хўжайиннинг болаларини устини ёпиб қўяр, бироқ, ҳамон ўз болалари тўғрисида ўйлар эди. Кейин рўмолини олди-да, нима қилаётганлигини ҳам ўйламай, югуриб кўчага чиқди ва оёғи тагидаги қорнинг ғичирлашидан сесканиб, гўё ўғирлик қилишга кетаётгандек у ёқ-бу- ёққа аланглаб уйи томон чопиб кетди. У, гўё болаларини бирон баҳтсиз ҳодисадан қутқариши керакдек, шошар эди.

Хона бутунлай совиб қолган эди, у тезгина печкага олов ёқди, «ўз етимчаларини» ўраб-чирмар экан, яна ке-тиши кераклигини ҳаяжон билан ўйлади.

## V

Хўжайинлар эрталаб соат бешдагина уйга қайтишди. Мара уларга болаларнинг деярли тун бўйи қимириламай ухлашганини айтди. У олган қирқ крейцерни қўлида маҳкам тутиб, севиниб уйига чопди.

Мара печкага олов ёқиб, болаларини уйғотди, у болаларга қараб тўймас, совуқдан титрар экан, роса сов-қотдим-да, бироқ, ҳозир болаларим олдиdamан-ку, энди совуқ ҳам менга сезилмаяпти! деб ўйлар эди,


У қалт-қалт титрар эди.

Уша бал бўлган кунга бугун бир ҳафта тўлиб, иккинчи ҳафтага қадам қўйди, бироқ, Туръянова, гарчи ҳар кечаси болаларининг пинжига кириб ётса ҳам, сира исимас эди. У ўт дориларни ҳам ичиб, терлаб ҳам кўрди, бироқ, кечқурун ишдан қайтар ёки уйидаги ўтирап экан, аъзойи бадани қалтираб, азоў чекар эди. Мара йўталадиган, йўталдан нафаси тиқилиб қоладиган ва биқини санчадиган бўлиб қолди.

«Э худойим, энди менга бу касал ҳам бор эканми» деб полирди у ҳар кечаси, бироқ, йўтал ва биқинининг санчиши қолмас эди.

1904 йил.





## Янко Есенский

### РАФИКОВА ХОНИМ

**С**

из, мабодо Ляновой шаҳрида бўлғанимисиз? Йўқ? Ундай бўлса, Рафиковна хонимни билмайсиз, у, аломат хотин-да!

Бўлмаса рухсат этинг, уни сизга таништириб қўйай.

Рафиковна хоним тўладан келган аёл (оғирлиги саксон икки килограммча келади). Юзи лўппи, қипқизил, бағбақаси ҳам уч қат. Рўпарасидан қарасанг, кўз олдингда пичан гарами турганга ўхшайди, гавдасининг юқори томони ингичка, паст томони жуда сезмиз, белдан-ку, мутлақо пишона йўқ. Заргар витринаси олдида бу пичан гарами нима қилиб юрганини тушуниб ҳам бўлмайди. Орқа томонидан қарасангиз — пичан гарами, ёнidan қарасангиз, худди ўзи. Яқинроқ келиб қарасангиз, гарданингизни қашиб: «Йиё, бу хотин киши экан-ку!» деб қоласиз.

Шунда унинг устида келишган духоба пўстини, бошида қандайдир конфет қофозига ўхаш нарсалар ва пат билан безатилган барра шалкача борлигини кўрасиз. У гоз юриш қилиб, темирчи дамгиридаи попиллаганида, унинг пичан ғарами эмаслиги тамомила равшан бўлади.

Рафикова хоним ана шунақалар. Бироқ, отларини айтганим билан ҳаммаси сизга аён бўлмайди. Масалан, сиз, у кишини, биронта савдогарниг хотини ёки ўлган амалдорнинг бевасидир, деб ўйларсиз. Бундай англашилмовчиликлар бўлмаслиги учун дангал айтиб қўя қолай: Рафикова хоним прокурор жанобларининг ази兹 рафиқасидирлар.

Рафикова хонимининг прокурор жанобларига қандай текканлиги ҳеч кимга маълум эмас. Бу воқиа бундан йигирма йил аввал бўлган. У вақтларда ҳамма нарса ҳозиргидек эмас эди: чардаш ўйинига ҳам бошқача тушишар, модалар ҳам бошқача, муҳаббат ҳам ўзгача изоҳ қилинар, одамлар ҳам совлатлироқ эди. Борди-ю, ўғирлик қилишса ҳам, ҳозирги кунлардагига кўра бутунлай бошқача усуслар қўлланилар эди. Қизлар унашилган куёвларини итоат билан кутар ва ҳозиргиларга қараганда тамомила бошқача севишар эди. Ўтмишнинг одатларини ким билади дейсиз, фақат шуни айтиш мумкинки, у вақтларда кучли, самимий ва оташин муҳаббат бўлар эди.

Масалан, Рафикова хонимни олайлик. Гарчи ҳозир унинг сочларига оқ оралаган, оғзинда учта ясама тиш бўлса-да, у эрини илгаригидек севади. Улар бир-бирларини севишиди иноқ яшашади. Улар бошқаларга мутлақо ўхашмайди. Бошқалар ҳадеб чапиллатиб ўпишаверади: нонушта олдиндан, тушки овқат олдиндан, кечки овқат олдиндан ҳам чап-чап ўпишади. Булар бўлса бунақа қилишмайди.

...Нонушта бошланиб, кофе келтирилади. Прокурор жаноблари ширинликни жуда яхши кўрадилар, шунинг учун у чашкасига уч чақмоқдан қанд солади, аммо Рафикова хонимга бу кам кўриннади.

— Ол, яна беш чақмоқ солгин,— дейди у,— ёки чашканга қандонни ағдара қол, ахир менга қолдирмасанг ҳам бўлади.

Агар эрининг иштаҳаси яхши бўлса ва у чашкасига чой қошиқ билан уриб жинғиллатиб турса, Ра-

фикови хоним унга мулойимлик билан мурожаат қиласиди:

— Нима бўлди, секин овқатланаётисан? Иштаҳадан қолдингми? Черковда ҳали қўнироқ чалишганий йўқ-ку, сен бўлсанг чашкангни жинғиллатасан. Балки, сенга дастаси билан ҳовонча ёки бир жуфт кастрюль қопқонини келтириб бера қолайми-а?

Борди-ю эри иштаҳа билан овқатланиб, қошиғи билан чашкасини жинғиллатмаса, у бундай дейди:

— Ҳамма нарса оғзингга ёқаверганидан хурсандман, ҳатто чапиллатиб чайнайсан-а. Балки бундан ҳам қаттиқроқ чапиллатла оларсан?

Аммо, шундай вақтлар ҳам бўладики, Рафика жаноблари қошиғи билан жинғиллатмайди, ҳатто чапиллатиб чайнамайди ҳам: шунда хотини, эрининг ҳамма ёқни нон увоқ қилиб ташлаганидан жуда хурсанд бўлиб қетади.

— Азизим, балки сен бу — увол эканини билмассан? Агар нон увоқларини ўзинг йиғиштириб олмасаңг, мен йиғиштириб оламан, ахир бекорчиликдан бошқа ишим йўқ-ку.

Рост, шундай гап-сўзлардан кейин Рафиқа жаноблари нон увоқларини битта ҳам қолдирмай, кафтига йиғиштириб олади-да, оғзига солади. У нима қилаётганини яхши билади. Агар у хотинининг айтганини қилмаса, печка олдидаги қиррали тарашага тиз чўкишига тўғри келади. У хотинининг сўзига кирмагани учун бир марта омборда ҳам тунади. Шундай пайтларда у, хотинининг қўлчаларини ўпишга шошилади ва хотини зарда қилса, ундан хийла узоқда туриб, тортина-тортина:

— Серафинка, буюр, қаерда тиз чўкай? — деб сўрайди.

Аммо, Серафима хонимнинг қарамоғида Милушка деган қизи ҳам бор. Милушка гўзал қиз! Онасининг тамомила акси: у эллик икки килограмм келади, баланд бўйли, қадди-қомати келишган, хушрўй — муҳаббат мавзундаги ҳозирги замон романларининг ҳақиқий қаҳрамони. Унга тегиб бўлмайди — нозик гавдаси озор топади, чимдиш тўғрисида-ку, сўз бўлиши ҳам мумкин эмас, рангсиз юзи кўкариб қолади; унинг қўлини қисиши ҳам хавфли, хафа қилиб қўйиш ёки унинг бармоқларига шикаст етказиш мумкин; у билан гаплашиш

ҳам хатарли, оғиздан бирон ножӯя тап чиқиб кетиши мумкин. Милушканинг юзи қорачадан келган, кўзлари қора, қошлари қоп-қора, хуллас латофатли бир гўзал!

Рафикова хоним ана шу жони дилидан севган қизи тўғрисида жуда кўп қайғуради.

У қизининг қўғирчоқдек бўлиб кўриниши учун, унга ҳамиша шоҳи, духоба ва атлас кийимлар кийдиради. Худо кўрсатмасин, кўйлагининг белигами ё этагига кичкина доғ тушиб қолса борми, шу ондаёқ доғни бензин ёки скилидар билан кеткиза бошлайди ва «кетармикан-а?» деб минғиллаб қўяди. Борди-ю, доғни кетказиб бўлмаса, вайсан бошланади:

— Вой, болалари тушмагур-эй! Булар жуда ҳам бефарқ-да! Суриштирмай-нетмай дуч келган жойга ўтиришаверади. Кийим кир бўлмаслиги учун овқат вақтида салфетка тутиб олгин-да! Милушка, кимга ўхшаб кетаётисан ўзинг, тушунолмай қолдим-ку! Мен доимо озода юрар эдим! Агар ота-онам менга бирон нарса олиб беришса, кўз қорачигимдек асрар эдим. Сен-чи? Сенга янги кўйлак олиб берсак,— худога шукур, энди кўйлакларинг ўн иккитага етиб қолди,— албатта шунисини тутиб оласан-да, кияверасан. Ахир, уйда батис кўйлак кийиб бўлмайдими? Йўқ, биласизми, у кишига буниси ёқмас эмиш! У кишининг пушти кўйлак кийишлиари керак эмиш! Биронта ёш йигит келиб қолсами, бошка кўйлакда юриш у кишига уят эмиш!

Ростини айтганда, бирон киши қизини батис кўйлак кийиб юрганини кўриб қолса борми, уялганидан Рафикова хоним ерга киргудек бўларди. Милушка ҳафсаласи келиб, тайратга тўлиб, чанг артишга киришиб қолса, ойиси қизининг қўлидан латтани юлиб олиб:

— Шуниси камлик қиласётган эди! Балки картошка ҳам артарсан? Булар сенинг ишининг эмаслигини тушунасанми ўзинг? Бунаقا ишни Маля Врабцова қилса бўлади, чунки уларнинг хизматчиси йўқ. Хизматчини нега сақлаяпмиз? Бор, кашта тик ёки француздча китоб ўқи. Тушундингми?

Бечора Милушка нима ҳам қилсин? У қўлига баронлар, графлар ёки рассомлар тўғрисида ёзилган романни олиб ўқир эди. Агар романда камбағал тарбиячи тўғрисида ёзилган жойи учраб қолса, графлар ҳақида ёзилган жойга етиб олиш учун бир неча бетини ташлаб кетар эди. Камбағаллик уни қизиқтирилар эди.

Оддий одам уни қизиқтира олмас эди. Унинг ташлай-диган йигити етти пуштидан тортиб дворян бўлиши керак. Агар у ақалли министрикда секретарь бўлмаса, унинг учун бир пул! Ҳеч бўлмаганду у рассом бўлиши керак. Бироқ, оддий одам бўлмаслиги керак! У зрга текканида, унинг ўн бешта хонаси, бундан кам эмас! — иккита катта ва учта кичик салони, катта меҳмонхонаси ва олтига хизматкори бўлади.

Бироқ, афсуски, Лянвой шаҳрида граф ҳам, барон ҳам йўқ эди. Бештаси келадиган рассомлар фотография билан шуғулланар, насл-насабли дворянлар эса маҳкамаларда секретарь бўлиб ишлашар эди.

Милушка оддий одамлар бўлмаган романлар дунёсида яшар эди: у китобдаги қаҳрамонларга ўхшатиб сўзлар, ўшаларнинг юриш-туришларига тақлид қиласи, ҳаётда ўзи кўрмаган, аммо, китобда ёзилган ҳамма нарсага эргашар эди.

Борди-ю, романда графиня қандайдир бошқача кулган бўлса, Милушка тошойна олдига югуради ва худди графиня кулгандек қилиб кулиб кўрар эди. Агар графиняниң кўзлари фазаб ўтида чақнаса, Милушка ҳам кўзларини чақчайтираси эди. Фазабга тўлган графиня ҳаяжонидан титраб-қалтираб, қўлини кўтарганича эшикни кўрсатиб: «Жўнаб қол, жирканч князы!» деган бўлса, Милушка ҳам креслодан сакраб турар, ҳаяжонидан титраб-қақшаб, қўлини кўтарганича эшикни кўрсатиб: «Жўнаб қол, жирканч князы!» деб бақиради.

Милка чехрасини ойнада кўриб томоша қилиш учун юқорида айтиб ўтганимдек, буларнинг ҳаммасини тошойнага қараб туриб қиласи эди. Милкага янги шляпа сотиб олиб берсалар — у шляпанинг ярашганини кўриши керак. Шунинг учун Милка тағин тошойна олдига югуради, лекин, битта тошойнада ўзини ҳамма томондан қараб чиқиш осон иш эмас. У яна битта тошойна келтираси ва ҳамма томондан қараб тўяр эди.

Агар Милкага бошмоқча ёки шапкача олиб берсалар, яна ўша манзара такрорланар эди. Утган йили, ўн бешинчи декабрда унга янги шоҳи кўйлак олиб берганларида, у тошойнадан нари кетолмай қолди.

У ўзига икки соат оро бериб, ўзини кузатди, икки соатгача уйнинг у бошидан-бу бошига юриб кўрди; бу вақт ичиди у бал туфлисини ва балда елкага ташлаб

юрадиган енгил қалта кийимини топиб кийди, буларни ўзининг янги кўйлагига мос келиш келмаслигини кўрмоқчи бўлди ва қўлига оқ қўлқоп кийиб, елпифич олди.

Лекин, шу пайтда хонага Рафикова хоним кириб қолди. У ғазабидан қизариб кетган эди. Шубасини улоқтириб ташлаб, барра шапкачасидан тўғнағични тортиб олди-да шапкачани каравотга қараб отди.

— Ўзинг ўйлаб кўр! — деб бошлади гапни у, қўлларини бир-бирига уриб.— Бу қандай келишмаган иш, ахир? Малинова ҳам худди шунаقا шоҳи кўйлак тикирибди. Юлдузчалари ҳам худди шунаقا: тўртта кичкина, битта катта. Одамлар, сен унга тақлид қилибсан демайдими.

У қизининг олдига югуриб бориб, диққат билан материалга қаради:

— Ҳа юлдузчалари, йўл-йўл гуллари худди шунақа. Ҳа, алам қилмайдими! Ҳа, ҳа, худди шунақа кўйлак-а!

Рафикова хоним шу гапларни айтиб яна шапкачасини кийди.

— Шубамни кийишимга ёрдамлашсанг-чи. Машиначиникига бораман. Мен уни роса боплайман! Нега менга очиғини айта қолмади?!

Лекин, йўлакай Рафикова хоним Врабцова хонимнига бурилди.

— Врабцова хоним уйдами?— деб сўради у шунчаки.— Салом!

Хонага кирап экан, дарҳол теварак-атрофдаги ҳамма нарсани кўздан кечирди: ҳамма нарса саранжом-сариштами — осилиб ётган ислар, ахлатлар йўқми, туфлилар чочилиб ётгани йўқми.

— Эсон-омон юрибсизми? Афтидан печкага олов ёқкан кўринасиз? Сизларникоша жуда яхши?— У яна теварак-атрофига қаради.

— Йўғ-э, унчалик эмас. Ҳар қалай, дуруст. Совуқ бўла бошлаганидан, уйни бир оз иситишни зарур топдим,— деди Врабцова хоним.

— Қора қайин ўтини ёқяпсизми?

— Марҳамат қилиб, ечининг... Қанақаси тўғри келса шунақасини ёқамиз, гоҳо арча, гоҳо қора қайин. Кўпинча кўмир ёқамиз. Ечининг, ахир.

— Кўп раҳмат! — деб Рафикова хоним ечина бош-

лади.— Кўмир ёқяпсизми?— деб ажабланди у.— Иси чиқиб, бошингизни оғримтмайдими? Мени дарров бўшнм оғриб қолади. Мен учун кўмирдан ёмон нарса йўқ!

У, чиндан ҳам боши оғриётганидек уҳ тортиб қўйди.

— Сиз ҳали пепка ёққанингиз йўқми, Рафикова хоним?

— Нега энди, ёқаяпман. Куни кечак икки саржин ўтина келтириб беришди.

Рафикова хоним преческасини тузатгач, ўтиради.

— Айтинг-чи, Малинова хоним тўғрисида ҳеч нарса эшитмадингизми?— деб сўради у эҳтиёткорона, қўлини лаби билан ҳўллаб, юбкасидағи юнгларни териб ташлар экан.

— Йўқ, нима эди?

— Ҳали, ҳеч гапдан хабарингиз йўқми?

— Йўқ, қани марҳамат қилиб, ўзингиз гапириб бера қолинг,— деди кулимсираб Врабцова хоним, баъзи нарсалар унга ҳам маълум, лекин олдин Рафикова айтсан-чи.

— Гарчи у билан ишим бўлмаса ҳам, бир нарса бўлгандан кейин, уни яшириб бўладими. Ахир ўйлаб кўринг, у тағин битта шоҳи кўйлак тикитияпти! Ўзингиз айтинг-чи ахир, унга кўйлакнинг нима кераги бор? Жуда модачи бўлиб кетибдими! Яххиси пулни тузукроқ еб-ичишга сарфласа бўлмайдими, ахир озиб, ранги заъфарон бўлиб кетибди. Ҳа, шуни айтинг-а! Ёши қирқقا бориб қолибди-ю, ҳали ҳам одамларга ёқинш тўғрисида ўйлайди. Эвиде-де, а! Йўқ, ўзингиз ўйланг, унга шоҳи кўйлакнинг нима кераги бор? Гап юбка тўғрисида борса, унинг ўёли бошқа. Майли, юбка тикитираверсин.

— Яххиси ўзига фартук сотиб олса бўлмайдими!— деб қўшиб қўйди Врабцова хоним.

— Фартук?— деб ажабланди Рафикова хоним креслога яна ҳам ўрнашиб ўтириб.— Ахир уйида ошпаз хотин бор-ку. Унга фартукнинг нима кераги бор? Уйда тўр кўйлак, тилла ранг туфлида юрадилар, романлар ўқийдилар, фартукка бало борми. Кун бўйи ҳеч иши қилмайди. Фортепъянони тинғиллатишни билади, холос.

— Тағин дуҳоба қопланган диванда ётишини айтмайсизми,— деб қўшиб қўйди Врабцова хоним.

— Ҳим... духоба эмиш. Йўқ, духобага ўхшаса ҳам ҳақиқий духоба эмас. Мен яқинда худди ўша диванда ўтирдим. Сизга айтсам, Врабцова хоним, ҳа албатта қўлим билан пайпаслаб ҳам кўрдим, йўқ, у ҳақиқий ипак духоба эмас! Эҳтимол, қоғоздан қилинган бўлса. Ахир, ҳақиқий духоба юмшоқ ипакдек бўлиб, ялтираб туради. У бўлса худо билади, нима! Умуман айтганда, у духоба диванни қаердан сотиб олиши мумкин?

— Балки қарзга олгандир!

— Кимам унга қарз бера қоларди?

Лекин, Врабцова хоним ҳатто унинг саволига қулоқ солмади ҳам. У шошиб-пишиб Рафикованинг қулогига шивирлади:

— Айтишларича, буларнинг ҳаммаси анави янги адвокат учун қилиняпкан эмиш.

— Қанақа адвокат?— Рафикова хонимнинг ажабланганидан оғзи очилиб қолишига сал қолди.

— Докторнинг хотини айтдики, кеча кечқурун тўққииз яримда Дубравадан Малинова келибди, у билан бир омнибусда янги адвокат ҳам келганмиш. Бу ерда контора очмоқчи эмиш.

— Контора?— беҳосдан такрорлади прокурор хоним. Кутилмаган бу хабардан сира фикрини бир жойга йиғишириб ололмас эди.

— Сиз ҳали эшитганингиз йўқми? Айтмоқчи, у жуда чиройли. Қадди-қомати шундай келишган, баланд бўйли.

— Сиз уни кўрдингизми?

— Йўқ, менга докторнинг хотини айтиб берди.

Рафикова бу гапнинг тагига етолмаганидан юраги ўртаниб кетди. Шунақа қилиб, янги адвокат.... Мен бўлса, ҳали ҳеч нарса билмайман! У Малинованинг бирорта қариндоши, амакивачаси ёки ҳатто ундан ҳам яқинроғи бўлса-я?! Аттанг! Малинованикига бугун кечқурун албатта кириш керак. Йўқ, шу ондаёқ!

У кетмоқчи бўлиб турганида, Врабцова хоним, ўн икки кишилик кофе сервиси сотиб олдим, деб мақтаниб қолди.

— Буни қизим Маля учун олдим. Бир ҳафтадан кейин туғилган кунини нишонлаймиз. Уни бир суйинтирмақчиман.

— Жуда чиройли сервис, ҳа, жуда! — деб мақтаб қўйди Рафикова чашкачаларни кўрар экан, Айниқса,

гулларини... Булар нима, нилуфарми? Чашкачалари ҳам жуда чиройли-я!— Ичиди бўлса: «Бир каминг шу сервис эди! Буни бир Малиновага айтиб, роса хохолашайлик! Дарвоқе, унинг олдига бир кириб чиқай, ҳамма нарсани ўз кўзим билан кўрмасам бўлмайди», деб ўйлар эди.

Бироқ, сервисдан кейин Рафикова хоним Яничкова тўғрисида гап бошлади. Вой, уни исқирилгиси билсангиз эди! Ички юбкаси билан ҳовлида юра беради, бошқалар унинг тўғрисида нима деса ҳам парвойи-фалак. Бошмоқларини айтмайсизми! Бу бошмоқлар эридан қолган бўлса керак. Шундай каттаконки, чердакдан сакраган киши ҳам тўппа-тўғри ичига тушиб кетаверади. Утинни ҳам унинг ўзи ёради,— исқирит...

Яничкова хонимдан кейин, доктор хотини ҳақила гап бошлади: «Қанақа хотин ўзи бу!.. Қанақа бефаҳм аёл... Ҳеч қачон бирон нарса тўғрисида очиқ-ойдин гапирмайди. Мана ҳозир ҳам... Агар унинг ўринида мен бўлганимда, омнибусда ўтириб, анавиларнинг нима қилаётганлигига бир амаллаб қараб қўярдим... Вой бефаҳм-эй!..».

- Доктор хотинидан кейин, гап айланана-айланаш бехосдан адвокат хотинига келиб тўхтади:

— Унинг хусусида мен сизга антиқа бир гап айтиб бераман. Худди китобдан ўқигандек, гапниям тўқийидида. Яқинда анави Цимфрлина, хаҳ оти нима эди... ўшанинг тўғрисида... ӽшани помешчикка ушашишаётгани эмиш, унинг учун олти минглик сеп беришар эмиш, помешчик бўлса ҳалигача келмабди, деб вақиллади... Қандай ёлрончи-я!

Агар соат стрелкаси тўққизга бориб жирингламаганида, Рафикова хонимнинг яна ким тўғрисида ғийбат қилиши бир худога маълум эди, холос. Кетиш эсига тушиб қолиб, жўнашга ҳозирлана бошлади. Ўз-ўзидаи равшанки, уст-бошини кия туриб, у ёш йигитларни ғийбат қилиб ҳузур қилишдан ўзини тия олмади, эшикка чиққандан баъзи таниш қизлар тўғрисида, қўшни бўлмада — хонимлар ва ёш йигитлар ҳақида ғийбат қилди, кўча эшиги олдида эса, ҳамма айтганларини қисқача такрорлаб улгурди. Ниҳоят, соат ўнга яқин у чиқиб кетгач, дарвоза ёнилди.

Врабцова қўлида шам кўтарганича қайтиб кирап экан:

— Худога шукур-э, ахирин жўнатдим-а, бўлмаса, эрталабгача вайсашдан тўхтамас эди,— деб минфирилади.

Рафикова хоним ҳам пўстинига ўралиб олар экан, аччиғидан чакаги очилиб, дерди:

— Бу Врабцова хоним жуда бўлмағур хотин-да. Шу туфайли энди Малинова хонимниги киролмайман ва ҳеч нарсани билолмайман. Агар Врабцова гап бошласами — уни ҳеч қанақа куч билан тўхтатиб бўлмайди. Разил хотин! «Вой, бир оз тўхтанг, ҳали эртаку, вой, ўтира туринг!» эмиш. Энди бўлса унинг жатига эртагача кутишим керак. Ярамас хотин!

Кўриб турибсизки, ҳурматли прокурор хотинни тикувчиникига кетаётганини бутунлай унутиб қўйди.

Рафикова хонимнинг туни хайрли бўлишини истаймиз! У бундай дейишга лойиқ иш қилди. Энди бўлса ёмон ном чиқарган Малинова хонимнинг ҳаётида нималар рўй берганини қараб чиқайлик.

Шунчаки оддий воқна рўй берди. Дубрава, станциядан анчагина узоқда. Шунинг учун ҳам у ерга омнибус қатнайди. Малинованинг извоши ҳам, учқур отлари ҳам йўқ эди, шунинг учун омнибусда юрар эди. Шу куни ҳам Малинова хоним, одатдагидек, омнибусда жўнади. У ўтирас-ўтирмас, қандайдир йигит пайдо бўлди. У баланд бўйли, кенг яғриши, мўйлови сарғишроқ, таранг қип-қизил юзли ва кўзига пенснэ<sup>1</sup> таққан ўттиз ёшлардаги эркак эди.

У индамай шляпасини сал кўтариб қўйди-да, Малинованинг рўбарўсига ўтирди. Малинова унга бир назар солиб, ўтирғичнинг бурчагига сурилди, оқ қўлқопли кичкина қўли билан бошидаги қора тўрини шошиб иягигача тушириб қўйди ва пўстинини тузатиб, ойнадан кўчага қаради.

«Чамаси ёш кўринади, аммо, мен афтидан, уни қизиқтирмаётган бўлсам керак,— деб ўйлар эди у киши.— С. гача икки соатдан кўпроқ жим кетиш кишини зериктиради. Мен-ку, гап сотиб кетишга йўқ демасдим-а... Гарчи, қўлқопи кичик кўринса ҳам, қўллари лўппигина... Лекин, юзини кўрсатишдан чўчияпти. Доимо тўрини тузатиб қўяди, ҳеч қаерини кўриб бўлмайди...»

У портсигарини олди.

<sup>1</sup> Пенси э — бурунга қисиб қўядиган кўзойнак.

«У билан қандай гапиришиб бўларкин? Нимадан гап бошлиш керак... Ҳа, таваккал, гапириб кўрайчи!

— Пардон,— деди у эшитарли қилиб,— чексам майлимни?

— Ихтиёргиз,— деди минғиллаб Малинова хоним.

У таъзим қилди.

«У бу сўзларни беихтиёр айтди. Ҳеч қандай нозкарашмасиз! Эҳтимол, сўлган гулдир. У унчаям қўрқоқ ойимлардан бўлмаса керак».

У гугуртини олди. Қаттиқ шамол эсиб турганидан, йигит сира папиросини ёндира олмади. У, тўртинчи гугурт чўпини ҳам ёндиrolмай ташлади.

— Ийе, ёндиrolмаяпман-ку,— деди у,— нима қилиш керак?

Унинг жуда сўкиб юборгиси, гугурт қутисини ғижимлаб лойга ирғитгиси келар эди, лекин, хотин кишининг бу ерда бўлниши уни тўхтатиб турар, ғазабидан пишиллар эди.

— Бу оламда ҳамма нарса жирканч, гугурт ҳам!— деди у, ўз-ўзига мурожаат қилиб, гўё чекиш учун уринишидаги муваффақиятсизлигини оқлашга урингандек.

Бир оздан кейин йигит яна гугурт қутисини очди ва гугурт чўпларидан бирини ёндириди, лекин, шамол яна ўчирди. У иккинчи чўпни олди — шамол уни ҳам ўчирди.

Малинова хоним бирданига хохолаб кулиб юборди.

У жувонга хўмрайиб қаради, бироқ, у билан ўзининг танишиш орзуси борлигини шу ондаёқ эслаб, оғзидан сигаретасини олди ва жилмайиб сўради:

— Сиз ҳам С. станциясига кетяпсизми?

— Наҳотки мени танимаётган бўлсангиз? Мен бўлсам умид боғлаб ўтирибман!

У, бетидан тўрини кўтарди, йигит Малинованинг оқарган гўзал юзини кўрди. У беихтиёр катта-катта мовий қўзларга тикилиб қолди.

— Танимаяпсизми, танимаяпсизми?— дерди жувон бошини тебратиб.— Институтдаги бал, музика эсинингиздами. Наҳотки эсингиздан чиққан бўлса? Қизғиш сочли педель-а?<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Педель — ўқув юритидаги хизматчи.

Ингит сеҳрланғандек унга қараб турарди. Энди у жувоннинг чеҳрасини эслади, бироқ, у вақтда йўловчи хоним озғинроқ, елкалари торроқ, қўллари ҳам бунчалик лўппи эмас эди-ку. Қаерда учрашган эди? Ахир у институтда ҳам, бошқа жойларда ҳам кечалари озмушча ўйнамаган. Қизғиш сочли педель қаерда эди?

— Сиз эркаклар ҳамма нарсани нақадар тез унтиб юборасизлар. Бас бойлашаманки, энди сиз: « „Legis actio per sacramentum...”<sup>1</sup> нинг маъносини ҳам эслётмассиз,— деди у тантанали равишида ва унга қўлини узатди.

— Ўша куни сиз менга буни нақадар нафосат билан декламация қилиб берган эдингиз!

Ингит ўзига узатилган қўлни ушлади. Декламацияни ўйтар экан, дарҳол унинг хотирасида, қачонлардир қалбининг энг чуқур еридан жой олган яхшигина институт қизининг образи намоён бўлди. У ҳаммасини эслади.

— Элень ой!— деди қичқириб ва унинг қўлини маҳкам сиқди.

— Йўғ-э, янгилаётирсиз. Мана бунга қаранг!

Жувон қўлидан тезгина қўлқопини олди: номсиз бармоғида йўғон никоҳ узуги ярқираб турар эди.

— Сиз-чи... Ҳали сизда узук йўқми?— деди жувон!

— Йўқ, ўтинаман сиздан, исмингизни айтинг... Янги фамилиянгизни, муҳтарам Элена хоним... Элена...

— Малинова. Қизлик вақтимдагиси... Хўш, нима эди?

— Адамова!

— Шундай бўлса ҳам ҳали ҳеч нарсани билмайсиз! Энг муҳимини, менинг фамилиямга бошқача оҳанг берётган нарсани билмайсиз.

— Бирон дворянлик номими?

— Йўқ.

— Диплом олдингизми?

— Йўқ.

— Иккинчи марта турмуш қурдигизми?

— Йўқ.

— Ажралишдингизми?

— Йўқ.

— Бевамисиз?

<sup>1</sup> «Жиноят бўлмаса қонун бўлмас эди..» (лат)

—Хаҳ, топдингиз-а!

— Қўлингизни сиқишига рухсат этинг. Бошимга ни-  
ма фикр келганини биласизми?

— Биламан. Илгаригидек таниш бўлсак демоқчи-  
сиз.

— Тўппа-тўғри!

Улар бир-бирларига яна қўл узатдилар. Икковлари  
ҳам буни ҳазил қилиб айтадиганларини биларди-  
лар. Аммо, ростини айтганда ҳаммаси ҳам бўлиши  
мумкин. Бу бекорчи гап эмас эди. Улар жуда хурсанд  
эдилар.

Ташқарида кўнгилсиз манзара. Осмонни қалин кў-  
кимтири булат қоплаган, томчилаб турган совуқ ёмғир  
ўнқир-чўнқирларга бир маромда ёғиб турибди. Катта  
йўл ёқасидаги дараҳтларда баъзан битта-яримта сар-  
ғайиб кетган барглар кўринади. Омнибус ғилдиракла-  
рига чалпиллаб лой ёпишади. Ташқарида ҳаво айни-  
ган! Бу ерда, омнибусда эса кулги ва шўх-шўх суҳбат.  
Қачонлардир бўлиб ўтган ва киши қалбига жуда ёқим-  
ли бўлган манзаралар ёдингизга келади: ёш йигитлар  
яна ўз бахтларини синаб кўрмоқдалар. Уларни яна  
бенхтиёр бир-бирларини кўриш шавқи олға қараб йўл-  
лар ва улар ўша минутлар яна такрорланиши мумкин,  
деб қувонардилар. Бу дунёда ҳамма нарса бутунлай  
йўқ бўлиб кетавермайди, баъзи бирорлари яна такрор-  
ланади ҳам. Шунинг учун ҳеч ким чинни косадаги май-  
ни охиригача ичгани учун афсусланмасин — эртага у  
яна май ичади!

Гапга берилиб кетиб, улар қандай қилиб станцияга  
келиб қолганларини пайқамай қолдилар. Бу ердан  
уларни Ляновойгача кичик паровоз элтиб қўйди.

Лекин, тўғрисини айтганда, улар чиндан ҳам шаҳар-  
га соат тўққиз яримда келдилар. Ляновойда эса, бу  
катта жанжалга сабаб бўла олар эди.

Ана шу воқиалардан кейин Рафиковга хоним қандай  
қилиб ўзини тийиб тура олсину, бу ҳақда ўйламасин?  
У, албатта ҳамма нарсанинг тагига этиши керак. Энди,  
албатта эридан ёш қолган бу жувоннинг олдиғи кири-  
ши ва ҳақиқатни рўй-рост айтишга кўндириши керак.  
Нимадан бошласа экан? Ҳа, айтмоқчи, гапни Врабцова  
хонимдан ва унинг янги сервизидан бошлаш керак!

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, азизим,— деди у Малинова хонимнинг меҳмонхонасида ўтирас экан, гўё гап орасида айттаётгандек,— ўйлаб кўринг, хо-хо-хо! Врабцова хоним кофе сервиси сотиб олибди! Ўн икки кишилик-а! Йўғ-э, айтинг-чи, ўн икки киши қаерга сиғади? Айтинг-чи, қаерга сиғади? Ўзининг иккита тор қафасида-ку олти одам аранг нафас оляпти, энди бўлса ўн иккита-я! Агар сервис сотиб олса, сиз билан тенглаша оладигандек. Қайтага ўзига чеңлакдек чашка сотиб ола қолсин! Ахир у яқинда сурункасига тўрт чашка чой ичса бўладими, ўзингиз ўйлаб кўринг!

— Ҳақиқатан кўп!

— Нимасини айтасиз, бу чиндан ҳам кўп. Қерагидан ҳам ортиқ! Шунга ўзининг ақли етармикин. Ҳатто тузукроқ дастурхони ҳам йўқ. Бунинг устига столи лиқиллайди. Бойвучча эмиш!— Шу сўзларни айтгач, Рафиковна хоним умидсиз қўл силтади.— Тағин сизни қоралаганига доғман! Сиз тўғрингизда нималар деяётганини эшитсангиз эди! Уникига қадам изи қилмай қўярдингиз.

— Нима дейди?— қизиқиб сўради Малинова.

— Ҳа,— деб бошлади астагина Рафикова,— кеча сиз гўё қандайдир бир адвокат билан омнибусда ёнмаён ўтириб келган эмишсиз, кела-келгунча у билан ҳадеб ўпиша ва қуchoқлаша берганмисиз!

Ёш жувон бошини бир оз буриб, ичида кулиб қўйди. Кейин у дивандан туриб кетди ва ўзини жуда ғазабланган киши қилиб кўрсатиб: «У сизга шундай дедимиш!» деди.

Роса болладимми!— деб ўйлади прокурор хоним, ичичидан қувониб.— Роса жаҳли чиқсин: бу унга кўйлак учун»— худди шундай деди.

— Лекин, мен бунга ишонмадим ва дарров оғзига урдим: «Бу шунчаки бир тасодиф бўлса керак, афтидан у жуда дағаллик қилган ва ҳатто Малинова хонимга ўзининг кимлигини айтмаган ҳам», ишқилиб шунга ўхшашроқ бир нарса дедим. Аммо, гапимга қулоқ солгиси ҳам келмади.

Прокурор хоним овозини обдан пасайтириб, лабларини найга ўхшатиб чўзди: «Йўқ, йўқ, у бундай бўлмаган: Ахир мен ҳаммасини ўз кўзим билан қўрдим-ку».— Врабцова хонимни тасвирлаб, кейин баланд овоз билан:— «Лекин, бу Малинова хоним бўлиши мумкин

эмас!» — «Йўқ, у, худди ўзи!» — деди яна Врабцованинг овозини қилиб. — «Улар ўпишмаган» — деди баланд овоз билан. — «Ўпиши!» — деди овозини паст қилиб.

Ниҳоят, адашиб кетиб, Врабцова хонимнинг қиёфа-сига кирганда баланд овоз билан, ўз номидан гапирганида овозини пасайтириб ва лабларини чўччайтириб гапира бошлади.

Лекин, Малинова хоним унинг гапларига сира эътибор бермади. У духоба диванда хотиржам ўтира берди.

— «Ҳа, демак, бу тўғри экан-да! — ўзича таъкидлади. — У ҳатто ўзини оқлашга ҳам уринмаяпти. Ўшанда ким ҳозир бўлганини ва умуман бирон кимсанинг бўлганлигини эслай олмайди ҳам. Ҳозир доктор хотинига бориб, ҳаммасини айтиб бераман. Вой, сатанг-э! Уни яна бир марта узиб олиш керак».

— Унинг келишидан хойнахой хабарингиз бўлган-дир. Янги кўйлакни унга ёқиш учун тикдиргандир-сиз?

Малинова тамомила бепарволик билан дивандан турди-да, бошқа хонага чиқди ва янги кўйлагини келтирди.

Мана. Жуда оддий кўйлак. У кўйлакни навбатдаги концерт учун тикдирган, ундан концертда қатнашишни илтимос қилганларида рад этолмаган.

Рафиковка хоним материални ушлаб кўрди, кўйлакни ёруққа солиб боқди ва икки марта тилини такиллатиб ҳам олди.

— Чиройли кўйлак! Бутун шаҳарда бундан яхши-си йўқ! Дидингизга офарин, қандай чиройли тикилган! Ким тикди? Гўзал! Лекин, енгини, журналдагидек бир оз торроқ қилиш мумкин эди. Сизники бир оз бошқача. — Прокурор хоним мақтовдан тинмади. Гап шундаки, кўйлак Милушканикига мутлақо ўҳшамас эди: унинг майда-майда гуллари ва крестлари бор эди! Қувонганидан у чапак чалиб юборишга тайёр эди. Нима учун ҳам қувонмасин? У Врабцова хонимга тухмат тоши ёғдирди, кўйлак бўлса тамомила бошқача! Бу қувонч эмасми?

Столда ликёр пайдо бўлди. Рафиковка хоним мароқ билан бир рюмка ичди:

— Вой-во, мен ҳеч қаерда бунақа яхши ликёрни ичмаганман! «Хойнахой, бу ликёр билан адвокатни меҳмон қилган!» — Прокурор хоним завқ билан битта

конфет ҳам еб кўрди. У ҳам эъло конфетдан эди. У бир бўлак тортни олишдан ҳам қайтмади,— бошқа бундай мазали тортнинг ҳам бўлиши мумкин эмас! Агар илтифотли бека рухсат этса, у жон-жон деб яна бир бўлак торт олади.

Кеч кирди. Энди Рафикова хоним қаерда?

Албатта, докторникила. Доктор хотини улфатчиликни жуда севади. Бугун ҳам уникига кўп меҳмонлар келишган. Врабцова хоним, ўрмон хўжалиги мудирининг хотини, адвокатнинг хотини ҳам, мол докторининг хотини ҳам шу ерда эди. Хонимларнинг ҳар бири бирон иш билан банд: Врабцова хоним пайпоқ тўқимоқда, ўрмон хўжалиги мудирининг хотини ёстиқ жилтига дўзма югуртироқда, адвокатнинг хотини билан мол докторининг хотини альбом қарашмоқда, докторнинг хотини жилмайиб ўтирар, Рафикова хоним эса Малинова тўғрисида ҳикоя қилмоқда эди:

— У мени ширин тешик кулчалар билан меҳмон қилди. Лекин, мен биттадан ортиқ ея олмадим шундай куйиб кетганки, асти қўя беринг. Тортни айтмайсанми! Ундан туриб қолган тахир ёғ ҳиди анқиб турганидан кўнглим айниб кетди.

Хотинлар бошларини қимирлатар ва ғазабланар эди.

— Унга анави адвокат тўғрисида гап қотиб кўрмадингизми?— деб қўшиб қўйди Врабцова хоним спица билан қулоғининг орқасини қашиб.

— Бўлмасам-чи! У ойим дарров ўзини билдириб қўйди. Мен бўлсам гапиравердим, гапиравердим, у бўлса бирданига: «Сиз ҳали янги адвокат билан танишмадингизми?» деб сўради.

— Янги адвокат?— деб хонимлар ишларини қўйиб, бараварига сўрашди.

— Йўқ дедим, таниш эмасман!— деб сўзида давом этди Рафикова ва ҳаммасини унинг ўзигина дўндира оладиган уйдирма билан ҳикоя қилиб берди. Улар қанақа қилиб ўпишганлари ва қучоқлашганларини, адвокат уникига соат ўнда кириб, соат ўн иккida чиқиб кетганини сўзлаб берди.— Қандай ярамаслик! Бугун улар бурчак-бурчакларда яна қучоқлашиб, томоша қилиб юрдилар. Мана, агар рухсат этсангиз, мен ҳатто қандай юрганларини кўрсатиб ҳам бераман,— Рафикова ўрмон хўжалиги мудирининг хотинини белидан қучоқ-

лаб, ноз-карашма билан ўз бошини унинг елкасига қўйди-да, мулойимлик билан осмонга қаради. Кейин унинг қўлини ушлаб, ўз бўйнига ташлади.— Мана шундай қилиб!

— Қандай уятсизлик, қандай сурбетлик!— деб даҳшатга келишди хонимлар. Ярамас, ҳаёсиз сатанг! Олам қаинчалик бузилган!

— Ҳа, у йигитча қанақа ўзи? Паканами, новчадан келганми, озғинми ёки семизми?

— Мен анави куни нотаниш бир эркакни кўрувдим: ўзи кичкинагина, озғин, соchlари сарғиши, бошида юмшоқ қора шляпа, бўйнида бинафша ранг галстук, устида пальто,— деди шошиб мол докторининг хотини.

— Мен ҳам бугун қандайдир номаълум одамия учратдим, иттифоқо у эчкисоқол эмасми?— деб сўради ўрмон хўжалиги мудирининг хотини.

— Йўқ, унинг соқоли олинган, ҳатто мўйлэвсиз эди,— деди мол докторининг хотини.

— Пенснэ таққанми? Шалпанг қулоқми?— бараварига сўрашди, қолган уч хоним.

Қиёмат куни бўладиган шовқин-сурон бошланди. Ҳатто, йигирма икки тилни билсанг ҳам бир нарсани тушуниш мумкин эди — бу хотинбоз ким бўлмасин — у шафқатсиз кимса, бу одам шаҳарнинг одатларини бузадиган, унинг яхши шуҳратини таҳқир этадиган киши.

Ҳамма жим бўлганида, аниқ бир нарсани эшигини мумкин эди: агар адвокат, прокурорнинг хотини ҳурмати юзасидан уларнигига ташриф этадиган бўлса, Рафикова адвокатини эшикда чимчилаб олади; Врабцова унинг устига қайноқ сув сепиб юборади, докторининг хотини уни қабул қилмайди; ўрмон хўжалиги мудирининг хотини унга нисбатан қандай муомалада бўлажагини ҳали ўйлагунича йўқ; мол докторининг хотини ундан юзини ўгиради,— бу хонимлар унга яна нималар қилишга тайёр эмас эдилар!

«Мен Брвеник жанобларини меҳрибонлик билан кутиб олман,— деб ўйларди прокурор хоним, уйга қайтар экан.— Бошқалар унга нисбатан ёмон ияятда бўллаверсинлар. Ҳамма гапга ишонаверадилар! Мен бўлсан уни зиёфатга чақираман! Кейин, гўё тасодифий ҳолдек, у билан Милушкани ёлғиз меҳмонхонада қолдириб чиқаман ва ҳоказо... Уни алдаб-аврайман, агар ҳатто унда Малиновага нисбатан бирон ҳис бўлса ҳам,

шундан кейин ҳаммаси йўқ бўлиб кетади. Ана ўшандаги менга бирам ҳаваслари келсин!»

Бу орада қанчадан-қанча миш-мишлар ва фисқи-фасод гаплар чиқишига сабаб бўлган доктор Ярослав Брвеник бир шиша сиёҳ, юз варақ қофоз сотиб олдиди, адвокатлик конторасини очди. Ишни бошлаб юбориши учун шунинг ўзи етарли эди. Энди тирсагига суюниб, эшикнинг мис дастасига кўз тикиб ўтиришгина қолган эди. Лекин, Брвеник жаноблари унақа бунақа кишилардан эмас. У қора сюртугини<sup>1</sup> кийди, хиргойи қилиб, хонанинг у бошидан-бу бошига юра бошлади.

— Яххиси, бу ерлик адвокатнинг олдига кириб чиқмоқ, сўнgra судьяларга учрашмоқ керак. Уларга яхши кўринишга уриниб кўраман, улар шунда кўпроқ иш берадигай бўлади. Агар уларнинг чиройли қизлари бўлса, кўнгилларини олиш ҳам мумкин. Биронта кечак ўюштирамиз...— Лекин, шуни айтиб, у тўхтаб қолди... У Малиновани омнибусда кетаётганларида юзидағи тўрии кўтарғанлигини эслади. Унинг мовий кўзлари, оппоқ тишлари қандай кулиб турар эди! Унинг қўллари нақадар нозик... Хотиралар! Малинова ўзига атаб у ёзган шеърни эсда сақлаган эди, у, шеър тўқувчи эса, унутиб юборган!— Мен унинг олдига кириб чиқишим керак, лекин, дастлаб — расмий визитга юрмоғим керак. Ҳаммага ўзимни танитишим зарур. Мабодо конторада ишлар жўнашиб кетса, кейин... Аммо, ким билади, кейин нима бўлишини? Ҳақиқатан ишлар нима учун ҳам ёмонлашиши керак? У мижозлар билан дўстона муомалада бўлади. Агар деҳқонни учратса, унинг ҳамма саволларига мулойимлик билан жавоб беради, қўл бериб кўришади, елкасини қоқиб қўяди ва отахон деб атайди. Агар, у конторага келиб қолса, уни күшеткага ўтқазади. У ҳаммага танилиб қолади ва конторанинг ишлари ривожга минади.

Бир минутдан кейин доктор Ярослав Брвеник извошда кетмоқда эди.

— Судьяникига! — деди у кучерга.

Орадан беш минут ўтгач, у судья олдида турар эди.

— Прокурорникига!

<sup>1</sup> Сюртук — илгари вақтларда кийиладиган әркаклар кимми.

Ярим минут ўттар-ўтмас, ёш адвокат Рафиковат хонимнинг уйига етиб келди. У тезгина плашчини ечиб, зинапоя бўйлаб юқори кўтарилиди. Йигит эшикни очиб, даҳлизга кириб қолди: рўпарасида олти эшик турар эди. Жимжитлик. Ҳеч ким йўқ. Бирданига қаёқдандир, ўнг томондан овоз эшишилди. У эшикни тақиллатиб, ичкари кирди. Қандайдир жуда келишган бир жаноб креслодан туриб, қизга қараб бош эгди (бу, Милушка эди, албатта), кейин мулойимлик билан унинг қўлинин тутди, қўлинин қисиб, бармоқларининг учидан ўпди. Бу унга камлик қилгандек туюлди шекилли, у яна бир марта улуғворлик билан бош эгди, кейин шляпасини кўксида тутиб, эшик томон йўл олди. Остона ёнида яна бир марта тўхтади ва қандайдир хушомад сўз қотди.

Брвеник нима қилишини билмай эшик олдида туриб қолди ва жаноб чиқиб кетгач, қиз олдинга яқинлашишга қарор қилди. У ўзини танитди ва бу ерга келишининг сабабини айтди. Милушка совуққина назар ташлаб, унинг бошидан оёғигача кўз югуртириб чиқди.

— Mais il... il n'est pas chez soi... à la maison<sup>1</sup>, деди қиз. У қандайдир ишончсизлик билан тутила-тутила шу сўзларни айтди-да, таннозлик билан хонадан чиқиб кетди.

«Бу нима қилгани экан?» деб ўйлади гапнинг тагига етолмай Брвеник, катта оқ печкага қарап экан. Бироқ, саволига жавоб топиб улгурмаган ҳам эдикни, хонага эри билан бирга Рафиковат хоним кириб келди. Улар тўппа-тўғри унга қараб келишар эди.

— Доктор Брвеник, адвокат,— ўзини танитди йигит.— Мен ўзим кела беришга... журъат этдим...

— Ҳа, нима қилибди, тушунамиз, тушунамиз!— деб унинг сўзини бўлди прокурор хоним.— Бутун шаҳар сизнинг тўғриңгиздагина гапирмоқда. Марҳамат қилиб, ичкарига киринг! Бу ёққа, бу ёққа. Биз одатда бу ерда овқатланамиз... Энди сизни қўйиб юбормаймиз, биз билан бирга ўтириб овқатланасиз.

Улар паркет полли бошқа хонага кирдилар. Бу хонада дастурхон ёзилган катта столда тўрт кишига мўл-

<sup>1</sup> Лекин у... у бўлмасида эмас... уйда.., (Франц.)

жалланган пичоқ, қошиқ ва вилкалар турар эди. Шўрва тўла идишдан буғ чиқиб турар эди.

— Биз билан бирга ўтириб овқатланинг,— деб тақорлади прокурор жаноблари.

— Шундай, шундай, марҳамат қилиб, истаган курсингизга ўтиринг!— деди ғамхўрлик қилиб Рафиқова хоним.

Адвокат кўнмай, кетишга рухсат сўради, лекин, Рафиқ жаноблари зўрлаб уни стулга ўтқазди.

— Милушка, хой Милушка, қаерга кетиб қолдинг? Меҳмонимизни нега кутиб олмайсан — деб чақирди уй бекаси,

— Қаердасан, келмайсанми?— деб тақорлади хўжайнин.

Милушка эшикда пайдо бўлганида, Рафиқова хоним деди:

— Бу киши доктор Брвеник жаноблари.

— Бу киши доктор Брвеник жаноблари,— деб тақорлади прокурор.

Милушка эгилиб салом берди. Брвеник унга қўл узатмоқчи бўлган эди, лекин қиз бир қадам орқага тисланди ва тиз букиб таъзим қилди. Адвокат қизарип кетди. У ноқулай аҳволда қолди. Бу хонадан у жон деб чиқиб кетар ёки иложи бўлса-ю, ер ёрилса ерга кириб кетишга рози эди. Лекин, у итоаткор боладек, стулда ўтира берди.

— Сизга шўрва сузиб беришга рухсат этинг. Милушка, меҳмонга қара,— деди Рафиқова хоним.

Беш минутлик муваффақиятсиз курашдан сўнг, жаноб адвокат биринчи бўлиб, ўзига шўрва сузишга мажбур бўлди. Шундан кейингина бошқалар ҳам ўзларига шўрва сузиб олдилар.

— Жаноби доктор, шаҳримиз билан эҳтимол яхши танишиб олгандирлар?— деб сўради прокурор хётини ва бир қошиқ шўрва ичди.— Извошда кетаётганингизни кўриб қолдим.— У яна бир қошиқ шўрва ичди.— Кетаётган ким экан деб қарайман. Мен уни шаҳримизда ҳеч қачон кўрмаган эдим. Қейин билсам, сиз экансиз.— У кетма-кет яна уч қошиқ шўрва ичди.— «Ким бу?»— деб сўрайман — ҳеч ким танимайди. Ахири доктор хонимнинг олдига кирдим. У менга: «Бу киши Брвеник жаноблари бўладилар, деди. У киши бизниги кириб чиқдилар».— «Вой-вой-вой, қандай кекли киши

бу адвокат: меникига энг кейинги навбатни қўйибди!— деб ўйладим.— Ҳа сизними, қараб туринг-чи!» деди-ю, Рафикова хоним хохолаб кулиб юборди. Кейин у ўз тарелкасини қийшайтириб, қолган шўрвасини ичди...— Кейин менинг Милушкам келиб, сизни... Малинованинг қаллиғи экан, деди. Ўйлаб кўринг, сизга қандай бўхтон ёғдирганлар! Нима ҳам дердингиз, провинциал шаҳарчада... Ҳамманинг оғзида ёлғиз сизу, Малинова хонимгина... Нима, сизларни табрикласак бўладими? Чиройли жувон!— деди у ва кўзини сузиб, гўё қандайдир сирдан хабардор одамдек, бармоғини тиккайтириб пўписа қилди.— Шуниси ажабланарлики, кўзларини сузишинига биладиган сатанглар эркакларга ёқади... Ҳа, қани жаркоп билан макарондан олинг. Тарелкангизга нима солай — бодрингми ёки лавлагими? Нимани буюрасиз?

Бечора доктор Брвеник жавоб беришга ҳам, эътиroz билдиришга ҳам улгурмас эди. Ҳали ҳамма одамларникига кириб чиқолганим йўқ, фақат судьяникидагина бўлдим, Малинованинг мутлақо қаллиғи эмасман, у билан студентлик йилларидан буён танишмиз, йўлда кетаётганимдаги учрашув тасодифан учрашув эди, макаронни ҳам, бодрингни ҳам, лавлагини ҳам ёқтираман...

— Рафикова хонимнинг оғзи тинмас эди. Овқатдан сўнг у қора кофе келтиришни буюриш учун чиқиб кетди, жаноб Рафик ҳам, меҳмонга сигарет келтириш ниятида, ўз бўлмасига чиқиш учун қўзғалди. Брвеник Милушка билан ёлғиз қолишиди.

— Қиз мармар сингари совуқ эди. Қуйиб қўйган ҳайкалдек бошини баланд кўтариб, тўғрисига тик қараб ўтирас эди.

— Янги ташвиш! У яна, шу ажойиб ҳайкал билан қандай муомалада бўлишни билмай, аччиғдана бошлиди.

— Сиз, эҳтимол Парижда бўлгандирсиз?— деди ниҳоят, унча кўп чўзилмаган жимликдан сўнг, журъатланиб йигит.

— Ҳа, бўлганиман.

— У, жуда ҳам чиройли шаҳар бўлса керак?

— Чиройли шаҳар.

— Сиз, французча гаплаша оласизми?

— Гаплаша оламан.

жалланган пичоқ, қошиқ ва вилкалар турар эди. Шўрва тўла идишдан буғ чиқиб турар эди.

— Биз билан бирга ўтириб овқатланинг,— деб тақорлади прокурор жаноблари.

— Шундай, шундай, марҳамат қилиб, истаган курсингизга ўтиринг!— деди ғамхўрлик қилиб Рафикова хоним.

Адвокат кўнмай, кетишга рухсат сўради, лекин, Рафик жаноблари зўрлаб уни стулга ўтқазди.

— Милушка, хой Милушка, қаерга кетиб қолдинг? Меҳмонимизни нега кутиб олмайсан — деб чақирди уй бекаси,

— Қаердасан, келмайсанми?— деб тақорлади хўжайнин.

Милушка эшикда пайдо бўлганида, Рафикова хоним деди:

— Бу киши доктор Брвеник жаноблари.

— Бу киши доктор Брвеник жаноблари,— деб тақорлади прокурор.

Милушка эгилиб салом берди. Брвеник унга қўл узатмоқчи бўлган эди, лекин қиз бир қадам орқага тисланди ва тиз букиб таъзим қилди. Адвокат қизарига кетди. У ноқулай аҳволда қолди. Бу хонадан у жон деб чиқиб кетар ёки иложи бўлса-ю, ер ёрилса ерга кириб кетишга рози эди. Лекин, у итоаткор боладек, стулда ўтира берди.

— Сизга шўрва сузиб беришга рухсат этинг. Милушка, меҳмонга қара,— деди Рафикова хоним.

Беш минутлик муваффақиятсиз курашдан сўнг, жаноб адвокат биринчи бўлиб, ўзига шўрва сузишга мажбур бўлди. Шундан кейингина бошқалар ҳам ўзларига шўрва сузиб олдилар.

— Жаноби доктор, шаҳримиз билан эҳтимол яхши танишиб олгандирлар?— деб сўради прокурор хэтини ва бир қошиқ шўрва ичди.— Извошда кетаётганингизни кўриб қолдим.— У яна бир қошиқ шўрва ичди.— Кетаётган ким экан деб қарайман. Мен уни шаҳримизда ҳеч қачон кўрмаган эдим. Кейин билсам, сиз экансиз.— У кетма-кет яна уч қошиқ шўрва ичди.— «Ким бу?»— деб сўрайман — ҳеч ким танимайди. Ахири доктор хонимнинг олдига кирдим. У менга: «Бу киши Брвеник жаноблари бўладилар, деди. У киши бизникига кириб чиқдилар».— «Вой-вой-вой, қандай кекли киши

бу адвокат: меникига энг кейинги навбатни қўйибди!— деб ўйладим.— Ҳа сизнimi, қараб туринг-чи!» деди-ю, Рафиковага хоним хохолаб кулиб юборди. Кейин у ўз тарелкасиги қийшайтириб, қолган шўрвасини ичди...— Кейин менинг Милушкам келиб, сизни... Малинованинг қаллиғи әкан, деди. Ўйлаб кўринг, сизга қандай бўхтон ёғдирганлар! Нима ҳам дердингиз, провинциал шаҳарчада... Ҳамманинг оғзида ёлғиз сизу, Малинова хонимгина... Нима, сизларни табрикласак бўладими? Чиройли жувон!— деди у ва кўзини сузиб, гўё қандайдир сирдан хабардор одамдек, бармоғини тиккайтириб пўписа қилди.— Шуниси ажабланарлики, кўзларини сузишнигина биладиган сатанглар эркакларга ёқади... Ҳа, қани жаркоп билан макарондан олинг. Тарелкагизга нима солай — бодрингми ёки лавлагими? Нимани буюрасиз?

Бечора доктор Бревеник жавоб беришга ҳам, эътироz билдиришга ҳам улгурмас эди. Ҳали ҳамма одамларникига кириб чиқолганим йўқ, фақат судьяникидагина бўлдим, Малинованинг мутлақо қаллиғи эмасман, у билан студентлик йилларидан бўён танишмиз, йўлда кетаётганимдаги учрашув тасодифан учрашув эди, макаронни ҳам, бодрингни ҳам, лавлагини ҳам ёқтираман...

Рафиковага хонимнинг оғзи тинмас эди. Овқатдан сўнг у қора кофе келтиришни буюриш учун чиқиб кетди, жаноб Рафик ҳам, меҳмонга сигарет келтириш ниятида, ўз бўлмасига чиқиши учун қўзғалди. Бревеник Милушка билан ёлғиз қолишибди.

Қиз мармар сингари совуқ эди. Қуйиб қўйган ҳайкалдек бошини баланд кўтариб, тўғрисига тик қараб ўтирас эди.

Янги ташвиш! У яна, шу ажойиб ҳайкал билан қандай муомалада бўлишни билмай, аччиғлана бошлади.

— Сиз, эҳтимол Парижда бўлгандирсиз?— деди инҳоят, унча кўп чўзилмаган жимликдан сўнг, журъатланниб йигит.

— Ҳа, бўлғанман.

— У, жуда ҳам чиройли шаҳар бўлса керак?

— Чиройли шаҳар.

— Сиз, французча гаплаша оласизми?

— Гаплаша оламан.

— Сизга одамнинг ҳаваси келади: сиз француз романларини асл нусхасидан ўқиёсиз..., Кўп ўқисангиз керак-а.

— Ўқнийман.

Суҳбат узилиб қолди, адвокат яна бу қиз билан ниша тўғрисида суҳбатлашишни билмас эди. Қиз унга калта-калта жавоб бериш билан кифояланар ва гўё унинг ноқулай аҳволидан қувониб, кулиб юбориласлик учун лабини тишлаб турар эди. Ота-оналари ҳали ҳам қайтишмаган эди.

«Кошки, бирданига сездирмай ер ютиб қўя қолса ёки кўэзга кўринмай тутун билан бирга учив кета қолсан,— деб ўйлар эди, бечора доктор.— Улар мени бу «француз қизча» билан атайин қолдириб кетдилар,— бирданига тушуниб қолди у.— Қаёққа йўқолиб кетишдийкин? Кампир ҳақиқий тегирмондай эзяпти... Гапираверади, гапираверади. Менинг калламга эса ҳеч нарса келмаяпти!..»

Овқат олдидан бу ерда учратган ҳалиги келишган жаноб кириб, унинг фикрини бўлди. Хўжайнилар ҳам кириб келишди. Суҳбатдан, бу келишган жаноб қўшни курорт шаҳарда меҳмонхоналар бошқарувчиси бўлиб ишлиши, Рафиковаларникига Милушка билан француэтилида машғулот ўтказиш учун қатнаши маълум бўлди. У виконт, лекин, уни улуғлаб шу ном билан атасалар, сира ёқтирмас экан. Унинг ташқи қиёфаси ҳақиқий оқсуякларникидек, у доимо фақат француузча тилдагина, шунда ҳам фақат қиз билан гаплашади.

Соат тўртда доктор Бревеник, ниҳоят бу ердан қутулиб чиқди. Рафикова хоним хайрлашар экан, шивирлаб қуидагиларни айтишдан ўзини тия олмади:

— Малиновадан эҳтиёт бўлинг, жаноби доктор, у ўз тузогини шундай боплаб қўядики, ундан қутулиб чиқишингиз қийин бўлади. Мен сизга ачинаман... Агар у билан алоқангиз бўлса, яхвиси бу алоқани узинг, сизга дўстона маслаҳатим шу.

Лекин, унинг қулоғига ҳеч нарса кирмас эди: бунчалик товва ейиш, унинг учун етарли эди. Қайтишда, у Малинованинг кулиб турувчи мовий кўзларини, унинг оппоқ тишларини ва мулойим қўлларини эслади. «Legis acio reg sacramentum...» шеърини у қандай декламация қилиб ўқиб берган эди.

Ахир у билан ўша омнибусдаги тасодифий учра-

шувдан кейин кўришгани йўғ-а... Бу шаллақи, уни жуда ерга уриб гапирди-да!

Келаси кунни, у қолган ҳамма визитларни ўтади ва ҳамма уйда хонимлар, гап вақтида Малинованинг номини унинг номи билан бирга тилга олиши. Кўплар уларнинг яқинлигига шама қилдилар ва сатанглиги учун жувонни койидилар. Уни тўғридан-тўғри ёки таҳқиқирловчи ишоралар билан эҳтиёт бўлишга чақирдилар. Агар у жувонни ҳимоя қилишга уринса, хотинлар шу оннинг ўзидаёқ шовқин кўтарардилар: «Йўқ, йўқ, у шунчалик тубанлашиб кетдикки, сиз энди уни бундан қутқариб ололмайсиз...» «У, уларга нима ёмонлик қилди экан?»— деб бош қотирарди Бревеник ва Малинова билан бирон ерда учрашиб, кўнглини оламан деб, ўзини юпатди. Агар, у Малинованинг шаънига бирон ёмон гап текизиб қўйишдан қўрқмаганида аллақачоноқ унинг олдига кириб чиқсан бўларди, ахир унинига ҳам кириб чиқиш керак эди-ку... Ўша ажойиб дақиқалар тўғрисида Малинова қандай келишириб гапириб берган эди.. Сатангми ёки сатанг эмасми — у йигитнинг студентлик йилларидаги шонронга орзуси эди, шунинг учун ҳам, у қалбида жувонга миннатдорлик ҳисларни сақлар эди...

Нихоят, бир куни кечқурун ёш адвокат Малинованинига киришга аҳд қилди.

— Малинова хоним уйдамилар?— деб сўради у, эшикни тақиллатар экан.

— Уйда,— хонанинг ичкарисидан Малинованинг жарангли овози эшитилди.— Ийе, сизми? Марҳамат, ичкарига киринг,— деди у, сўрашишга қўл узатиб.

Хона гира-шира қоронғи эди. Фақатгина пеккада ловиллаб ёнаётган ўтиннинг ёруғи уйни ёритиб турар эди.

— Нега ўйланиб қолдингиз, азизим Эленой?— деб сўради у, жувоннинг қўлини сиқиб ва шу он: «Қўли қанчалик нозик-а» деб ўйлади.— Сиз қоронғида, ёлғиз ўзингиз ўтирибсиз. Мен ортиқ кута олмадим, сизни жуда кўргим келди. Кечирасиз, келганим учун...

Улар пеккадан узоқроқда ўтиришарди. Малинова хоним чироқ ёқмоқчи бўлган эди, адвокат уни тўхтатди:

— Керак эмас, қўйинг, шундай яхши. Шундаям сизни

бемалол кўриб турибман. Биласизми, нима учун ҳузурингизга келдим? Мен, анови шеърни унутиб қўйдим. Едимга солиб қўйсангиз.

У креслосини унинг ёнига сурди ва эшитишга ҳозирланди.

— Ҳа, қандай эди,— тақорорлади у.— Келинг, фараз қиласийлик, мен яна студент-у, сиз бўлсангиз аввалгидек жажжигина, азиз Эленойсиз...

У бу гапларни кулиб туриб гапирди, лекин, қалби нозик ҳислар билан тўлиб, жўш урди. Унинг қалби ширин туйғулар билан тўлди, бу туйғулар уни ҳам маъюс қилар, ҳам қувонтирас эди.

«Иўқ, Малинова хоним улар тасвирлагандек эмас. Мен унга ўзи тўғрисида нималар дейишаётганлигини айтишим керак, деб ўйлади у. Бу шеърларни нақадар гўзаллик билан, қандай ҳислар билан ўқиди у...»

Малинова шеърни баланд овоз билан ўқиб берди. Пир-пир этиб ёниб турган ўт яллиғи унинг кўйлагига ва юзининг ярмига тушиб турар эди. Брвеник унга тикилиб қаради. Мана, у ўқишини тамомлаб, печкада ёнаётган оловга қаради. Унинг кўзлари ёнар эди.

— Эленой, наҳотки чиндан ҳам ёмон бўлсангиз?— тўсатдан сўради у, унинг қўлини қўлига олиб.— Менинг визитларим пайтида ҳамма хонимлар сизни сатанг, ундан эҳтиёт бўлинг дейиши... Мен буни сизга айтмаслигим керак эди... Кечирасиз...

Бироқ, у қўл силтаб, кулиб юборди.

— Содда одам экансиз! Бу хотинларнинг ҳаммаси шунаقا: доим бир-бирларини чақадилар. Менинг ўзим сизнинг тўғригизда нималарни эшитмадим, дейсиз! Эй раббим! Мен ҳатто, иккита аноним хат ҳам олдим.

— Ростдан-а? Кўрсатинг-чи.

У чўнтағидан фижимланган бир варақ қоғоз олди. Икковлари оловга яқинроқ келиб, бошларини эгиб хатга тикилдилар, уларнинг бошлари деярли бир-бираiga тегиб турар, соchlари Брвеникнинг қулоғини қитиқлар эди. Уларнинг юзлари шунчали бир-бирига яқин эдики...

— Буни Рафикова ёзган,— деди у.— Лекин, менда яна битта хат бор.

Малинова ўрнидан туриб, этажерка ёнига келди ва қутидан конверт олди.

— Ўша ёзувнинг ўзи, бир оз ўзгарган холос. Мана қаранг.— У конвертни узатди.

Улар яна ўт яқинига эгилдилар. Аммо, Брвеник ҳатто ҳарфларга қарамади ҳам. Унинг қалби қачонлардир унутиб юборгани қандайдир роҳат ҳиссидан изтиробда эди, гёё у ўзини севгаи жононининг оғушида ҳис қилар эди. Сочларини гёё бирор қитиқлагандек бўлар, юзлари эса оқарар эди... У энди ортиқ ўзини тутиб туролмай, юзини унга ўғирди ва унинг юзидан ўпид олди.

— Ановиндаги каби, эсингиздами?— деди у.— Ахир илгари ҳам ўпишганмиз-ку... Биласизми, менинг калламга қандай фикр келганлигини?

— Биламан.

— Қандай фикр?

— Балки, мен янгилаётгандирман...

— Йўқ, йўқ, сиз янгишмайсиз.

— Биз бирга бўламиз, тўғрими?

— Ҳа, тўғри, ҳар иккаламиз «ёмон» бўлганимиз учун ҳам тезроқ...

О, муҳаббат ўтининг ширин дамлари! Нақадар бизга камдан-кам мояссар бўласиз ва нақадар ўзингизни биздан аяйсиз, мояссар бўлганингизда ҳам бизга бир банд гулингизнига баҳш этасиз, холос... О муҳаббат ўтининг ширин дамлари! Нақадар бу дамлар буюк. Ахир бутун дунё ана шу дамлар ўтидан баҳра олади! Шундай бўлса ҳам сиз бир қўйл қисишда, бир бўса ўтида осонги-на қовушиб кетасиз.

Муҳтарам Серафима Рафикова, нечун сиз ҳамманинг кайфини бузасиз, нечун сиз ана шу дамларни йўқ этгингиз келади? Сиз ҳам, эҳтимол шу дамлар кечинмасини бошингиздан ўтказгандирсиз, сизга ҳеч ким халақит бермагандир. Сиз ҳам энди ёвузлик йўлига ўтмангда ахир..

Аммо, буни Рафикова хонимга айтиш беҳуда...

У таниш-билишлари олдига жўнади. Ўрмон хўжалиги мудири хотинининг ўйи ҳаммадан яқин бўлганидан уникига кирди. Э, ҳамма хонимлар шу ерга тўпланишган экан-ку! Улар нима тўғрисидадир қизғин суҳбат қилмоқда эдилар. Рафикова: «Буларни қандай янгилик айтиб ажаблантирсан экан?» деб ўйлади. Унинг учун бу, унча қийин иш эмас эди. Лекин у, адвокат ҳадеб бизнинг уйга қатнамоқда, у, афтидан бизнинг Милушкага қўнгил қўйган бўлса керак, деган хабарни хонимларга энди етказ-

моқчи бўлиб турган эдикни... мол докторининг хотини бир сўз айтиб уни эсанкиратиб қўйди:

— Эшитдингизми, бу Брвеник Малиновага уйланар эмиш?

— Ўн биринчидан тўйлари бўлармиш,— деб қўшиб қўйди, доктор хотини.

— Йўғ-э, ўн бешинчидан,— деб тузатиш киритди, унинг сўзига ўрмон хўжалиги мудирининг хотини.

Рафикова саросимага тушиб қолди, лекин, тезда ўзини тутиб олди: «Ах, булар ҳаммаси эҳтимол, уйдирма гапдир!»

— Ким айтди?— деб сўради кулиб у.— Қандай бемаза уйдирма гаплар! Брвеник бугун бизникида бўлди-ку, эгнида фрак, Милушкага... таклиф қилди,— у ёлғон гапира бошлади.— Тавба, одамлар нималар тўғрисида вақилламайдилар-а! Милушка унга янги вальс чалиб берди... Лекин, Милушка, унинг тўғрисида бирон гап эшитишни ҳам истамайди. Унинг орзулари катта. Нимасини айтасиз, тўғри-да, бу адвокат билан азоб чекишнинг кимга кераги бор?

— Ҳа, албатта, ахир виконт бор-ку,— деб гап қотди унга хонимлардан бири.

— Меҳмонхоналар бошқарувчиси!— деб қўшиб қўйди, иккинчиси.

— Албатта, у яхшироқ,— деб гапни кесди Рафикова хоним.

Узоқ тортишув бошланди... Хонимлар ярим кечадагина тарқалишдилар. Рафикова ўзини ғалаба қилдим деб ҳис этар эди. «Буларни алдаш қанчалик осон!.. Ахир ўйланг, Малинова билан Брвеникмиш!... Йўқ, мен бунга йўл қўймайман! Ҳамма ишни бузиб юбораман! Қизимни кўндираман, у Брвеникни ўзига мафтун қилали... Оппа-осон».

Уйга қайтиб келгач, Милушканинг олдига кирди. Унинг бўлмаси қоронги ва жимжит эди. Прокурорнинг хотини нафасини ичига ютиб, қулоқ солиб кўрди, лекин, ҳеч нарса эшитмади. У каравотга яқинлашди. Каравот бўш эди.

— Бу қиз қаёқда бўлса экан, соат ўн икки, у бўлса ҳамон иўқ!

Рафикова хоним эри олдига югурди.

— Милка қани, кўрмадингми?— дея, эрини ўйғотди. Рафикова хоним ваҳимага тушиб қолди.

Эри кўзларни бақрайтириб, ўрнидан турди.

— Нима, нима?... Менинг туфлим қани?

— Мила йўқ! Қаерда у? Сен бутун кеч уйдамидинг?

— Йўқ, келганимга ярим соатча бўлди, ҳеч нарса билмайман,— деди ва ўрнига ўтирди.

— Қийинасанми, йўқми, чол ўлгур! Кар бўлиб қолдингми?... Мила йўқ... Уни бирон ерга юбордингми? У қаёққа кетганини сенга айтмадими?

Рафикова учинчи марта хоналарни қараб чиқди. У ҳамма хизматкор қизларни оёққа турғизди, бироқ, улар ҳам қизни кўрмаган эдилар. Прокурор хоним ўзини йўқотиб қўйди, у уйнинг у бошидан-бу бошига югурав эди, эрининг подтяжкасини<sup>1</sup> тақиб қўйди, кўйлакларни топишда хизматкор қизларга ёрдам бераман деб, кувчадаги сувни ағдариб, шағамни ҳам синдириди.

— Тезроқ фонарларни олинглар! Юринг, уни қидирамиз,— деб бақирди у. Кўнглини ёмон хаёллар чулғаб олган эди, қизи бирон романтик ҳодиса ўйлаган.— Вой худойим,вой худойим!— дерди у.— Бирон баҳтисизликка учраган бўлса-я! Сувга чўкиб кетган бўлса-я, поезд остида қолиб кетган бўлса-я!

Олдин дарё бўйига бордилар. Рафикова оғир-оғир пихиллар, лекин, юришда давом этарди. Жаноб Рафиқа ҳадеб қоқилар, дастрўмоли билан тер босган бўйинни тез-тез артар эди. Хизматкорлар фонарни паст-баланд кўтариб,чувиллашар эдилар. Дарё бўйидан темир йўл излари бўйлаб, «Гранд-отель» га ва станцияга бордилар. Бу ерда ҳамма нарса ошкор бўла қолди: ойим қиз Рафикова қандайдир келишган жаноб билан жўнаб кетган эмиш... Улар бу ерга бирга келиб, бирга жўнаб кетишибди. Қаёққа кетишганини — ҳеч ким билмайди... Улар доимо французыча гаплашганлар.

Рафикова хоним чурқ этолмай қолди. Ҳушидан кетишига сал қолди ва бирон нарсани англаш қобилиятидан маҳрум бўлиб, тошдек қотиб қолди. У жимгина эрига боқди, кейин уни қўлидан тутиб, судраб кетди...

Кечаси ҳаво очиқ ва совуқ эди. Булутлар орасидан мўралаб турган ой, ўз нури билан ухлаб ётган шаҳар-

<sup>1</sup> Подтяжка — иккى елкадаён ўтказилиб шимга қадаладиган резиналии тасма.

чани, тоғларнинг қор босган чўққиларини ёритмоқда эди. Оёқ остидаги қор ғичирлар эди. Қизлар қўлидаги фонарларнинг ёниб турган пилиги лип-лип этиб қўяр, ҳеч ким чурқ этмас эди. Рафикова эрининг қўлига суюнинб, бенхтиёр қадам ташларди...

Тўсатдан шу яқиндан скрипка овози эшитилди.

Азишим, тунинг хайрли бўлсин, қониб-қопиб ухлагин,  
Бошинг ёстиққа қўйгач, ажойиб тушларин кўргин!..


Ёқимли бу оҳанги, гўё табиатнинг тинчини бузишдан қўрқандек, аста янграрди. Скрипка Малинованинг деразаси тагида чалинмоқда эди. Кўчадан сал нарида Бревеник турар эди...

Рафикова хоним бир дақиқа туриб қолди. У, ҳамма мазуркалардан ва чардашлардан гўзал бўлган, қалбнинг энг нозик бурчакларига кириб, ситам чекаётган сийналарга даво бўладиган бу ашулани билар эди. Унинг қалби аллақандай жўш уриб кетди, кўзлари ёшга тўлди. У уйнинг деворига суюниб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Вой Милка, Милка! Мен энди одамларга қайси юз билан қарайман!.. Уларга қайси кўз билан боқаман!.. Эҳ, Милка, Милка...

1898.





## *Петер Илемницкий*

### ҚАЙТИШ

**М**есилган терак сувга қандай ағдарилса, суд ҳукми ҳам Падих бошига шундай оғир юк бўлиб тушди. Дарё жўш уради, қалқийди, қирғоқларга кўтарилади-да, айланма ҳалқалари кўпайиб... тинчиди. Сув тинчигач, унинг бетида ҳар қандай баҳтсизликдан кулгандек яна бепарво ой жилоланади.

Падихнинг фикри-ҳаёли ҳам ана шундай жўш уриб кетди, бироқ, тинчланмади; ҳалқалар тобора кўпайиб борар, уларни ҳеч нарса тўхтата олмасди — унинг нафрат-ғазаби тўлиб тошган эди.

Падих суддан тўппа-тўғри қовоқхонага қараб йўл олди. У ерда бир-иккита танишлари ўтиради; улар ҳўл, сассиқ столлар ёнида ўтириб, тамаки тортар ва ўзларидан нарироқдаги чириган пол тахталарига тупураг

эдилар. Булар шу хоторлик мўйсафидлар эди. Очлик ва оғир меҳнат таналаридағи ҳамма кучни сўриб олиб, шундай қақшатиб қўйган эдик, бу мўйсафидларининг фақатгина бўйнидаги қуришган пайлари билан, буришган қадоқли қўлларигина қолган эди, холос.

— Тангри ёрингиз бўлсин...— деди тўнғиллаб Падих ва улар ёнига келиб ўтирди.— Хой, қовоқхоначи, буларнинг ҳар бирига юзтадан қўй!— деди-да, ўтирганлардан сўради:

— Нима ичасизлар?  
— Нега пулни совурасан?  
— Ёки каттароқ пул ишладингми?  
— Нима ичасизлар?!— деб қичқирди Падих тоқатсизланиб.

— Ҳа, агар шундай бўлса,— олхўри ароғидан.

Аввал бирга ичдилар, кейин Падих бўшаган юз граммлик стаканни қўлида қисиб, столга урди; унинг ғазаби қўзғаб:

— Ҳа, жуда кўп пул ишладим-да, жуда. Мана худди... суд залидан келяпман. Энди мол-мулкимни хатлаб кетишади.

Деҳқонларнинг қалин қошлари пешоналаригача чимирилди, ҳаммалари дёярли бирданига сўрашди;

— Йўғ-э?  
— Нега бундай қилишаркан?  
— Кимга ёзадилар?

Падихнинг ғазаби қайнарди, лекин, у юз граммлик стаканни тўлдиришни буюрди ва шундан кейингина зўр билан аранг сўзлай бошлади:

— Кимга? Кимга бўларди, Шульганга-да. Уни худо ур... Ҳа, рост, ундан бир оз қарзим ҳам бор... лекин, ахир... Лекин, ахир мен унақа еб кетадиган одам эмасман-ку!

У стакандаги юз грамм ароқни бир кўтаришда ичди.

— Яхши зот-да, манави Шульган!— деб тасдиқлади ҳамшишалардан бири.— Тезроқ бойиб олмоқчи.

— Бунақангиси бойийди ҳам...— маъқуллади Падих.— Қароқчилар тез бойийди. Агар ароқ ичиб қарздор бўлганимда... фиринг демас эдим... Судга берсалар ҳам майли эди. Ахир ун, қанднинг йўлини қилиш кепрак эди-да... узун қиши, емоқ-ичмоқ зарур!

Ғазаб юрагини ўртаганидан у расамади билан гапи-

ра олмас эди. Кўзи олдидан гўё даҳшатли фильмнинг кадрлари сингари, бахтсизликнинг беҳисоб паллалари ўтар эди. Ўтган йил қишининг охирларида ўрмонда Падихнинг устига дараҳт йиқилиб, хийла мажақлади. Ёз буйи кўрпа-ёстиқ қилиб ётди, бир оз картошка топиш учун хотини жонини жабборга бериб ишлади. Кейин қиши кирди. У аранг ўзини ростлаб олгач, ҳеч бўлмаса озроқ резги — тахта тайёрлаб, Чадцадаги яхудийга сотиш керак деб ўйлади. Қайда дейсиз! Ишга аранг қўли борар эди, зўр-базўр тайёрлаган резги — тахта унинг аҳволини яхшилай олмас эди. Шунда фиштдан қурилган дўкон ва қовоқҳона эгаси, қорнига тушиб турадиган каттагина олтин занжирли Шульғанинг олдига қарз сўраб боришга тўгри келган эди. Шульған аҳмоқ эмас. У кимнинг номини қовоқҳонасининг эшикларига бўр билан чизиш кераклигини, кейинчалик эса бу қинғир-қишиқ ёзувларни маълум ўзгартишлар билан қарздорлар дафтарига киритиши яхши билади. Шульған жандармлар билан нотариусни бежиз меҳмон қилмайди, шаҳарда ҳам бальзи одамлар билан бекорга ошна-оғайнигарчилик қилмайди. У ўз ертўлаларидан вақти келганда ҳеч қандай зарар кўрмай, берганларининг ҳаммасини фойдаси билан қайтариб олиш ниятида кимга қанча нарса қарзга беришни олдиндан билади. Масалан, у Падих билан ҳам шундай қилди. Падихга ҳатто, тузга пули ҳам қолмай, қашшоқлик ҳар бир бурчакдан тишларини ғижирлатган бир пайтда, туриб қолган ун ва қиммат қанд берди, кейин эса пайтини пойлаб, Падихни судга берди.

— Пул йўқ, лекин, тўлашга мажбурсан. Мана, жанбларнинг қонунлари,— деб зорланарди Падих; уннинг разабдан қайнаган қони ҳар бир томирида қайнарди.— Энди сигирни бер, деб келишлари муқаррар.

— Йўғ-э, бирданига сигирни бер дейдими,— дедилар деҳқонлар бир овоздан. Аммо, Падих бу билан тинчланмади.

— Мен Шульғанинг қандай одамлигини жуда яхши билиб олдим,— давом этди қайфурини сўзларни оғир қисматига боғлаб. Нега қишида судга бермади? Ҳеч бўлмаса сут ичиб туришсин, деб раҳм қилганидан деб ўйлайсизми? Йўқ, бунинг учун эмас! Бунақангги одамнинг раҳмини келтириш қийин... Қишида сигирни

боқиб беришимиз учун... Кўкламда ўтлоққа қўйиши мумкин.

Бу сўзлар қўрғошиндек оғир эди, лекин, шундай бўлса-да, уларда на куч ва на умид экс этарди. Бу сўзлар асрлар бўйи тўкилган терга обдан қоришган эдикни, Кисуцедаги одамлар ана шу терлар орасида туғилар ва шулар ичида ўлар эди.

Мана, бошқалар билан бирга Падих ҳам уйга қараб йўл олди.

Ташқарида февраль, ҳали ҳамма ёқда қор, кечалари қаттиқ совуқ бўлар, дарёнинг зилол суви тагигача музлар эди. Дарё ана шу қоялар чўққисидан эриб тушиб, бу ўлкадаги ҳамма уйларнинг ғам-андуҳ ва бахтсизликларини ўзи билан бирга олиб кетувчи сувини Вагга, водийга элтиб тўқар эди. Бу ерда бўлса плуг тиши тегиши билан қора тупроқ ер, ер остида қолиб чириган тўнка сингари майдаланиб кетар, серўт ўтлоқларда семиз ҳўкизлар бокилар, одамлар эса, оқ нон еяр эди. У ердаги текис водийдагилар, оламда Кисуце деган жой ҳам борлигини, бунда ҳар йили бўладиган бўронлар ва селлар ориқ ерларни ювиб кетишини, кейин эса бу ерда буғдои ҳам, жавдар ҳам тузукроқ битмаслигини, эркаклар хотинларнинг ёлғиз ўзини уйда қолдириб пул тошиш учун Францияга, Кубага, Канада ва Аргентинага жўнашга мажбур бўлишларини ва у ерда ўз аламларини денатуратдан олишларини билишлари керак...

Деҳқонлар ўз хуторларига тарқалиб кетдилар, бу ерда Падихнинг ёлғиз ўзи қолди; у костёлни орқада қолдириб қишлоқ бўйлаб юқорига қараб юрди. Костёлнинг нари ёғида эса Шульганнинг қовоқхонаси, Шульганнинг ўзи эшик олдида туриб, заҳарханда қилмоқда. Куриб кетгур шайтон... кўзини бақрайтириб турибди.

Падих катта йўлдан, ўз хуторига олиб борадиган сўқмоқ йўлга ўтди. Жилмайиб чиқа бошлаган қуёшнинг ўткир нурлари қор устиларини яламоқда. Падих қўлбала юмшоқ кўн этигини кийиб олиб, тапталган сўқмоқ бўйлаб борар ва йўл-йўлакай гижиниб сўкинар эди.

Муҳтожлик катта харсанг тош каби унинг бошига тушдики, энди ана шу оғир юкни жойидан қўзғатиши амримаҳол, юк бу ёрдамчисиз чувалчангни ўз оғирлиги билан эзиб, миқ этмай ерда ётганича одамларнинг қандай яшаётганлигини қарашга мажбур этган эди.

Эшикни очиши билан уйнинг бузук ҳавоси бурнига урилди. Польсиз ерда ўтирган кичкинагина қизча эски-тускидан қилинган исқирилт қўфирироқни ўйнаб ўтирас, хотини Қача эса дераза ёнида ўтириб, зиғирпоядан ип йигирмоқда эди.

— Ҳа, ишлар қалай?— деб сўради хотини, у кириб эшикни ёпгач.

Унинг қўллари эрини қучмади, у эрига кўзлари билан илтифот қилди холос, лекин, бу кўзларда ҳам қўрқинч ҳислари, ҳам умид учқунлари ёнар эди, бу кўзларда аллақандай тириклик аломати аранг йилтирас ва бу аломат:

— Ҳукм қилишди!— деган биринчи жавобни эшигтан ондаёқ сўнишга маҳкум этилган эди.

Унинг киприклари пирпираб, кўзлари қоронғилашди ва чиройли юзидан икки томчи ёш оқиб тушди. Бироқ, шунинг ўзи ҳам етарли эди,— Кисуцеда йиғлаш одат эмас; бу ерда фақатгина кўзига оқ тушиб кўр бўлиб қолган кампирлар ва трахома касалига мубтало бўлган болаларгина йиғлашади.

Қишлоқда қандайдир агент пайдо бўлганида, ҳали тепаликлар бўйлаб кўклам шабадаси эсмаган, ялангликларни, шағал аралаш ориқ ерларни ҳали февраль қори қоплаб ётган пайт эди.

«Францияга ишга олиб кетиш учун деҳқонлар танланмоқда» деган овоза қишлоқ бўйлаб майн пар, умид кўшиғи каби, лайлатул қадр учиб ўтгандек тез ёйилди. Бу овоза ярим қоронғи деразалардан мўралаб, гўё, бу ўлкани қоплаган оғир касалликлар сабабини қидиргандек, аранг уриб турган қон томирини пайпаслаб кўргандек туолар эди.

Деҳқонлар ҳаммани қизиқтирган бу янгиликнинг тўғрилигини билиш, агентнинг афт-башарасини ўз кўзлари билан кўриб, ўз тақдирини одамларнинг кафтига қараб пол очиб биладиган лўли хотинга ўхшаш, ўзларининг аллақачон унутиб юборган орзуларини рўёбга чиқиш ва чиқмаслигини унинг юзидан пайқаб олиш учун қишлоқ оқсоқоли томон отилдилар.

Агентнинг келгани тўғри эди.

У деҳқонлар кўзига чиройли кўриниб турган юмалоқ герби ва печати бор қоғозларни қўли билан писан-

да қилиб, мақташдан оғзи тинмасди: унинг ҳар бир сўзидан ярқираган олтин франк тўкилаётгаидек, Франция эса сўлқиллаб турган оппоқ нону, уни бурдалаб ея бер, дегандек туюлар эди.

Қишлоқда эркаклар оз қолган, уларнинг кўпчилиги аллақачоноқ ер юзи бўйлаб тарқалиб кетган эдилар, қолганларида эса бу ишга журъат етишмас эди. Ҳозирча Шимолий Франция урушда хонавайрон бўлганича ётар эди: тортган азоб-уқубатларидан, тўлиб-тошгап ғазабларидан ва ёлгон-яшиқлар билан қулоқлари тўлиб, кетган оч-яланғоч одамлар, ёмон тушдан кейин ўзларига келолмаганидек, энди зўр бериб бошларини кўтармоқда эди.

Одамларча яшаши истаймиз!

Аммо, нисон бошига тушган ана шу чексиз дарлалам, таҳқирланиш ва алданишлар дарёсида бир неча минг бойнинг шўх ўйин-кулгиси туфулиши учун бирор шахтада кўмир қазлиди, бирор вайрон бўлган заводларни харобалардан кўтариб тиклайди, бирор снарядлар ўнқир-чўнқир қилиб ташлаган ерларни текислади; лекин, ана шу меҳнаткашлар одамларча яшаш кераклиги ҳақида ўйлашга журъат эта олмайди!

Кисуцеда, ҳатто, «одамларча яшаш» инвалигини ҳам билмайдилар. Улар, бошпаналари бўлган ҳолда, гарчи унинг томи йиртиқ-ямоқ бўлса ҳам, фақат картошкадан ташқари, ақалли бир оз унга эга бўлишинингина истар эдилар, холос. Бошқа нарсанинг кераги йўқ. Лекин, уларнинг далаларини қоплаб ётган тошлар бу кулгили истакларни эшитгуси ҳам келмас, улар ўз ерларини ҳайдаб уни тошлардан тозалаш учун қанча уринмасин, барибир, бу уринишлар беҳуда кетарди.

Падих Францияга жўнашга аҳд қилди. У ўзининг салмоқдор ва забардаст қўлларига қараб қўйди — бу қўлларни бекор қўйиш чиндан ҳам ноиқўрликдир.

— Мана, мен ёзилиб келдим,— деди хотининга, уйнга қайтгач.

— Бу ерда ёлғиз ўзим рўзғорни эплай олармиканман? — деди, Кача қўрқа-қўрқа, этаги билан кўз ёшини артиб.— Яна Шульган бизга кўз олайтириб турган бир маҳалда. Ҳовлига кириб сигирни етаклаб чиқиб кетсан.., Унда нима қиласман?

— Ҳечқиси йўқ, худо етказар,— деди Падих, унга тасалли бериб.— Бир йилгача ўзинингни-ўзинг эплаган эдинг-ку, ҳозир ҳам эплайсан.

Шундай қилиб, жўнашга қарор қилишди.

Энди тезроқ жўнаб кетиш керак эди. Падих йўл тараддудини кўра бошлади.

— У ерда қандай бўлар экан, Штефан? Қўрқмайсанми? — деб ундан сўрар эдилар.

— Нимадан қўрқаман?— дерди у ғуурланганси-мон.— Уйда очдан ўлгандан кўра, бегона юртда яша-ган яхшироқ.

У қисқа вақт ичидан бутун қишлоқнинг диққат мар-казида бўлиб қолганлиги билан ғуурланар эди: одамлар уни тўхтатиб, Франция тўғрисида уни-буни сўрар эдилар, у, гўё у ерга бориб келган одамдек, уларга агент сўзи билан жавоб қайтарар, у ерни чиройли бўёқларда мақтаб кўрсатар эди.

Уйда бўлса сафар ҳақида оз гаплашар эдилар. Эри йўқ пайтларда Кача йиглаб олар эди. Бир гал, у кўча-дан яхши кайф билан келганида, эридан сўради.

— Штефан, бизга пул юбориб турасанми?... Бизни унутиб юбормайсанми? Бизга қийин бўлади-да!

Турмуш ғам-алам билан тўлган ерда муҳаббат сўзлари гапирилмайди. Гарчи Падихнинг хотини кўклиамги шафақдек қизил юзли бўлса ҳам, у хотинини қучоқламади, ўпмади, бошини силаб-сийпамади. Бундай ҳолларда Кисуцедаги ҳамма одамларда бўлганидек, ҳўмрайиш билан, деди:

— Юбораман. У ерда яхши ҳақ тўлашармиш ва ҳамма нарса арzon эмиш.

Кейин охирги кеча келди. Жудолик алами Кача қалбida муҳаббат ўтини қўзғатди. Оппоқ қўллари эҳтирос билан уни қучиб олар ва худди дарахтларнинг музлаб қолган шохларидек унинг қучогида умид билан совур эди, лекин, қалбининг бир чеккасида кўз ёшлари яши-ринган эди. Штефан бўлса бутун фикри-зикри билан аллақачон нотаниш ерларга бориб етган, хаёлида ўзини, шанба кунлари енгил ишдан кейин, душдан топ-то-за ва янги одам бўлиб ювиниб чиққа, чўнтағидаги иш ҳақи билан пивохонага қараб бораётгандек ҳис қилар эди. Бошига янги шляпа кийиб олган эди, албаттa...

Шундай қилиб, одамларча яшаш нималигини ўйлаб кўришга журъат этмаган Штефан Падих иш қидириб

Францияга жўнади. У юз минглаб поляклар, негрлар ва итальянлар ўз тақдирларига лаънатлар ўқиётган, юз мингларча номаълум солдатларнинг суюклари билан ўғитланган далаларда яна жавдар ўса бошлаган, бу солдатларнинг ҳалокати эвазига кимлардир чўнтагини обдан тўлдириб олган ўша мамлакатга равона бўлди...

Яланғоч тепаликларда қийшайиб ўсиб турган қора арча туплари оралиқларида кўк ўтлар ўсиб чиқа бошлаган, узоққа чўзилган қишидан кейин болалар бузоқ ва сигирларни биринчи марта яйловга ҳайдаб чиққан пайтда Кача Падихова Ружана билан хайрлаши.

— Энди нима қиласиз,— деб бармоқларини эзар эди у,— энди бизнинг аҳволимиз қандай бўлади?

Амалдорлар ҳузурида оғилхонадан Шульганинг ўзи ҳайдаб чиққан сигир туёғи билан остоная урилди-да, қоқилиб кетди. У ўзининг ювош,ammo, ҳеч нарса тушунмайдиган кўзи билан Качага қаради, у бўлса гўё йиқилаётган бошоқ каби, бутун гавдаси билан сигирнинг суюги чиқиб кетган сағринига ёпишиб олди.

— Ружана, ягона бэқувчимиз!..— дерди у, ҳатто оёғи остида ўрмалашиб юрган кичкина Веронкани ҳам унутиб.

— Ҳўш, ҳўш! — деди Шульган, арқонни тортиб, сиғир унинг кетидан чиқди. У ҳаммага эшитдириб, тўн-филлади:— Эрингга неча марта айтдим: «Менга қара Штефан, қарзингни уз, сен туфайли менинг хўжалигим ҳам нураяпти, кўзингни очмасанг хонавайрон бўласан». Штефан бўлса бир чақа ҳам бермади. Бунинг учун мен... мен айбор эмасман!

Качанинг тиззалари қақшарди. Йиғлай-йиғлай у аста-секин ерга ўтириб қолди. Бу ҳолни кўриб турган аёллар унга раҳмлари келиб:

— Қўй йиғлама, Кача, кўз ёши ғамингни йўқота олмайди. У лаънати қурумсоқнинг жазосини худо берсин! — дедилар.

Бу билан улар ўз вазифаларини бажарган ҳис қилиб тарқалишдилар.

— Худо жазосини берсин!— беҳушлик билан такорлади Кача. Лекин, бу беҳуда тасаллиларнинг фойдасизлигини у жуда ҳам аниқ сезди, бирданига ҳамма нарса фарқсиздек бўлиб қолди. Ҳа, Шульганинг жазосини худо берар — уйига ўт тушар, бошига ўлим келар, бедаво касалга мубтало бўлар ёки яна қандайдир ба-

лога учрар. Ахир бу Қачага ёрдам бермайди-ку, унинг оғилхонаси барибир бўшлигича қолаверади-ку. Унинг тақдиди яшин парчалаб, ёмғир ивитиб, бўрон синдириб ташлаган қарағай дарахтининг тақдиринга ўхшайди: Ружанани ҳайдаб олиб кетганларидан кейин қарағайнинг охириги шохини синдириб олганларидек туолди.

Бўм-бўш қолган уйда вақт ўтказиш, Қача учун жуда оғир эди.

Штефан кетганидан буён ҳеч қандай воқна рўй бермади. Жимжитлик ва иш билан тўлиб тошган нурсиз қунлар бирин-кетин ўтаверди, қунлар кетидан ҳафталар ўзди. Шундай ҳафталардан камида олтиласи ўтгач, Қача бирданига Штефанинг аллақачон бегона юрга бориб етганлигини, гарчи, Франция Кисуцедан узоқда бўлса ҳам, у ерга қанотли ғилдиракларда почта олиб боришиларини пайқади.

Қача эридан ўз муҳаббатига содиқлиги ҳақидаги хатлар кутмас эди,— почта бу ерли кишилар учун бундай мақсадларда хизмат қилмас эди.

Эрлар ватанга, сабрсизлик нималигини унутиб юборган хотинларига:

«Эсон-омон етиб олдим, ҳамма иш яхши бормоқда, ишлайпман, жамғара бошладим, юбораман»,— каби хатлар ёзишар эди, холос.

Чунки турмуш оғир эди.

Қача ҳам шундай хат кутар эди.

У ҳовлига чиқиб, пешонасига қўйини қўйиб қуёш нуридан кўзларини яширганича почтальонга қарап эди.

— Франциядаги Штефандан хат борми?— деб қанча муҳтоҷлиги ошса шунча кўп сўрар эди, у почтальондан.

— Йўқ, ёзмаяпти Қача, ёзмаяпти! Бошқасини топганга ўхшайди,— деб жавоб берарди почтальон кулиб: Бу кулги заҳарханда эмас эди, у ердагилар бировларнинг дилига озор берадиган ғаразли ниятдаги сўзларни гапирмас эдилар. Бировлар бахтсизликда яшайдиган, бировлар яхши кун ўтказадиган ерлардагина ачиниш бўлиши мумкин. Кисуцеда эса ҳаммани ғам-муҳтоҷлик дengизи ўз гирдобига тортган, унда ғарқ бўлмаслик учун, ҳар бир қиши шу дengизнинг сувидан истасас-истамаса ичарди.

Ҳар ким фақат ўз бахтсизлиги ҳақидагина ўйларди.

Почтальоннииг шундай жавобларидан кейин Кача бармоқларини оғритар даражада эзиб уйига кирар, ўзини каравотга отиб гүё эсини йўқотиб қўйгандек, қимирламай жимгина ётар эди. Қичкина Веронка унинг олдига сурдалиб келар, этагидан тортар, қўлини чўзар, қўлтигини қитиқлар, аммо, онасининг индамаётганлигини кўриб, яна қўғирчоғи олдига борар эди.

Штефандан ҳали ҳам хат йўқ эди.

Кунлардан бирида тим қоронги осмондаги юлдузларни қоплаб олган ва шабада ернинг хўшбўй ҳидини ҳамма ёққа тарататётган бир пайтда, Кача қишлоқнинг нариги бошидан уйига қайтар эди. У доимо Штефан ҳақида ўйлар, ҳар бир олинган нафас унга эридан хат йўқлигини эслатар, у ёки буларни унубиб юборган ёки касал бўлиб қолган эди. Ёвуз тақдир уни ўз қучоғида қисмоқда ва одамни маст қилувчи кўклам ҳавоси унинг кўкрагида тошдек оғир туюлмоқда эди.

Кача Шульган қовоқхонасидан ўтиб, қовоқхона деразасидан нурсиз ёруғ тушиб турган кўчадан бир оз юргач орқасидан енгил қадам овозлари эшитилди. Қоп-қора кўланка унга яқинлаша бошлади. У, синчиклаб қараб, келаётган одамнииг эркаклигини англади.

— Салом!— деди Кача шошиб-пишиб: Кисуцеда эркакларга биринчи бўлиб хотинлар салом беришади.

— Салом...— деди ўткинчи бефарқ ва бирданига ажабланиб йўл ўртасида қотиб қолди. Жимжитликда фақат Качанииг оёғидаги пойафзалнинг тез-тез ғижирашигина аниқ эшитилар эди. Унинг кўз қарashi Качанииг елкасини куйдиргандек бўлди, уни ҳамон йўл устида қотиб турганини сезиб, Кача уйи томон чопиб кетди. У қўрқмади, лекин, нотаниш кишининг кўланкаси унинг юрагига қандайдир сирли ҳиссиятлар ва ташвишлар тўрини ташлади.

Унинг қалбида нимадир портлагандек бўлди,— у қаёқдандир пайдо бўлган бу учқунччанинг нималигини англай олмас эди: лекин, Кача, ер янги ҳаётга тўлаётганлигини, водийлардан эсаётган шўх ўйноқи шабада деразалар ёнида ўсаётган ва бир кунда тотли шарбатлар билан тўлган дараҳтларни қучаетганлигини худди шу кеча пайқади.

Тонгда уйқу аралаш унга қишлоқдаги ашула овозлари ва маст-аластларнинг бақириқлари эшитилиб турарди.

Эртаси куни, Кача оғилхона олдида чайир тўйкани ёрмоқчи бўлиб уринаётганида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргани Кашубова хола кириб келди.

— Утни ёриш хотиннарининг иши эмас,— деб уқтиридни хола, гап бошлиш ниятида.

— Қийин,— тасдиқлади Кача, болтани тўйкага урад экан, болта тўйкага кириб қолди, тўйка ҳатто дарз ҳам кетмади.

— Бугун кечаси бақиришганиларини эшитдингми?

Кашубованинг кўнгли нимадандир ғаш кўринар эди, шунинг учун ҳам қалбини енгиллатиш учун ким билан бўлса-да суҳбатлашишини истар эди.

Кача жавоб бермади. У ашулаларни ҳам, бақириқларни ҳам эшитгаи эди, лекин, у энди тушиши ҳақиқатдан фарқ қилолмас эди.

Холанинг кўнгли эса ғаш, сўзида давом этарди:

— Ҳамма эркаклар уйга эрталабга яқин, маст-аласт қайтишди. Менинг чолим ҳам... қуриб кетгур... келиши билан ўзини каравотга отиб, данг қотиб қолди.

Кача унга бепарво қараб турар эди. Эркакларнинг қаерда нималар қилганликлари билан унинг нима иши бор! Унга қолса, бўйниларини узсинлар! Тўйка ўлгурни ёрса эди...

— Биласанми, уларга ким қуйиб берганини?

Ҳаммасини айтиб бермаса Кашубованинг кўнгли тинчимайди.

— Ким экан?

— Михал Валенчик.

Качанинг оёқлари ерга кириб кетгандек туюлди, қўли болтада қотиб қолди. Унинг бўғиқ қичқириғигина Качанинг ҳайратини билдириб қўйди.

— Михал?!

— Михал!— такрорлади Кашубова.

— Ахир у Америкага кетган эди-ку!

— Қайтиб келибди... Тозаям пулни исроф қиляпти дейиншади... Унда шунча пул кўпмишки, биз бу пулларни тушимиизда ҳам кўрмаган эмишмиз. Чолим айтиб берди. Чол ҳозир ҳам хуррак отяпти... Mast ўлгурнинг боши ёрилаёзгудек бўляпти.

Кача бу янгиликка сира кўника олмади. Михал беш йил бурун Америкага кетган эди. Ундан олдин эса Качанинг деразаси тагига озмунча келмаган эди: у вақтларда қоронғи осмонда оловли юлдузлар ёниб турар

эди... «Кача, сени оламан, биз яхши кун кечирамиз. Мана кўрарсан, фақат сўз бер-чи...» деб Михал уни ишонтиради.

Лекин, Кача, худо билади нима учун сўз бермаган.

Кейин ойнани ҳам ёпиб олган.

— Беш йилда унча кўп пул ишлаб бўлмайди,— деди яна воқеликка қайтиб, Кашубовага.

— Ёлғиз кишининг бир ўзи ишлай олмайди, албатта,— деди хола,— лекин, айтишларича... амакисидан унга кўп мерос қолган эмиш, Пираварчакнинг ўлимидан кейин, жойи жаннатда бўлсин...— Сен уни билмасанг керак, у узоқ вақт Америкада яшади. Михални, ўша ёқ-қа у чақирган эди.

— У...— Кача гўё тушида холага жавоб берётган-дек ўзини ҳис қиласр эди, унинг овозидан, бунга ишонмаётганилиги сезилиб турар эди.

Михал жўнаши олдидан кўчада уни тўхтатиб: «Башарти Америкада бошимга ёмон кун тушса, шуни билб қўйки, Кача, бунга сен... сен сабаб бўласан» деганини ҳалигача унотолмайди.

Уша вақтда Михал жуда ёш йигитча эди.

Кўчадан почтальон ўтди.

— Ҳеч нарса йўқми?— деб сўради Кача.

У ёлғиз бир сўзнигина айтди, лекин, шундай бўлса ҳам унинг овози титраб кетди, гўё почтальоннинг:

— Ҳеч нарса йўқ!— дейишини олдинданоқ билар эди.

Кача қорамоидан кир бўлиб кетган этагини кўзлари-га суртди. Бирданига юракни ўртаб юборарлик даражада оғир туюлиб кетди, гўё у нимага ишонган бўлса, нимага умид қилган бўлса, ҳамон қандай кечинмалар билан яшаган бўлса, ўша нарса қўлтиридаи тушиб кетгандек бўлди, қандайдир, қалбининг энг чуқур ерида, ички ҳиссиётларга тўла кўз ўнгida, битмас-туганимас ёлғиз алам-қайғугина гавдаланди.

Лекин, худди ана шу минутда қаердадир пароходлар ҳалок бўлиши, фабрикалар ёниб кетиши, шахталар портлаши мумкинлиги унинг хаёлинига ҳам келмас эди...

— Штефанга нима бўлди экан, нима учун хат ёзмайди?— Кашубова ўз-ўзидан сўрагандек савол берди.

Кача намли кўзларидан этагини олди ва тўппа-тўғри қўшнисининг юзига қаради. Унинг кўзлари алашгадек ёнар, бутун борлиғини ғазаб ўти қоплаган эди.

Кимга қарши?...

Кашубова кетгач, ўтишларни териб, уйига кирди. Полда кичкина Веронка ўтирап, серхархаша қўғирчоғини аллалаб, юпатар эди:

— Тинчлан, кичкитойим, тинчлан, ҳозир сенга бўтқа пишириб берамиз!..

Кача жилмайиб қўйди, печкадан кулни олиб, ўтин қалади.

Бу ишларни гўё тушида қилаётгандек эди. У кун бўйи ноаниқ ҳис-туйғулар асоратида яшади, бу ҳис-туйғулар унинг қути ўчган чеҳрасида алоҳида кўриниш ҳосил қиласр эди. Кейнинг ҳафталардаги кечинмалар, келажагининг ёруғ бўлишидан ҳеч қандай дарак бермайдиган мashaққатли муҳтожлик унинг теварагида даҳшатли ҳалқа ҳосил қилгандек туюлар ва ўзини бу ҳалқадан асло қутулолмайдигандек ҳис қиласр эди.

Штефан...

Штефан бундай деган эди... «Аҳволимизни енгиллатиш ҳамда битта нонхўрнинг кам бўлиши учун мен Францияга жўнаб кетаман. Ишлаб пул топсам — юбораман». Шунинг учун Кача, унга бутун умидини боғлаган эди. У Штефан билан фахрланар эди: ахир ҳақиқий эркакларгина бундай нотаниш дунёга шу қадар дадиллик билан борадилар-да. Қалбининг ич-ичида: Штефан пул юборгунча бир амаллаб, ақалли картошканинг ўзи билан тура олсан, пул келгандан кейин Шульганга қарзни тўлаб, сигирни қайтариб олиб келар эдим, деган умид учқунчаси милтиллаб турар эди. Лекин, бу учқунча ўчиб қоронгилик бошланди.

Бунинг устига бугун Михал Валенчик қайтиб келибди. Бир вақтлар унга таҳдид қилган йигит. Ҳозир унга яхши...

Качанинг ёдига кечаги учрашув келди, нотаниш кимсанинг кўзлари, худди чўғга айланган иккита темир чивиқ каби яна унинг елкасини куйдиргандек бўлди. Энди Качанинг — у Михал эканига шубҳаси қолмаган эди. У кўнглига келган қандайдир ҳислардан титраб кетди-да... тезгина эшикка юз ўғирди.

Хонанинг бурчагида, қоронгида... баланд бўйли... кимдир турарди...

Ха, бу катта дуб токчанинг сояси бўлса керак, ахир қоронги тушяпти-да.

Уй қоронгиликка кўмилгач, Веронка, овқатланмаёқ қўғирчоғини қуchoқлаб уйқуга кетди, Кача қандайдир

бирон воқиға рўй беришини, ниҳоят, бутун уйни босиб ётгандек сезилган оғир тошнинг қулашини сезди.

У ҳовлига чиқиб бир оз турди. Тим қоронғиликда тепаликдаги бъэзи уйларнинг ёруғ деразаларида хирағина чироғлар милтиллаб кўринар эди. Қаердадир ит ҳурди. Мана бошқа итларнинг тинмай вовиллаши атрофларгача ёйилди. Лекин, тез орада ҳамма ёқ сукутга ботди.

Қача қайтиб уйга кирди. Ёниб турган лампа ёруғидан тун деразанинг орқасига чекинди. Печкада ёнаётган оловнинг сўнгги аланглари ўчмоқда эди.

У оғирлашиб бораётган бошини қўлларига қўйиб, стол ёнида узоқ вақт ўтириди.

Жуда эҳтиётилик билан, тасоввур қилинганидан ҳам секинроқ эшик очилиб, худди шу равишча ёпилди.

У ўйнаб турган ёввойи кўзларини тикиб, шу ерда турар, шляпасининг тагидан соchlари, гўё юзига оқиб тушаётган қора мой каби, осилиб турар эди.

— Қача!..— гўё бу сеҳрланган жимжитликни бузишдан қўрқаётгандек, эшитилар-эшитилмас қилиб чақирди.

Қача сесканиб кетди, у ўзининг жафо чеккан, аммо шаҳололигича қолган кўзлари билан унга қаради ва, худди унча ажабланмагандек сўз қотди:

— Нега сен... келдинг?

— Кўриш учун...— деди у.

Унинг илгарилари сезилмаган, итоаткор овозини эшитиш фалати эди.

У стол ёнига, тўппа-тўғри Қачанинг рўпарасига ўтириди. Бу ориққина жувон ҳали ҳам жуда гўзал эди; унинг чехрасида йигирма бешинчи баҳорнинг гуллари қўрқаписа очилмоқда, юзлар эса, олтинсимон соchlар тўлқинида чўумилаётгандек эди. Болалар, йўллардаги крестларда қайғу чекаётган мадоннани худди мана шундай олтин ранг гулчамбарлар билан безатадилар.

— Қача, Штефан билан яхши турибсанми?

— У Францияда.

— Эшиздим.

Қача бошини эгди, кўзларида ёш ялтиради.

— Ҳаммасини эшиздим,— деб сўзида давом этди Михал.— У нима учун жўнаб кетганини ҳам биламан. Шульған сигирларингизни олиб кетганини ҳам биламан.

— Сўрадингми?

— Йўқ... Одамларнинг ўзлари гапириб беришди.  
— Ҳаммаси беҳуда гаплар. Айт-чи... Нима учун келдинг?

Михал қўлини кўкрак чўнтағига тиқди.

— Эшилдингми... бугун кечаси? Мен ҳамма десқонларни ичирдим. Менинг қай аҳволда кетганлигимни эсга олсинлар-у, қай таҳлитда қайтганлигимни кўрсинлар деб ичирдим.

У мақтана бошлади. Чўнтағидан букилган бир талай пул чиқариб уларни стол устига ташлади.

— Ол, Кача!

— Нима қилияпсан ўзинг? Нима учун келдинг?

— Пулни олишингни истайман. Қанча керак?

Кача ўрнидан турди, унга мулойимгина қаради, лекин, унинг бутуни танаси бўшашиб кетди. «Мақтанчоқ!» деб ўйлади, ва бир оғиз сўз айтмай, аста ўтирди.

Деразанинг орқасида тим қоронгида гармон садоси остида аста-секии ашула овози эшилтилмоқда эди:

Горелише Чадце, дилдор,  
Костёл қир ортида, боқ!  
Сол ўринни, чатма гулдор  
Кўрпаларни сол тезроқ.

У қулоқ солиб турди-да, кулиб юборди:

— Йигитлар саир қилишга кетишлиятни...

Кача жавоб бермади; кимнингдир кўринмас қўли бутун оғирлиги билан унинг бошига тушди.

— Бир вақтлар мен ҳам шундай юрар эдим,— деди у кўнгилчан овоз билан. Кача унда бундай оҳангнинг қаердан пайдо бўлганлигини тушунолмади ҳам.

— Сеникига келардим... Эсингдами? Фақат дераза тагидан кетардим... Уйингта ҳеч киритмас эдинг. Мен сенинг учун...

У сўзини тугатмади, қўлини силтади ва аччиқ-аччиқ кулди.

Кача йиғлаб юборишдан ўзини зўрба-зўр тутиб турар эди. Унинг тўлиб-тошиб турган бечора юраги ёрилиб кетишига сал қолди

Михал ўрнидан турди, шляпасини бостириб кийди, лабларида қандайдир ноҳуш кулги пайдо бўлди: бармоқлари билан пулларни олар экан:

— Сенга қанча кераклигини яхши биламан,— деди,

У бир қисм пулни ажратиб, Кача олдига сурди, қолганиларини яна ўшандай бепарволик билан эски қофоздек гижимлаб чўнтағига солди. Унинг бу ҳаракатларида қандайдир таҳқирлаш, сезилмас такаббурлик аломатлари кўринар эди.

— Шульганга бер-да, сиғирингни қайтариб ол. Қариндошим қарз берди дерсан.

Кача ҳеч нарсани кўрмас, қулоғи шанғилларди. Шундай заиф бу аёлга қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келади.

— Сен, Михал, буни ҳеч кимга айтмайсанми?

У жавоб ўрнига унинг олдига келди, одат бўлиб кетган қандайдир енгил ҳаракатлари билан уни ўзига торти ва лабларини иссиқ бўса ўти билан ёндириди.

Кетидан эшик ёпилди...

У қоронғида илдизларга қоқила-қоқила шахдам қадам ташлаб борарди. Яланглик, гўё аламини ичига ютган одамдек жим эди. Михал эса пастга, қишлоққа қараб борар эди, унинг қалби шод ва ёришгандек эди. Қачонлардир у Қачанинг олдидан ғамгин қайтар эди... «Жўна Михал, жўна, мен сенга тегмайман!»— дер эди у. Йигитлар, бирорта қиз ҳам уни ёқтирумайди деб Михал устидан кулар эдилар: Эндичи, энди ҳамма нарса тамомила ўзгарган. Кеча қишлоқдагилар уни назар-писанд қилмас эдилар. Америка тўғрисидаги аллақачон унутилиб кетган тарихлар эсга олинди. Қишлоқдаги эркакларнинг ярмиси у ерга бориб келган. Улар Пенсильвания фонтанларидан чиқаётган нефтга беланиб, Огайо кўумир шахталарининг чангига қорилиб ва Чикаго кушхоналарининг қонига бўялиб, бу ерда тақир тепаликларда сўнгги долларларини фаросатсиз сарфлаш учун қайтган эдилар. Михал ҳам, мингларча кишилар сингари ўзининг қайтишини ҳаддан ташқари майхўрлик билан нишонлади.

— Пулни ҳар ҳолда олди,— деган, худди Кисуцега ҳайқириб оқиб келаётган баҳор сувларидек, шовиллаган фикр бошидан ўтди.— У яхши-да, чиндан ҳам яхши!

Кача пулни нима қилиш ҳақида узоқ вақтгача бир қарорга келолмади. У Шульганнинг олдига боришга сира журъат этолмади — пул унинг кафтини куйдираётгандек эди. Кача уларни қандайдир эски бир китоб орасиша солиб, токчага бекитиб қўйди,

Ташвишли фикрлар уни безовта қилар эди: шунча пулни олиб борса Шульган нима дейди, қўшниларга ҳам худо беради-да, роса ғийбат бошланади. Бироқ, яқинда унинг ҳаётида рўй берган бир воқиани эслаб, бирданига томоғи қақраб кетди, ютиниб олгач, бир қарорга келди.

У бир вақтлар Шульганинг олдига бориб бир оз ун ва бир шиша керосин сўраган эди. Чунки бошқа иложи қолмаган эди.

— Пулинг борми?— деб бақирди Шульган.

Йўқ, унинг пули йўқ эди.

— Қанақа одамсизлар ўзларинг?— деб бақирди унга қовоқхоначи, бундай ҳайқириқлари билан қора кўнглидаги андаккина инсоғини ҳам улоқтириб ташлади.— Пулсиз тариқдай дон ҳам бермайман. Кимга арз-дод қилсанг қиласвер...

Судхўрнинг бу сўзларидан донг қотиб қолган Қача, жойидан қимиirlай олмас эди.

— Жўнаб қол, уйингга жўна,— деб яна бақирди Шульган,— бекорга кутаётибсан. Айтяпман-ку: ҳеч нарса бермайман!

Энди, таҳқирланганларини эсга олиб, Қача пулни тўлашга қарор берди. Пулни проценти билан тўлади-да, Шульганини ҳайратда қолдириб, сигирини ҳайдаб кетди.

У биринчи марта эркин нафас олди, кўнгли қувончга тўлди. Апрелнинг охирлари эди, аммо, Қача эндигина биринчи чуғурчуқнинг хонишини эшилди, тепаликнинг этагидаги дастлабки гуллар очила бошлаган ўрмончани кўрди.

Кечқурунлари, қора булутлар пастлаб, осмонда сайр қилиб юрганда, этаклардаги ва тепаликлардаги уйлар худди нам қоронғилик билан қопланганда, сўқмоқларнинг бошини ҳам, охирини ҳам топиб бўлмайдиган чоқларда, Михал қоронғилик ичидан жимгини кириб келар эди.

У катта стол ёнига ўтирас, шляпасини олиб, бурчакдаги ўриндиққа отар, шунда Қача унинг қонга тўлган, тунги тўхтовсиз майхўрликлардан шишиб кетган кўзларини, чуқур ажинлар босган ва қандайдир қоронғи фикрлар яшириниб ётган пешонасини кўрар, ҳайвоний бақириқ-чақириқлардан хириллаб қолган бўғиқ овозини эшитар эди.

Бир гал, ўтган тундаги маст-аласт майшатпарастлик-лардан ҳали тамомила ўзини ўйглаб олмаган ҳолда кел-танида, Кача унинг ёнинг яқинлашди-да, қўлини унинг елкасига қўйиб, азоб чеккаи кўзларига мулойимлик билан қараб, ундан сўради:

— Айт-чи Миша, нима учун шундай қиляпсан?

Михал унинг қўлини ўз қўлида қаттиқ қисиб, сўзларини мумкин қадар кўпроқ таъсири қилиб айтишга интилиб деди:

— Нима учун? Шунинг учунки, мен... сени севаман!

Кача қўрқинч аралаш сесканиб кетди, унинг киприклиари бир неча бор кўтарилиб, яна пастга тушди; у ўз қўлини унинг иссиқ кафтида қолдириб, деди:

— Бекорга вадирайверма, Миша. Биласанки... эрим бор.

— Штефанни... келишини худо билади,— деди у Качанинг эски дардига дард қўшиб.— Кетди, зиммасидан ғамини улоқтириди, ҳаммасини унутди.

Кача қалбининг энг нозик ерида дардли кўз ёшлари қайнаб кетди. Лекин, Михал бу кўз ёшларнинг ташқарига чиқишига йўл қўймади. У Качани яна ҳам ўзига яқинроқ тортди ва ёнинг ўтқазди.

— Илтари менга ҳеч ким қарамас эди. Ҳозир бўлса истасам — қовоқхонада ўтириб, бутун қишлоқни сотиб оламан. Бир вақтлар йигитлар мендан кулишар... қизлар ёnlарига йўлатмас эди... Энди? Энди мен истаганимга ўйланишм мумкин...

— Бўлмаса нега ўйланмайсан?— Качанинг оғзидаи чиқиб кетди.

— Истамайман!— деди ва секин, қўшиб қўйди:— Ахир сени эринг бор-ку, Кача...

Михал уни маҳкам қучиб олди, у дарахт баргидек, қучогида титрар эди: янги ҳис-туйғулар билан тўлган қалби хурофот ва одатлар устидан эрталабки пушти ранг тумандаги оппоқ булутдек учиб кетди.

Деразага тасир-тусур ёмир ёға бошлади. Бирданнiga бошланган шамол сув томчиларини қаҳр билан ойнага урмоқда эди.

— Ёмир,— биринчи бўлиб пайқади Кача.

Михал қаратани ташқарига чиқди. Эшикни очганида, ўнага сувнинг шатир-шутур қилаётганлиги әшитилди. В қайтиб кирди ва қўлини артиб:

— Емгир эмас, жала!.. Афтидан, бўрон бўладиганга ўхшайди,— деди.

Кача индамас, хавотирлашиб ўйланар ва унга қарап эди.

Михал унга жуда яқинлашиб келди ва қучоқлаб, ҳаяжонидан титроқ овози билан шивирлади:

— Кача, бундай ҳавода... ҳатто итни ҳам ҳайдашмайди...

У жавоб бермади, фақат бошини унинг елкасига томон эгди ва унинг бўйнидан қучоқлаб олди...

Шундан бўён Михал кечалари тез-тез Кача олдига келадиган бўлиб қолди. У бошқа йигитларга, Штефанга ўхшамас эди. Кача ўзининг оддий қалби билан буни яхши ҳис қиласр эди; Михал унинг қўлидан ушлаб, сочларини, юзларини силар, кенг кўкрагига босар эди. Штефан бўлса ҳеч қачон бундай қимлас эди. Штефан севги ҳақида ҳеч қачон гапирмас эди: унинг шунча йил мобайнида машакқат билан нон топиб келган болтаси оғир эди, сўзлари бўлса, худди занг босиб кетган оғир занжирининг бўлаклари сингари бесўнақай бўлиб, бир-бирига қовушмас эди.

Бир кун кечаси, шамол худди енгил туфли киёниб олган қиздек, жимгина у чўққидап-бу чўққига эсаётган бир пайтда, Кача Михалга шивирлади:

— Михал, қулоқ сол... иш ёмон!

У қўли билан бошини ушлаб чалқанчасига ётганича, бепарво сўради.

— Нима гап?

— Бўйимда бўлиб қопти...

У қандайдир бегона овоз билан кулиб юборди ва жим қолди.

— Нега шидамайсан?

У яна калта-калта кулди, сўзларида эса яширинч қувонч сезилар эди:

— Мен ўғил кўраман!

У эрталабга яқин кетди ва ўйлда кетаётганди тоиг ёришди. Михал шаҳарга қараб борар эди. Экинзор устнада крест шаклида бир тўда қора қаргалар учар эдилар.

Качанинг Шульганга қарзини тўлаб, сигирини олиб келганлигини тез орада бутун қишлоқ билди. Кампирларнинг тишсиз милклари бу воқнани узоқ вақтгача чайнади, ҳамма ғийбатчи аёллар олдида: «У пулни қаёқдан олди экан?» деган қийин масала шайдо бўлди.

Бу сирни билиш керак эди. Бироқ, ҳеч ким бу савол билан Качага тўғридан-тўғри мурожаат қилишга журъат эта олмади. Унинг ўзи эса ҳеч ким билан гаплашмас эди.

Михал Качага пул билан ёрдам бериб, унинг зиммасига олдингидан оғирроқ янги уқубат юклаб кетган кундан буён, у қишлоқда онда-сондагина кўринар эди. Унинг мақтанчоқлик билан қилган кирдикорлари ҳақида одамлар қулоқ әшиитмаган гаплар айтишар эди; бу кирдикорлар ҳақидаги гап-сўзлар дараҳт йилдан-йилга ўз шохларини ёйиб тобора йўғонлашгани каби, оғиздан-оғизга ўтар ва соат сайнин кучаяр эди.

Номус Качага азоб берар эди, у одамлардан ўзини олиб қочар ва ўткинчи одамларнинг саломига бир хилда жавоб бериб, қаторларини ёлғиз ўзи чопар эди.

Қишлоқ устида май ойи янгради, ҳамма ёқ шўх қўшиқларга тўлди, Качанинг қадди айбининг оғирлигидан букилиб қолди, эндиликда бу айб унга бир вақтлари қутулгани баҳтсизлик жаридан кўра ҳам даҳшатлироқ туюлар эди. Михал сўнгги марта келганидан буён анча вақт ўтди. Тобора Кача кўпроқ виждан азоби чекар, лекин, айбининг нақадар оғирлигини тасаввур қилолмас, костёл руҳонийсидан әшиитган насиҳатлари руҳий озиқ беролмас эди.

Бир куни уйи олдида у почтальонга дуч келди. Кача унга бепарво қаради.

— Нима, Штефандан энди хат кутмайсанми?— деб сўради почтальон одатдагича кулимсираб.

У бошини тебратди.

— Мана, ол бўлмас!

У Качага французча зангори маркали конверт тоширди. Конвертга ўзга кимсанинг қўли билан адрес ёзилган ва орқасида Штефанинг адреси кўрсатилган эди.

У уйига кирди-да, хатни очди.

«Шундай-шундай,— деб ўқирди у Штефандан келган ва нотаниш қўл билан ёзилган хатни,— тақдирдан қочиб қутулиб бўлмас экан. Келишим билан дарҳол, шахтада рўй берган портлаш мени мажруҳ қилиб қўйди. Ўнг қўлимни майдалаб ташлади. Ҳозир башарамни ҳам таний олмайсан. Менку сенга аллақачон хат ёзган бўлар әдим-а, бироқ қўлимни қимирлата олмайман, касалхонада словакча ёза оладиган ҳеч ким йўқ эди. Ҳозир бир

киши келиб қолди, унинг оёғи синган. Энди узоқ ётмайман, ўйлашимча, ёзда уйга жўнатсалар керак...»

Бу хабар Качанинг силласини қуритди. Унинг юзи оқариб кетди, қўли билан столни ушлаб, сустлик билан скамейкага ўтири.

Штефанинг юзи ва қўлининг абжаги чиқиб кетган лигига у тушуниб ҳам етмади, унинг миясида «... ўйлашимча ёзда уйга жўнатсалар керак...» деган фикр жойлашиб қолган эди.

Оилани қашшоқликдан қутқариш учун елкасига халтасини осиб, олам бўйлаб кетган Штефан уйга қайтади, ёлғиз ўзи қолиб қандайдир йигит билан ўйнашган хотинини кўради. «Сен бу ерда хўп яхши хўжайинлик қилибсан-да»,— дейди-да, уни ура бошлайди ва кейин умрбод... бундан бошқа чора қолмайди.

Кача ўзини жар ёқасида тургандек ҳис қиласар эди. У қўрқар, миясига нуқул ёмон, қўрқинчли, чалкаш фикрлар келар, заиф қалб устидан тантана қилиб, даҳшатли «шарпалар» тубсиз чуқурликка судрагандек туюлар эди.

Тушда Кача овқат пишириб, Веронкани овқатлантириди ва ўйнагани уни ҳовлига чиқариб юборди. Кейин аста-секин скамейкадан полга сирғаниб тушди-да, қўлинни бошига қўйиб, худди сув устига эгилиб тушган мажнун толдек қотиб қолди. Ибодат сўзлари унинг онгига бориб етмас, сув тўла бочкага урилаётган болға зарбидек, бўғиқ эшитиларди.

Тушдан кейин Кашубова хола кирди. Қишлоққа Штефандан хат келиби, деган хабар тарқалди,— унинг ни ма тўғрисида ёзганлигини билиш керак эди.

— Ойинг уйдами?— деб сўради хола Веронкадан.

— Уйда,— деб жавоб берди қизча кўм-кўк кўзлари билан уйни кўрсатиб.

Кашубова эшикни очмоқчи бўлди, лекин, у очилмади.

У куч билан эшикка ёпишди ва қия очди. Бутун кучи билан эшик дастасидан тортиб эшикни очганида худди белидан икки бўлак бўлингандек Кача оstonада ётарди.

Эшик дастасига бойлаб қўйилган сиртмоқ томогидан бўғар эди. Бечора Кашубова эсини йўқотиб, кўчага югурди ва овозининг борича:

— Ёр-дам бе-ринг-лар!— деб бақирди.

Кишилар чопиб келиб, Качани сиртмоқдан чиқариши.

— Ўзини-ўзи яқинда осибди,— деди эркаклардан бири.

— Қани, хотинлар, тезроқ сув келтиринглар! — деб буюрди бошқаси.

Сув келтирилгач, уни ҳушига келтира бошлашди, устидан кийимларини еча бошлаганларида, юбкасини тушираётган Кашубова ориқ қўли билан унинг қорни-ни ушлаб, уҳ тортди ва:

— Ия... у... ҳомиладор экан-ку! — деди.

Ўз истагидан ташқари ҳаётга қайтарилган Кача, кишилардан қочиб юрди. Агар иложи бўлса у ўзидан ҳам қочиб кетар эди.

У, худди кўр кишидек уйда гир айланарди, қўрқинч қўзларида кун сайин кучлироқ акс этарди. Бутун шонъ давомида қишлоқда унинг тўғрисида шивир-шивир гап қилдилар, бошқа айборни топа олмай, фақат уни қораладилар. Шульган тўғрисида ҳам сўз юрита бошладилар: бу уйдирма гаплар Кача қарзини тез тўлаганингидан бир оз ҳақиқатга яқиндек эди, унинг қарзни қандай қилиб тўлаганлиги ҳали ҳозиргacha ҳеч кимга аён эмас эди. Бу янги ғийбат Качанинг қулоғига етганда, нафрати қўзғаб кетди. Шульган бу ҳодисадан фойдаланиб, қарздорлар билан ҳисоб-китоб қилиб олиш мақсадида, баъзи туҳматчи хотинларни судга берди.

Почтаљон Штефандан янги хат олиб келди.

«Кача, хўжаликни қандай бошқарганлигинги билан. Одамлар ҳаммасини менга ёзишди. Аммо, уларнинг ғийбатларига ишонмайман. Қайтгач, ўз қўзим билан кўраман. Келгуси якшанба куни кутиб ол».

Энди Качага ҳаммаси ҳам аҳамиятсиз эди. У эрининг келишини, ўз кўзи билан кўргач қандай ҳукм чиқаришини биларди.

Томоғини нимадир бўғар, қуйилиб келаётган қўз ёшларини тўхтатишга уринмас ҳам эди. Захил юзларидан йирик қўз ёшлари оқиб тушар эди. Кача ўзига ҳам, унинг учун энди шундай раҳмдил туюлган Штефанга ҳам, ниҳоят уни ва ўзини ҳалокатга судраш учун ҳаётда икки бор унга рўбарў келган Михалга ҳам ачинар эди.

Иккинчи хатдан кейин, қишлоқдагилар тилга киришди:

Штефан Качага хат ёзиб, болани чўқинтириш учун пул юбораман деганимиш, деб очиқдан-очиқ заҳарханда

қилишар эди. Аллақачондан буён қишлоқда күрінмай кетган Михал Валенчикни эсга ҳам олмай қўйдилар: овозаларга қараганда, у Жилина<sup>1</sup> қовоқхоналарида, тунги исловотхоналарда соғлом ақлиниңг сўнгти қолдиқларидан ҳам маҳрум бўлмоқда эди.

Якшанба куни туш пайтида Кача Веронка билан станцияга жўнади. Оппоқ чепеци<sup>2</sup> остида унинг катта кўм-кўк кўзлари содиқлик билан порлаб туарди, юзи-даги табассум билан бирга офтоб нури ўйнар эди.

Йўл ёқасида темир йўл излари узоқларга чўзилиб кетган. Излар кўёшда худди иккита катта илонга ўхшаб товланарди. Мана ярим станция — боқчада қип-қизил чинни гуллар очилиб ётибди, ҳар бир атиргул ёнидаги яшил тирговичда шишадан қилинган шар ярқирайди.

Уч марта қўнгироқ чалинди.

— Поезд тезда келадими? — деб сўради Веронка.

— Ҳа.

Ён-атрофида одамлар юришибди. Озода кийинган, кулиб турган Качага қарапади, кейин камситганнамо, фартуги остидан салгина туртиб турган қорнига кўз ташлашади.

Ўйноқи, буралиб-буралиб осмонга кўтарилаётган опоқ тутун кўринди ва бурилишдан поезд отилиб чиқди.

Поезд тўхтади.

Кача яшил вагонларга қаради — вагонлар топ-тоза ярқирайди.

Одамлар тушишди, поезд тутун ва буғларини ҳавога чиқариб, жўнагунича тўхтаб туришди ва бир-бирлари билан қизғин сұхбатлашиб, темир йўлдан ўтиб йўлак-кача чиқишиди.

Кача Веронка билан бир ўзи қолди. Станциянинг энг охиридагина, хозиргина поезднинг энг кейинги вагони кўринган ерда, кимнингдир орқасини ўтирган гавдаси кўринди... Балки у эмасдир-а...

— Адам келмадими?

Качанинг томоғи қуриб-қақшаб кетди.

— Кетами!

У Веронкани қўлидан етаклаб, кўчага қараб бурилди.

<sup>1</sup> Жилина — Словакиянинг шимолидаги шаҳар.

<sup>2</sup> Чепец — аёлларниң оқ сурпдан жимжимадор қилиб тишиладиган бош кийинми.

Улар темир йўл изидан ўтдилар, ҳар бир қадамидан енгил шамол тўзон кўтарар, қулоқларида, бошида, бутун гавдасида қандайдир ноаниқ шовқин гувиллар ва бу гувиллаш тобора ошарди. Бу ё қуюн, ё шилдираб оқаётган сувга, гўё одимга... аста-секин ташланаётган қадамга ўхшайди... Кача шошилар, унинг ёнида жажжи оёқлари билан Веронка тез-тез қадам ташлар, бошида эса ҳамон нимадир шовқинлаб, гувилларди...

Унинг қулоғига тўсатдан номи чалинди.

— Кача!

Бу овоз секин эшилди. Қаерда: Қулоғидами? Бошидами? Қалбидами? Ёки бу мушук сингари явор дарахтининг баргларига ишқаланаётган шамолми?

Яна қаттиқроқ овоз эшилди:

— Кача!

Она бола тўхташди. Кача ўгирилиб қаради.

У Качанинг олдида тураг эди, бир енги бўш, юзи даҳшатли чандиқлар билан тўлган, керик бурнининг абжаги чиқиб кетган, тикиб қўйилган лаблари эса сап-сарниқ тишларини бекита олмас эди. У кулишни истар, аммо, бу кулги Качани ҳам, уни ҳам йиғлашга мажбур этишини билар эди, Веронка эса бирон даҳшатли нарсани кўргандек ҳар қандай бола сингари, бақириб юборган бўлар эди...

Кўзларида қўрқинч; гўё бу кўзлар унга ишонишини илтимос қилаётгандек, у ҳақиқатан ҳам Франциядан қайтиб келаётган Штефан Падих эканлигига ишонишини сўраётгандек туюлар эди...

Веронка уни танимай йиғлаб юборди. Аммо, Кача ўлим даражасидаги ўз қўрқинчини босди, кўз ёшини ютди, бирон сўз айтишга тили бормади.

Бу нақадар даҳшат...

Кача қадам ташлаб борар, аммо, кўз олдида ҳеч нарсани кўрмас эди. Унинг калласи гувиллар эди. Мана унинг Штефани, у оиласи очлик ўлимидан қутқариш учун олам бўйлаб кетган эди, майиб-мажруҳ бўлиб таниб бўлмас ҳолда қайтгани учун у айбли эмас! У хотини олдига қайтди... хотини бўлса қандайдир фоҳиша каби қорнида бегона муҳаббат мевасини кўтариб юрибди... ва эҳтимол, Штефани шахтадан қонга беланиб кўтариб чиқаётган пайтларида, у бошқа кимсага розилик берганди... Кача, қанча азоб-уқубатлар, ўртаниш ва маҳрумгарчиликларга чидаб шу қунга етганлигини билса

ҳам, ҳар ҳолда ҳозир, худди ҳозирнинг ўзида эрининг оёқлари остига ўзини ташлаши, тиззаларини қулоқлаб бутун жаҳонга эшитдириб, бақириб: «Кечир!» дейиши керак эди.

Штефан кўз қири билан унинг оҳ чекувчи, ёлборувчи назарини кўриб қолди. Унинг абжағи чиқиб кетган юзида омон қолган ягона жисми — кўз қорачиғи Качанинг юзларига тушди ва дўппайиб турган қорнида тўхтади:

«Бу ҳақиқат гап экан-ку»— деб ўйлади у.

Фикрлар, ҳолдан тойган отдек, тик кўтарили... Ўзгаларнинг можаролари учун қувонувчи пасткаш одамлар, у Францияда экамидаёқ унга бундай деб ёзган эдилар: «Мана... сигиринг яна уйингда... лекин, хотинингни ҳам тоза судрадилар-да...» Ҳа, ёвуз одамлар шундай деб ёзган эдилар. Бироқ, бундай ҳукм чиқариш учун уларга ким ҳуқуқ берган?... У-чи? Унинг шундай ҳуқуқи борми? Унинг расвоси чиқиб кетган юзига шу қадар садоқат билан қараб турган бу кўзлардан қанчалар ёш оққанлигини у биладими? У яна Качага қаради. У йўл устида қуёш нурининг ёғдуси остида турар, унинг ҳали қуриб улгурмаган бир неча томчи кўз ёши қуёш нурида ярқиради, у ниҳоятда қисуцкича гўзал, бебаҳо ва соғлом эди! Штефан бу гўзаликни сезгир мажруҳ қалби билан фаҳмлар, нимадир юрагини тирнар эди.

У Качани севар эди. Бугун, эҳтимол юз марта кўпроқ ва кучлироқ севди... лекин, қалби ярадор паррандадек оҳ чекиб қичқирап эди.

Качага, Штефан мана шундай хўмрайиб жим тургач, тутиб олиб ура бошлайдигандек туюларди. Унинг ҳатто шундай қилишини истар ҳам эди,— юраги балки анча енгил тортган бўларди. У эрининг оёғи остига ўзини ташлаб: «Майли, истаганингча ур, фақат кечирсанг бўлгани» дейишга рози эди.

Кача ўқиниб-ўқиниб йиғлади. Унга аччиқ алам ва қайғуларга, таҳқирланиш ва жафоларга тўла ўтказган ойлари ҳақида айтиб беришни истар эди. Лекин, сўз то-полмас, фақат кўз ёшлари орасида қандайдир пойма-пой сўзлар эшитилар эди.

У Качанинг юзини силади. Ўзининг ғамидан йиғлаяп-тими ёки майиб мажруҳ бўлиб қайтган эридан қўрқиб йиғлаяптими, бунисини сўрамади, Ахир Качанинг бирги-

на сўзиёқ уян ер билан яксон қилиши мумкин эди. Штефанинг қалби алам билан сиқилди, кўзлари жиққа ёшга тўлди, у аранг эшитилар-эшитилмас ҳаяжонда овози титраб:

— Кача айт-чи, яна... илгаригидек яшаймизми?— деб сўради.

Кача йўл устида серрайиб қолди, садоқатли кўзлари унинг олдида ўзининг азоб чеккан бутун қалбини очиб ташлади. Гўё, гуллаб турган малина тебраниб кетгандек бўлди — умид учқунчаси миннатдорлик билан севинчли жилмайиш қўзғади.

— Уйда... сенга... ҳаммасини айтиб берамаи.

У эрининг даҳшатли юзига сўйкалди, қўлидан тортди. Улар йўлга тушганларида, дараҳт шохida қушча сайраб турарди.

1930.





## ИЛИҚ ШАМОЛ

**О**ртиқ бу тарзда яшай олмайман, Юстин.— де-ди Дора эндигина оғилхонадан чиқиб, даҳлиизда турган эрига.

— Тағин нима бўлди?

Юстин яқиндагина уйнга олиб келган ёни хотинига қаради ва унинг олдига келиб, забардаст қўллари билан маҳкам қучоқлади. У эрининг қучогида титраб-қақшаб тураркан, йифидан ўзини тутолмай кўз ёшиларини оқизиб, аччиқ-аччиқ сўзлар айтди.

— Ахир шу ҳам ҳаётми... шу-я? Ышдан ойда иккى марта келасан, сени кутавериб кўзларим тўрт бўлати, ниҳоят, келганингда эса, бегоналар олдида... сени қу-коқлаб ҳам бўлмайди, ўниб ҳам. Бошқа нарса тўғриси-да-ку... гап ҳам бўлиши мумкин эмас!

— Бегоналар олдиаси нимаси? — деб ажабланди Юстин.— Биттаси отамиз, биттаси онамиз бўлса, нега энди бегона бўлишаркан — ҳар ҳолда ўзимизникларку.

— Ҳа, ўзимизникларми, ўзимизниклар эмасми,— гап бунда эмас. Биламан, Юстин, тентакман, лекин уяламан, худо ҳақи бундай яшолмайман!— Дора ҳўнг-ҳўнг йиғлади.— Касал онанг түн бўйи ухламайди, ўринда сал қимиirlаб қолсанг— дарров эшигади; отанг ҳам... қари, кечаси кўп туради. Эрталаб турасанда, кун бўйи уятдан қаёққа қочиб қутулишингни билмайсан.

Дора йиғлаб кўз ёшларини оқизар, Юстин бўлса, нима қилишини билмай унинг ёнида тураг эди. Қора булутлар осмонда қаёққадир кетмоқда эди, балки, яқин ўртада қор ёғса керак. Кул ранг яланглик устида пастлааб, худди қора роҳибалар сингари қарғалар айланиб юрар эди. Юстин худди ёнида йиғлаб турган Дорани унутгандек, уларга қараб тураг, калласига ҳеч фикр келмас эди.

У узоқ вақт жим қолди.

Кейин ғадир-будур кафти билан Доранинг қўлтиғидан ушлади, кўз ёшларидан ҳўл бўлган юзларини силади ва у билан бирга уйга кирди.

Юстиннинг отаси, Ян Канис Брочно ёвузлик билан кулиб, саргайшиб кетган тишларини ғижирлатди ва заҳарханда қилиб деди:

— Ақалли бизнинг олдимиизда ялашмангиз!

Юстин Доранинг қўлини қўйиб юборди; шипга етадиган баланд бўйи билан отаси олдида тўхтади ва унга эгилиб, совуққина муомала қилди:

— Сиз жим бўлсангиз ҳам бўларди, падар! Уялаётган бўлсангиз орқангизни ўгириб тура қолинг. Бизнинг... аралашманг, шундай ҳам бу нарсаларнинг ҳаммаси ўчун сиз айблisisiz!

Бундай зарбани кутмаган чол ҳаяжонидан турган ерида серрайиб қолди, қўлларини пахса қилиб:

— Қандай қилиб... мен... айбли бўламан?— деди.

Кескин равишда қаддини тиклаб олган Юстин қоронғи хонанинг у бошидан-бу бошигача уч қадам ташлади ва илгаригидек тажангланиб деди:

— Қаерда — бир хонадан иборат уй солинади. Кимникига борманг — ҳамманикода икки хона, омборхона

бор. Фақат бизникидагина... ҳаммамиз бир уйда ухлай-  
миз... булинг устига чўчқа болалари билан бирга.

Чолининг юзида нимадир титраб кетди.

— Балки пул берарсан? Кел, икки хоналиқ қилиб  
қураїлик. Бири бизнинг учун, иккинчиси — ёш... жаноб-  
лар учун. Хўш? Кўкламда бошлай оламизми?

Кулги худди лойқа балчиқдек унинг оғзидан оқиб  
чиқарди.

Уйда ноқулай жимлик пайдо бўлди.

Ўчоқдан янги қиринди ҳидлари келиб кетди, ўчоққа  
қириндилаарни Дора тиқиб қўйган эди. Адашиб қолган  
пашша шипдан учиб тушиб, қанотлари билан столга  
урилди-да, ғинғиллаб, тўппа-тўғри печкага қараб бу-  
рилди.

— Дора!

Келин қоронги бурчакдаги ўринга қараб югурди,  
унда ориққина гавда қимирлар эди.

— Нима ойижон?

— Печкага... кўпроқ... ўтин қалай оласанми.

Канисова кучланиб гапнрганидан қаттиқ йўтал тутиб  
қолди. Устидаги пар тўшак худди темирчининг босқони-  
дек қалтирас эди. Канисова тупуриб, ўз касали билан  
ҳавони бузар, унинг шағамдек сап-сариқ ингичка қўл-  
лари титраб-қақшаб, каравотнинг ғижирловчи тахталари-  
га ёпишиб олар эди.

Бу қаттиқ азоб берадиган минутлар эди.

Ян Қанис Брочонинг уйи Кичеранинг бир бурчагида  
эди. Қўйлар учун ҳатто гиёҳ ҳам ўсмайдиган Кичера  
устида қиши ва кузда ғамгин булутлар пастлаб, ўзининг  
кўкимтири нам пўстинини тараб сузиб ўтарди. Кичера  
қашшоқ қишлоқ эди: Ян Қанис Брочонинг уйчаси ҳам  
худди шундай қашшоқ эди.

Чол уни янги уйланган вақтида қурган эди. Ўзи бат-  
рак бўлганидан, хотинликка ҳам батрак қизни олган  
эди. Уларнинг муҳаббати ҳам шундай камсуқум бўлга-  
нидан бу муҳаббат учун ҳар қандай қоронги ҳужра ҳам  
кифоя қилас эди. Шу сабабдан Қанис уйни бир хонадан  
иборат қилиб қурди, уйни оғилхонадан даҳлизигина ажра-  
тиб турар, ён томонига эса қолдиқ материаллардан қаз-  
ноқ қурилган эди. Бундан ортиғига унинг кучи етмас эди.

Ҳақиқатан ҳам энди жой торлик қиляпти. Юстин  
уйланди, энди икки каравот керак. Бири эшик олдида  
турибди,— унда ёшлар ухлашади. Иккинчиси унга қар-

ши бурчакда турибди,— унда чол ўзининг бемор хотини билан ётади. Учинчи бурчакда — катта печка, кейинги бурчакда эса — Кисуцедаги оч уйларда ортиқча безак бўлгаи стол турар эди. Бир қадам қўйиш билан уйнинг ўртасига кирасан, иккинчи қадаминг билан кўчага чиқсан. Ян Қанис Брчога, хотининг, Юстин ва Дорага ҳаво ҳам, уй ҳам камлик қиласар эди.

Юстин билан Доранинг муҳаббати ҳам машақатли муҳаббат эди.

Юстин уйлангандан бир оз вақт ўтар-ўтмас Острава<sup>1</sup> да ишловчи ҳамқишлоқларини учратиб қолди.

— Биз билан юра бер, Юстин, сенга ҳам иш топилиб қолар.

Юстин иш қидириб, улар билан бирга жўнаб кетди.

— Шундай қилсак яхши бўлади,— деган эди ўшандага у Дорага:— Ўз нонимни ўзим ишлаб топаман, озгина картошка оламан деб шу бир парча ерда урина бериш ярамайди, сизлар менсиз ҳам ўзларингизни эплай ола-сизлар.

Ғишт заводидан иш топилди. Энди Юстин ун ва нонга халтасини тўлдириб уйига ойда икки марта келар эди. Чўнтағида бир неча крон жингиллар эди.

· Аммо, Дора халтага унча эътибор қилмас эди.

У ёш жувон эди.

Юстин кечқурунлари уйига қайтаётганида Дора уни кутиб олиш учун ойинга икки марта йўлга чиқар, тол новдасидан тўқилган чирик чаврадан айланиб, дараҳтсиз яланглик бўйлаб чопар ва тепаликдан йўлни иккига ажратиб турган қора крест турган жойга қараб шамолда учган пардек югурап эди.

Бу йўлдан Юстиндан бошқа ҳеч ким қайтмас эди. Пастқамликдан қоронги осмон фонида юлдузлар томон унинг гавдаси пайдо бўлаёзганида, ўткир шамол Дорани қуриган баргдек учирар ва олға, унинг иссиқ қучоғида қор каби эриб кетиш учун у келаётган томонга ҳайдар эди.

— Юстин!...

У Дорани қучоқлар ва қисқагина қилиб:

— Уйга кетайлик!— дер эди.

Бир куни, унинг қучоғидан чиққач, Дора турган еридан силжимади. Ердан ўт ҳиди келар, шу яқиндаги ўр-

<sup>1</sup> Острава — Чехословакиядаги йирик саноат маркази.

мон гувиллар эди. Ўрмон устида, июндаги майсазор каби яшиаб, осмон кўриниар эди. Қорамтирик кўк ҳаво муҳаббатга тўлиб тошган эди.

— Нега туриб қолдинг? — деб сўради Юстин ҳоргин ҳолда ундан.

У жавоб бермай эрининг бўйиниг ёпишиб олди. У оғир ва роҳатбахш гавда эди.

— Сенга иима бўлди, Дора?

— Шу ерда озгира ўтирайлик...

Халта тап этиб ерга тушди. Улар ўт устпга ўтириши... Уларниң иссиқ-иссиқ нафас олишигиниа эшишилар, қаердадир шу яқинда чигиртка чириллар, қора крест осмонни тўрт қисмга бўлиб турар эди.

Улар устида мовий қўнгироқча жингиллар, уларниң ўзи ҳам, худди қўнгироқ бўлиб қолган эди, гўё ўйнаётган юрак шу қўнгироққа урилиб садо берарди.

Улар ўринларидан турганларида, Юстин сўради:

— Нега бунакасан... Дора?

— Шундай...

Йўлда борар эканилар, у Юстиннинг елкасига астагина сўйкалиб, қўшимча қилди:

— Ўйда... тиқ этсант ҳаммага эшишилди. Уляганинг дан қимирилай олмайсан,— у аччиғидан қўлларини боши устига қўйиб қисирлатди.

Ёз ўтди ва куз ўзиниң совуқ ёмгири билан ҳамма ёқни нам қилди. Ўрмон яқинидаги айрилиш жойда, ифлос кўлмак сувда юлдузларниң акси кўринниб турадиган ерда, эгилиб кетган крестгина уйига қайтаётган Юстинга қўлини чўзар эди. Туман сув устида тўпланиб, олхўри ва ясень дараҳтлариниң шохларини қоплаб олар, шумурт мевалари дастлабки совукларини кутиб турган тепаликларниң ён бағирларини ўпид ўтар эди. Ғам-ғуссага тўла кунлар, чолларниң соч-соқоли каби оқармоқда эди.

Дора яна ҳам кўпроқ гурбатга тўлди, унинг қалбини шу кунгача кўринмаган ғазаб ўти эгаллади. Ёш тандаги қайноқ қон жўш урар, ойда икки марта одамни мастилтувчи қучоқларда яшнайдиган муҳаббат эса, уларниң Машаққатли эр-хотинчилигининг ғижирловчи ўринларида таҳқирланган ва тупурнилган ҳолда топталиб ташлангандек туялар эди.

Ҳавоси ниҳоятда бузилиб кетганидан ухлаб бўлмайдиган уй битта каттакон қулоққа айланиб қолган

әдиккү, бу қулоқ ҳар бир шубҳали тиқ әтган товушдан диккаяр эди; қаршидаги бурчакда қуруқ йўталдан титраб-қақшаб Канисова ётар, йўтали тутганда Ян Канис Броҳ уйғониб кетар эди: у ўз-ўзича пўнгиллаб, трубкасини ёндирап ва деярли бутун тун бўйи тамаки чекар эди.

Дора танасидан чиқаётган ўт ёнмоқда эди. Тим қоронгида у бор бўйинга чўзилиб, кўзларини катта-катта очиб ётар, қайноқ қони худди нина бўлиб, бутун танасига санчилар, кўз ўнгидан эса эсда қолар-қолмас даҳшатли манзаралар пастқамлиқдаги туман сингари гавдаланиб ўтар эди. У ухлаб ётган Юстиннинг пинжига кириб кетар, эри уйғониб кетиб, уни қучоқлашга уринса Дора каравот тахтасининг гижирлаши ва похолнинг шатир-шутури ўрнини норози кексаларнинг пўнгиллаши олмай қўя қолсин, деб, унинг қўлини ўзидан нарига суринб қўйиб, қўрқа-писа четроққа сурилар эди..

Узундан-узоқ куз кечалари шу равишча аччиқ-аччиқ машаққатлар, руҳан эзувчи ички йиғи-сиғилар билан ўтар эди. Тонг отиш пайтининг фира-шираларнда эса кўзларни чақнаб турган Дорани оғилхонанинг гижирловчи эшиклари ёнида учратиш мумкин эди, у зифир ёғидек кўнглига теккан иш билан банд бўларди.

Душанба кунларни, эрта тонгда Юстин поездга тушиб, ишга кетар эди. Кунлардан бирида Дора уни кузатар экан, қоронгида унга ёпишиб олди-да, қулогига аста шивирлади:

— Юстин!

Лой бўлиб кетган ерга ёмғир томчилари томмоқда эди. Совуқ тунда сувнинг ёқимсиз шариллаши зўрга эшистилар эди. Юстин эшистилар-эшистилмас сўкинди.

— Тағин нимага...— деди худди занжирдаги итдек тишини гижирлатиб.— Жим бўл! Ажойиб одамсан-да! Олам бўйлаб югуриб, бир крейцер учун ўлиб-қутуламан, уйга келсам, хотинимми, бошқами... билмайман. Кимга тегаётганингни билар эдинг-ку... Бу ерда саройлар қуришмайди!

Ёвуз уюрма унинг қалбини тилкалар эди. Тепаликкардаги уйлар ҳали мудроқда, узоқ шарқда тугилаётган сокин, ёгин-чочинли кун қўйинида одамлар дам олмоқда, у бўлса елкасига халтасини осиб, шилта бўлиб кетган ўйлаб поезд томон шипиллаб, Остравага, унинг ис босган кўчаларига, сариқ лойига, ишчиларга

кўп азоб берувчи ифлос баракиға қайтиши керак... Бу барак худди корабль сингари ҳар кечада Витковице<sup>1</sup>даги пеҷлар алансасида сузар эди.

Бошқалар мұхаббат эркалашларидан баҳраманд бўлиб тинч ухламоқда, у бўлса эр хотинлик баҳтидан тўйиб-тўйиб ором олмай, узоқ муддатга хотини олдидан кетмоқда.

Юстин икки ҳақиқат ўртасида туради: «Биз бундай яшай олмаймиз, ахир бу уят-ку...»—деб ишонтиради Дора. Отаси бўлса-чи, шартта кесиб: «Пул бер, иморат қурамиз...» дерди. Лекин, унинг Юстиннинг ҳам ўз ҳақиқати бор, унда бу ҳақиқат туғилмоқда ва ёш, забардаст баданинг қаймоғи билан тўлмоқда эди...

Кунлардан бирида нам булутлар тепаликлар устидан паствлаб учиб, қуриб қолган ҳар бир ўтда ғамгин шабнам томчилари осилиб турганда, ивиб кетган йўлларининг шоҳлари акс этиб турганда, Кичера устида кампир Канисованинг йўтулиши ўрнига дағн қўнғироғининг овози эшитилди. Кишилар уйларидан югуриб чиқиши, хотинлар шошиб-пишиб чўқинишиди:

— Канисовадир...—дейиши.

— Бечора... ҳатто Юстин ҳам йўқ...

— Раҳматлик жуда қийналиб ўлди-да.

Канисовани қизғиши қарағай тагидаги мозорга кўмишиди. Бош томонига ёғоч бут қўйдилар. Юстин якшанба куни уйига келганда, унинг онаси ер остида ётар эди. Эри-хотин қабрни зиёрат қилдилар. Қарағай дарахтларининг у шоҳидан-бу шоҳига читтаклар учнб ўтар, дарахтларининг учиди эса кўкимтири осмон осилиб турар, агар бу дарахтлар бўлмаганида, бўртган, оғирлигидан худди ерга ағдарилиб тушадигандек эди.

Юстин ҳам, Дора ҳам чурқ этмадилар.

Уларнинг ҳар бири уйга мотамсаро жимликда ўз кечинмалари билан қайтмоқда эди. Уй айниқса бўш ваташландик бўлиб кўринди. Ерга қўйилган қадамнинг овози чиқмас, ҳар бир сўз уйнинг қоронги бурчакларида йўқ бўлиб кетар эди, шу нарса ғалати элики, улар худ-

<sup>1</sup> Витковице — Острраванинг райони, бу районда Чехословакиядаги энг йирик металлургия комбинати бор.

ди пастак шипнинг теварагидан ўтган кесма ходаларга тегиб урилишларидан қўрқанларидек, жимгина бошларини эгар эдилар.

Шу равишча, худди сув остида яшагандек жимгина яшадилар.

Энди Дора уйда чол Канис билан қолди.

Жимлик ҳамма нарсага оғир кўкимтирир чангдек ўтириди. Гарчи улар сўнгги картошкани биргаликда ковлаб олган бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда уларнинг ҳар бири жимгина ўз йўлидан борди. Уй ниҳоятда файзсиз бўлиб, хувиллаб қолган эди.

Кампир Канисованинг ўлими Дорани учча ачинтирамади. Унинг учун бу ўлим фақат енгиллик келтирган эди, холос, эндиликда кечалари у ҳар минутда ўрмондаги қуриган шохнинг худли шарақлаб ёрилишидек овоз чиқариб ўйталмайди, демак эди.

Ян Канис Брчо ишончсизлик билан пастқам ўрадек бўлиб қолган уйидан тимискиланиб чиқиш йўлини қидирар экан, Дора тамомила бекалик ролини эгаллаб олган эди. Гарчи кейинги вақтларда Доранинг бағри тош бўлиб кетган бўлса ҳам, аммо, уни ўраб олган жимликда Дора яна ўзининг тушкунлик кайфиятидаги тушларига ва орзуларига йўл қўйиб берди. Унинг бундай кайфият ва орзуларга тўлиб-тошган ёш танаси кўкламдаги дараҳт шохи каби уйғонгандек бўлди. Хўрсенишлар билан бўлинниб турган узоқ тунлари астойдил ширин истакларда у бىлан бирга ғарбга, Остравага борар эди.

Бошқа ишчилар билан бирга Юстин яшаб турган барак, денгиз бўрони қирғоққа чиқариб ташлаган кемачининг бир уюм парча-пурчаларини эслатар эди. Куз шамоли баракнинг юпқа тахта деворлари орқали осонгина ичкари кирав, эрталаб яланг ер устидан оппоқ тутундек бўлиб сузиб борувчи тумаң, томдан совуқ томчиларини ичкарига тўкар эди.

Ишчилар нотинч тушларни гижирлайдиган, шалаги чиқиб кетган сўриларда ўтказар, эрталаб эса изтироб билан иш шамоли тебратиб турган баргсиз дараҳтдек, саринқ балчиққа тушиб ишлаш учун, лаънатлар айтиб ўринларидан тураг эдилар

Баракни супуриб-сидирувчи аёл ифлос ошхонада бе-

маза овқат пиширап, кечқурунлари эса оч ишчиларни илтифот билди кулиб қарши олар эди. Унинг Грета деган қизи бор эди. Ким билсин, бу бузуқ аёл уни кимдан органдирган ва қачон туққан...

Грета туиги шабнам тегиб ўтган кўклам гулига ўхшар эди. Унинг нозик гавдаси, хушбичим оёқлари бор эди, у қўллари билан ёш йигит севгилиснинг елкасига тегаётгандек, эҳтиётлик билан нарсаларга тегар эди. У бутун гавдаси билан худди уватлардан тамакисимон булутлар ҳиди келиб турадиган ва ер ости қўнгироқлари каби жингиллайдиган июнь кечаларининг гунафашасимон қоронғилигига ўхшаб, ўзининг ички ўтидан, ҳароратли чанқовидан ёнар эдикки, бу талабни қондириш ҳарсафар фақат янги истакнигина ўйғотар эди, холос. Острава тунлари унинг кўзлари остини кўкиш ҳалқалар билан безарди.

— Хотинингиз бормий? — деб сўради у бир сафар ишдан қайтган Юстиндан ва унинг сув парисининг кўзларига ўхшаш кўзларида оловлар ёниб кетди.

У белкуракка ўхшаган қўлларини чўнтакларига тинкиб бесўнақай, келишмаган ва ажабланганича бу хотин олдида турар эди, чунки бармоқларидаги тирноқлари ва кафтидаги ёриқлар орасида доимо қуриган соғ тупроқ лойининг қолдиқлари ётар эди. Унинг шамолда қорайган дуб дарахтининг пўстлоқлари рангига ўхшаш ва кескин қиррали юзлари жимиirlаб кетди. У ўзининг Дорасини, унинг қалпоқчаси остида ва хотинлар рўмоли остида яшириниб турадиган гўзаллигини эслади, ўзининг содиқ, соддагина Дора ойини эслади ва истар-истамас.

— Нима дедингиз... — деди.

Хотин, ҳар қандай эркак ўзи учун таҳқирланиш ва уят деб ҳис қиласидиган сохталик билан кулди, қаноатлангансимон чапак чалди, ёқимсиз равишда қаҳ-қаҳ уриб, кишини ўзига тортадиган ноз-карашма билан ошхонага кириб кетди.

Юстин ажабланниб, турган ерида қотиб қолди. У ўзида кишини ўртовчи истак ҳис қилди: қизча унинг устидан кулмоқда, шу билан бирга ўзининг маст қилувчи, туиларни эслатувчи эҳтирос тўла кўзлари билан уни сб қўйгудек бўлмоқда.

Юстин қўлинин мушт қилиб қисди.

Шу пайтдан бошлиб Юстинни илгарилари сезилма-

таги нотаниш ҳис эгаллаб олди. Гретанинг кулгиси унинг қалбидаги ўтни уйготди, қалби мотордек туриллар ва пишиллар эди. Қуч-ғайрати уни ишга отлантирас, ишдан қайтар экаи, Юстин эски баракнинг дабдаласи чиққан остонасига унча дадил қадам қўймас эди. У Гретага дуч келишдан қўрқар, шу билан бирга, башарти кўринмаса, ичида қандайдир бўшлиқ ҳис қиласр эди.

Кечқурунлари ишчилар ётгач, Юстин шаҳарга қараб йўл олар эди; Трамвай юришидан ер ларзага келар, асфальт бўйлаб чопаётган машиналарнинг шиналари шиниллар, улар атрофида одамлар ўрмон сингари шовиллар эди. Кўчалар электр нурлари билан яшнар, баланд кул ранг бинолар устида мартаен ва домна печларининг қон ранг оловлари ёнар эди. Острава ҳайқирав, кўзни оларлик даражада ярқирав ва қайнар, пастда, қоп-қора шахталарнинг бурчакларида эса кўмир қазувчи машиналар ғижирлар, динамитлар портлар ва шахтёрлар чўкичи қоп-қора кўмир қатламларини парчалаб туширап эди.

Қатта кўчалардаги ресторонларнинг ғазамат ойналари чироғлардан порлар, деразалардан дўмбирадарнинг шовқин-суронида скрипкаларнинг бўғиқ овози аранг эшитилар эди. Фира-шира қоронги кичик кўчалардаги пивохоналар, дансиглар ва шубҳали кафеларнинг чақиравчи чироқлари порлаб турар эди. Хотин-қизларнинг аранг кўзга илинадиган шарпалари тим қоронгиликни жимгина ичкарироқ сурар, ноз-карашма билан пичирлашлари, маст-аластларнинг шовқин-сурони ва гармонларнинг ҳайқириги тез-тез жимликини бузиб турар эди.

Пивохоналарнинг эшниклари очилар, Юстинга, аниқлаб бўлмайдиган ғалати товушлар: музика, кулги овозлари, шовқин-суронлар эштилар эди. У ердан гандираклаб кўзларида тун сирлари яширган эркак ва хотинлар чиқар эди. Острава қайнамоқда, Острава танца қилимоқда, Острава сурон қўтармоқда эди. Энг узоқ бурчакларгача бориб етаётган ва жон-жаҳд билан қилинётган бу олаговур қабр устида турган тентакнинг мудҳиш қаҳқаҳасига ўхшар эди.

Ер остида эса ишчилар қора кўмирии қазишмоқда, кўчиришмоқда ва майдалашмоқда эдилар...

Бир куни Юстин кечқурун уйга қайтаётib Гретани учратди. Икки тавақаси ланг очилиб кетган шовқин-суронли кафе эшигидан куч билан чиққан Грета маст

ҳолда оёқларини кериб, зўрба-зўр турар эди: унга суюнганича қандайдир бир киши уни қучоқлаб турар эди. Кейин улар бир-бирларини ушлашиб, тун қоронғисида йўқ бўлдилар.

— Мана сенга Грета!.. Заб одам экан-да!

Юстин ҳайратини ичига ютиб, асабийлашганича оғир солдат ботинкаси билан бир-бир қадам ташлаб, барак томон йўл олди.

Кейинги мояна тўлашда кутилмаган янгилик ишчиларни ҳайратда қолдирди:

— Иш ҳақи камайтирилади!

Контора эшиклари олдида қора ҳалқ пишқирап, эркакларнинг ғазабланган овозлари гуркирап, жонжакҳад билан хотин-қизлар шам ҳавода ғамгин қўл силтар эдилар. Ана шу ҳаракатсиз турган одамларнинг кўпдан-кўп оқими, ерга қоқилган мустаҳкам қозиқдек эди.

Осмонда тутун пайдо бўлди, сукутли ва ғамгин булутлар эндигина тўпламоқда, ҳақиқий бўрон эса шу ернинг ўзида эди, ишчиларнинг чимирилган қошлари остида пайдо бўлаётган фикрларини юлиб-юлқиб, олағоворуда юрган хотин-қизларнинг юбкаларини ҳилпиратар, чўф бўлиб кетган кўмир майдаларини кўзга келтириб урад эди.

Ғазаб тўлқини муштларига қисилган қорачақалар терлаб кетган ишчиларни баракларга ҳайдар, бироқ, бу тўлқин ҳар томонига ёйилиб кетган бу кишиларнинг ҳаммасини ягона норозилик туйғуси билан жипслаштирас эди. Азоб чеккан гавдалар бугун одатдагидан оғирроқ туюлар, оёқлар эса қуриган ўтларнинг поялари қаби букилар эди.

Чадцага борувчи поезд бузилган, сийқаси чиқиб кетган изларда бугун айниқса суст попиллар эди. Лойга қорилган йигитлар, тамаки тутуни орасида тумандаги харсанг тошдек ўтирас эдилар.

...Забастовка эълон қилиш керак,— деб исбот этар эди, Юстинининг ёнида ўтирган йигит...

Юстин иш ташлаш нималигини ҳали билмас, бироқ бирон нарса қилиш зарурлигини, бирон нарсага эришмоқ кераклигини ҳис этар эди: қўллари худди қора ёғ сурган тарашага ўхшар эди: бутун ҳафта бу қўлларни ишга солиб, ҳорийсан, тегадигани эса мана бу! Халтада бир парча нон, чўнтакда иккита сариқ чақа.

— Иш ташлаш керак, иш ташлаш!

— Мана бу тўгри!..

— ...Бўш келмаслик керак... ўртоқлар!

Юстин бу сўзларни тез-тез эшитар эди. Бартек — газета ўқиб берадиган киши—шундай дейди. Ҳамма ҳам Бартекдака эмас...

Поезд шовқинида ва гап-сўз олағовурида Кубала-шинг овози эшитилди:

— Иш ташлаш билан ишга ёрдам бериб бўлмайди...  
Мен қаршиман!..

— Шу гапдан кейин хотинсан!—Кубаланинг сўзини бўлди Бартек, қолганлар уни қўллаб-қувватладилар.

— Сен текинга ҳам ишлайверасан, биламиз...

— ...Хўжайнинларнинг қўлни ҳам ялайсан...

— Туф, итга ўхшайсан-а!

Ҳаво аста-секин қуюқлашди: вагонда тер ва тутун тобора кучлироқ сезилар эди.

Поезд тўхтаб, бир неча қора гавдани тушурди.

Уларнинг деярли ҳаммаси бир томонга, қишлоққа қараб йўл олишди. Бу ерда, тоза ҳавода, узуқ-узуқ, забли шовқинлар узоқларгача эшитилар эди, одамларнинг ич-ичида ғазаб ўти қайнар эди. У ерда азм-қарор майдонга келмоқда эди.

Бартек билан Юстин ҳаммадаи узоққа кетишди.

— Сен, Юстин, нима дейсан?

Бартек унга қўзини тикди, Юстинда худди шундай хис пайдо бўлдикни, гўё уни силаб сийпаламоқда эдилар. Қизиқ! Ундан, тажрибасиз одамдан маслаҳат сўрайдилар!

— Нима ҳам дердим... иш ташлаш керак. Ҳар қандай бўлганида ҳам деди.—Бу пайтда у бундан бошқача жавоб беролмаслигини яхши билар эди.

Улар ёйма-ён борар ва иш ташлаш ҳақида гаплашар эдилар. Тўғрироги, Бартек гапирав, Юстин эса қулоқсоллар эди. У ҳар бир сўзни иштиёқ билац тингларди, унига қандайдир янгилик мускулларни тараанг қилаётгандек, пешонасига ажин солаётгандек ва ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяётгандек туюлар эди.

— Биласанми, бушинг учун ишдан ҳайдашлари мумкин?

Юстин кўзларини қисиб, Бартекка диққат билан қарди. У ҳақ гапни айтган эди. Аммо, Юстин ўзининг моянаси ҳақида ўйлаганида ва ҳар қандай ишга ярайдиган ўзининг катта-катта дағал қўлларининг

оғирлигини ҳис қилганида, у иккиланмай жавоб берди:

— Ҳайдай қолсингилар... Бошқа иш топамиз...

Бартек Юстин билан хайрлашар экан, унинг елкасига қоқиб:

— Тўғри, ўртоқ. Фақат қўрқмаслик керак. Бир киши ҳамма учун... бир қадам ҳам орқага қайтиш йўқ!

Бу оддий газета ибораси эди, лекин, бу сўз Бартек оғзидан эшитилар экан, у асосли ҳақиқатга айланган эди.

Үйда Юстинни янгилик кутар эди.

Канис хотинининг ўлимини тезда унуди: кейинги вакътларда уни теваракдаги тепаликларда аллақачондан бўён эсиб турган, эндиликда эса ушинг кичкина қалбига ҳам йўл олган қандайдир ёввойи қуюн қоплаб олган эди.

Иил бўйи деярли беҳуда меҳнат қилинадиган Кисуценинг тошли ерларида кишилар ичкиликка берила бошлади.

Доимо ўша қашшоқлик авж олган ерда кўпроқ ичкилик ичилади. Лекин, пулсиз ичиб бўлмайди-ку. Одамларни боқиб турган ягона тўқимачилик фабрикаси ишламайди, унинг бирорта ҳам ғиддиракчаси айланмайди. Ғиддираклар ҳам эндиликда йўқ—уларни панлар<sup>1</sup> олиб кетди. Ўшандан бери бахтсизлик тошқин каби бутун ўлкага ёйилди. Бўш чўнтак ва оч қории билан нима қилишни билмаган одамлар, аламларни денатуратдан ола бошладилар, бу қизғин истак бутун оч ўлкани эгаллаб олгаёт, панлар сургуч печатни ишга солдилар, ишга солганда ҳам керак нарсани қилмай, балки, бошқа иш қилдилар: денатурат сотишни тақиқладилар.

Эҳ, панлар, панлар! Бошга мих қоқмоқдасиз!

Тепаликдан ошибб, ўрмон орқали юрилса — Силезияга чиқилади!

Силезияда истаганча спирт топилади.

Чегарада йўл бўйлаб жандармлар юради. Қоронги ўрмонлар, чекка ерлардаги сўқмоқлар орқали контрабандачилар ўтади. Кисуцега денатуратни яширинча келтирадилар ва ҳар бир флягаси авантюристларнинг дадиллиги билан ярқирайди ва яна ҳам қиммат туради.

<sup>1</sup> Пан — поляк помешчиги.

Силезиялик савдогарлар Қисуце жўчаларида изғиб юрадилар. Ёғ ва тухум олиб кетиб, спирт келтирадилар. Ақлли одамлар бойимоқда ва уларни боқаётган давлат печатини масхараламоқда.

Фабрика бекор турганидан деворлари ёрилмоқда...

Канис ҳам кейинги вақтларда шу касбга берилиб кетди. Унинг олдига Силезиядан тез-тез нотаниш одамлар спирт келтиришарди. Канис тун қоронгиларида йўқ бўлиб кетар, хутордагиларнинг камбағал кулбаларига спирт ташир эди. Улар эса кувачалардаги ана шу сассиқ бўрдага ҳар бало ва шакар қўшиб қайта қайнатар эдилар.

Жандармлар тепаликларда кезар, туманда титраб-қақшар, ифлосларга булғаниб, хўжайинлари билан дарвозалар олдида тўхтар эдилар.

— Ҳа, чол, ҳосилни йиғишириб олиб, яхши яшаяпсизларми?

Хўжайинлар бўлса маст кўзларини қисиб кулар ва:

— Ҳа, яхши яшаяпмиз! — дер эдилар.

Оғиздан, кўнгил айнатувчи қўланса ҳид, паға-паға тутундек бурқиб чиқар эди. Ўрадаги озгина картошка тўғрисида-ку ўйлашнинг ўзи даҳшат эди...

Хўжайинлар, аравакашлар, дараҳт кесувчилар, хотинлар ва ёшлар—хулласи ҳамма ичар эди...

Дора Юстин қайтадиган шанбада уйда ёлғиз ўтирас эди. Унинг бутун борлигини, кутишнинг ширин ҳиссиятлари эгаллаб олган. Кўзлари чиройли юзида юлдуздек чақнар, соchlари эса қалпоқасининг остидан итоатсизлик билан чиқиб тураг эди. Кўкрагидаги қўли севгилисининг қўлларидек енгил эди. Оёқларичи... оёқлари қиялик бўйлаб ўша азиз тепаликка чопишга тайёр эди. Ёмғир остида шамол билан ўрмон гувиллайди... ахир бугун Юстин қайтади-ку!

Канис уйда йўқ эди, у уйда тунамаса керак... Унинг тоқатсизлиги чекига етиб, бир минутдан кейин эрини кутиб олиш учун югуришга тайёр турганда, ҳовлида оёқ овози эшитилди.

«Юстин!»—дилидан ўтди, ҳатто қувончидан қизарниб кетди.

Канис, унинг кетидан нотаниш эркак ва бир хотин уйга кирди. Силезиядан келишибди. Улар қофоз ва похолга ўралган спиртли идишларни чиқаришга тутиндилар. Кейин хотин юбкасини кўтарди-да, яна иккита

шина олди: улар оёклари орасига яшириб қўйилган эди.

— Мана буниси сузилгани,— деди бўғиқ овози билан кула-кула, шишаларни столга қўяр экан.

— Ҳа, қимматроқ бўлади-да!— тўнгиллади шу заҳотиёқ «отиб олган» Канис.— Бунақангиси икки ҳисса аччиф бўлади, дейишади.

Спиртдан маст бўлган ва контрабанданинг муваффақиятли чиққанидан хурсанд бўлганидан ҳаммалари кулишар эди. Фақат, Дорагина қоқиб қўйилган қозиқдек кўзларини катта очиб серрайиб турар, гўё тараша билан бошинга туширишгандек эди.

— Ҳа, мунча бақраимасанг?— деб ўшшайди Канис.— Бор, тузланган чўчқа ёғи келтири!

Дора миқ этмай турар эди.

— Ҳа? Эшитмадингми? Озроқ похол ҳам ола кел, меҳмонлар бизницида тушашади.

Шу пайт эшик олдига келгап Юостин отасининг қандай буйруқ қилаётганигини эшишиб, бир сакраб уйининг ўртасига кирди ва бутун ғазаби билан столга муштурди:

— Ота!

Меҳмонлар шоша-пиша қоронғи бурчакка чекиндилар. Канис хўмрайди ва ўғлига унча дадил қараий олмай, пўнгиллади:

— Нима қилмоқчисан?

— Сиз-чи энди бу ерда... бу ярамаслик билан?— Юостин қатор турган шишаларни кўрсатди.— Текин томоқликни... Мендек қийналиб эмас, осонгина пул топишни истадингизми?.. Столда турган катта, кенг кафти тошдек қаттиқ мушт бўлди.

— Нима қилмоқчисан?..—такрорлади кекса Канис, оёклари бўшашиб, лойдек эгилар, калласидаги фикрлар эсачувалашиб кетган эди.

— Булатиңгиз билан жўнаб қолинг...— деди Юостин шишаларни кўрсатиб,— бўлмаса ўзингиизга ҳам, бизга ҳам бахтсизлик келтирасиз!.. Туновчиларга, контрабандчиларга ҳам бу ерда жой йўқ!

Канис ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлди. У бутун дунёга жар солиб, бу менинг уйим, бу уйда ёлғиз менгина буйруқ бера оламан, демоқчи бўлди-ю, лекин, меҳмонлар тўполон чиқишини истамай, спиртни олиб, секингина ташқарига чиққанликларини кўриб, ёғ босган шляпасини

бошига киёди-да, муштини Юстиннинг қоқ бурнига рў-  
барў қилиб, бақирди:

— Ҳали, тўхтаб тур!— дели ва қоронгилик томон  
югуриб чиқди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Дора ўрин солди, Юстин чироқни ўчирди. Қоронги  
дарров қуюқлашди. Трубада, худди катта одаминиг кўк-  
рагидан чиққандек, хўр-хўр этиб шамол эсмоқда эди.

Тинч ўйда уларниг ўзлари ётар ва чурқ этмас эдилар. Қизниги шундаки, бу пайтии шуидай зориқиб кутган  
Дора, бугун гўё ўз ҳаяжошини унугтандек, ҳислари қо-  
тиб қолгандек, эди. У Юстиннинг қаандайдир бошқа  
тусга кириб ғазабли ва айни вақтда илтифотли  
бўлиб қолганини, кечқурун пайқаган эди. У буларниг  
сабабини тушуна олмас ва қўзиҷоқдек жимгина ётар  
эди. Юстиннинг иссиқ-иссиқ нафаси юзига тегди.

— Эшитяпсанми, Дора?.. Отам бу иш билан кўпдан  
бўён шуғулланадими?..— деб сўради Юстин.

— Ҳа... Кейиниги сафар уйдан кетганингдан бери.  
Ўзи ичмаса ҳам майли эди.

— Кўп ичаётирми?

— Ҳа.

Улар жим бўлишди. Туни ашула ва гармон овозлари  
билан янгради. Йигитлар қизлар олдига кетишяпкаш  
бўлса керак. Ашула ва гармон овозлари бир-бирига қў-  
шилиб кетар, тепалик ва ўрмонлар устида янграр, қиз-  
ларнинг хоналарига бориб ётар эди. Деразалар очил-  
моқда эди.

— Дора...

— Нима?

— Бугун мен келтирган пулни эҳтиёт қил. Бекорга  
сарфлама. Энди, мояна камайса керак.

Дора қулоқ солар, бироқ, эри айтиётган сўзларниг  
маъноси унинг онгига бориб етмас эди. У ҳеч қачон бе-  
корга сарфламайди. Токчадаги пул бўлса кувачага со-  
линиб, яхшилаб бекитиб қўйилгай.

— Балки, ишдан бўшатиб юборарлар.

Юстин Бартек билан қилган суҳбатини такрорламоқ-  
чи бўлар эди. Бу нарсалар тўғрисида гапириш унга за-  
вқли эканлигини гарчи у билса ҳам, Дора бу гаплардан  
ҳеч нарса тушунмайди. Ахир Юстин оламни кезиб чиқ-  
ди-ку, кишиларни таниди, кўпдан-кўп нарсалар кўрди,  
Дора бўлса, уйда ўтириди, жўякларни чопди ва сигирга

қаради. Юстин катта шаҳардан келган, у Доранинг эри эди. Шунинг учун ҳам у билан фахрланар эди.

— Нима учун сени бўшатишлари мумкин?

Ҳақиқатан ҳам нега бўшатишади? деган савол ўз-ўзидаи туғилар эди

— Афтидан, иш ташласак керак.

Аммо, бу тушунтириш ҳам ёрдам бермади. Иш ташласак керак? Бу нима дегани? Йекин, Юстин: «иш ташлаймиз» дейди, унинг овози ёнаётган қорамой сингари қуюлиб чиқади, унинг сўзлари мустаҳкам занжирдек, Дора онгсиз равишда сахий, қучли Юстинни, ҳозир қандайдир одатдан ташқари ҳақиқатни айтаётганини ҳис қилди.

У эрини бағрига босиб, соchlарини силади. Шу рашнча узоқ вақт жим ётишди, тун эса бир дам ҳам тўхтамай аста ўтмоқда эди.

Кейинги вақтларда кечалари юрагини ўртаётган жўшқин аланса, ҳаяжонлантирган қон, беҳуда ҳисснётлар бирданига сўнди. Мана у, Юстин,— Доранинг қўли унинг бошида, бу бошда оғир ҳаққоний фикр йўл ахтарди; жўш уради; Дора бу фикрнинг йўлини тўса олмайди.

Юстин...

Юстиннинг айтганларидан у ҳеч нарса тушунмади. Нотаниш ҳисснёт борлигини эгаллаб олди ва қалбини олиб кетди, гунафша ранг тун қоронғиси унинг юзларидаги мағрур ўтни яширди. Дорани мудроқ босиб, унинг кўзларини уйқу қисиб кела бошлаганда, Юстин ўз ҳақиқатини оҳиригача ўйлади, шунда у Дора баданинг ҳаяжонлантирувчи ҳидларини пайқади. У қайнок нафас олар экан, ўзининг улкан, забардаст қўллари билан оҳистагина, озор бермай қучди. Тун эҳтирос тўлқинлари билан кўтарила-кўтарила, Доранинг катта очилган кўзларida кўпирган деңгиз каби жилваланиб, ўз йўлидан сузар эди.

Кечқурин, ишдан сўнг ҳориган ишчилар баракда уй-қуга бош қўйгач, Бартек Юстин билан шаҳарга қараб йўл олди.

Қоп-қора биполар деңгизи устида қип-қизил осмон ёнимоқда эди. Оғир ҳаво тўхтовсиз меҳнат сурони билан тўлган. Острава заводларнинг ис босган ўпкаси билан нафас олмоқда эди. Иш жуда қизғин бормоқда. Пилч-

пилч лой бўлиб кетган қишлоқаро йўллар бошидан охиргача худди электр лампочкаларидан ташкил топган тасбиҳлардек ёрқин нуқталар билан порлар эди; шаҳар маркази жуда катта витриналарнинг чироқлари билан яшишар эди. Ёниб турган баҳайбат кўзли автомобиллар муюлишларда сигнал берар, ўрмондан ўтиб бораётган сингир каби кишилар орасидан ёриб ўтиб, ҳайқириқ солиб кетаётган трамвайларни орқада қолдириб кетар эдилар.

Бартек билан Юстин қоронги бинонинг тўртинчи қаватига чиқиншиди. Зинапоянишг қоп-қора пиллапоячалари бўйлаб юқорига ва пастга одамлар чопмоқда эди. Юстин буларнишг бирортасини ҳам танимас эди.

Унча катта бўлмаган хонада одамлар арzon тамакининг қиоқ тутуши орасидан аранг ўтар эди. Бу срда эркаклар ҳам, хотишлар ҳам, ёшлар ҳам бор эди; уларнинг ҳаммаси бақиришар, кулишар, тўда-тўда бўлиб тўпланишар, бир-бирларига нималарнидир исбот этишар эди. Полкалар китоб ва қофозлар билан тўлиб кетган, газета ва қофозлар полда чочилиб ётар эди; усти қофозга тўлиб кетган ёзув столи ёнида трубка чекаётган ва машинисткага диққат билан ниманидир диктовка қилаётган кишининг қирдирилган боси ярқирар эди.

Бартек унинг олдига келди:

— Мен, ҳамда мана бу Қанис, биз иш ташлаш тўғрисида...

— Яхши, бир минутча кутиш,— деб жавоб берди у; унинг елкалари кўйлак остида қимиirlаб кетди ва машинка яна шақиришар қила бошлади. Машинка ёнида кимдир: хотинми, қизми, биттаси ўтирадар эди. Калта сочлари, клавишларни ураётган қўлларнинг тез-тез ҳаракатидан тўзғиб кетган, фақатгина ра-та-та, ра-та-та овозларигина эшитилар эди.

Иш тамом бўлди.

— Словаклар ҳам иш ташлаш тарафдорими?

— Ҳа.

— Бутун барак-а?

— Бутуниси.

— Штрейкбрехерлар бўлмайдими?

Бу савол Бартекка кор қилди, у бундай саволни кутмаган эди. Унинг эсига Кубала тушди.

«Мен иш ташлашга қаршиман», деган эди у. Лекин Кубалани бошқалар койигач, у ҳам рози бўлган эди-ку.

· Бартек:— Бўлмайди... Ҳа, борди-ю битта-яримта чиқиб қолса... Бу энди роль ўйнамайди деди.

Сочи қирилган киши унга ўтқир кўзи билан қаради.

— Ўйнамайдими?.. Йўқ, ўйнайди! Бу ёмон нарса. Бундайларнинг бўлмаслиги учун ҳаракат қилиш керак. Бирор одам союзда борми?

— Мендан бошқа... ҳеч ким йўқ,

— Биламан,— деди сочи қирилган киши, бу гапдан Бартекнинг бутун танасига иссиқ югурди: у союз аъзоси, уни билишади, унга ишонишлари мумкин, у ёлғиз эмас.

Юстин, нима тўғрисида гаплашилган бўлса, ҳаммасини эшилди, аммо, унинг кўзлари хонада эди. Мана деворда карталар, плакатлар, газеталардан кесиб олишган бўлаклар, улар устида портрет турибди.. Чўққи соқолли, ялтироқ бош киши хонадаги кул ранг тутун булатлари орасидан қулиб турибди, баҳслашаётган, шовқин-сурон кўтариб бақиришаётган тўда-тўда кишиларга қараб турибди, унинг юзида босиқ жилмайиш, у бир кўзи билан кўрмоқда, бошқа кўзини эса айёларча сузмоқла эди.

Хотин машинкадан бошини кўтариб қаради, унинг кўзлари Юстинга тикилиб қолди. У жувоннинг унча кўркам бўлмаган юзини, сепкил тўла, буришганроқ бурнини, гўё устара билан кесилган ва сира қони қолмагандек ингичка лабларини кўрди. Фақат кўзлари... Кўзлари ажралиб турар эди. Бу кўзларда нималар яшириниб ётганини? Худди қирғоққа урилувчи шовқинли тўлқин Юстиннинг заниф онгини босиб кетаётгандек эди. Жувон унга қаради, у ўзини гўё иккита тош билан пешонасига урганларидек ҳис қилди.

Улар кўчага чиқиши, Юстин чурқ этмас эди. Бу ҳол Бартекни ажаблантирди.

— Ошиқ кишидек... нега индамайсан?— деб кулиб қўйди у.

— Машинка ёнида ўтирган... жувон ким эди?

— Ҳа демак, топдим, бу ишга хотин киши юбкаси аралашган!— деди ва кенг кафти билан ёнига уриб хохолаб кулди Бартек, кейин жиддий тус олди:— Ҳа, ўртоқ, бундайлар кам. Ахир бизнинг хотинлардан шундайларни тарбиялаб бўладими? У бўлса... ахир у ҳам оддий ишчи эди. Хотин-қизлар орасида агитация олиб бо-

рарди, сўзга чиқар эди... ҳамма фабрикалардан ҳай-  
лаб юбордилар. Ї машинада ишлар ва бошқа ҳунар-  
ларни ўрганиш учун ҳам ўқир эди... Нималарни бил-  
майди у!

Бартек шаҳарда қолди, Юстин эса уйга кетди. Унинг  
бўшига қандайдир бир фикр жойлашиб олган, бу фикр-  
нинг учини ушлаб ололмас, бироқ, уни кафтидаги қа-  
лоқдек бутун вужуди билан ҳис этар эди... У шундай  
тилдабда қолгач, ўзини заиф ҳис қиласр ва мавж уриб  
оқаётгани ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши ва йўналишини  
белгилаб олиши учун ҳатто ҳасни ҳам тополмаган эди.

Баррак олдида унинг йўлини ёпиқ эшик олдида туриб  
олган иссиқ нафасни одамининг сояси тўёди.— У икки  
қўлини ёйиб;

— Киргизмайман!— деди ва эҳтирос билан нафасини  
унинг юзига пуллади.

Тушга ўхаш бу ҳолатдан ўзига келган Юстин Гре-  
тани ушлаб, нафррат ҳисси билан қўлларини шундай бур-  
дикп, у додлаб юборди; кейин, уни итариб юбориш учун  
ғазаб билан елкасидан ушлади.

Шу пайт эшик очилиб, оstonада Кубала кўринди. Ку-  
бала ажабланганидан ҳуштак чалиб юборди ва даҳлиз-  
га қайтди-да, заҳарханда билан хохолаб даҳлизни боши-  
га кўтариб чиқиб кетди.

Боқипалар кўкламги сув тошқинлари каби шидлат би-  
лаш кетма-кет келаверди. Жума куни шудан кейин ҳали  
совимаган печларнинг ишчилари оломон бўлиб, лой  
қўллари билан ҳовлига чиққанида, гўё шамолнинг куч-  
ли зарбаси кутилмаган ҳолда бирданига уларни тўх-  
татди. Лекин, у шамол эмас эди, у оломонга айтилган  
қудратли овоз эди.

— Ўртоқлар! Ишчилар!

Тахлаб қўйилган тахталар устида енгил пальто ки-  
йиб, сочи қирилгац киши турар эди, унинг қўллари тез-  
тез ҳаракат қилганидан, пальтосининг этаклари ҳил-  
пирап эди.

— Агар сизларни урсалар, сиз ўзингизни ҳимоя қи-  
лишингиз керак! Агар нонингизни туя қилмоқчи бўлса-  
лар, сиз ҳақингизни бермаслигингиз керак!

Ишчилар унинг сўзларини иштиёқ билан тинглар  
эдилар, қора оломон устида эсган шамол эса, унинг сўз-  
ларини худди қизиган қумдек кишиларнинг юзига кел-  
тириб урар эди. Қуюқлашаётган қоронғиликда «иш гаш-

лаш» сўзи эштилар ва ишчиларнинг кўзларида учқунлар ёнар эди. Узига йўл қидираётган фикрлар, бу минутларда ғазабли куч билан юзага чиқар эди.

— Иш ташлаш керак!

— Дарҳол тайёрланилсин! Стачка комитети сайланисин! — Сочи қирилган сўзини тамомлади. Унинг ёнида қаёқдандир кўкимтири кўзлар пайдо бўлди, у гўё кескин қараши билан оломонни ушлаб турарди, худди устара билан кесилгандек, қонсиз, юпқа лабларидан эса хотинларчинг бошига жўшқин чақириқлар ёғилар эди.

Юстинни қандайдир иссиқ ҳис қуршаб олди. У иккаласини ҳам таниди.

— Ишчи хотинлар, нон топиш қандай оғирлигини ҳаммадаи кўра яхшироқ биласизлар. Уни ҳимоя қилингиз! Очликдан болаларингиз йиғлаётганини унумтани!

Ишчилар оломонини бир қарашда кўрмоқ учун аёл мумкин қадар баланд кўтарилди ва тўдага қараб алангали сўзлар айтди:

— Оилангизни унумтани! Болаларингизни бир парча нони учун курашинги!

Ҳамма чурқ этмай, қимирамай, худди бири-бирига ёпишиб қотиб қолгандек турар эди. Лекин, ҳар бирининг ич-ичида аланга кўтарилмоқда эди. Шаҳар устини боғсан фира-шира қоронфиликини домна печларининг оловлари кесиб ўтгач, ғазаб ва қарор билан илҳомланган оломон тарқалди.

Юстин Бартек билан бирга стачка комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Воқиалар оқими ичиди ўралган, илгари ўзи билмаган ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган Юстин, бутун қалби билан ўзи устида пайдо бўлган бўйонга берилди.

Шанба кунги мояна ишчилар учун зарба бўлди. Контора ғазабли овозлардан ларзага келди. Шу шовқин-суроннинг устида: «Иш ташлаш керак!» деган жанговар сўз пайдо бўлди.

Бу сафар Юстин комитет аъзоси бўлганидан уйига бора олмади: душанба куни кураш бошланар эди...

Дора Юстинни йўлда кутиб турганда, Кубала қадам ташлаб борар эди. Ў, ҷчиғидан қўлларини пахса қилиб, сўқинар ва лаънатлар ўқир эди. У бошланган иш ташлашдан норози эди. Фақат қиши яқинлашашётганини, иш ҳақини олишга шошилниш кераклигини биларди. Иш ҳақи камайса нима қилибди, илгаригидан бир оз кўпроқ

Хафта ўртасида бўлиб ўтган умумий йиғиндан кейин, ишчиларнинг руҳи кўтарилди.

Завод олдини қанчадан-қанча одамлар қораси тўлдирган эди. Жандармлардан учтаси ҳаяжон билан тўда олдида чопар ва бақирав эди:

— Тарқалинглар! Ҳеч қанақа йиғин ва митингга йўл кўйилмайди! Тақиқланган!

Жиддий қарорга келгани кишилар пўлат девордек жим турар эдилар. Ҳавода бўрон аломатлари кўринар эди. Жимлик қандайdir моддий нарсадек бўлиб сезилар ва ботқоққа айланган кўлга ўхшар, оғиздан чиқсан ҳар бир сўз қатъий ва таъсиранчан эди.

Соч-соқолини қирдирган киши кутилмаганда ана шу жимлик кўлнинг қирғонига кўтарилиб, гапира бошлади. «Қаёқдан келиб қолдийкин у?» деб ўйлади Юстин. У ишчиларни чидамли бўлишга чақирди. Лекин, бу гап ортиқчадек туюлар — улар шундай ҳам девор каби турар эдилар; у бўлса штрейкбрехерларни хоинлар сифатида фош қилиб, уларнинг бошига лаънат тошлари ёғидирди. Одамлар худди ўрмондек гувиллар, қандайdir шамолга, ўзи билан дўл олиб келаётган улкан сарғиш пушти булутга ўхшар эдилар.

Жандармлардан бири югуриб заводга кириб кетди.

Тез орада у ердан бутун бир взвод чиқди. Оломон олдида узундан-узоқ занжир бўлиб чўзилди, ва қуюқ ҳавода:

— Оёклар ростлансан! — деган команда эшишилди.

Милтиқлар шақир-шукур қилди, оломон ҳаяжонга келди, бироқ, оломон қошида ҳамон ўзининг оташин сўзлари билан тош юрак жандармларни савалаб, қўлларини дадил-дадил пахса қилиб, ҳалиги тўладан келгач ёш киши турар эди:

— Йиғин қилиш хуқуқига эга бўлишимиз учун... куршайлик!

Яна команда берилди — жандармлар найзаларини ўқтаб, оломон томон юрдилар. Оломон орасидан биттагимта одамнинг сўкиниши эшишилди, бироқ, оломон тўзгимади, балки худди қуюқ қора мойдек аста-секин, ҳар томонга ёйила бошлада.

Бирданига тошлар уюми устида хотин кишининг гавдаси қад кўтарди.

— Ҳа, у анови, ўша кўзлари...  
Юстин жойида қотиб қолди, ҳатто нафаси бўғил-

— Бардош берингиз!... Тарқалмангиз! Бугун бизнинг сўзимиз эшитилиши керак!

Яна бақириқлар бўрони эшитилди:

— Бўи келманг! Оч хотинларигиз... ҳамма сизларнинг курашингизга қараб турибди!

Оломоннинг ҳаракати билан қизишиб кетган Юстин бирданига ўз Дораси ҳақида ўйлади. Дора бу тўғрида ҳеч нарса билмайди, у бу ерда бўлаётган нарсаларнинг ҳаммасига ўзи учун ёт нарсадек қарайди,— Юстиннинг ўзи ҳам яқингинада шундай қарап эди...

Лекин, охиригача ўйлаш учун вақт этишмас эди.

Жандармлар зўр бериб ҳайдашга уринаётган қора кишилар оломони тобора силжир эди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда иотиқлар, иш ташлаш комитетининг аъзолари пайдо бўлар, оломонга жўшқин шиорлар отар эдилар. Қуюқлашаётган қоронгида Остравадаги бошқа завод ишчиларининг яқдиллик билан маъқуллашлари ва хурсандлиги, ҳаяжони гуриллаб эшитилар эди:

— Биз пул тўплаш эълон қилдик! Биз сизлар билан!

Юстин ёнаётган машъал каби олов бўлиб кетган эди. Мана, курашга отландилар... биз якка эмасмиз. Уни фахрланиш, куч ва қатъият ҳисси қуршади.

Чеккага суриб қўйилган шовқинли оломон, бир жойдан иккинчи жойга ўтарди. Витковицк заводлари темир ўпкасининг суронли нафаси билан тўлиб тошган қонли тун, биринчи шабнами билан бирга ҳаяжонланаётган ер устига ёпирилди..

Иккинчи куни атиги учта штрейкбрехер ишлади.

Совуқлар бошланиши таҳди迪 завод маъмуриятини қийин аҳволга солиб қўйди. Ёпишқоқ сариқ балчиққа ҳали белкурак ботириш мумкин бўлган шу кунларда ишларни тамомлаш, буюртмаларни бажариш керак эди. Совуқ бошланиб қолса — бутун завод тўхтар эди.

Ишчиларнинг руҳи мағрур қизил байроқдек ҳамон кўтарилимоқда эди. Яна иккى штрейкбрехер ишни тўхтатди. Узоқ қишлоқларга янги штрейкбрехерлар тўплаш учун борган агентлар қуруқ қўл билан қайтдилар.

Қоп-қора ҳўмрайган булатлар совуқ ва қорнинг эрта тушишидан дарар берар эди...

Ҳафтанинг охирги кунида завод дарвозаларида опоқ, ҳамма жиҳатдан янги эълон пайдо бўлди:

«Завод маъмурияти ишчиларга шуни маълум қила-

дики, душанба куни ишлар эски шартлар билан қайтадан бошлаб юборилади. Мөхнат ва иш ҳақи шартлариини узил-кесил расмийлаштириш түғрисида маъмурият музокаралар бошлашга тайёр...»

Самимий кулгиларда мустаҳкам тишлилар ярқиради, ишчи қўллари баланд кўтарилди.

— Ўртоқлар!

Юстин ўша куниёқ уйига жўнади.

Шу куни тушдан олдинроқ, қишлоқ бўйлаб овоза тарқалди:

— Контрабандачиларни ушлаб олибдилар! Қаранглар, Канис чолни ҳам улар билан бирга олиб кетишяпти!

Кеч тушганда, Дора йўлга чиқиб, эрини пойлаб турар эди. Қора крест тўрт томонга тортилгандек қоронги осмон фонида кеккайиб турарди; осмонда шамол изғир ва қуюн бўлиб гувиллар эди. Сабрсизлик Дорани олға судрар, қалбига яқинда шунча заҳмат етказган Кубаланинг сўзлари оёқларни чалғитар ва қадамларини тўхтатар эди. Юстин нима деркин? Бирданига у ўзни шундай ҳис қилдики, гўё унинг устига оғир тош, оғир айб ёпирилди. У Канисовани эслади, унинг жасади устида ҳатто йиғламаган ҳам эди, бугун бўлса жандармлар чолни ҳам контрабандачилар билан бирга олиб кетдилар... Уй бўшаб қолди. Улар Юстин билан ёлғиз ўзлари яшайдилар. У қанчалар зориқиб кутган пайт келди. Лекин, буларни нима кераги бор, агар Юстин...

Крестдан анча узоқда, ялангликдаги тош аралаш йўлда улар учрашдилар.

У Дорани қучди, шодланиб кўтарди ва ўт ҳидлари келиб турган ҳавода уни гир айлантириди.

— Жуда очилиб кетибсан!..

Дора аранг руҳини ўзгартириб, ажабланганидан кўзларини катта-катта очди.

— Дора, менинг Дорам!.. Биз ғалаба қилдик!

Унинг кўзларида қувонч ёнарди, овози жўшқин ва самимий оҳанг билан эшитиларди. У иш ташлаш ҳақида Доранинг ҳеч нарса билмаслигини, у иш ташлаш ималигини умуман билмаслигини мутлақо унтиб қўйиб, курашлари ҳақида чала-чулла ҳикоя қила бошлади: қора оломоннинг гурунги жандарм миљтиқлариниит

шақириш-шуқури, унинг: «Биз билан бирга хотин-қизлар ҳам иш ташладилар» деган сўзларида эшигилгандек бўлар эди.

— Сен ҳали хотин-қизлар нима дейишаётганлигини эшиганинг йўқми? — деб сўради Юстин, ҳис-туйгулари ошиб-тошиб кетган бир пайтда, гарчи, бу савол ортиқча эканлигини билса ҳам.— Эҳ у ерда биттаси бор эди... ҳатто уни тасвирлаб бера олмайман... Шундайки...

«Аҳа, гуллай бошладн»— деб ўйлади у ва деди:

— Биламан, қанақалигини... Кубала айтиб берди.

Юстин бу номни эшигандага аъзойи бадани ларзага келди, ҳатто ғазаб ўтида унинг овози зўр-базўр чиқди:

— Қачон айтди? Нима деди?

— Бир ҳафта бўлди. У билан қучоқлашиб турганингни кўрибди.

Дора бу сўзларни айтганидан кейингина ўзига бутун бир ҳафта азоб берган бу алам ҳақида индамаслик лозимлигини англади. У йиғлаб юборди.

Юстин олдида гўё ер ёрилиб кетгандек бўлди. Унинг кўз олди қоронғилашиб кетди. У ҳаракатсиз кўзлари билан йўл ўртасида тўхтаб қолди, кўзлари темирчининг сандонидек учқунланар эди. У уҳ тортди:

— Кубала?.. Аnavи ўша... ўша — ...у сўз тополмади. Faқат бармоқлари ёзилар ва яна қаттиқроқ мушт бўларди, бу муштлар ҳамма нарсани емириб, даҳшатли ғазаб ўтида парчалаб ташлагудек бўлар эди.

Шамол уларнинг оғингига келиб урилар, бўм-бўш яланглик устларини ялаб ўтар, уйга ҳайдар эди. Дора Юстинни бу равишда сира кўрмаган эди — иш ташлаш ҳақида, Кубала тўғрисида, жандармлар ҳақида, бошқалар билан бирга тайёрлаб ўтказишган ва ўзи ҳам қатнашган йиғинлар тўғрисида қизғин гапириб берди. Унинг ҳикояси жангчининг биринчи жангги ҳақидаги эсдалилдек бўлиб жаранглар эди. Бунда қандайдир буюк, қатъий, мустаҳкам ҳис ифодаланаар эди. Дора олдида воқиаларнинг ноаниқ манзаралари гавдаланаар, ўша ишчи аёлларни, ўша хотинни... ўшани, Юстин шу қадар завқланиб гапирган ва унинг қиёфасини бу ерга, ана шу тош аралаш ерга, пастқам ўрмонга, яшаш ва ўлиш шу қадар оғир бўлган, ҳавоси бузук уйчаларга олиб келган хотин образини кўрар эди. Ҳатто уйда улар стол ёнида ўтирганларида ҳам, Дора ҳалигача ўзини Юстин қучо-

ғида, унинг забардаст қўлларида қон билан бирга қай-наётгандек, нотаниш хотин хоинларни шарманда қилиб айтган ўтли сўзларининг акс садосидаги каби иссиқ қонлар ичida ҳис қилар эди. У ҳам ўша хотиндан миннатдор эди.

Юстин қандай яхши! Юстин жуда ўзгариб кетибди!

Дора унга контрабандачилар билан бирга олиб кетилган отаси тўғрисида гапирганида, у унча ҷажабланмади.

— Мана, агар мени кеча қамаганларида... бу бутунлай бошқа иш бўлар эди!

Кейин у ҳамма нарсани аниқлаб олиш ниятида узоқ вақт ўйлади, ниҳоят ҳар бир сўзни чамалаб кўриб, деди:

— Бу нарсаларни ҳаммаси турмушнинг, яшашнинг күн сайин оғирлашаётгани туфайли рўй бермоқда.

Дора тушуммади.

— Бирорвлар ўз аламларини спиртдан олмоқдалар... биз бўлсак курашдик. Бу яхши. Шундай бўлмоғи керак!

Бу сўзларни айтаркан, у туриб кетди ва Дора олдида теракдек қад кўтарди.

У шундай терак эдикни, уни ҳеч қандай куч эга олмас эди, фақат яшингини ўласи қилиб йиқитиши мумкин эди, холос.

1930.



# **БИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР**



## МАРТИН КУКУЧИН

Мартин Кукучин (Матей Бенцур) 1860 йилда деҳқон оиласида туғилди. 1881 йилгача туғилган қишлоғида ўқитувчиллик қилди. 1885 йилдан 1893 йилгача Прагада медицинани ўрганди. Шундан кейин Далмацияда, Жанубий Америкада яшади ва 1922 йилдагина ватаниниң қайтди. 1928 йилда вафот этди.

Адабий фаолиятини 1883 йилда бошлади. Прагада рус адабиетиниң (Гоголини, Тургеневни, Гончаровни, Толстойни) жиддий развишда ўрганди, чех адабиети ва санъатининг прогрессив арбоблари билан дўстлашди, ўзининг: «Соялар ва ёруғлик», (1887), «Подковицк балида» (1891), «Мишо» (1892) ва бошқа энг яхши ҳикоялариниң ёзди. Далмация деҳқонларининг ҳаётиниң кўзга кўринган «Жарликдаги уй» (1904) деган романи учун тема бўлди. «Она чақирмоқда» деган беш томли романи (1926—1927) Жанубий Америкадаги югослав эмигрантларининг ҳаётига бағишиланган. Ёзувчининиң вафотидан сўнг, унинг яна иккита романи босилиб чиқди, бу романлар учун XIX аср ўрталарида Словакияда бўлиб ўтган ҳақиқий тарихий воқиалар асос бўлди.

«Қишлоқ романни» деган ҳикоя (1910, Харьков) ва «Dies irae», повести (1953, Москва) рус тилига таржима қилинган.

## ТИМРАВА

Тимрава (Божена Сланчикова) 1867 йилда қишлоқ руҳонийси оиласида туғилди. Деярли бутун умрини қишлоқда ўтказди, 1951 йилда вафот этди.

Асарлари 1896 йилда босила бошлади. Кўпчилик адабий асарлари деҳқонлар ҳаётига ва қишлоқ интеллигентиясининг ҳаётига доир матерналлар асосида ёзилди («Ёрдамчи» 1896, «Тажриба», 1902, «Тяпаклар» 1907 ва ҳоказо). Унинг «Арафада» (1922), «Пал Рончакининг ўлими» (1922) новеллаларида ва «Қаҳрамонлар» (1928) ва «Ҳамма ҳалқ тарафдори» (1930) повестларида австрания-венгрия мон-

шархииясидаги тартиблар фоши этилади. «Иккى давр», ва «Тошқин» ҳикоялари биринчи жаҳон уруши воқиаларини, ҳамда буржуа Чехословакиясидаги воқелинни акс этилди.

Халқ-демократик Чехословакиясида ёзувчига Халқ санъаткори деган юксак узвон берилган.

«Тяпаклар» ҳикоясининг 1953 йилда рус тилидаги таржимаси Сосиалиб чиқди.

#### И О З Е Ф Г Р Е Г О Р - Т А Й О В С К И І

Тайовский (Йозеф Грекор) 1874 йилда ҳунарманд оиласида туғилди. Үқитувчилик қилди. Прагадаги Чехословакия савдо академиясини тамомлаганидан кейин (1900) чиновник бўлиб хизмат қилди. Биринчи жаҳон уруши вақтида 1915 йилда руслар томонига ўтди. 1939 йили Тайовский Словакияшиниң Чехиядан ажралишига, фашистларининг «Словакия давлати» ташкил этишига кескин рашида қарши чиқди. У 1940 йилда вафот этди.

Адабий фаолиятини халқ фольклорини тўпловчи сифатида бошлиди, кейин деҳқонлар ҳаётидан қишлоқ интеллигенцияси ва пролетариат ҳаётидан очерклар, ҳикоялар ёзди. Прагада яшаган даврида чех адабий доиралари билан яқиндан алоқа қилди, Толстой, Чехов, Горький ижоди билан танишди. Бир неча ҳикоя тўпламлари: «Ҳикоялар» (1900), «Фамгин мотивлар» (1906) ва бошқа асарлари босиб чиқарилди. Шу даврда «Глас» журнали теварагига тўплангани словак буржуа интеллигентлари — «глассчилар»га қўшилди. Тайовский томонидан бир неча пьеса: «Хотинлар қонуни» (1901), «Яиги ҳаёт» (1901) ва Словакияда кенг танилган бошқа асарлар ёзилди.

1953 йилда Тайовскийнинг «Мацо Млеч», «Пуосткова буви», «Нон учун» ва «Машаққатли ризқ» деган ҳикоялари рус тилига таржима қилинди.

#### Я Н К О Е С Е Н С К И І

Янко Есенский 1874 йилда Мартинда туғилди. Касби адвокат. Биринчи жаҳон уруши даврида руслар томонига ўтди. Ватанинига қайтиши билан давлат аппаратида юксак расмий вазифаларни эгаллади. 1938—1939 йиллардаги воқиаларда фашистларга қарши позиция тутди. Халқ-демократик Чехословакиясида Есенскийга Халқ санъаткори деган узвон берилди. 1945 йилда вафот этди. Вафотидан кейин I-даражада Словакия миллий қўзғолони ордени билан мукофотланди.

Унинг биринчи лирик шеърлар тўплами 1905 йилда чиққан, иккинчи «Асирикдан» деган тўплами 1917 йилда, 1931 йилда — «Бўғондан кейин» ва бошқа тўпламлари чиқди. Провинциал буржуазия

ҳаётидан олиб ёзилган сатирик ҳикоялар тўпламлари турли даврда: «Провинция ҳикоялари» 1913 йилда, «Эски замонлардан» — 1935 йилда майдонга чиқди. Буржуа Чехословакиясининг бюрократик тузумига сатира бўлган икки томлик «Демократлар» (1934—1937) романни Есенский ижодиётининг чўққисидир. Словакияда фашист режими ўриатилган даврда (1939—1944) Есенский фашистларга қарши ватанпарварлик руҳи билан суғорилган шеърлар циклини ёди. Бу шерлар фақат 1945 йилдагина матбуотга чиқди. Есенский рус тилини яхши билар эди. У Пушкин асарларини — (шу жумладан «Евгений Онегин» ва «Мис чавандоз» поэмаларини), Лермонтов, Блок, Есенин ва бошقا рус шоирларининг асарларини таржима қилиди.

1909 йилда Я. Есенскийнинг бир неча шеърлари (тарж. И. Ноевич) 1953 йилда — «Рафиков хоним» ва «Қўрқинч» ҳикоялари рус тилига таржима қилинди.

#### П Е Т Е Р И Л Е М Н И Ц К И Й

Петер Илемницкий — пролетар ёзувчи, словакия адабиётидаги социалистик реализм асосчисидир. У 1901 йилда Кишперкда (Шимолий Чехия), машинист оиласида туғилди. 1926 йилгача Словакия қишлоқларида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1922 йилда Чехословакия Коммунистик партияси сафига кирди. 1926—1928 йилларда СССРда яшади, Москвада журналистика институтида ўқиди, ВКП(б) аъзолигига қабул қилинди. 20—30 йиллар охиirlарида коммунистик матбуотда актив қатишади. 1942 йилда уни гестапо тутиб олиб, концлагерга ташлади. Чехословакия озод қилингандан кейин Словакия миллий кенгашининг аъзоси қилиб сайланди; ҳаётининг охирги йилида Чехословакия Республикасининг СССРдаги маданий атташеси бўлиб ишлади. 1949 йилда вафот этди.

Илемницкий биринчи: «Галабали қулаш» романни (1929), «Қайтиш» (1930), «Илиқ шамол» (1930) асарларинадақ мөхнаткашларни социал озодликка чиқариш йўлидаги актив курашчи сифагида майдонга чиқди. П. Илемницкий Совет Иттилоқида бўлганидаги таассурутларини, «Советлар мамлакатида икки йил» (1929) деган репортажлар китобида ва «Гурсилловчи қадам» романинида (1930) тасвирлади. 1932 йилда «Ҳайдалмаган дала» романни пайдо бўлди, унинг кетидан: «Бир чақмоқ қанд» (1934), «Компас бизга қараган» (1937) деган асарлари чиқди.

1944 йилда Словакияда фашизмга қарши кўтарилган ҳалқ қўзғолони ҳақида ҳикоя қивлувчи «Хроника» романни 1947 йилда босиб чиқарилди.

1949 йилда Илеминецкийга, вафотидаи кейин, Чехословакиянинг  
Халқ санъаткори деган узвон берилди.

П. Илеминецкийнинг «Илиқ шамол» (1934 ва 1953), «Ҳайдалмаган  
дала» (1936 ва 1955), «Хроника» (1948), «Бир чақмоқ қанд»  
(1952), «Қайтиш» (1953), «Шашачилар» (1953 йилда) асарлари қай-  
та-қайта рус тилига таржима қилиниди.

Ю. Богданов.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Сўз боши.</b> Ю. Богданов . . . . .	<b>3</b>
<b>Мартин Кукучин</b>	
<b>Кишлoк романы . . . . .</b>	<b>9</b>
<b>Тимрава</b>	
<b>Тянаклар . . . . .</b>	<b>37</b>
<b>Йозеф Грегор-Тайловский</b>	
<b>Пуосткова буви . . . . .</b>	<b>78</b>
<b>Машаққатли ризқ . . . . .</b>	<b>88</b>
<b>Янко Есенский</b>	
<b>Рафикова хоним . . . . .</b>	<b>95</b>
<b>Петер Илемницкий</b>	
<b>Қайтиш . . . . .</b>	<b>123</b>
<b>Илиқ шамол . . . . .</b>	<b>149</b>
<b>Биографик маълумотлар . . . . .</b>	<b>177</b>

БИБЛИОГР.

РНБ № 38292.

196

На узбекском языке

СЛОВАЦКИЕ РАССКАЗЫ

Гослитиздат УзССР — 1959 — Ташкент

Редактор М. Муслимов  
Рассом С. Мальт, Е. Ведикал  
Рассом редактори Г. Бедарев  
Техник. редактор Л. Ильина  
Корректор Н. Содиков

\* \* \*

Босмахонага берилди 13.V 1959 й.  
Боснинга руҳсат этилди 26.VI 1959 й.  
Формати 84×108<sup>1/2</sup>. Босма л.5,75.  
Шартли босма л. 9,43. Нашр. л. 9,7.  
Индекс б/а Тиражи 15000.  
Ташкент, Навоий кӯчаси, 30.  
Шартнома № 309—57.

\* \* \*

УзССР Маданият министрилиги Ўзглав-  
иэлатининг 1-босмахонаси, Тошкент,  
Ҳамза кӯчаси, 21. 1959 й. Заказ № 916.  
Баҳоси 4 с. 85 т.

12